



МИРТЕМИР

Асарлар

ТЎРТ ЖИЛДЛИК

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1981

МИРТЕМИР

Асарлар

ИККИНЧИ ЖИЛД

ШЕЪРЛАР

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1981

Таҳрир ҳайъати:

К. ЯШИН, ЗУЛФИЯ, МИРМУҲСИН, Б. БОЙҚОБИЛОВ,
И. ҒАФУРОВ, М. ТУРСУНОВ

Нашрга тайёрловчи
НАИМ ҚАРИМОВ

Миртемир.

Асарлар: 4 жилдлик / Таҳрир ҳайъати: К. Яшин ва бошқ.— Т.,
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.—
2-жилд. Шеърлар. 376 б.

Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг тўрт жилдлик «Асарлар»и нашр этил-
моқда. Ушбу 2- жилдга 1961—77-йилларда ёзилган шеърлар киритилди. Бу асар-
ларда замондошларимизнинг зарбдор меҳнати, севгиси, орзу-интилишлари улуғла-
нади, коммунистик эътиқоди тараннум этилади.

Миртемир. Сочинения. В 4-х т. Т. 2. Стихотворения.

Ўз2

М $\frac{70403 - 42}{М352(04) - 81}$ 42 — 81 4702057020

ШЕЪРЛАР



* * *

*Юрагимни севги чертган илк оқшом
Илк сатрим тушгандир қоғоз бетига.
Кексалик ҳам секин тўлдирмоқда жом,
Хаёл учар чексиз олам четига.*

*Майли, шу жомни ҳам ичай паймона,
Кексалик гаштини сурай то бекам.
Шеърларимда жилва қилсин замона,
Юртим мадҳи бўлсин сўнги сатрим ҳам...*

ҚОР ҚУМСАШ

...Олмаота атрофи — қорасондан қор...
 Чўққиларга ошдим, сойларга тушдим,
 Ез ойн кўкалам жойларга тушдим
 Неча-неча бор.
 Қор олдим қозоқнинг Олатоғидан,
 Олатоғ бағрида олма боғидан,
 Олмаота сойининг қуш қирғоғидан,
 Қорасондан қор...

* * *

Қиш-қишлигин қилса нетарди ахир,
 Соғингани билса нетарди ахир,
 Биз томон ҳам жилса нетарди ахир,
 Қандоқ сири бор!
 Узбек тупроғидан келдим тунов кун,
 Бизнинг далаларда ҳануз чанг-қуюн,
 Чанг босилмай ёғар ҳатто узун тун.
 Бу кимга даркор?

* * *

Бевақт ёғинлардан безор бизнинг юрт,
 Бевақт оқинлардан безор бизнинг юрт...
 Вақтида ёғсайди, дердим: кўзга сурт!
 Кўринай демайди қишнинг қораси.
 Қиш келди-ю, лекин қори келмади,
 Қиш ойининг кумуш ёри келмади,
 Қиш тонгининг жаранг тори келмади...
 Недир чораси!

* * *

Ўзбек тупроғидан келдим тунов кун,—
Она табиатга жуда юкиндим,
Она табиатдан жуда ўтиндим:
«Қор ёғдиргин,— дедим,— қалин қор ёғдир,
Қорли қиш гўзалу покиза, соғдир,
Қорли қиш гавҳардай ёрқин, бедоғдир.
Қорли қишдан аймоқ дили ҳам,
Яйлоқ дили ҳам
Ташна тупроқ дили ҳам чоғдир...
Қор ёғдиргин,— дедим,— қалин қор ёғдир!»

* * *

Қор, ахир, чиройлик баҳордан мужда,
Яхши баҳор эса — оқ қордан мужда...
Ернинг қат-қатига қор сингмас экан,
Қиш уйқусин олиб, ер тўнгмас экан...
Бобо деҳқон айтар — ер ўнгмас экан...
Собит оға деди: қордан ола кет,
Майли, самолётга озроқ сола кет,
Қорли қиш торини, майли чала кет!
Қуллуқ, дедим мен.
Озгина қор олдим сой қирғоғидан,
Озгина қор олдим олма боғидан,
Қор олдим Қозоқнинг Олатоғидан.
Хушвақт эдим мен.

* * *

Булутлар оралаб учар пўлат қуш,
Осмон юзи гўё уфқи оқ бир тўш,
Осмон қатларида тоғу тош кумуш,
Бунда қат-қат булут кезар беюмуш...
Пойтахтим устига келди самолёт,
Мен ҳалиги қорни сочиб юбордим,
Ерим ҳарорати эритдимикин,
Ҳовур бўлиб учди қор учқунлари,
Товур бўлиб учди қор учқунлари,
Ҳовурдан, қарасам, булут бўлибди,
Уша кун кечқурун шаҳрим устида,
Тупроғим, далаю наҳрим устида,
Сепалаб ёғишга тушди сал ёмғир,
Ёмғир кетидан-чи, тушди илк қор ҳам...

* * *

Олмаотадан илк қор келтиргандайман,
Ҳам чиройли баҳор келтиргандайман...

* * *

Қор, ахир, чиройли баҳор муждаси,
Тошқин сой, сув тўла анҳор муждаси,
Қор, ахир, ёруғ ёз куним муждаси,
Қор, ахир, қордай мўл унум муждаси,
Қор, ахир, мўлчилик ҳам тўкинчилик,
Қор, ахир, ўт-ўлан, ёғи бут илик...

* * *

Олмаотадан илк қор келтиргандайман...

Олмаота — Т ошкент

ОБОЙ — БОБОЙ

Ҳайкали ёнида

Олатов чўққисига қўнгандай ота бургут,
Олмаота ўртасида турибди у барҳаёт.

Гўё ҳамон элига сўйлар ҳикмат ва ўғит,
Ҳамон ўланлар тўқиб, ўқимоқда ўлмас зот.

Қозоқ ўз давронида ўтмишига дов солиб,
Асрининг қудрати-ю, ҳукмини юргизибди.
Қадим қора тупроқнинг теран қўйнидан олиб,
Шу юксак чўққисига типпа-тик турғизибди.

Ана у доим уйғоқ, манглайида ёруғлик,
Бургут кўзлари қарар парвоз кўзлаб осмонга.
Шоирона сиймо-ю, доҳиёна улуглик,
Кўз узмай рози боқар чексиз Қозоғистонга.

Ана янги шаҳарлар, кентлар, мўл-кўл қишлоқлар,
Ана қорли чўққилар, саноқсиз сурув, пода.
Ана сўнгсиз саҳролар, чамазорлар, яйловлар,
Тўш-тўшга учишади кумуш қушлар ҳавода.

Ана кон, бўз тупроқлар очмоқда не хазина,
Қозоқ, у армон қилмиш қозоқликка етмоқчи.
Билим қояларидан ошиб зинама-зина,
Табиат тилсимларин битталаб забт этмоқчи.

Қозоқнинг эртасига ишонади алп оқин,
Қозоқ йиғласа — йиғлаб, кулса — қаҳқаҳа урар.
Қозоғи ёруғ йўлда, коммуна асри яқин,
Қардошлар қаторидан қолмайди — аниқ кўрар.

Қор ёғар, жала қуяр ё довул солар ҳой-ҳой,
Аёзми, қайноқ ёзми ёки сулув, тўкин куз,
Ўз ўрнида, энг тўрда тик турар Обой — бобой,
Кўзларида гўёки акс этар ёруғ кундуз.

Олатов чўққисига қўнгандай полвон бургут,
Олмаота ўртасида турибди у барҳаёт.
Гўё ҳамон элига сўзлар ҳикмат ва ўғит,
Ҳамон ўланлар тўқиб, ўқимоқда ўлмас зот...

МУХТОР ОҒА МОТАМИДА

Йиғла, қозоқ юрти, кўз ёшингни тўк,
Айрилдинг карвоннинг бошида нордан.
Не нор, юксак учган тенгсиз шунқордан,
Тобути ёнида нор сингари чўк,
Айрилдинг Мухтордан...

Элининг алп ўғли, алп қозоқ ўғли,
Кўз юмди мангулик... оқ, ҳей кўз ёшим,
Оқаргин, эй, бевақт оқарган бошим,
Сеҳргар меҳнатнинг чўнг, уйғоқ ўғли,
Ҳам қандоқ ўғли!

Нечоғлик тинмағур, дадил нечоғлик,
Закоси ярқираб пешонасида,
Қаламқаш санъатнинг қошонасида
Қурди бир обида — тоғдай салмоқлик,
Нурлик, бўёқлик...

Йиғла!.. Йўқ, йиғлама — кўз ёшингни арт,
Фақат эртанинг ҳам қайғусини е,
Қалам тутганларга қараб дангал де:
Сен ҳам Мухтор каби тер тўкмоғинг шарт,
Бўлди алифбе!

**СОБИТ ОҒА ОЛТМИШ ЕШГА
ТЎЛГАНИДА ВА ТОШКЕНТГА ҚҰНОҚ БЎЛИБ
КЕЛГАНИДА АЙТГАНИМ**

Ҳазилроқ

Собит оға, бу гал ҳам
эриб кетсанг бўлмасми,
Бўзларингдан бир бўлак
бериб кетсанг бўлмасми,
Қўноқлик давронини
суриб кетсанг бўлмасми,
Хоразм ва Сурхонда
юриб кетсанг бўлмасми,
Фарғона боғларини
кўриб кетсанг бўлмасми?

Тошкентдами, Тўйтепа —
сенга улкан уй қилсак,
Ҳар йилингни бир китоб
ё ҳикматли куй қилсак,
Юз йилга тўлганингда
Самарқандда тўй қилсак,
Жаҳонга татигулик
шарафинг бўй-бўй қилсак,
Узумзорлар шарбатин
сўриб кетсанг бўлмасми?

Кетар бўлсанг — не илож,
қолар бўлсанг — қол, майли,
Китоблар юклаб берай,
Йўқ демайин ол, майли,
Атласлар ортиб берай,
самолётга сол, майли,
Чуст дўппи, шойи белбоғ —
олмасанг увол, майли,

Беш-ўн йиллик бодадан
уриб кетсанг бўлмасми?

Ҳазилим ҳам чиним шу:
жиянлик ҳаддим бор-да,
Майли, кетсанг — омон бўл,
келгин қиш ё баҳорда,
Сени кутиб олгаймиз
гулзор ё олмазорда,
Гўдакдай чўмилгайсан
Чирчиқда ё Анҳорда,
Собит оға, бир оз кун
юриб кетсанг бўлмасми?

УТПАРАСТ СИНГАРИ...

Кўклам, ёшлигимдай ардоқлим, шўхим,
Ҳар йили, ҳар йили интизорингман.
Лоладан аланга, гуллардан чўғим,
Утпараст сингари беқарорингман.

Ёшлигим гул даври қайтиб келгандай,
Қушлар қўшиғининг авжи парвозда.
Айтилмаган қўшиқ айтиб келгандай,
Манглай терларимнинг мақтови созда.

Кўкламдай Ватанда боғлабман қанот,
Кўклам хаёлидай учагон ўзим.
Кўкламдай сержило, ярқироқ ҳаёт,
Совет ватандоши — чўнг инсон ўзим.

Бахтингни куйлайвер, жумҳуриятим,
Мангулик кўкламда тўкис ҳаққинг бор.
Эй, менинг бор-йўғим, ёруғ ниятим,
Нечоғлик эзгусан, суюк, улуғвор...

Кўклам, ёшлик каби тансиғим, шўхим,
Ҳар йили ошиқу интизорингман.
Лоладан аланга, гуллардан чўғим,
Утпараст сингари беқарорингман.

О ҚСОҚОЛ

Бир оқсоқол кўрдим — бўйи чинордек,
Эғнида банорас, кўкраги очиқ,
Қора чақмоқ каби ял-ял қорачиқ,
Билакларда йўлбарс қуввати бордек.

Кўчалардан ўтар секин, салмоқдор,
Ҳар одими ерга титроқ солгудай,
Ернинг танобини тортиб олгудай,
Ошкор бир савлат, ботирлик ошкор.

Йўллардан ўтади — биллур шаршара,
Жарлар, ёнбағирлар, довлонлар таниш.
Мевазорлар таниш, қўрғонлар таниш,
Ун олти ўғил-қиз, қирқ бир невара.

Йўллардан ўтади — гўё бобойга
Она табиатнинг ўзи таъзимкор,
Одамлардай гўё саломга тайёр,
Бобойни кўрганда тўлар чиройга.

Белида тўрт белбоғ, қўлида асо,
Шу жойларнинг тўнғич ҳукмронидек,
Ўтмиши, бугуни, пок виждонидек
Ақли луқмонлардан тўлиқ ва расо.

Қора терга ботиб экаркан гўза,
Эғнидаги тўни эди юз ямоқ.
Булоқ бўйларида қақраркан томоқ...
Бахт у пайт тупроққа кўмилган кўза.

Қора терга ботиб яратаркан боғ,
Лекин мевасини татий олмасдан,
Ноласи учаркан олис Олмосдан,
Соқол оқаргунча дил бўлмабди чоғ...

Йўллардан ўтади — тоғ янглиғ ўмров,
Ҳали не юкларни кўтаролгудек,
Ҳали не тоғларга панжа солгудек,
Ҳали ҳам юртида мисоли кам дов.

Меҳнаткаш инсонга хос кўрк ва савлат,
Табиатдай барҳақ, барҳаёт, эзгу.
Ҳа, пийри бадавлат деганлари шу,
Юз бир шоҳдан ортиқ пийри бадавлат.

Олмос қишлоғи

БАЛИҚЛИК БУИДА

Табиат бу жойда нечоғлик жўмард,
Ҳовуз тагларида қайнар чашмалар.
Чашмалар шилдири сўйлайди налар?
— Бир ҳўплам ич,— дейди,— кўрмагайсан дард!

Табиат бу жойда нечоғлик сулув,
Инсон табиатнинг ўғли бу жойда.
Минг булоқ жўш урар жарда-ю сойда;
— Бир қултум ичгин,— деб,— жилдирайди сув.

Ким билур етти қат ернинг қаъридан —
Не тилсим — дафина тотини ювиб,
Биллури мавжлари мавжларни қувиб,
Ёруғликка чиқар тоғлар бағридан.

Биллури мавжлари қандай шифокор,
Қондиради одам чанқоқлигини,
Қондиргудек олам чанқоқлигини,
Бу мавжларда сир бор, мўъжизалар бор.

Табиат бу жойда нечоғлик жўмард,
Инсон — табиатнинг ўғли бу жойда,
Боғу роғ, экинзор, жарларда, сойда,
Меҳнаткаш юртдошим, кўрмагайсан дард!

Олмос қишлоғи

БАЛИҚ ОВИ

Бизнинг қишлоқ тоғ бағрида,
Тоғ бағрида — боғ бағрида,
Этагида чопқиллар сой.
Ёзда тиниқ,
Кузда тиниқ,
Сувда қуёш юз бир синиқ,
Кўклам чоғи сой бутун лой.
Қирғоғида жамбил, ялпиз,
Қучоғида балиғи мўл.
Ўлтираман баъзан ёлғиз,
Сувга тушмай усти-бош ҳўл:
Қармоғимга илинмайди,
Сузмоқдами ё чопмоқда,
Сув тагидан не топмоқда?
Юз тикилсанг билинмайди...

Ташлай қолсам нон ушоғин,
Югуришиб келар талай,
Улгуришиб келар талай.
Илинсайди улканроғи,
Элтар эдим жон бувимга.
— Ҳай, ростанми, ҳай, балиқми,
Тангаликми, чақаликми?

Балли, дерди, уқувимга...
Илинмайди лекин ҳозир.
Бундан кейин тўр ташлайман,
Ташласам ҳам зўр ташлайман,
Қўлга тушар бари охир.

ТУРҒАЙ

Ёз боши, далалар соз,
Ўз кўркини ёймиш ёз,
Чечакларда ҳали ноз,
Кўллар тўла суқсур, ғоз,
Оқ булутлар чўғланиб,
Тонг отар яллиғланиб,
Кўл осмони буғланиб,
Кўринар гўё саёз.
Шу вақт аллақайлардан,
Қайдам, қандай жойлардан,
Даштданми ё сойлардан
Янграб кетар шўх овоз,
Ҳеч ўхшаши йўқ овоз.
Тут барги кесганлардан,
Сувга чим босганлардан
Ун чиқмас, тинглашар жим.
Ким у ўзи, қани, ким?
Қушлар ҳам қилмас парвоз.
Жонворлар ҳам тингларди.
Борбон ҳам, пахтакор ҳам,
Шоликор, чорвадор ҳам,
Бутун одам тингларди,
Гўё олам тингларди,
Қандоқ тинмагур овоз!..
Мен чоғиб чўлга чиқдим,
Ҳеч ким кўринмас эди.
Каттакон йўлга чиқдим,
Ҳеч ким кўринмас эди.
Кейин боқдим осмонга:
Куй таратиб жаҳонга,
Кўк осмон чўққисиди,

Мовий ранг кўзгусида,
Бир нуқтада пириллаб,
Бир нуқтада чириллаб,
Нуқтадай бир қуш учар,
Гўёки беҳуш учар...
— Ҳой,— дедим,— ўзинг кимсан,
Бунчалар бетинимсан,
Жавроқисан бунчалар,
Ўйноқисан бунчалар,
Тинмай тушиб ўйинга,
Лол этасан куйингга?
— Мен-ку, мен тўрғай,— деди.—
Кўк юзи соз жой,— деди.
Дема, чала кўринар,
Бутун дала кўринар.
Кўк юзида чириллаб,
Юз бир қўшиқ тўқисам,
Бир нуқтада пириллаб,
Қенг водийга ўқисам —
Ёмонми, ҳой, шўх ўғлон?
Ҳаётни мақтаганим,
Тонгни ардоқлаганим —
Ёмонми, ҳой, шўх ўғлон?
— Ҳа, тонгни ардоқлагин,
Ҳаётни ҳам мақтагин,
Учиб-ўйнайвер,— дедим.—
Куйлаб қувнайвер,— дедим.

ОЛТИН ҚҰНҒИЗ

Гув-гув учиб олтин қўнғиз,
Қора тунда худди юлдуз,
Ё булутли кунда чақмоқ,
Гулзоримга қўнар эркин.
Мен келаман секин-секин,
Тикиламан унга узоқ.
Чақнаса ҳам худди юлдуз,
Узи жуда эпсиз қўнғиз,
Қапалакдай чарх уролмас,
Юмаласа ҳеч туролмас,
Укам кўрса — тутиб олар,
Қутисига дарров солар.
Йўқ, укамга тутқизмайман,
Қўнғиз томон ўтказмайман,
Суқланоолмас бўёғига,
Ип боғлағай оёғига.
Майли, ҳар кун учиб келсин,
Гулзоримга тушиб келсин,
Олтин қўнғиз, олтин қўнғиз,
Чақмоқ каби ёрқин қўнғиз.

ГУЛ КҰЧАТ

Оқсоқол, соғ бормисиз,
 тинч-омонми элу юрт,
 Бұзларда кузлик қалай,
 қор қалай Олатовда.
 Мұлми айрон, мұлми сут,
 мұлми қимрон, мұлми құрт,
 Тұрт тулигинг тугалми
 тоғ ораси — яйловда?
 Құзиларинг мағрашиб,
 қулунлар кишнашдами,
 Қалай Қарағанда-ю
 қора гавхар, жез конлар,
 Юртдошлар ботирлардай
 тер тўкиб ишлашдами,
 Бу йил ҳам Олатовдай
 уюлгайми хирмонлар?
 Қўноққа чақирибсиз,
 ардоқлабсиз, юз қуллуқ!
 Тупроғингизга қўндик,
 ўрайи келиб бугун,
 Дўстлик дастурхонига
 кирмасин ҳеч теват суқ.
 Арзимас совғам ҳам бор,
 На сават бу, на тугун,
 Гижинг арғимоқ эмас,
 тўн ёки белбоғ эмас.
 Ё қундуз бўрк, ё қамчи,
 Ё женгайга кўйлаклик,
 Ё чўлпи, болдоқ эмас,
 Ё йилқичи бобойга
 чою чилвир арғамчи;

Йўқ, сизга ола келдим
гул кўчат бу — бир бойлам,
Биламан, юртингизда
гулзорнинг йўқ саноғи
Ва лекин бундақаси
эҳтимолки сизда кам,
Очилганда дейсизки,
бўй қизнинг қўш ёноғи...
Булар жонон Фарғона,
жонон Сир қирғоғидан,
Сиздан сир тутиб нетай,
Ужмоҳ кўрк Наманганнинг
янги сўлим боғидан...
Ўзим ўтқазиб кетай
Бемисол Олмаотанинг
тенгсиз хиёбонига,
Қозғурт этаклари-ю
юз сой қирғоғига ҳам.
Қарқара қирларига
ҳам Ленин майдонига,
Туркистон боғига ҳам...
жўн совға эмас совғам:
Менга нону туз берган
юртнинг дилдан сийлов,
Қирқ дoston — Гўрўғлининг
Чамбил белидан булар.
Уша ўзбек бобонинг
қадим элидан сийлов,
Қардошлик, қондошликнинг
тошқин селидан булар...
Кўклам тушлари янглиғ
шаффоф, мисоли чақин,
Чотқол чашмаларидай
тиниқ, зилол, ярқироқ.
Биринчи бўса янглиғ
юракка солар ёлқин,
Айтиб қўяйин бироқ:
Агар бу гул кўчатлар
илк кўклам уйғонмасдан,
Кўкламнинг нақ ўзидай
барқут барглар ёзмаса,
Илк ёмғир алласида
етти ранг ёй ёнмасдан,

Юртингизнинг кўркини
кўрк билан тўлғазмаса,
Ғунчалар кўзингизни
ўйнатолмаса агар,
Очилиб сочилса-ю
ва лекин ҳидсиз бўлса,
Дилингизга дарёдай
меҳр солмаса агар,
Ҳиди анқиса-ю, гар
дийдори дидсиз бўлса,
Иўлчиларнинг дилини
чўғдай ёндиrolмаса,
Тепасида булбуллар
ўқимас бўлса қўшиқ,
Ошиқлар ташналингин
доим қондиrolмаса,
Оқинлар ҳам парвона
тўқимас бўлса қўшиқ,
Найзағайлик селдан сўнг
камалакдай товланиб,
Кўкчатов тонгларидай
болқиб-болқиб турмаса,
Атлас қарз олмиш ранги
жимирлаб, юз хил ёниб,
Суқсур кўл сувларидай
юз бир чалқиб турмаса,
Ҳар гал кўрганингизда,
жимжит турганингизда,
Жияннинг ўлкасини
эсга сололмас бўлса,
Янги чаман яратиб
чексиз чаманингизда,
Доим ишқ шевасин
создай чалолмас бўлса,
У вақт хабар бер дарров,
қўпоргайман битталаб,
Боқмагайман на боғбон,
на боғ қоровулига,
Тагларидан ўт қалаб,
Кулларин учиргайман
сахронинг довулига...

Лекин бундақа кўчат,
тоғай, камёб жаҳонда,
Парвариш қил, ҳар кўклам
очар саноқсиз ғунча.
Асли Ўзбекистонда,
насли Қозоғистонда,
Сўлмагай ва ўлмагай,
тургай жаҳон тургунча!

Қ И М И З

Олатов этагида кезардим оқшом ёлғиз,
Сарвизор соялари. Жилға-ю, сойлар равон,
Оқ ўтов орқасида ўчоқ ёқар сулув қиз...
Гўёки туш пайтида ошган янглиғ қўш довон.

Ҳеч нари ўтолмасдан, аста-аста ёндошдим,
Йўлчиликнинг расми-да: айрон, дедим, озгина!
Тортинчоқ, асов экан — гўё эсдан адашдим,
Ўзи қорачагина, ўзи дилнавозгина...

Айрон дегандим, аммо келтирди корсон қимиз,
Корсон тўла қимизни ичдим, қайдам қанча вақт.
Шошмайин шимирадим, олисдан жилмаяр қиз,
Шошмайин шимирадим, жилмайиши қандай
бахт...

Шошмайин шимирадим, мен-ку ташна эмасдим,
Қандайдир ташналигим қонгандай эди лекин.
Жилмайиб тагин корсон тутса ҳам йўқ демасдим.
Уни ҳам ичар эдим шошмайин, секин-секин.

Секин-секин... ва лекин тап-тайёр бўлдим, сархуш,
Аҳён-аҳён жилмаяр, жилмаярди ҳамон қиз.
Қўзларимда бу олам гўё эртак ва ё туш,
Ҳа, шундоқ ажиб қимиз:

Олис яйловлар ҳиди, номсиз чечаклар ҳиди,
Она сутидай тоза, маъжундан сирлироқ куч.
Гўё юз бир жаннатнинг кавсар таъми анқийди,
Ўша қизми, кўринар кўзимга биракай уч...

— Уч опа-сингилмисиз,— дедим,— бирдай
сулуvsиз...

Олатов чўққисидан қайтди шўх қаққаҳаси.
Қакликдай куларди қиз.
Куларди қийиқ кўзлар, топилмас андақаси.

Гап ўша қизда эмас, гап анави қимизда,
Ўн саккиз яшаримда илк бор ўпгандай мастман.
Гап ўша қимиздами, йўқ, ўша сулуv қизда,
Наинки маст, дев каби норғулман, забардастман.

Ахир, қуллуқ, дедиму тушдим келган сўқмоққа,
Ҳеч нари кетолмасдим, қараймикан қайрилиб?
Келиб туринг,— дермикин,— келиб туринг
кўноққа...
Келиб туринг,— демади. Қетдим ночор айрилиб.

Оҳ, Олатов қимизи! Оҳ, Олатов қимизи!
Не дардлар давосисан, ҳа, не дардлар давоси,
Оҳ, сен Олатов қизи! Оҳ, сен Олатов қизи!
Сен қутлуғ армонимсан, кўнглим кўркинг
шайдоси!

КОНЧИ ЧИРОҒИ

Менга тортиқ қилдингиз
кончининг чироғини,
Қуллуқ, эй кончи оға,
унутмайман бир умр.
Бу чироқ ёруғида
қазиб оласиз кўмир.
Елпиратиб ўлкада
ботирлик байроғини.
Яратасиз ҳаётнинг
қора олтин тоғини.

Сиз чироқ ёруғида
ер тагига тушасиз,
Қора гавҳар уясиз,
Эртакдаги дев мисол.
Сиз ватан давлатига
не-не давлат қўшасиз,
Боболар тушида ҳам
қилмаган эди хаёл.
Девкорсиз, азмингизга
бу бобо чўллар ҳам лол.

Бебаҳо тортиқ учун
юз бор қуллуқ айтсам оз,
Чироғингиз ҳаминча
ёритгай кетар йўлим,
Бир қўлимда жаранг соз,
Сўнгги нафасимгача
чироқ тутгай бир қўлим,
Сўнгги нафасимгача
ёп-ёруғ ўнгу сўлим.—

Ҳам сиздай тиним билмай
иждо теранларидан,
Она ер қатларидан,
тоғ ошиб, давон ўтиб,
Шеърият олмосларин
излагум қурум ютиб,
Битта-битта ажратиб
олгум тимсол баридан,
(Мақтаниш туюлмасин
айтганим илгаридан.)

Ва ўша гавҳарларни
сизга қилгайман совға,
Кўзларга қувонч бўлсин,
дилингизга ёруғлик,
Қора гавҳар ошиқи —
кончи дўст, кончи оға,
Яна олқиш ва қуллуқ,
Яна олқиш ва қуллуқ!

ҚАРҚАРАЛИК

Қарқаралик, қайдан келдинг қошимга,
Қайдаги савдони солдинг бошимга.
Қайдаги савдони солсанг бошимга,
Қота кўрма қатрон менинг ошимга!

Қош устига қўндирибсан қарқара,
Қора сочинг қора тунда шаршара,
Тўлқинида кошки ўзим чўмилсам...
Шайдойингман, гар қарама, гар қара!

Қарқаралик, излаб келдим, йўл олис.
Олис йўлда чўл олису кўл олис.
Бир қарагин, кўзгинангдан билайин:
Дермикинсан яқин ёки бўл олис!

Қарқаралик, сойларингни кечгум бор,
Сувларингни шароб каби ичгум бор.
Олислардан келдиму гап ўзингда,
Майли десанг, Қарқарангга кўчгум бор.

Қарқаранинг ўрдаги-ей, ғози-ей,
Ёзлари-ю, кузларининг сози-ей.
Ё «ҳа»си бор, ё «йўғч» бор, не билай,
Ўртаворди қарқаралик нози-ей.

КЕЛГИН

Тонгларнинг жилосидай
Пирпираб алвон келгин,
Бўзтўрғай навосидай
Куйлаб беармон келгин,
Боғларнинг шоввасидай,
Шарқираб равон келгин,
Сочларинг тараб-ўриб,
Ваъдага жонон келгин.

Ой кечанинг қўйнига
Ноз ила кирганида,
Осмон кўк кўйлагига
Инжулар терганида,
Турғун сувлар эпкинга
Бўсалар берганида,
Ҳей, лаблари қирмизи,
Келгин, шу замон келгин.

Арчазор тоғ ораси,
Тўшайлик кўк ялпиздан,
Дардим-ўтинчим ўлан
Бу кеча сендек қиздан,
Яйлов оқшоми бўлур
Миннатдор иккимиздан,
Ҳар келишинг бир эртақ,
Жонгинам, омон келгин.

РАШК

Сиз қозоқ тупроғида очилдингиз, аячам,
Чўпонлар орасида ўқияпсиз ўланлар,
Кончилар даврасида тўқияпсиз ўланлар,
Саратон саҳаридай жилмаясиз, соз бирам!
Қуёшдай ёрқин қалбнинг ёрқин меҳрин улашиб,
Янграмоқда янгроқ соз.
Ўланларки, жаранги авж пардада қувлашиб,
Зебуннисо учун ҳам ёймоқдасиз шўх овоз.
Ҳа, нақ шундоқ аячам,
Пионер қиз, ўғлонлар, оқсоқоллар, оналар,
Не тош юраклар бўлди ҳозирдан парвоналар...
Аммаси сизга ошиқ, бир имо қилур сарсам...
Текин бу чекдош элнинг тошқин меҳри, севгиси,
Ё қардошлик туйғуси, саҳройи соф кулгуси —
Менинг сизга оғалик меҳримдан ўтар бўлса,
Менинг тоза меҳримни биров унутар бўлса —
Билинг, дилим куйгуси,
Ҳа, бу ҳам рашк туйғуси!

Қозоғистон

ТОРТИҚ¹

Ойнакўл-ку, ойнадай тоза,
Мўлдир-мўлдир, ўта тиниқ сув,
Дунё бўйлаб шундоқ овоза —
Езда муздек, қишда илиқ сув...

Ойнакўлни этдилар тортиқ
Менинг юртим шоирасига.
Муносибди, эмасди ортиқ
Сўз иқлимин соҳирасига:

«Ойнакўлда ҳар кун тонг пайти
Юзингизни кўрарсиз, олинг,
Бу қозоқнинг қадимги байти,
Ўқиб, эслаб юрарсиз, олинг!»

Не ҳам дейлик, зап чечан йигит,
Тортиғи ҳам, сўзи ҳам расо,
Лойиқ совға тополмай мен хит,
Тебранаман чолдай беасо.

Қозоқ — бой эл — кўлу тоғи кўп,
Қозоқ ери — худ ярти жаҳон.
Оқар сув ҳам, кон ҳам, боғи кўп,
Не муносиб, қани, Эркешжон?

Ҳаммаси бор, эркама, ўзингда...
Ҳа, жигарлик меҳримиз қолсин.
Кундуз янглиғ ёниб кўзингда,
Бизни доим эсингга солсин!

Кўкчатов

¹ Кўкчатовда Эркеш деган шоир йигит, Зулфияхонимга Ойнакўлни тортиқ этдим, деганда мен шу жавобни ёзгандим.

САККИЗИНЧИ...

Қирмизи сайҳонмиш... Қирмизи сайҳон...
Кавказ тоғларининг сўлим гўшаси.
Бунда юз ранг чечак, чаманзор, райҳон,
Гўё саккизинчи жаннат кўчаси.
Йўқ, йўқ... Саккизинчи жаннат нақ шу жой.
Нечоғлиқ дилрабо, яшил афсона.
Жарда шарқирайди оқ кўпикли сой,
Қуёш қараши ҳам маст, ошиқона...

Саҳройи боболар армон этмиш юрт
Балки шу гўшадир, шу яшил оғуш.
Боболарим учун чангин кўзга сурт,
Боболарни ўйлаб, дил, бўлма нохуш!
Сен ҳам мўмин банда, ким дер норасо,
Сен ҳам дўстга асло бермадинг озор.
Жаннат сенга, билсанг, жуда ҳам раво,
Сенинг ҳақинг бор...

Эмиш, мўмин банда фақат ўлганда
Жаннатга тушармиш. Қадимий алдоқ.
Не ажаб, элликка расо тўлганда,
Сен жаннатга тушсанг ва бўлмасанг тоқ.

Қирмизи сайҳонмиш... Қирмизи сайҳон...
Кавказ тоғларининг сўлим гўшаси.
Димоққа тўлади гул исн, райҳон,
Жаннат кўчаси...

Красная Поляна

КУЗ

Ўлка бўйлаб кезар сўлим, қайноқ куз,
Қуёшнинг ўзидай ёрқин, порлоқ куз.
Бир йиллик меҳнатнинг жўшқин фасли бу,
Мевалари олтин, пахтаси оқ куз.

Қиш бўйи ер шўрин қирқ йўла ювиб,
Ернинг қат-қатига, зовурга қувиб,
Бевақт ёмғирларда, селларда увиб,
Енғоқдай кесакни кўсақдай чувиб;
Далалар бағрида елдинг ел каби,
Тупроққа меҳринг бор ўша сел каби,
Заҳматкаш пахтакор, бобойи деҳқон,
Манглайдан тер тўкдинг бутун эл каби.
Сел келса симириб, тошни емириб,
Жарларни тўлдириб, дўнгни кемириб,
Етуклигинг шунча: тупроқ-бўрдоқи,
Тилсиз олқиш ўқир бўрсиб, семириб.
Бу йил табиат ҳам турланди юз хил,
Қиш — қуруқ, бевақт дўл кўп ўтди бу йил.
Тўрт қайта тикдинг-а, ҳайдаб тўрт қайта,
Мардсан, бардошинг бор тоғлар қадар зил.
Зумраддек пахтазор, осмон фируза,
Ҳар тупи тагида бир олтин кўза.
Сада салқинлари имлаб турганда,
Томоқларинг қақраб, суғординг ғўза.
Тоғчи тоғ тагидан гавҳар ундирур,
Бинокор чўлларга шаҳар қўндирур.
Терак бўйи жардан даштга сув олиб,
Пахтакор азамат йўқдан йўндирур.
Қончи ҳурматидай элда ҳурматинг,
Рассом санъатидай нозик санъатинг.

Рассомда бўёқ бор, сенда қадоқ қўл,
Қудратга қут қўшар қутлуғ меҳнатинг.
Хирмонлар уюми — чўққилардай оқ,
Устидан кўринар фалак — етти тоқ.
Кўкка кўприк қурган халқмиз-да, ахир.
Оқ тоғлардан осмон яна яқинроқ.
Хирмонлар уюми — кўзлар қувончи...
Очил, ҳа, ғўзалар, парпираб ён-чи!
Очил, оппоқ тонглар алангасидай,
Очил, ҳайрон бўлсин кўкда сомончи!
Юлдузлардай бир-бир теришга шай юрт,
Мисқоли тушса ҳам олиб кўзга сурт.
Қатрадан кўл бўлур, дебди боболар,
Пастда қолсин Олой, Чотқолу, Қозғурт.

Улка бўйлаб кезар сўлим, қайноқ куз,
Қуёшнинг ўзидай ёрқин, порлоқ куз.
Бир йиллик меҳнатнинг жўшқин фасли бу,
Мевалари олтин, пахтаси оқ куз...

ҚИШ ЭДИ

Қўшиқ

Қиш эди, гул камёб, ўша кечқурун
Йлк бор келтирдим мен қиттак кўк шиша.
Эсда қолгулик тун, эсга олгулик тун...
— Атирдек анқигин,— дедим,— ҳамиша!
Наврўзи олам-да...— Далалар кўм-кўк...
Чечаклар имлашар овлоқ-овлоққа.
Кўнглим, қиш губорин, дедим, аямай тўк,
Бирдан атир ҳиди урди димоққа...
Ялпиздан, жамбилдан ва бўтакўздан,
Юз хил гул — чечакдан анқиса атир,
Садқа бўлай шундоқ сеҳргар наврўздан,
Баҳорги эртақдан анқиса атир.
Эрта кўклам ҳақи, ўшани ёд эт,
Хаёлингдан ўтсин жажжи кўк шиша,
Уша тун, ўша қиш бўсани ёд эт,
Кейин атир янглиғ анқи ҳамиша...

СОЧ ОҚЛИГИ — КҰНГИЛ ОҚЛИГИ

Сезардинг-ку ахир васлинг кўйида
Юрар йўлларингда пойлардим сени,
Ё хиёбон, ё кўл, ё сой бўйида...
Ёлғиз, ёлғиз, ёлғиз сайлардим сени!
Гоҳ ваъда берардинг: «Келурман бирров».
Уша мажнуона, ғариб ҳар оқшом,
Не соч, ич-ичимга тушарди қиров...
Оқиб кетди сувлар, ўтди кўп айём,
Сочим ҳам соқолим оқарди секин.
Инсоф қил: «Сабабчи ўзим» дегил-да.
Бир гал дил очолмай ўтдим мен лекин,
Уртанган дил учун бир гал эгил-да.
Соч оқлиги — эмиш — кўнгил оқлиги...
Жумбоқ каби тагин сўрашинг нечун?
Эй, олтин ёшлигим бебошвоқлиги,
Эй, сен ғойиб кун!

БИБИ МАРЯМ

Чинакам сулуvsиз, чинакам барно,
Тенги кам сиймо.
Кўзингизда асрий ва сирли маъно,
Мужассам зако.
Жумбоқдай хилқатсиз, сўз йўқ, бибижон,
Яратганнинг ўзи яратиб қўйиб,
Ўзи шайдо бўлиб, ўзи саргардон,
Томоша қилармиш аршидан тўйиб.
Яратганнинг йигит чоғимикан ё,
Йигитлик шунақа — оташдай бераҳм,
Чақмоқдай бебошвоқ, тошқиндай бефаҳм —
Лекин кўзингизда бир олам ҳаё:
Осмондай гумбаздан мана ҳозир ҳам,
Қарар кўзларингиз, самовий кўзлар,
Тангри маъшуқаси, о Биби Марям,
Бу мунглуғ қарашлар не ҳикмат сўзлар?
Нима демоқчисиз, шиквами ё арз,
Сочингиз тарқатар еллар ғувиллаб,
Нима пичирлайди денгиз шувиллаб,
Юз минг йил шувиллар бу ахир шу тарз;
Денгиз-ку, ирмоқмас ёки жилғамас;
Ё соғинтирдими араб саҳроси,
Ё Байтулмуқаддас, ё Нил дарёси,
Жаҳон кенг, бибижон, кўзлар илғамас!

Термилиб қарайсиз, мана ҳозир ҳам,
Елкангизда ўйнар чақалоқ Исо,
Гўё ерда эмас, ушбу калисо,
Тўртинчи осмонда... Ё Биби Марям,
Пайқармидингизки, шу тийрак ўғил,
Шу етим оламга солур ғулғула,

Не қадим худолар соч юла-юла,
Унга бўлғай қул...
Одамзод топинмиш минг йил бузоққа,
Одамзод топинмиш минг йил оловга,
Осмонга, бўронга, қайнар булоққа,
Ёки қуёш ёйган тонги яловга...
Шу етим одамни юз бир худодан
Айнита олишин билармидингиз,
Айтинг, эй Исодай ўғил туққан қиз,
Айтинг ўша гумбаз, ўша самодан.

Қулаб тушди Зевс ҳам, Лоту манот ҳам,
Иблисдан тап тортмас бўлди одамзод,
Лекин олам қолди ўшандай ношод,
Ўзингиздай мунглуғ қолди ҳаёт ҳам.
Сизга ярим жаҳон топинар эмиш,
Ҳа, сиздайни ҳурмат қилмаслик душвор,
Сизда малакларда йўқ бир сиймо бор,
Қалблар сизга қушдай талпинар эмиш...

Томошачи эдим денгиз бўйида,
Зиёратга келдим, чўқин, дедилар,
Жонингни жонига суққин, дедилар,
Сиз жуда баландда, мен-чи, қуйида,
Ҳа, сизни севмаслик душвор, бибижон,
Лекин кечиргайсиз, шукурким юз бор,
Бу иллатдан қалбим покиза, омон,

Агар йигит қалбим севган ўша ёр
Дуч келиб қолсайди шу олис ёқда,
Жаннат қирғоқда,—
Дарҳол топинардим ўшанга, балки.
У шундай дунявий, шундай гўзалки,
У менинг илоҳам...
Кечиринг, Биби Марям!..

Абхазия

ЖАВОБ УРНИДА

Ҳали юзга йўл олисроқ,
андак ошдим элликдан,
Битта-битта гўрда кўрдим
бахтим гўрковларини;
Луқмон ёшин кўрганда ҳам
қайтармидим селликдан,
Куйлай бергум юртлар юрти —
юртим мақтовларини!
«Юртим — қандай бемисолсан,
довсан, эксиз-чексизсан,
Ишондимки: беҳишт — хаёл,
беҳишт — фақат афсона.
Юртим — мангу безаволсан,
эзгуликка эгизсан,
Юртда беҳишт яратганга
яратгум бор тарона!
Бекободда домналарнинг
юз саратон яллиғи,
Машинасоз бесабр кутган
тансиқ пўлат оқинлар,
Бухоронинг Урол томон
учган кўкиш ёруғи,
Илҳоммасми кончиларнинг
кўзларида чақинлар?
Мадад олай жигарбандлик,
эллар қардошлигидан,
Қора кунда, яхши кунда
бирдек кўз-қошлигидан,
Пахтакорнинг манглай тери,
қоя бардошлигидан,
Қора тоғнинг қарилиги,

Чотқолим ёшлигидан.
Навоийнинг дарёлиги,
Машрабнинг мажнунлиги,
Мажнуннинг мафтунлиги,
Отойининг гўёлиги,
Огаҳий жўшқинлиги,
Сайхуннинг Жайхунлиги,
Қўкчатовнинг кўкламлиги,
боғларим яшиллиги,
Саксовулнинг ним сояси,
ажриқзор пайхони ҳам,
Тошкўмирнинг тун жилоси,
инжунинг асиллиги,
Қумлоқларнинг кўммалари,
тўқайлар сайҳони ҳам —
Илҳомимга қанот бўлсин
Андриян парвози,
Ҳалиманинг лайлолиги,
Лайлонинг адолиги;
Бу Фаҳримнинг жаранг сози,
У Фаҳримнинг овози,
Ҳақиқатнинг ҳар ушоқда
нурдай ҳувайдолиги...
Тақир эмас, бинокорга
керакли лой бўлгум бор,
Ҳақир эмас, кўлмак эмас,
баҳорги сой бўлгум бор,
Фақир эмас, етти жаҳон
севгулик жой бўлгум бор,
Охир эмас, илож бўлса
шу йил, шу ой бўлгум бор.
Олмалиқда мисгарлару,
бўз қирларнинг буғдойи;
Қирғиз дўстнинг манаслиги,
Манаснинг алплигидан,
Ёзаверай фирромларнинг
Африқога сазойи,
Капиталнинг замонамга
ўласи чаплигидан.
Марказкомнинг бурролиги,
қайтмас, тўғри йўллиги,
Ўз пайтида қаттиққўллик,
ўрнида қўшқўллиги,

Теранлиги, эранлиги,
Ленинга ўғиллиги —
Илҳом бергай то ўлгунча
бардамлик, норғуллиги.
Коммунизм ёрқинлиги —
амину омонлигим,
Коммунизм яқинлиги —
замину замонлигим,
Илҳом бергай ватандошлик,
соҳиби давронлигим!
Меҳнаткаш инсонлигим!

ПАРДАЛИК

Сени излаб келдим... Софинганман-да.
Эсингдами баҳор, беғубор кундуз,
Уйламаган жойда бўлдик юзма-юз,
(Мен-ку, одамзодга ошиқ, жўн банда...)
Шу қадим шаҳрингда қинғир кўчадан
Келардинг бепарво, юзинг пардалик...
Шаҳринг — саломимга бергандай алиқ,
Қўшиқлар янграрди... Шунда дафъатан
Қадимдан тегажоқ, шайдойи шамол
Пардангни кўтариб, қочди йироққа.
Қамашди кўзларим... Ухшаб чақмоққа
Бир ярқираб ўтди тўлин ой жамол.
Бир нафас кўзингга тушди кўзгинам,
Ҳайҳот, у кўзларда ҳайрат, қора чўғ,
Йўқ, у кўзлар чўғи ногаҳоний ўқ...
Бир зум туриб қолдим беҳушдай мен ҳам.
Сендақасин сира кўрмаган эдим
На қадим Самарқанд, на Туркистонда,
На бедор ўқиган юзлаб дostonда.
Кўзларим сўрарди ҳайрон: кимсан, ким?
Сен тўхтовсиз ўтдинг гўёки шўх сой,
Сенга шайдо эди йўлдошларинг ҳам,
Сени ўз қўйнига олди ўша дам
Тор кўча гўёки тоғда қапчиғой.
Бир нафас кузатдим изингдан лол, жим,
Ўз-ўзимга дердим: наҳот бу оҳу
Ҳали ҳам тузоқда? Чидарликми бу?
Айтингиз, бу ким?
На билакузуқлар, гавҳар балдоқлар,
На атлас кўйлакнинг қичиқ бурмаси,
Юлдуз кўзларингнинг туғма сурмаси,

На тақинчоқлар,
На хипча белдаги бу бахмал нимчанг,
На шоҳи рўмол —
Пари чиройингга бўла олур хол,
Пари чиройингга қўндирилмас чанг...
Йўқ, бу безаксиз ҳам тенгсизсан, тенгсиз.
Ҳа, сен безаксиз ҳам шундоқ сулувсан,
Сен баҳорги тушсан, булоқда сувсан,
Бундақа чиройга арзир чўксанг тиз...
Сен ўзинг одамзод кўрки — безаги,
Фақат, нетай, ҳануз кўркинг пардалик,
Салом берар бўлсам олмасдинг алиқ,
Эй, олтин водийнинг жаннат чечаги!
Ҳатто қуёшга ҳам севги солгудай
Жамолинг, эсизки, булутда ҳануз,
Хаёлинг, эсизки, булутда ҳануз —
Юз шоир хаёлин бандга олгудай...
Мен ҳануз кўйингда саргардон овчи.
Сен асов жайрондай ғойиб бўлдинг,
Ҳамон сўроқлайман: қайдасан, сулув!
Уйлама: бу одам юборгай совчи,
Йўқ, ҳаётдан ҳақинг ол, демоқчийдим.
Ёрқин шу йилларнинг сўлим боғида,
Ёрқин эрта куннинг тонги чоғида
Сен ҳам эрка бир соз чал, демоқчийдим.
Сени излаб келдим... Соғинганман-да!

УСТОЗГА АТАГАНИМ

Ойбекка

Шеър — ҳикмат дарёси, сеҳр дарёси,
 Жумбоқдай битталаб ечолсам дейман.
 Илму ишқ дарёси, меҳр дарёси,
 Қониб-қониб мен ҳам ичолсам дейман.

Қўйнинг бир хазина — бебаҳо дурдан,
 Тозалигинг ўтар тоза биллурдан,
 Яралибсан гўё бир дарё нурдан,
 Нурингни нур бўлиб қучолсам дейман.

Ҳайратда қарайман, дил тошиб-тўлиб,
 Сендан сув ичганлар қолмайди сўлиб,
 Мен ҳам шу дарёда бир тўлқин бўлиб,
 Чўллардан сел каби кечолсам дейман.

Жонларнинг озиғи — сўзнинг ётиғи,
 Сўзим бўлса элнинг қўшиқ ё тиғи,
 Кўнглимни титратмас асло ёт йиғи,
 Доим хушвақт даврон қучолсам дейман.

Кўкламда қуйилар не-не ирмоқ, сел.
 Тўқайларда кезар елпиб-елпиб ел,
 Баҳра олар, қонар ҳам тупроқ, ҳам эл,
 Соҳилларда мен ҳам соз чалсам дейман.

Тўлқинида юз бир қуёш жилоси,
 Ҳар қатраси не-не дарднинг давоси,
 Бўйларида ўсар меҳригиёси,
 Мавжига тўш уриб, учолсам дейман.

Жайхунмисан, қайдам, ё теран Сайхун?
 Ҳар қалай тошқинсан, жўшқинсан, жўшқин,
 Она тупроғимга зарурсан ҳар кун,
 Мен ҳам қониб-қониб ичолсам дейман.

СИРДАРЕ

Сирдарё ўланлари,
Жарангла довон-довон,
Сирдарёдай тўлқинлан,
Қўшиғим — безаволим.
Сирдарё осмонида
Қанот ёз мисли тарлон,
Эй, учагон хаёлим!

Сирдарё соҳиллари —
Кўз илғамас асрий дашт,
Ардоқлик ўлка бугун —
Ясоғлик ва тежоғлик.
Ҳар куни — шўх бир ялла,
Лол қолғулик саргузашт,
Ҳар қадами тежоғлик —
Шу сабабдан бежоғлик.

Юртимнинг яшил кўрки,
Шавкати, баракаси —
Она дарё, қут дарё,
Сахий дарё, сут дарё,
Не дарёлар укаси,
Не дарёлар акаси,
Бахти мангу бут дарё...

Кенг қулоч, қадим тупроқ —
Кўҳлик баҳор чечаги,
Таги мўл хазина-ю,
Тупроқнинг олтин қўри,
Хавф солмас алмисоқнинг
Гирдибодлик чўпчаги,

Ҳеч ким ортиқ айтолмас:
«Тақир чўл, манглай шўри...»

Экинзор, яшил яйлов —
Қовжироқ эмас бугун,
Говмишлар пода-пода,
Баркаш-баркаш елинлик.
Сароб янглиғ алдоқчи
Ва йироқ эмас бугун,
Янги кентлар, шаҳарлар
Гўдак бозор — келинлик...

Келинлари сут соғар,
Булоқ-булоқ оқар сут,
Боғма-боғ учар, сайрар
Қушлари чулдур-чулдур.
Кўчаларнинг ёқаси
Толзорлару қатор тут,
Эй, сен меҳнаткаш инсон —
Кўнглинг гул, қўлинг гулдир!

Неча эл, неча элат —
Меҳнат, тўй, гулгун турмуш,
Туғишганлардай яқин,
Қалин жигар, қўлдош, дўст.
Ленин ўйлаганлари
Бунда салтанат қурмиш,
Пахтакору чорвадор —
Кун сайин бекаму кўст...

Шафақ дуррали қизлар —
Толма белу чилвир соч,
Машинларга суворий,
Ёз кетида — қишлари.
Гўзалликлар имлашар
Йўлчига боқиб қийғоч,
Чечакларки, кўкламнинг
Ёрқин жилмайишлари...

Ўтмишни эслагим йўқ,
Дилим бўлмасин хира:
Чоракор — чораккина,
Бой бобом — хирмон-хирмон...

Емон ёлчимас, дерлар,
Яхши алжитмас сира,
Эй элим, нонинг бутун,
Юзинг шафақли ширмон...

Юртимнинг яшил кўрки,
Шавкати, баракаси,
Она дарё, қут дарё,
Сахий дарё, сут дарё,
Не дарёлар укаси,
Не дарёлар акаси,
Бахти мангу бут дарё...

Етгисой

О П О Қ И

Бир қишлоқи ўсмирнинг бошидан кечирганлари

Ҳа, қайтиб келмасин у оғир палла,
Ҳеч қайтиб келмасин, дейман баралла...

Узунлар — узилиб, калта — чўзилиб,
Не-не бардоши бор диллар бузилиб,
Олис кентимизнинг қуриб тинкаси,
Ғариб оқшомларда гўдак ингаси...
Ҳар кун кимгадир келар қорахат.
Кўзлари — шабнамлик гўё қарағат.
Камчил арпа нон ҳам, ҳатто зоғора,
Шўх, шаддод гўдак ҳам чалмас ноғора,
Шўх, шаддод гўдаклар — жўн аравакаш.
Эшик тиқиллаган уйда диллар ғаш;
Борарди дунёда энг оғир бир жанг,
Ҳар қалай кентимиз ҳоли анча танг...
Эсда опоғойим, менинг опоқим,
Заҳматкашу дардкаш, апоқ-чапоғим,
Отам жангда эди, ўлганди онам,
Ҳувиллаб қолганди ҳовлим, тўрт хонам,
Аммамнинг уйига кетгим келмовди,
Бўсагадан нари ўтгим келмовди,
Гўё отам эрта уйга қайтардек,
Тағин эркалардек, чўпчак айтардек,
Ёлғиз ётар эдим, қўшни опоқим,
Онам бор кезде ҳам апоқ-чапоғим —
Мени боласидай ювиб-тарарди,
Қир-чирим юварди, яхши қарарди,
Ҳар қалай қолмасдим эрта ё кеч оч,
Ёвгон ё қатирма, ёки қовурмоч...
Унинг гўдаклари билан ўйнардим,
Нимани чайнашса — шуни чайнардим.

Узунлар — узилиб, калта — чўзилиб,
Не-не бардоши зўр диллар бузилиб,
Кунлар ўта берди — отам дараксиз,
Аҳён қолар бўлдим тузсиз, хўраксиз,
Ахир опоқимнинг боласи талай,
Талайга бир ўзи қарар ҳар қалай,
Далага ҳам бориб келгувчи ўша,
Уйга ҳам фарқ терда елгучи ўша,
Эчки соғувчи ҳам опоқим ўзи,
Учоқ ёқувчи ҳам опоқим ўзи,
Қозон ювгучи ҳам, пиширгувчи ҳам,
Не бўлса — пишириб, улашгучи ҳам...
Билмадим, кечаси ухлардимикин,
Ёки эру ўғлин йўқлардимикин?

Ҳа, қайтиб келмасин у ёвуз палла,
Ҳеч қайтиб келмасин, дейман баралла..

Эрта кўклам, ёгин мўл ёғди шу йил,
Гўё биратўла кўл ёғди шу йил,
Уша кўл устига дўл ёғди шу йил,
Гўё ҳеч қуримас ҳўл ёғди шу йил...
Етти кун чиқолмай қолди опоқим,
Опоқим бўлганда — апоқ-чапоғим.
Сотгани ҳам буюм қолмади чоғи,
Сандиғида борди кумуш сочбоғи,
Сочбоғи ҳам худди афсона эди,
Отаданми, эрдан тўёна эди.
Уни тақар эди ҳайитда, тўйда,
Кейин сақланарди сандиқда-уйда...
Балки севгисининг соз хотираси,
Балки кўклам, балки ёз хотираси,
Балки бувисидан ё онасидан,
Севимли совғадир дугонасидан...

Ҳар қалай олинди сандиқдан сочбоғ,
Пайқадим: чамаси кўнгли эди доғ.
Худди жўнаётган каби мазорга,
Опоқим жўнади олис бозорга.
Оқшом қайтиб келди чарчоқ ва сўлғин
Қўлида чорак мош, ёсмуқ бир тугун.

Қозон осди, лекин қанчалар мунглуғ,
Дилидаги дарди тийран ва улуғ,
Бироқ, билдиргуси келмасди бизга,
Кумуш сочпопукка ўч ёлғиз қизга,
Ўзи сўлғин, бироқ кулар дудоғи...
Ҳей, кумуш сочбоғи, кумуш сочбоғи!

Не билай, сеҳрли тумормикан ё,
Асло унутилмас ёдгормикан ё?

Бизни овутгандай пичирлар эди,
Не пичирлар эди, не сирлар эди:
— Эслироқ боласан, зийраксан бирам,—
Деди менга,— ўйлаб юрма сира ҳам,
Келиб қолар отанг, опоқ амакинг,
Майли келганлардай оқсоқ амакинг,
Бир эмас, тўрт бўлар кумуш сочбоғим!
Мана шундай девди менга опоқим.

Отаму амаким қайтиб келмади,
Ё биров суюнчи айтиб келмади,
Опоқим ҳам, эсиз, кетди оламдан,
Гўё ўч оларди олам одамдан...

Мен анча улғайиб қолдим чамаси,
Опоқимдан қолган фарзанд ҳаммаси —
Менинг қаровимда, менинг уйимда,
Ишласам — ишимда, тўйда — тўйимда...

Баъзан ўйланаман, тажанг бўламан,
Баъзан кўзим тинар, ман ганг бўламан,
Дейман: бўлмасайди шу уруш, шу жанг,
Қим тажанг бўларди, ким бўларди ганг...

Балки ўлмас эди отам, амаким,
Керак бўлмас эди айтиб бермагим,
Балки ўлмас эди тенгсиз опоқим,
Сочбоғдан айрилган апоқ-чапоғим...

Ҳа, қайтиб келмасин бадбахт у палла,
Ҳеч қайтиб келмасин, дейман баралла.

ТАРСАКИ

Воқеий

Тирик етим... Қандай оғир тирик етимлик!
Балки бундоқ ўксимасди онаси бўлса,
Суянчиғи, соябони, панаси бўлса,
Шу сабабдан босар баъзан тошдай зил жимлик.
Харсанг тошдай жимлик босар, лекин бу —
Ўтмиш...

Қани ҳозир онажони тирилиб келса,
Бўйгинангдан ўргилай, деб керилиб келса,
Йигитчанинг юрагида қолмас эди қиш.
Қиш ғубори қолмасди, ҳа, чунки Бўтажон —
Ҳозир она керилгудек ёш машинасоз,
Не зангори аргумоқлар ясайди шоввоз,
«Бўтажон!» деб ардоқлашар, эмас «Сўтажон»...
Ҳеч ким уни Сўта демас... Деб кўрсинлар-чи!
Лекин баъзан отасига дуч келар ўғил,
Юз айтганда ота экан — куяр, бўлар кул,
Юрагини бир эсдалик музлатар гарчи.
Юрагини муз босгандай бўлди бугун ҳам,
Дуч келди-ю, ўта кетди қиё боқмайин,
Ўзга йўлдан юрса нетар ўртаб — ёқмайин,
Ота-бола эканларин билган эмас кам.
Ҳа, билганлар оз эмас-ди, лекин не илож?
Дуч келганда ўтар-кетар девона мисол,
Кўз ташламас ота ҳатто ўтса бемажол,
Кўз ташламас ота ҳатто кийдирса ҳам тож,
Кийдирса ҳам, ийдирса ҳам... ажабо бу гал
Бўта йиғлар, эридими юракдаги муз?
Ота йиғлар, не қилсинки, ўзи қора юз:
Ўлганда ҳам, — ўйлар ота, — куймасми сал-пал?
Куймасмикин? Зийрак эди ўзи, сўлқилдоқ,

Гўдакликда аримасди юздан кулгуси,
Келар эди қоровул ҳам шофер бўлгуси,
Ювош эди, бурро эди, шўх эди, қувноқ...
Қувноқ эди, шўх эди, ҳа... Ҳозир-чи, жимжит.
Кўзларига қарагани ҳаддим йўқ ҳозир,
Кўзларидан қадалгандай дилга ўқ ҳозир,
Ота!— деса, бунча кутиб, бўлмас эди хит.
Ити бўлиб, эшигини пойлаб ётардим,
Ёмонликни сира-сира кўрмасдим раво,
Сирқов бўлса елиб-йўртиб топардим даво,
Керак бўлса, ўзимни ҳам ўтга отардим.
Ҳовлисини супурардим муносиб кўрса,
Чопқиллардим ёш боладай имосига ҳам,
Истамасдим ғубор қўнсин сиймосига ҳам,
Қайта тошиб, кўпирардим ҳолимни сўрса!
Эсиз, эсиз... болажондан айрилдим тирик,
Қайда қолди неваралар кўрмоқ орзуси,
Қайда қолди даври-даврон сурмоқ орзуси?
Ўзим расво, ўзим пастман, виждон бўш, чирик...

Бўта бўлса ўзни ташлар келиб тўшакка,
Гангиб, чангиб юзи тубан ётади узоқ,
Типирчилар нақ бўғзига тушгандай тузоқ,
Ҳарорати қирқдан ошиқ, ловиллар чакка...
Тағин эслар, юз гал балки, хира тортмас эс:
Ота — бадмаст, уйда — сурон, биқсир тамаки,
Оҳ, инсофсиз... Ўша тепки, сўнгги тарсаки,
Онасига ўшқирганди: манжалақи, пес!

Ушқирганди, она-бола кетишганди, ҳа,
Кўп ўтмайин жон бағишлаб она армонда,
Бўта гўё ёлғиз қолди бутун жаҳонда,
Ўлганда ҳам келмайлик деб битишганди, ҳа...
Кейин, кейин... Далда бўлди мунглуғ холаси,
Кейин, ота бўшаган йўқ янги қайлиқдан,
Аҳён келса, ўгай она тинмас: «Чиқ! Чиқ!»дан,
Ўксиз гўдак, ноинсофнинг шўрлик боласи.
Етимхона, ундан кейин ҳунар мактаби,
Ундан кейин улуғ даргоҳ — машинасозлик,
Нағз ҳунар-да, эгни-боши қишлигу ёзлик,
Дастгоҳидай берч ва чайир йигит асаби.
Ақчаси бор, уйи ҳам бор, хола ҳам текин,
Юрагида гоҳи-гоҳи меҳр ҳам тошар,

Отасини излагудай баъзида шошар,
Илғаса бас — ҳоври тушар ва лекин секин
Барини ҳам унутарди, бари ўтган гап,
Лекин ўша бедод оқшом, ўшқирик ҳануз,
Она еган қоқ тарсаки дилни қилар муз,—
Эсласа бас, ўша нафас тагин бўлар чап.

Тарсакининг алами-ю, бедармон йиғи —
Улганда ҳам кетармикан, қайдам, аччиғи...

БОҶИШИ

Қўшиқ

Қўнглимга чўғ солди, чўғ солди, нетай,
Жавдираб-жавдираб жайрон боқиши.
Ханжарсиз жон олди, жон олди, нетай,
Уша нозикадо, жонон боқиши.

Хаёлим оҳангдош ишқ ҳавосига,
Қўзим тўймади ёр таманносига,
Қимга бораё бундоқ дард давосига,
Қўз ўнгимдан кетмас пинҳон боқиши.

Дўстлар, тик айтишга шашту тилим йўқ.
Севги китобидан менда билим йўқ,
Дилда армоним шу — ўзга дилим йўқ,
Билмадим, ростми ё ёлғон боқиши.

Уйласам — ортгандай ҳар кун камолим,
Қошки сеза қолса соҳибжамолим,
Деса: айтавергин, эй тили лолим,
Дилимда қўймасди армон боқиши...

БАРНО

Қўшиқ

Тонг палласи кел боғимга,
Чечаклардан узгин, Барно,
Бахтдай тўлиб қучоғимга,
Сочларингга тизгин, Барно.

Қуйлашайлик тўлиб-тўлиб,
Кетма, боғим қолар сўлиб,
Саҳар чоғи суқсур бўлиб,
Сарҳовузда юзгин, Барно.

Уқий ҳуснинг китобини,
Топай севгим жавобини,
Тингла кўнглим рубобини,
Кўнглинг билан сезгин, Барно.

Ёрқинроқсан раънолардан,
Ваъдаси бемаънолардан,
Вафоси йўқ барнолардан,
Вафо билан ўзгин, Барно!

СЕН БАРГИДА...

Сен баргида бўлсанг мен шоҳидайдим,
Уйламаки, узлат боргоҳидайдим,
Е Машраб, ё Ҳайём паноҳидайдим...
Йўқ, мен ҳақиқатнинг даргоҳидайдим,
Сен баргида бўлсанг, мен шоҳидайдим.

Ҳа, мен шоҳидайдим, агар силкинсам,
Баргдай узилишинг аниқ эди, ҳа,
Ҳазонингга кўнглим қониқ эди, ҳа.
Ҳаттоки шох билан қўшала синсам...
Баргдай узилардинг агар силкинсам.

Баргида юравер, гингшиб гоҳида,
Майла, маймун янглиғ тақлидга ёпиш,
Иблис билан топиш, ел билан чопиш...
Мен шоҳида қолай, ўша шоҳида...

Қолай ҳақиқатнинг ўз даргоҳида!

ДЕНГИЗ ТИНЧИМАДИ — БИЗ ТИНЧИМАДИК

Денгиз тинчимади — биз тинчимадик,
Олам уйқуда-ю, нечун биз уйғоқ?
Денгизда жазава, денгизда тўлғоқ,
Денгиз бир нимадан олгандай ҳадик,
Тепа-тепа келур гулдурос тўлқин,
Чайир қояларга чанг солмоқчидай.
Сапчишар, гўёки ўч олмоқчидай...
Кўчкин булутларда ўроқ ой сўлгин.
Уроқ ой сўқмоғи денгиз бағрида,
Шу сўқмоққа тушсак борардик қаён?
Битта сир аён:
Сўқмоқнинг у боши — гирдоб қаърида...
Не ваядан ғазаблик, нечун асабий,
Нега кўм-кўк сувлар бугун булониқ?
Бир нима аниқ:
Ҳаяжонда денгиз — оламнинг қалби...

Бўзариб отмоқда тонг йироқларда,
Оппоқ тўлқинларнинг мажнуни мисол,
Ёки излагандай сирли бир висол,
Уйқусиз ўтди тун соз қирғоқларда.

Денгиз тинчимади — биз тинчимадик...

Қрим — Кўктепа

ЧҮЛ КЕЧАСИ

Чексиз чўл юзига тушади аста
Олис шалоладай оқшом салқини,
Кўкка тўлиб кетар юз ранг гулдаста.
Пилпиллаб сўнади қуёш ёлқини.
Кун бўйи қора тер тўкиб, уриниб,
Хирмонни тўлдирган қизлар, жувонлар,
Донғил йўл чангидан елиб, суриниб,
Бекатга югурган шофер ўғлонлар,
Кема дарғалари, бригадир, ошпаз,
Хирмондан жуда ҳам рози тарозбон —
Хордиққа шошилар, қозонлар жаз-жаз...

Қорага бурканар поёнсиз ёбон.
Штабларда чироқ ёнар шу нафас,
Кўкда жимирлашар юлдузлар тўп-тўп.
Кўкдаги юлдузлар билан басма-бас
Чўл юзида ёнар чироқ жуда кўп...
Ёпирай, бу қандоқ тинмагур чироқ?
Юзади, юзади, юзади ҳамон.
Чироқларга тўла яқин ва йироқ,
Чироқларга тўла тўрт томон...
Чироқлардан ёруғ олгандай сахро,
Ҳаволарда янграр кеча гур-гури,
Ажиб бир қўшиққа лиммо-лим дунё...
Бу — улкан бир жангнинг тинмас сур-сури!
Ҳа, булар бесаноқ зангори кема,
Зангори кемалар ёққан чироқдир.

Ёруғ юлдузлардан асло кам дема,
Балки порлоқдир!
Кун бўйи тинмаган азиз дарғалар

Юз теримчи учун хирмонлар уйиб,
Тагин пахтазорда уйғоқ йўрғалар,
Кеча салқинига шаробдай тўйиб.
Пойгачи тулпорин совутганидай,
Кўкёл тулпорига қиттак дам бериб,
Ошиқ тушда ўзин овутганидай,
Уйқу огушида бир нафас эриб,
Тагин тулпорларга солишар жилов,
Ботирлик меҳнати Ватанга сийлов...
Эй, зангори тулпор, зангори тулпор,
Мушкулумни осон қилган мўъжиза!
Сенда замонларнинг сеҳрий кучи бор,
Ҳар пайкалда хирмон уйган мўъжиза!
Порлай бер, порлай бер чўл қучоғида,
Эй, кўзга тўтиё, ёруғ чироқлар!
Сизнинг ўрнингиз бор кўз қароғида,
Дарғалар дилидай ёллуғ чироқлар!
Уктам азмингизда, ботир дарғалар,
Пахтакор юртимнинг эртасин кўрдим.
Зангори тулпорлик моҳир дарғалар,
Сизда эрта куннинг эгасин кўрдим.
Шундай кун келади, уқдим чироқдан,
Қалдироқдай довруқ, бонг таралгуси,
Тоғ-тоғ хирмонларни лак-лак чаноқдан
Фақат шу кемалар йиғиб олғуси!
Эй, мушкулум осон этган мўъжиза,
Эй, танги чавандоз, эй мард дарғалар!
Эй, эрта достонин битган мўъжиза.
Шавкатга юқтирманг ҳеч гард, дарғалар!

Сирдарё

ОЛХУРИ

Нақ никоҳ оқшомида
Ясанган сулув янглиғ,
Оқ шойи куйлакдайдинг,
Кўргандим баҳор чоғи,
Кумуш табассумларинг
Кўнглиннга кўзгу янглиғ,
Маст этарди офтобнинг
Эҳтиросли қучоғи.

Ёз бўйи йигит боғбон
Юз ўргилиб бўйингдан,
Бутаб, тараб, ардоқлаб,
Ҳеч сувсатиб қўймади.
Ёз бўйи димоғи чоғ
Сенинг атир бўйингдан,
Тўлишган жамолиннга
Юз қараса тўймади.

Олтин куз ҳам келибди,
Шохларинг шигил емиш,
Қуёшда ярқирашар
Йирик ёқут оналар.
Боғбон йигит меҳнати
Қандай серҳикмат эмиш.
Сават-сават теришар
Келинлару оналар.

Тўйларнинг тансиқ кўрки,
Чиройли куз меваси,

Ширинликда гўёки
Бўй қизларнинг дудоғи,
Дудоқдек ардоқламоқ
Ошиқ боғбон шеvasи,
Фахр этса арзигулик
Бу кентнинг чексиз боғи.

Сирдар

БЕҲИШТ

Чўлда не яшил шаҳар,
Не оқ саройлар кўриб,
Шўрлик бобом яшаган
Ер таги ёдга тушди.
Юлғунзорда — экинзор,
Ҳовлиқма сойлар кўриб,
Утмишнинг бир армонли
Эртаги ёдга тушди:

Эмиш юз йил бел буку,
У дунёни ўйлагин,
Бу дунё — ёлгон дунё,
Бир нафаслик, ўткинчи.
Тақдирингдан нолима,
Ҳақни дилдан қўймагин,
Ўзганинг давлатига
Суқланиб бўлма кунчи.

Эмиш қодир мавлон
Мўмин бандаси учун
Етти кўкдан баландроқ
Яратмиш етти беҳишт;
Кўнглинг неки тусаса ---
Шай туради гуногун,
Саройларки ёқутдан,
Забаржаддан ҳар бир ғишт.

Нозикадо, хипча бел,
Фусункор не там-там қиз,
Ариқларда кўпириб
Оқар бол, оқар шароб.

Фаришталар турармиш
Саф чекиб ва чўкиб тиз...
Нечоғлиқ сўхта армон,
Қандай сеҳрли сароб!

То ўлгунча бахт излаб
Не боболар, ҳе аттанг,
Ушандай алдоқларга
Дилдан инониб кетмиш.
Чўлдаги чечаклардай
Чанқоқ, диқнафас, гаранг,
Бадбахтлик дўзахида
Ўртаниб, ёниб кетмиш.

Сўз йўқ, сўлим афсона,
Бонг ёки аччиқ бода,
Сўз йўқ, не боболарни
Тутолмиш ошиқ ва маст,
Ун уч аср бахт кўзлаб
Шўрликлар у дунёдан,
Яшай берган ярим оч
Ярим юпун, дилшикаст...

О, улуғ Ленин асри,
Меҳнат ва бахт даврони,
Одамзод зеҳнини сен
Чархлай олдинг яроқдай.
Беҳишт ярата олди
Бугун асрим инсони,
Меҳнат довуғи юксак,
Ярқираши байроқдай.

Чўлда не яшил шаҳар,
Не-не оқ сарой кўрдим,
Хаёлий беҳишт эмас,
Сулув, чинакам беҳишт;
Мирзачўл ўлкасини
Юз беҳиштан бой кўрдим,
Нечоғлиқ кўркам беҳишт,
Қай беҳиштан кам беҳишт?

Олмазорларда кезгин,
Анорзорларда юргин,

Беҳишт нафаси бунда,
Қут косаси лиммо-лим,
Меҳнаткаш шу инсондай
Меҳнат завқини сургин,
Тенг тер тўкар сувчи ҳам,
Бобо деҳқон, ёш олим.

Баридан оқ момиғи —
Фахри, пешона тери,
Нондан азизроқ, эзгу,
Юз ғазнадан қимматли.
Бунда мардларнинг марди,
Бунда эрларнинг эри,
Ҳар пахтакор ҳотамдай
Жўмард, танти, қимматли.

Уша ет тала беҳишт,
Майли, бўлсин ўзига,
Бизга азиз — меҳнаткаш
Одам яратган дунё.
Кўз очик, ишониш йўқ
Ушаларнинг сўзига,
Бизга Ленин йўриғи
Бебаҳодан бебаҳо!..

Сирдарё

У Қ И М И Ш Л И

Ҳазил

Бир овулда етти қиз,
Еттови ҳам теримчи.
Текис сулув, миқти қиз,
Енгайлари примчи;
Етти қизга кўп сирдош,
Тушларин йўрар енгай,
Баъзан ҳалим, баъзан ош,
Андак фол кўрар енгай.
Баъзан рост, баъзан ёлғон,
Бир гап айта солади,
Еттовига қоқиб жон,
Кўнгилларин олади.
Севади ўз қизидай,
Еттовлон ҳам яқини.
Қизидай, қирмизидай,
Еттов қўймас ҳақини.

Бир ўқишган ҳаммаси,
Бири ўланга иноқ,
Бири кашта устаси,
Бири чечан, қақилдоқ.
Бири қийғир ўйинчи,
Ўзгаси чалар дутор,
Барчасининг суюнчи,
Барчасининг ишқи бор.
Ишқи бор, лекин нетай,
Еттови кўз тиккан ёр,
Очиқроқ айтиб кетай,—
Овулда бир йигит бор;
Сулув ё нотиқ эмас,
На полвон, на яғриндор.

Ҳеч кимдан ортиқ эмас,
Еттов ўшанга хуштор.
Еттови ҳам енгайга
Айрим-айрим айтар сир;
Еттов хуштор Кўпайга,
Севги ўқишар бир-бир.
Енгай қолмай деб довга,
Бир чора ўйлар эди.
Ахир бир кун еттовга
Дангал шундақа деди:
«Ҳой, сиз қора қошларим,
Бахт кўринглар, ўлманглар!
Етгала сирдошларим,
Айтсам, хафа бўлманглар.
Еттовинг ҳам дардинг бир,
Бир севгида куясиз:
Бир-бирингга айтмай сир,
Бир йигитни суясиз.
Элдан ортиқми Кўпай,
Еттовинг ҳам тегиб ол!»

Қиқирлар хушқол енгай,
Ҳам хушқол, ҳам андак лол.

«Вой шўрим!»— дер Уғилжон,
«Вой шўрим!»— дер Биражаб,
«Вой, шўрим!»— дейди Гулжон,—
Вой ўлмасам! Вожаб!»
«Вожаб!»— дер Олтиной,
«Вожаб!»— дейди Холбу.
Бир зумда қанча вой-вой,
Бир зумда: «Вой, не ҳол бу?
Айтиб бер, енгай, қани,
Бу қандоқ бўлди ахир?
Лақиллатиб юргани
Уялмабсиз-да, тақир?
Унчалик сир ҳам эмас,
Еттовлон ҳам билардик,
Ҳозир аён бўлди, бас,
Биз нима ҳам қилардик.
Бизни авраб олганми,
Кўнглимиз бирдек боғлиқ,
Е жодугар бўлганми,

Севиб қолдик нечоғлик?
Ичкансиз ҳовуч-ҳовуч
Чўлдаги не булоқдан,
Кийиклари ҳурковуч
Олис-олис яйлоқдан,
Тўйлардан, йиғинлардан
Не ҳангома уққансиз,
Соғ қолиб қирғинлардан,
Ун олтини туққансиз.
Сизда гап кўп, енгайжон,
Кўнглимиз ваҳимада,
Нега севдик еттовлон,
Сири ахир нимада?
Бирдек шайдо қилса-я.
Наҳот бир балоси бор?
Сиримизни билса-я,
Ё меҳригиёси бор?»
Енгай оқ рўмолини
Иягидан ўтказиб,
Тағин ташлар фолини,
Еттовини ўтқазиб:
«Бе, на меҳригиёси,
На сеҳри, кимиёси,
На кўздаги зиёси
Ё бирон тўтиёси...
У фақат ўқимишли,
У билмаган китоб кам,
Шу ваядан эсли, ҳушли,
Унда не-не ҳикмат жам.
Баъзан мумдай тўлқиши,
Юз ҳикоя тўқиши,
Баъзан болдай балқиши,
Ошиқона ўқиши,
Баъзан кўлдай чалқиши,
Дилларга ўт ёқиши,
Уз ўрнида олқиши,
Уз ўрнида чақиши,
Ҳамиша топқирлиги,
Сувдай ёд кўп ғазали,
Той каби чопқирлиги,
Ёқимлигу мазали...
Еттовингни боғлаган —
Уша билағонлиги,

Еттовингни доғлаган
Ақлининг равонлиги!
Бошимни оғритмайин,
Қани, баринг жўнаб қол,
Севгингни қаритмайин,
Еттовинг ҳам тегиб ол!»
Енгай қиқирлаб кулар,
Ҳайрон боқишар булар.
Бир овулда етти қиз,
Еттовни ҳам теримчи.
Бари олмадай қирмиз,
Енгайи сал иримчи.
Қаттакон теримдан сўнг
Бир тўй бўлиши аниқ.
Қайси бирин иши ўнг,
Еттовлон бағри ёниқ...

Еттисой

ДОРИЛФУНУН ХИЕБОНИДА

Сенда кезарканман, тушади ёдга
Ўсмирлик йилларим ва дорилфунун—
Тоб беролмай ёруғ бир гирдибодга,
Чекинарди у вақт жаҳолат, жунун...
Хиёбон! Юз йиллик чинорларингки,
Боболардан ёдгор, салқин, соялик.
Яшил гумбазлару минорларингки,
Ҳар қайси саргузашт ва ҳикоялик.
Оташин ўсмирлик гувоҳи бўлар!
Сирдош бир чинор ҳам бор орангизда.
Эҳ-ҳе, оқиб кетди не оқин сувлар,
Бугун мана тагин мен даврангизда...
Ёш келинлар янглиғ ўралибсиз-ку
Бугун сахий қишнинг оқ нпагига,
Не чоғли бўйдорсиз, серсавлат, сулув!..
Келдим аста таниш чинор гагига,
Бошим эгнб турдим, қор ёғар эди,
Икков пичирлашдик, сўрашдик соғлиқ,
«Эҳ-ҳа, сен ҳам қордай оқсан-ку!» деди.
Бошланди бетовуш ҳазил, вақтчоғлиқ.
«Сен-чи, ўшамисан? Сен — ҳамон ўша,
Қор қўйнида тагин қирчиллабсан зап.
Ҳамон ўша сўлим ва холий гўша...»
— Сўйла, нима гап?
«Эсингдами, у вақт келардим ҳар кеч.
Баъзан келар эдим ҳатто эрталаб.
Қимни кутганимни билармидинг ҳеч,
Сочларим оқарар эди битталаб».
— Нега?
«Кўргандинг-ку, ўша илк севгим,
Ўша илк севганим келмайин қолса,

Не соч, ўзлгим ҳам оқарарди жим,
 Не қилай, ишқ шундоқ савдолар солса...
 У вақт тўрт ёнингда пастқам кўчалар,
 Осмондан ёғарди кеча-кундуз чанг.
 Қора кўлкаларда мудраб кечалар,
 Ёруғлик сўқмоққа тушарди аранг.
 У вақт ариқлардан оқарди безгак,
 У вақт қатраларда яшарди ришта,
 Жонга ваҳм соларди қадимий эртақ...»
 — Бугун бари ўзга, бари саришта!
 «Ака ука билан пичоқлашарди
 У вақт Регистоннинг холий четида.
 Зулмат ва жаҳолат қучоқлашарди
 Сиёб кетида...
 Ола чопонларинг қани, ажабо?
 Қани сур тумандай кезган хаёлот?
 Қайда не жонларга чанг солган вабо.
 Қани у ҳаёт?
 Тўрт ёнингда баланд ва оқ кошона,
 Кўркингда барқ урар ёруғ бир олам,
 Савлатингда аён қутлуғ замона,
 Соҳибни давронинг — меҳнаткаш одам!
 Эй азиз хиёбон, менинг ёшлигим
 Сенда қолган эди, ростми, ёдга ол.
 Шеър у ҳикмат билан илк сирдошлигим
 Сенда қолган эди...»
 Шу зум битта чол,
 Чинордай чол келиб қолди ёнимга,
 Ҳа, ўша гулчи-ку, боғбон, донишманд.
 Юрагим тор келиб ҳаяжонимга,
 Дедим: «Салом бўлсин, азиз Самарқанд!
 Сенда қолган эди менинг ёшлигим,
 Ўзимга қайтиб бер, Самарқанд бобо!
 Сенда қолган эди қалам қошлигим,
 Ўзимга қайтиб бер, донишманд бобо!»
 Шу кез дорилфунун эшикларидан
 Хиёбонга тўлди ёшлар оқини.
 Бари, олтин даврон бешикларидан,
 Кўзларида чақнар билим чақини.
 Ҳайрон ва бахтиёр қарайман жимжит,
 Қўлини кўтариб шундоқ деди чол:
 Ёшлигин изловчи, ҳей оқсоч йигит;
 Ёшлигингни ол!

Ҳа, мен ёшлигимни ва шўхлигимни
Шу навқиронларнинг кўзида кўрдим.
Уша илк севгимни, қалб чўғлигимни
Шу ёш жононларнинг юзида кўрдим.

Шеърга сизмай қолди бахтиёрлигим...

Самарқанд

* * *

Фасли баҳор, қир лолазор,
Тўрғай учар сор устина.
Лолазорда куйла, дилдор,
Рубоб чалай тор устина.
Не бор висолингдан ширин.
Ёноқда холингдан ширин,
Бўстонлиқ болидан ширин,
Олма ҳиди нор устина.
Бир — сен, бир — мен, кўл қирғоғи,
Яшил яйлов — оқшом чоғи,
Оқшом чоғи — висол боғи,
Ой ҳам қўнар дор устина.
Беишқлар дарди дард эмас,
Ишқ фақат оҳи сард эмас,
Ёрни ранжитган мард эмас,
Қор ёгуси қор устина.
Элдан айрилган бегона...
Ёрдан айрилган девона,
Ёр, ўлгунча мен парвона,
Ёр севмайман ёр устина.

АРАЗЛИК

Қўшиқ

Ултирибман тўқайда ёлғиз,
Арча кўмир, қирғовул кабоб,
Ёнимда на қайлиқ, на болдиз,
На бир ютум қирмизи шароб.

Ултирибман тўқайда ёлғиз,
Утламоқда тушовлик йўрғам.
Санчилгандай жонга жуволдиз,
Томоғимдан ўтмас бир тўғрам.

Ултирибман тўқайда ёлғиз,
Уйламангки, бирон ғаразлик,
Ўртада сўз қочди, бир оғиз,
Аразликман, жиндак аразлик.

НАЙ

Сайиджон Қалон ўғлининг 50 ёшига бағишлаганим ,

Най оҳанги келади айни саҳар палласи,
Сайрагандай ғойиб қуш,
Ё мунглуғ она куйи — айни саҳар алласи
Илиқ ва юмшоқ оғуш.
Най овози келади булоқ сувидай равон,
Эртакми ё айни туш,
Ҳаёт чўққиларига юксал деб довон-довон,
Ундагандай бу товуш...

Най оҳанги келади эшилиб ҳар шўх оқшом,
Хилватга чорлар гўё.
Ишқ боғларига имлар ё ёрдан яхши пайғом,
Шундоқ суюк, бебаҳо...
Най оҳанги тинмайди дара-ю жилғаларда,
Дўнғларда ўша наво,
Боғларда, яйловларда, булут — қасирғаларда
Ўша най, ўша ҳаво...

Най овози учади эксиз-чексиз осмонга
«Гиря»ми ёки «Гулёр»?
Най овози учади — шиква тўлар жаҳонга,
Қандоқ узун, нолакор...
Қулоқ солинг дардли соз, мунгли бу соз зорига,
Йиғлар ва йиғлатар зор.
Қулоқ солмабди биров шунча вақт озорига...
Бунда мўл ҳикоят бор...

Най овози учади қандоқ шўху дилнавоз,
Етти фалак тоқидан баландроқ янғироғи.
Най овози учади — қандоқ сўлим, қандоқ соз,
Шу сўлим садоларда гўё олам қулоғи.

Қуббон кўлидек сермавж, баравж ва жозибадор,
Қандоқ сир бу, ажабо, мўъжизами ё тилсим,
Наҳот жўн шу чалғуда шунчалар куч-қудрат бэр?
Ажабо, бу сеҳргар саз устаси ўзи ким?

— Санъаткор элимнинг бир жигарбанди...

Илҳом парисининг суюк фарзанди!
Қўлингдан тушмасин шу олтин чалғу,
Шу оташин саз,
Қуйга шайдо элда ягона орзу:
Най чалгини, энг камин, тагин эллик ёз...

ЧОЛЛАР

Чоллар ўтирибди боғнинг тўрида,
Олмазор тўрида, кўркам сўрида...
Балиқлар базмига кўзгу сарҳовуз,
Суви жилдир-жилдир, шабадаси муз.
Сокину савлатли, соябон сада,
Сира ёндошолмай гармсел зада;
Чоллар ўтирибди қуриб чордана,
Давраси арзийди десак шоҳона;
Яктаклари оппоқ, соқоллар оппоқ,
Бошларда чуст дўппи, кўзлари чақноқ,
Чаккаларда ёнар райҳон ё лола.
Чайир қўлларида гардун пиёла,
Ичишади сипо ва секин кўк чой,
Дастурхони тўкин, суҳбатлари сой,
Қорамтир юзларда қуёшнинг қўри,
Умрзоқ бахт бермиш меҳнатнинг зўри.
Сўзлашар чўлга илк келган кунлардан,
Қора аёзлардан, қум қуюнлардан,
Асов бўронлардан, муз шамоллардан.
Тайсал кўргани йўқ чўл бу чоллардан,
Соҳибкор, билағон, меҳнаткаш, ўктам,
Дунёнинг ўзидай кекса, ҳикмат жам,
Булар чўлда боғ-роғ яратганлардан,
Оқ момиқдан не тоғ яратганлардан,
Элимга таниқли, ардоқли чоллар,
Ҳамиша беллари белбоғли чоллар;
Замон зиё тўкмиш булар дилига,
Булар жуда етук тупроқ тилига,
Дунёга бергусиз тансиқ еридан,
Гавҳар ундиришар манглай теридан...
Ким айтар: оламини қари билмайди,

Қари билганини пари билмайди!
Эл бахти — ўз бахти — булар меҳнати,
Элнинг юрагида булар ҳурмати,
Ҳар бири донишманд бир бобо деҳқон...

Ҳа. дунёнинг кўрки инсон-да, инсон!

ЧҰЛ ЧЕЧАКЛАРИ

Қўлимга тутдилар бир боғлам чечак,
Епирай, бу қандоқ оромбахш ранглар.
Ҳар қайси баргидан бир куй жаранглар,
Ешликнинг ўзндай шўх, соғлом чечак...

Теваракка боқдим, теварак-ку чўл,
Қайда ўсди экан, гулзори қайси,
Кўчат ўтқазилган баҳори қайси,
Парварил берилди қандоқ азиз қўл!

Дедилар: бунчалик бўлма ҳайрон, лол,
Теңсиз бу чечаклар — чўл чечаклари,
Меҳнаткаш, ижодкор қўл чечаклари,
Ололсанг шулардан барқ ол ва ранг ол!

Дедим: ишонаман инсон азмига,
Қошки шеърларим ҳам шу чечаклардай,
Ярқироқ, фусункор шу эртақлардай
Кўрк бўлса тўйларга, бахтлар базмига!

Сирдарё

МАНГУ ОЛОВ¹

Эгил, бир нафас эгил,
Менинг оппоқ бошим, ҳей!
Пирпираб турганидай
Қутлуғ ва ял-ял ялов,
Бунда ёнар бир олов,
Мангу — мангулик олов,
Сукут сақла бир нафас,
Кўзда милт-милт ёшим, ҳей!

Бу чўнг обида таги —
Номи ўчмаслар жойи,
Бунда мангулик ухлар
Қалби оташ қурбонлар;
Ленинчи инқилобга
Булар бари фидойи,
Эрк ва бахтга жонларин
Аямаган инсонлар, —
Таъзимкор ўт, танишу,
Нотаниш юртдошим, ҳей!

Ухлашар, ором олар —
Оромга ҳақлари бор —
Мангулик қучоғида;
Мангуликнинг ўзидай
Мангу ёнар шуъладор
Самарқанднинг боғида;
Эслаб ўт, кимёгар,
Тўқувчим, наққошим, ҳей!

¹ Инқилоб қурбонлари монументи пинжида мангу олов ёниб турганини кўрганда ёзганим.

Булар кўзида оташ
У кун сўнмиш бизни деб,
Кўкраклариди синмиш
Золим замон сўнгуси;
Булар кетмиш бизни деб,
Сиздай ўғил-қизни деб,
Мангу бахт жаннатлари —
Шу қонлардан унгуси;
Эгилгин ўғлим, қизим,
Севгим, ёстиқдошим, ҳей!

Ерлар, кўклар, фалаклар
Бош эгсалар арзийди,
Булутларни қоқ ёрган
Ҳаттоки чақинлар ҳам;
Ёрқин, соз келажаклар
Бош эгсалар арзийди,
Юз гирдоб қудрати ҳам,
Минг дарё, оқинлар ҳам;
Эгил, бир нафас эгил —
Эгилмаган бошим, ҳей!

Буларнинг хотираси
Замондай ёруғ, янги.
Замондай салобатли,
Замондай мангу тургай.
Булар азмидан кўкка
Қўёлдик-ку узанги,
Абадул-абад ёнгай,
Зулматни қувгай, сургай...
Шу оловдай ёна ол,
Ёрти аср ёшим, ҳей!

Эгилиб ўт ҳамиша
Азиз ватандошим, ҳей!

Самарқанд

Ч А Н Қ О Қ Л И К

Кечалар мижжа қоқмай,
Кўз нурларим тўкилиб,
Сигара тутунига
Упкам чўмилса ҳамки,
Яхши қўшиқ ишқида
Сийнам ҳатто сўкилиб,
Юраккинам қўрумга
Юз гал кўмилса ҳамки,

Пайсаллашга вақтим оз,
Тер тўкаман, жиламан,
Майли аёз, майли ёз,
Чўққига интиламан.

Яратмоқ, қурмоқ учун
Келдик ахир жаҳонга,
Ғафлатдан тоқатим тоқ,
Ҳушим йўқ уйқуга ҳеч.
Инсонликни унутмоқ
Гуноҳмасми инсонга?
Хасталик баҳонамас,
Йўлдан қўйманг, қолмай кеч!

Кузги япроқ бўлгим йўқ,
Хазоним олис ҳали,
Ҳали жуда кўнглим тўқ,
Давроним олис ҳали.

Қуёш тошқинларини
Сипқоргум мисли шароб,
Шўх боладай чўмилгум

Ҳаёт дарёларида,
Гангитолмас тилсимлар,
Алдаёлмас ҳеч сароб,
Учгум ҳали бахтимнинг
Ёруғ фазоларида.

Мени нотавон деманг —
Сочимнинг оқлигидан.
Кексаликда бу жаранг —
Қалбим чанқоқлигидан!

Майли, ҳансираб қолай,
Имилламайин лекин,
Кетда қолмоқнинг ўзи
Юз ўлимдан ёмонроқ.
Ҳалол нон ошаб яшай,
Бир ушоқ емай текин,
Меҳнаткаш юрт олдида
Юзим бўлсин доим оқ...

Кеккаймоққа ҳавас йўқ,
Бўлолмайман ҳавойи,
Меҳнатсиз бир нафас йўқ,
Мен илҳомга шайдойи.

Ўз эркининг эгаси —
Инсонга ошиқлигим
Элимга сир эмас-ку
Ўша қирчин ёшимдан.
Заминга ошиқлигим —
Замонга ошиқлигим —
Ўлгунча барқ уради
Ҳар зум ичу тошимдан.

Зар сочгувчи дарёмдай
Даштларга дармон бўлгум.
Жуманбулбул бобомдай
Қўлда соз билан ўлгум.

Самарқанд

ЕЗ ЕМҒИРИ

Ез ёмғири ёғади сим-сим...
Боғлар чангин юваяпман, дер,
Чўл таптени қуваяпман,— дер —
Қулоқ солсам қўшиғига жим.
Сим-сим ёмғир, оби раҳмат-ку;
Ирмоқлардан жилға бўл, майли,
Жилғалардан сойга тўл, майли,
Оби раҳмат — бу баракат-ку.
Пахтакорнинг кўнглини чоғ эт,
Гўзаларнинг ол губорини.
Ҳозирданоқ чал куз торини,
Офатларни йўлатма, доғ эт!
Экинзорни ҳафтранг товлантир,
Сувчиларнинг юзин силаб ўт,
Фақат яхши тилак тилаб ўт.
Чорвадорнинг кўзин қувонтир...
Сим-сим ёмғир, сирли соз мисол.
Пичирлайди она табиат.
Сахийлиги ортгандай қат-қат,
Гўё дейди: ол, ол, олиб қол!..
Унутма, ҳой шоирингни ҳам,
Кўкрак тўла нафас олайин.
Гўзалликни куйга солайин,
Ез ёмғири, кузги баракам!

Самарқанд

СУВ ВА СУЛУВ

Етилган жувон каби
Ҳансирар бўла тупроқ.
Чанқоқ ва чатноқ лаби:
Сув!— дейди,— сув бер кўпроқ!
Пахтазор эксиз-чексиз,
Жаннатдай барқ урарди,
Эгатларда битта қиз
Сув суғориб юрарди.
Сўлқилдоқ, дўндиққина,
Яланг оёқ, қорамтир.
Кўз чақмоқ, пучуққина,
Ҳар одими гўё сир:
Ташналаб ғўза шув-шув
Барг силкиб, пичирлашар,
Бир-бирига иноқ-ку,
Имлашар ва сирлашар:
Сув — сулудан сулувроқ,
Сулув — сувдан сулувроқ...

Завқ тошар юрагида
Сувнинг жилдирашидан,
Ҳар туп ғўза тагида
Уйнаб пилдирашидан:
Пайқайди: бу — саратон.
Ҳар қатра сув — бир чаноқ.
Жилмайиб қиз ногаҳон,
Қизарар гулдай ёноқ.
Янграйди олислардан
Дўриллаган бир овоз;
Дилда жўшқин ҳислардан
Хабардордек сахий ёз,

Таниш овоз, буйдоқ роз,
Бу — ишқининг алласи.
Ишқим, — дер, — сабр эт бир оз,
Ғанимат сув палласи!..
Сув — сулудан сулувроқ,
Сулув — сувдан сулувроқ...

Самарқанд

УШАНДОҚ...

Расадхона эмиш шу харсанг девор...
Бир вақт Самарқанднинг энг юксак жойи,
Замон мўъжизаси, билим саройи,
Тоғ жуссали, сўлим, улуғвор.

Расадхона эмиш шу харсанг девор,
Кечалари юлдуз гадоси бўлиб,
Самовий гўзаллик шайдоси бўлиб,
Термилармиш уйғоқ у тождор.

Сулувлар кўзидек тенгсиз, ярқироқ,
Юлдузларки, кўкнинг гавҳар чечаги,
Бири юз асрлик, бири кечаги,
Бир-биридан сирли ва йироқ.

Сулувлар кўзидек пир-пир доимо,
Ёки ёзмишларнинг ёруғ хатидек,
Ёки ҳумоларнинг ёллуғ патидек,
Доимо ваъдакор шўх имо...

Ҳар янги юлдузга қўйиб янги ном,
Жадвалига битиб бир-бир шарҳини,
Дарк этармиш учқур фалак чарҳини,
Кўкка нитяқ, риёзатга ром.

Одам фахри эмиш сўлим Самарқанд,
Олам фахри эмиш тождор аллома,
Ҳар кеча заҳмати бўлак ҳангома,
Кундузи ҳам тинимсиз гарчанд.

Юлдузни ўшандоқ севолса киши!
Ушандоқ юксакка толпин, ҳей ўғлон,
Агар толпинмасанг, бу — ўша жаҳон —
Араванинг эски тиркиши...

Бобо меросига бўл олгин эга,
Сомон йўлларида кезарсан, балки.
Тиришганинг зарби шундоқ дангалки,
Ҳатто тошга қоқармиш чега...

Самарқанд

КҮНГЛИМ

Селдан кейин ҳар гал ўша камалак,
Селдан кейин ҳар гал ярқирар фалак,
Селдан кейин ҳар гал тушадн тоғдан
Сочлари жингалак, ўша шўх малак...
Тоғдан тушмай қолса, ёнаман гашда,
Жийдаш кўнглимдадир,
Кўнглим Жийдашда...

Кўллар инжусидай жилвакор кўл бу,
Олам кўзгусидай беғубор кўл бу.
Соҳилда кутаман бесабр ҳар оқшом,
Соҳиллари сирли, сеҳри бор кўл бу.
Нетайки илинжим шу паривашда...
Жийдаш кўнглимдадир,
Кўнглим Жийдашда...

Кўзимдан кетмас ҳеч нозик адоси,
Суҳбати, ўлани, савти-садоси,
Кўлдай тиниқлиги, селдай шўхлиги,
Гулдай нафислиги... бўлдим гадоси!
Ўзи ҳам заб чечан, дилдор, дилкаш-да...
Жийдаш кўнглимдадир,
Кўнглим Жийдашда...

Бунда табиат ҳам қиз янглиғ тоза,
Ишқим бўлмасайди ахир овоза.
Бахтимга тор гўё шу чексиз қирғоқ,
Ёҳу, гўзалликка борми андоза?
Мени боғлаб олмиш ёлғиз қарашда...
Жийдаш кўнглимдадир,
Кўнглим Жийдашда...

Иссиқкўл

ҚАЛДИРҒОЧ

Чексиз кўк тоқларида қалдироқ қарсиллаши...
Қалдирғоч қайтибди-да.
Кўклам қучоқларида кенг олам лорсиллаши...
Қалдирғоч қайтибди-да.
Яшил ипаклик киймиш тоғ сиртлари, не-не бўз,
Қалдирғоч қайтгани шу.
Камалак ястангандай ер кўркин қилар кўз-кўз,
Қалдирғоч қайтгани шу.
Эсга тушар гўдаклик — умримнинг кўклам чоғи,
Қалдирғоч қўшиғидан.
Эсга тушар шўхлигим — тўпалон сой қирғоғи,
Қалдирғоч қўшиғидан.
Ешлигим диёрига шайдоман ҳануз-ҳануз...
Қалдирғоч, қўшиққа қўш.
Фарзандлик бурчим бор-да, эсимда эзгу нон, туз...
Қалдирғоч, қўшиққа қўш!

КУКЛАМ ЭЛЧИСИ

Сой қирғоғида
Ё чаманзорда,
Кўклам чоғида
Ажаб гашт бор-да...
Силайди на хуш
Чўллар ҳавоси,
Сайрар не-не қуш —
Севги навоси...
Ялпиз анқийди,
Илк кўклам ҳиди!

Ҳаммадан бурун
Ғунча очғувчи,
Димоққа дуркун
Атир сочғувчи —
Дема: гул печак,
Ўзга чечак бор.
Чечакми — чечак,
Кўкиш, фусункор,
Жимжима хати,
Гунафша оти.

Нозик ва тамтам,
Хийла тортинчоқ,
Жимиллар бирам,
Инжу тақинчоқ,
Кўклам элчиси,
Тонглар кулгуси,
Жаннатий иси,
Самовий туси.

Ёшликдай сулув,
Бинафша-да шу...

Қани, юр қирга,
Кезайлик пича...
Терайлик бирга,
Кун ботгунича...
Бинафша териб,
Чаккангга таққин,
Тонг каби эриб.
Кўзимга боққин.
Сувда суралай,
Кўзи қуралай!

Яшил оғушда —
Қирғоқ адир, бўз,
Қўшиқ туш-тушда,
Наврўз-да, наврўз...
Дамлар ғанимат,
Қани, юр дилдор,
Суюк ва қиммат,
Оламда не бор —
Ёшлик каби шўх,
Ёшлик каби чўғ...

МЕН КЕТГАНДА...

Мен кетганда авжидайди айни куз,
Пишиқчилик файзидайди дала-туз.
Саҳар пайти карсилларди тўрлама,
Бир палакдан узар эдик худди юз.
Мен кетганда етилганди ғўза ҳам,
Чўнг хумларда кўпирарди бўза ҳам,
Бир косадан маст бўлишар туядек,
Синар эди хум ҳам, не-не кўза ҳам.
Мен Тошкентга шайлангандим тугал ой,
Кетар куним санқиб юрдим сойма-сой.
Кўкрагимга, қайдам, тушди қандай ўт,
Босолмаса на муз айрон, на кўк чой.
Бир қоп пахта терган эдим харж учун,
Оқшом ўтиб, бўлди ахир ярим тун.
Аравасин қўшганида амаким,
Онам юм-юм йиғлар эди жигар хун.
Қейин қучиб, пешанамни силади,
Қўлин очиб, не яхшилик тилади;
Бувим билан қолди дуо ўқишиб,
Не аломат кун бўлур — ким биледи...

Пичирларди: «Майли, мулла бўлиб қайт,
Зора келса мен ҳам жиндак яйрар пайт.
Болагинам, кўрмай санинг доғингни,
Белбоғингга тумор тикдим, қўшиб байт».

...Қайтдим, лекин қани ўша ғамдийдам,
Тополмадим излаб ҳатто изин ҳам.

АНГИЗ

Иўл-йўлакай бепоён анғиз,
Пода-пода кезар тувалоқ.
Салт ғунанда ўтаман ёлғиз,
Суқ киргудай қарайман узоқ,
Солланшар семиз қўзидай,
Бошоқ чақар кезиб дўнг, чўнқир.
Туслари ҳам чўлнинг ўзидай,
Бедана пат, жимжима, қўнғир.

Иўл-йўлакай бепоён анғиз,
Гала-гала кезар булдуруқ.
Қирдан ошсам, ям-яшил полиз,
Наҳот борсам полизга қуруқ...
Кун ботгунча бошоқ чақишар,
Биққалиги ўхшар товуққа.
Тўхтасам, бас, чўчнб боқишар,
Иўлатмайди сира ёвуққа.
Биттасига човут сол, дерсиз,
Ўлжалик бор ўранғайлиққа...
Қўшотарим йўқ эди, эсиз,
Не важ айтгум бугун қайлиққа?

ҲАЛИ ҲАМ...

...Онам нон ёпади бўғриқиб-бўртиб,
Дам-бадам куяди қўли енгсақда.
Чивик тойчам гижинг, йўргалаб-йўртиб,
Ҳадеб айланаман шу теваракда.

Нари кетолмайман ўчоқ бошидан,
Югурук бўлса ҳам тойчам нечоғлиқ.
Мазалироқ баъзан қийма ошидан,
Ҳар гал битта патир менга атоғлиқ...

Ялпизлик, райҳонлик ё жиндак жизза,
Сўлқилдоқ, юмалоқ, чўғдай ва қумоқ,
Ғоҳи бўлсам ҳамки кимдандир изза,
Синиб ётса ҳатто кичик арғумоқ.

Менга ўша патир тегса бўлди, бас,
Отланиб, овлоққа жўнайман дарров.
Айиқми ё қоплон — менга писандмас,
Патир тўқлигида ўлжалик-да ов.

...Дилда армон қолди, умрга татир,
Не кунлар бор экан манглайгинамда.
Қишлоқда ёдимга тушди шу патир,
Ҳали ҳам таъми бор танглайгинамда.

Туркистон

О В

Мингашиб тойга,
Е қапчиғойга,
Еки бедана
Қалин, соз жойга,
Балиғи пана
Ейилма сойга —
Кетсак-чи икков,
Ов яхши-да, ов...

Сойда суқсур кўп,
Қамиш кўлда ғоз,
Тустовуқ тўп-тўп,
Тўқай қандоқ соз.
Қорли қапчиғай,
Алқор эмас оз.
Гижинг, йўрға той,
Этайлик парвоз.
Кетайлик икков,
Ов яхши-да, ов...

Тоғларга ошсак,
Дўлана, четик.
Қирга ёндошсак,
Йигитдай тетик
Бобо чўпонлар —
Бўлгаймиз қўноқ,
Тоғда ўрмонлар...
Кезайлик ўртоқ,
Кетайлик икков,
Ов яхши-да, ов...

Қорамурғ

СОЯ

Лойқа сой — бўтана сой,
Тошқин сой — пўртана сой,
Танимадинг шекилли,
Ҳижрон ҳам тўрт ўн йиллик...

Шошқинсан, бебошвоқсан,
Доим ўйинқароқсан,
Қўшиқчисан, қувноқсан,
Ҳамиша ўшандоқсан.

Мен ҳам тўпалон эдим,
Шўх, тинмас, бийрон эдим,
Лойқа — бўтана эдим,
Олов — пўртана эдим,
Тиниқиб, тиниб келдим,
Сени соғиниб келдим...

Танимадинг шекилли...

ШУДРИНГ

Тонг белги берганданоқ
Утиб осма кўприкдан,
Жар кетига чопардим —
Жар кети ўзга олам.

Тўлдириб чаноқ-чаноқ,
Гўё сутдек кўпикдан,
Тутгандек ғойиб қўллар —
Жилвагар кўзга олам.

Ғўза япроқларида
Кўкатларнинг баргида,
Чечакларнинг бағрида
Ялтирар лак-лак инжу.

Шўх сой қирғоқларида,
Ниҳоллар куртагида,
Сал эпкинда симобдай
Қалтирар лак-лак инжу.

Ялтирар суйри тепа,
Ялтирар қир узунчоқ,
Келинлар тақинчоғи,
Узук кўзларими ё.

Чор атроф сабзаларда
Жимир-жимир кўзмунчоқ,

Бўй-бўй дилраболарнинг
Сузук кўзларими ё?
Иўқ, бу гирён кўзларнинг
ярқироқ замзамаси.
Кечаси онам тагин
йиғлабди-да чамаси...

ҚҰҒИРМОЧ

Буғдой ўроғига ҳали ҳафта бор,
Хампаларда ун йўқ, унсиз-ку кун йўқ.
Ўроқ тушгунича кун ўтар ночор,
Тушда мўриларда ҳатто тутун йўқ.

Ҳар тонг олис қирга кетардик тўп-тўп,
Тоғдан эсар хушбўй ва салқин сабо,
Тўрғаю бедана ўлан айтар хўп,
Буғдойзор чайқалар қандоқ дилрабо!

Бошоқлар чайқалар, думбулроқ лекин,
Думбул бошоқларда ҳали сут донлар.
Узун узилар пайт, вақт ўтар секин.
Ўзини тутолмас бобо деҳқонлар...

Бу кез тансиқ ҳатто бир ҳовуч оқшоқ,
Бу кез кулбаларда кўпроқ кўк шўрва.
Ҳар ким ўз чекида узади бошоқ,
Уйга қайтар эдик лиммо-лим тўрва...

Кейин бошоқларни уқалаб, пуфлаб,
Онам қовуради бизга қўғирмоч,
Талашиб ер эдик пуфлаб ва суфлаб,
Ҳорғин онажонга жилмайиб қийғоч...

Шундоқ ўтар эди қишлоқ ҳаёти,
Ҳали ҳам оғзимда қўғирмоч тотти...

Б У Л О Қ

Жар тагида ажриқзор созлоқ бор,
Жар тагида ям-яшил ёзлоқ бор,
Терак бўйи тик жардан ёнлаб туш,
Жайрон кўзлик, жимжима булоқ бор.
Зап булоқ-да, чопқиллар, жилдирар,
Қўнғироқдай ҳамиша шилдирар.
Тиниқлиги кўк мисол, тансиқ сув,
Қубба-қубба пилдирар, пилдирар...
Олисларда Қоратоғ қораси,
Қара, лекин тоғларнинг сараси.
Тоғ салқини, тоғ ҳиди созлоқда,
Чўпон учун олисмас ораси.
Пода-пода мол ичар булоқдан,
Қайрағочу тол ичар булоқдан,
Атай тушар созлоққа йўлчилар,
Ҳар ким ичса—бол ичар булоқдан.
Жар тагида сумбул бор, ялпиз бор,
Ҳар кун тушда келгувчи бир қиз бор.
Қўзи ҳайдаб келаман мўлжалда,
Бир кўрмоққа шошаман, дил хумор.
Тоғ бошида ёнғоқ кўп, олма кўп,
Қоқиб, териб, тўрвам ҳам тўлар хўп
Баъзан олма тутаман туш чоғи,
Баъзан олмас бўламан худди чўп...
Чўчигандай жайрон нақ бўрсиқдан,
Менга қатиқ тутади тўрсиқдан.
Заранг коса лиммо-лим, мен бўлсам,
Кўзим ўйнар соқов суқ, кўр суқдан...
Қўй қатиғи қилгандай гўё маст,
Мастлигимда мен дадил, забардаст,
Янгратади ёзлоқни ўланам,

Йигит ишқи олдида тоғлар паст!
Паригинам эғнида йўл-йўл бўз,
Айрилиқни ўйласам, дилим сўз.
Вояга ет, паризод, бешикаст,
Сендан нари бўлсин-да ёмон кўзи!

Жар тагида ажриқзор созлоқ бор,
Чўлга туташ, ям-яшил ёзлоқ бор.
Терак бўйи тик жардан ёнлаб туш,
Жайрон кўзлик, жимжима булоқ бор.
Жар тагида сумбул бор, кўк ялпиз,
Узоқ қолдим ўйланиб мен ёлғиз.
Қўзи ҳайдаб келардим бир маҳал,
Қайда экан тенги йўқ ўша қиз?

Туркистон

ГУДАКЛИГИМ

Гўдаклигим тутди бугун
Қоратоғнинг этагида,
Ҳаққим бор-да тупроғида,
Булоғида, чечагида:
Ҳақим қолмиш қаймоғида,
Қовунида, гўжасида,
Ҳаққим қолмиш эртақ мисол
Битта пари чеҳрасида.
Чинор тағи, ғарам орти...
Уйнар эдик иноқ-иноқ,
Кундузлари арғимчоғу
Оқшомлари бекинмачоқ...
Паризоддай ўша қизнинг
Бир ўпичга паймони бор.
Излаб келдим, бир ўпганнинг
Дунёда не армони бор!

Гўдаклигим тутди тағин
Қоратоғнинг этагида,
Яратганга ёлворар эл
Қўрасида, катагида:
«Қамишкўлнинг қамишидай
Буғдой ётар тиралишиб,
Тўсат дўлми, тугурчакдан
Қолмасайди қийралишиб».
Жавоб бергум қариларнинг
Қайға, деган сўроғига:
Отланганман олис қирда
Кузлик буғдой ўроғига.
Мен ҳам ўргум, боғ-боғлағум,
Утин тергум, ҳайдағум хўп.

Иўл-йўлакай мен сингари
 Ғўр деҳқонлар борар тўп-тўп.
Бири сўзлар кўк сомсадан,
 Бири нуқул бўғирсоқ, дер,
Хўп бошида шу бугуноқ
 Бир қўғирмоч қўғирсак, дер.
Бири дейди: бувим солди
 Қўлтиғимга тоғорадан,
Ҳали иссиқ, пиёзлик бу
 Татиб кўр-чи зоғорадан.
Бири бошлар дўнан пойга,
 Е тўй куни улоқдан сўз,
Ўрим пайти шундай қувноқ,
 Гўё ҳайит ёки наврўз...
Чиранишар уриб тўшга,
 Мақтанишар келиб жўшга,
Тойдан тушиб йўл оламан
 Олачиққа, бизнинг қўшга.
Гўдаклигим тутди тагин
 Қоратоғнинг этагида,
Мендай тентак кам дейсизми
 Она юртим эртагида.
Тентаксойнинг ёқасига
 Нор туяни чўктиргайман,
Қора қўйнинг қатиғига
 Қаттиқ нонни бўктиргайман,
Ёки тенгдош чўпонлардан
 Қуртми, сузма, боғлам равоч,
Ё бир кесим олқор эти.
 Жа бўлмаса ёвгон умоч,
Ё тегирмон бўйларида
 Чучмома-ю ковул, қоқи,
Қоқи есанг, сўгон есанг,
 Ғажир есанг—умринг боқи,
Ё думбул жуваридан
 Нондай бодроқ, қўрга кўмсак,
Тентаксойнинг мавжларида
 Чавоқ мисол эркин чўмсак.
Уч-тўрт лаққа илинтирсак
 Ўроз бобо қармоғига,
Шу хўрак ҳам жуда тансиқ
 Соғинганнинг томоғига.
Она юртнинг ҳатто суви

Не сирқовга даво, дерлар,
Оқар сувдан отдай гижинг
Соғайганмиш не-не эрлар.

Гўдаклигим тутди тагин
Қоратоғнинг этагида,
Мен пойгага жўнай бугун
Амакимнинг этагида.
Катталардай син айтгайман—
Ким тулпори ўзиб келур,
Бир кунлик йўл, бир қиёмда
Гўё балиқ юзиб келур...
«Балли жонивор,—дер амаким,—
Соврунинг ҳам бир қўра мол,
Қўра молдан бирига ҳам
Эга бўлмас отбоқар чол».
Отбоқар чол олмаса ҳам
Тулпор учун хушвақт жуда,
Совутгани, ем ва суви
Кетмабди-да бўш-беҳуда.

Гўдаклигим тутди бугун
Қоратоғнинг этагида,
Ҳаққим бор-да, ахир, ҳаққим—
Тупроғида, чечагида,
Қўшиғида, навосида
Онам бедор айтган ялла.
Сайроқ қушлар ғавғосида
Ошиқона бўйдоқ ялла,
Қулоғимда ҳали-ҳали
Мунглуғ ўлан, мунглуғ ёр-ёр,
Шу тупроқда менга висол
Ваъда қилмиш бир қиз ҳам бор...
Бир қиз ҳануз қизлигида
Турармиди, телба кўнглим,
Ҳа, сенмисан, келдингми, деб
Сўрармиди, телба кўнглим?
Гўдаклигим тутди бугун...
Боболар зап ҳикмат демиш:
Қарилик ҳам, гап тўғриси,
Гўдакликнинг ўзи эмиш...

Туркистон

ЕПИҒЛИҚ НОН

Қатор дўнгми, дейсиз, ё қатор ўтов,
Баъзиси бақалоқ, ўзгаси чўққи,
Босирмами булар эшиксиз, бутов,
Еки чинорларми—тарвақай, дуққи?

Эпкинда мавж янглиғ жимирлар дала,
Ўлан ҳиди тигиз, ҳозир авжи ёз...
Бўрон турса тўсат ёки дўл, жала,
Ё ёмғирдан кейин тойғоқ ё аёз,

Қисқаси—қиш келса, босса қалин қор,
Асқотар ўша пайт шу қатор ғарам,
Қатор ғарамларда ғалати сир бор:
Ғарамлик—офатга бўлмайди қарам...

Чорвадор ўроқчи ўрган хирмон бу,
Қўра-қўра молга ёпиғлиқ нон бу...

Ч У П О Н

Сой вағиллаб оқар, жимжит, ёруф тун,
Утлоқ ўртасида ёлғиз олачиқ,
Тўрт томон елига кўкраги очиқ,
Эшакдай теват ҳам ётибди беун.
Олисда увларми бўри ё бойқуш,
Майли, чўнтагида шай турар гугурт,
Гугуртлик чўпоннинг юраги бургут,
Майли, ўраб келсин, бўлмайди нохуш.
Олов яллиғида ўтирар чўпон,
Бунда тун ҳар қалай изғириқ, салқин,
Салқин балосини даф этар ёлқин,
Уйқуда ўтари — тугал, безиён...
Қайнар қора қумғон, қайнар шўрваси,
Тагида пўстагу ёнида чўқмор,
Белида ханжар бор, чақчада нос бор,
Пишлоқ, қурт, қатлама тўлиқ тўрваси...
Қозиқда осиглиқ митти аппарат,
Бураворса борми, куйлар кенг дунё,
Куйлар, кенг дунёдан сўйлар кенг дунё,
Баъзан яккаликдан безор дил фақат...
Тўнғичи олис юрт чегарасида,
Чўпонликка мойил эмас кенжа ҳам,
Чўпон меҳри битта неварарада жам,
Бутун умид ўша неварасида.
Келиб-кетиб турар, остида хўтик,
Ўша ташлаб кетар носми ё кулча,
Сахрога мойилроқ ўша ўғилча,
Байтари илмига ҳозирдан етук.
Олов яллиғида ўтирар чўпон,
Оламини айланиб, хаёл изғийди.
Тонггача юз йўла мудраб, мизғийди,
Уйқуда ўтари — тугал, бут, омон.

Ш У М Г И Я

Тиззадан тупроқ чопиб,
Тиззадан жўяк олиб,
Бобом қовун экканди,
Жаннатдек бўлди полиз.
Ҳар палак худ қирқтадан
Гулу тугунак солиб,
Саратон яллиғида
Сув сўрар эди ёлғиз...
Бобо деҳқон-да бобом,
Уч гал сув берди, холос,
Чопиғи тўрт бўлувди,
Увдик ҳатто хандалак.
Бобом бир кун полизда
Кўтарди айюҳаннос:
«Шумғия!» деб шум кўкат
Юларди, жони халак.
Юлган билан бўлмади,
Юлган билан бўлмади...
Яшил полизимизда
Қурий бошлади палак,
Уйқусиз ўтар тунлар,
Сал қолдики ўлмади.
Арвоҳ сингари ориқ,
Боши ҳам сарак-сарак...
Бутун умид шундайди,
Йиллик ризқу рўзи-да,
Саҳарлар қарсиллаши,
Шинни-ю қовун қоқи.
Бир алам ёнар эди
Бобогинам кўзида,
Сўкиб қўярди тажанг:

«Ҳа, сени, манжалақи!»
Битта пайдо бўлса, бас,
Кетар экан кучуқлаб,
Бобом оҳ уриб, дейди:
«Тегди ўхшар ёмон кўзи!»
Қирқи чиққан оғриқдай
Авайлаб ва учуқлаб,
Тополмади ҳеч илож,
Ранги ҳар кун бўздан-бўз.
Илдизидан қўпориб,
Ўт қўйди ахир бобом,
Полизга шундан кейин
Зўрға кирган эди жон.
Ҳар гал бир эслаб дейман:
— Чучвара санаманг хом,
Шумғияга ўт қўйинг,
Улатдан баттар ёмон...

Самарқанд

ГУЛТОЖ

Мен гул терардим
Сенга берардим.
Тўлиб қучоғинг,
Ениб ёноғинг,
Саралаб, сайлаб,
Секин, авайлаб,
Тўқирдинг гултож,
Тўқирдинг гултож...
Шодлигинг болқиб,
Дам-бадам чалқиб,
Кейин дўндириб,
Бошга қўндириб,
Эй лаби писта,
Дердинг оҳиста:
«Эсдами эртак?
Ухшасам қиттак
Уша бекага,
Уша эркага,
Қолмасди армон...»
Дердим: «Эркажон,
Гултож бошингга,
Попук қошингга
Ярашмиш бирам!
Уксима ҳеч ҳам,
Уша эртакдан,
Уша малакдан
Сен сулувроқсан,
Сен улуғроқсан.
Наинки эрка,
Наинки бека,
Сен якто қизсан,

Якто нимаси —
Сен пошшо қизсан,
Пошшо нимаси —
Сен ўзинг гултож,
Сен ўзинг гултож...»

ҚУЧОҚ

Узоқ йўлчиликдан келмовдим қайтиб,
Ё дур тўкилмовди қўйнимдан.
Эшикдан кирмовдим ё қўшиқ айтиб,
Лекин тўсат қучдинг бўйнимдан.

Бағрингда бир нафас қировлик бошим,
Сочларинг исидан дарҳол бўлдим маст.
Бўғмоқ истар мени дув-дув кўз ёшим,
Тоғдай зил мунг мавжи шу зум бўлар паст...

Билакларинг ўти, қалбинг ёлқини,
Гулдек андомингда титроқ бир садо,
Сузгун кўзлардаги соғинч чақини
Мени биратўла қилганди адо...

Хаёлимга тушди сўлим Самарқанд,
Эсрик йигитлигим. Ғўр эдим у чоқ.
Нечоғлиқ жаннатий, сеҳргар начанд,
Қадрини билмайин кетганим қучоқ...

Кейин олисларда қўмсадим не вақт,
Ҳолвадай ҳеч маҳал кетмасди тоғи.
Бадбахт йилларим, ҳей, тиздан дил карахт,
Эй алдоқчи ишқнинг сермаст новвоти...

Узоқ йўлчиликдан келмовдим қайтиб,
Инжу тўкилмовди қўйнимдан,
Эшикдан кирмовдим ё қўшиқ айтиб,
Лекин тўсат қучдинг бўйнимдан.

Мени олиб бориб-олиб келди дам,
Самоларга учдим қанотсиз.
Дилором, жаннатий, ёқимтой бирам,
Эй сеҳргар дамлар, несиз, ҳайҳот, сиз?

Мен ўларман, лекин шу қучоқ шавқи,
Олов қучоқ тоти ўйимдан кетмас.
Минг йилга етгуси нашъаси, завқи,
Минг йил ўтса ҳамки куйимдан кетмас.

Тупроққа кўмишар, ухлагайман жим,
Лекин хаёл сен-ла ўша ерда ҳам,
Эсга тушганингда ҳар гал, бекачим,
Ағдарилиб тушгум — хушвақт, хотиржам.

Ағдарилиб тушгум кулимсиб тушда,
Гўё ҳамон ўша оташ оғушда...

К Е Л М А Г И Н

Қйшиқ

Кел дедим — келмадинг ҳеч
Жойингдан жилмадинг ҳеч.
Соғиндим, сомон бўлдим,
Қўнглимни билмадинг ҳеч,
Келма, келмагин, майли,
Йўлда елмагин, майли,
Кутмайман эрта-ю кеч,
Жиндак жилмагин, майли
Сўнмиш ишқи, демагин,
Хом хаёлда кулмагин,
Ишқим баттарроқ ҳозир,
Майли, бетинч бўлмагин.
Зап қутулдим, демагин,
Шубҳага йўл бермагин,
Етиб бораман ўзим,
Келма, асли келмагин.
Етиб бормасам бўлмас,
Сени кўрмасам бўлмас,
Дил хушлаб, қўлинг ушлаб,
Даврон сурмасам бўлмас.

ЧИГИТ

Ҳовлимга ташловдим чигит, ўн дона,
Пахтакор меҳнатин тагин синай деб,
Ёзганим бўлмасин бетуз афсона,
Тер тўкиб, ўзимни андак қийнай деб.
Теримга борганман, терганман талай,
Терим шаҳарликка гўё куз тўйи.
Теримгача меҳнат чексиз, ҳар қалай,
Пахтакор тер тўкар ахир йил бўйи...
Мен ҳам ер ағдариб, селдим сал ўғит,
Кўкариб, қўшяпроқ бўлди, ўн дона,
Ҳар кун ўз-ўзимга қилардим ўғит,
Ўзага деҳқондай бўл деб, парвона,
Тўғри, гулзор ҳам бор, мева дарахт ҳам,
Барини чопаман, қўймайман сувсиз,
Ўн ғўза бўй чўзар ҳовлимда кўркам,
Кўрган қўшнилар ҳам ўтмас қулгусиз.
Тўрт марта суғордим, чопдим, чилпидим,
Қўйинг-чи, соғ-омон еткиздим кузга.
Деҳқондай мағрурман, деҳқондай дидим,
Ҳар тупида чаноқ — андак кам юзга.
Уч гал териб олдим, бўлди уч қучоқ...
Шундан сўнг ўйладим, дўппимни қўйиб,
Ўн тупдан уч қучоқ — гектардан қандоқ.
Меҳнатни ўлчадим, рақамга йўйиб.
Ўн тупдан ўн кўйлак бўлса, хомаки,
Гектардан тўрт элат кийинаркан-да,
Ҳазилакам деманг, ёки хонаки,
Қаттакон давлат-ку суюк Ватанда!
Қончи заҳматидан сира эмас кам,
(Шоир, шеър айтолгин бобо деҳқондек!)
Бор бўл, заҳматкашим пахтакор ўлкам,
Оқ пахта, обрўйим: қутлуғсан нондек!

ИЛҲОМ ПАРИСИГА

Кўзимни мурғакликдан очмасайдинг жаҳонга,
Бурролик бермасайдинг,
Суқланиш қаёқдайди кечалар жаҳкашонга...
Шайдолик бермасайдинг:
Қайдан кўрардим ахир ҳаёт уйғонишини
Еруғлик қучоғида?
Кўкатлар, чечакларнинг хушбахт тўлғанишини
Кўклам қалдироғида.
Самолар учишини қайдан кўрардим очиқ,
Сенсиз, қуёш талъатим.
Эй, ҳаётим илинжи, эй, ҳаётга ярашиқ,
Эй, сен гўзал санъатим!

Зеҳнимни гўдакликдан тутмасайдинг инсонга,
Оловга солмасайдинг;
Қайдан тушунар эдим жумбоқдай юз лисонга...
Юз довга солмасайдинг:
Қайдан пайқардим, ахир коинот пичирини
Сония титроғида,
Заррада зарраларнинг сира ўлмас сирини
Қўр қуёш ўчоғида.
Юлдузлар кўчишини қайдан сезардим очиқ,
Сенсиз, қуёш талъатим,
Эй, ҳаётим илинжи, эй, умримга ярашиқ,
Эй, сен гўзал санъатим!

О Қ И Ш

Сой оқади вағиллаб,
Жўш уриб ҳам жағиллаб.
Сой бўйлаб борар биров,
Кўксида гўё олов.
Бош қуйи, ўтади йўл,
Ёқаси ҳам бутун ҳўл,
Нафаси тиқилгудай,
Товонда йиқилгудай...

Сой не важдан вағиллар,
Не пайқаб у жағиллар?
Ким бу тинмағур киши,
Дил ўртар, не қилмиши?
Севганидан айрилмиш,
Қанотидан қайрилмиш —
Йигитмиди ё кекса,
Наҳот шунча ғам чекса?

Ким бўлса ҳам дили хун,
Ғуссага ботмиш бугун.
Бугун ўласи изза,
Дир-дир қалтирар тизза...

Сой-чи, ҳамон вағиллар,
Жўш урар ҳам жағиллар,
Оқар, оқар у ҳамон,
Оқар замину замон...

САЛҚИН САҲАР, ДАРЁ БҮЙИ...

Салқин саҳар, дарё бўйи,
Жимжит дунё эсингдами?
Табиатнинг сўлим тўйи,
Тонгги рўё эсингдами?

Овлоқ, хушбўй жийда таги,
Пичир-пичир қалин барги,
Севгимизнинг шўх эртаги,
Сеҳрий савдо эсингдами?

Сулувлигинг сеҳрдан соз,
Сеҳрдан соз, сен сарвиноз,
Юз эсласам, барибир оз,
Меҳру вафо эсингдами?

Муҳаббатнинг оловлиги,
Оловдек беаёвлиги,
Ҳамишалик лов-ловлиги,
Кўзи шаҳло, эсингдами?

Оқ булут ҳам оқар секин,
Кўрса агар нима деркин?
Бекин! Йўғ-э, тин ол эркин...
Салқин сабо эсингдами?

Еришмоқда олис чек ҳам,
Тонг фусункор, сулув бирам,

Ғазал янглиғ жарангдор дам,
Янгроқ ҳаво эсингдами?

Бошланур тўрғайлар куйи,
Табиатнинг тонгги тўйи,
Уша висол, дарё бўйи,
Ёруғ рўё эсингдами?

СОЗ

Кел созингни жаранглат,
Ҳа, жаранглат, эй санам,
Ениқ кўнглингни англат,
Жўр бўлай аста мен ҳам.
Чал тўлғона-тўлғона,
Соз сеҳрига чулғона.
Тинглайин ёна-ёна,
Ташнадай қона-қона.
Чалгин, садағанг кетай,
Кўнглимни тағин яйрат.
Чал, сенга ғазал битай,
Қуш янглиғ мени сайрат...
Чал, бу савти садода,
Билсанг, қандоқ савдо бор.
Қанот қоқар самода —
Дил мавжинг, ишқинг ошкор.
Само ҳам тинглайди соз,
Куй булутга урар тўш.
Авжига ол, дилнавоз,
Тағин тош, ҳа, тағин жўш!
Қандоғам санъатинг бор,
Олам файзиёб бўлур.
Эшитганга илҳом ёр,
Сел бўлур, симоб бўлур.
Чал, азизим-аяшим,
Мен ҳам илҳом қучайин.
Дилда қолмайин ғашим,
Юксакларда учайин.
Чал, чалур чоғинг шу чоқ,
Чала қолмасин наво.

Чал, наво бұлмасин тоқ,
Чал, чолғунг дилга даво.

* * *

Садаф созингни янгат,
Чал, жаранглат, эй санам.
Ениқ кўнглингни ангат,
Жўр бўлай аста мен ҳам,

ТАРОНА

I

Чўлда сарсон,
Чарчоқ, ҳайрон,
Томчи сувга зор карвон янглиғ,
Кўзида ёш,
Дилида тош,
Занжирбанд ё паҳлавон янглиғ,
Манглай тери,
Ота ери —
Зўравонга фақат ем бўлмиш,
Меҳнати — бол,
Маъжун мисол
Келмишакка фақат эм бўлмиш,
Боғдан жудо,
Тоғдан жудо,
Эрки боғлиқ ким эди, хўш, ким?
Исёнга шай,
Суронга шай,
Бағри доғлиқ ким эди, хўш, ким?
— Менинг шўрлик ва нолон халқим!

II

...Инқилоб бу,
Оламтоб бу,
Кенг жаҳонга татир ёллуғи.
Эрк бу, бахт бу,
Тенгсиз вақт бу,
Зор инсонга татир ёруғи!
Еллуғ олиб,
Еруғ олиб,

Йўлга тушган, йўлидан қайтмас,
Шўх тарона,
Соз замона,
Бахт куйидан ўзга куй айтмас,
Улкаси боғ,
Пахтаси тоғ,
Ленинчи, мард, соҳиб даврон ким?
Ҳам давлатли,
Ҳам шавкатли,
Тенг, учағон, девкор инсон ким?
— Менинг бахти беармон халқим!

А Л Е Р

Косагул, қани, тўлдир
 Янги йил бодасидан,
 Сипқарайлик бу гал ҳам
 Йил боши шарафига.
 Қўшиқчи, қани куйла
 Севинч ифодасидан,
 Эллик мучалга татир
 Бахт ёши шарафига.
 Эллик мучал — эллик йил —
 Нечоғлиқ чўнг, улуғвор...
 Илк кўса Тошкентимнинг
 Бардоши шарафига,
 Илк коса, жўражонлар,
 Уша уста бинокор,
 Юртимнинг юз бир дўсти —
 Қардоши шарафига!

Ярқирайвер, аёвлим,
 Куёшли жумҳурият,
 Писандмас кўчкин, бало,
 На зилзила, на вабо.
 Пахтакор юрт дилида
 Бу йил ҳам эзгу ният,
 Тўрт миллиондай рақамга
 Жон бермиш ўзбек бобо,
 Жарангла, ҳей, лиммо-лим
 Шўх давра косалари,
 Фазогир қўлларида
 Олис ойнинг сурати.
 Шарқда кўкламдай кезса
 «Баҳор» раққосалари,

Бу тинчлик қасидаси,
Бу замон зарурати...

Бу замон зарурати —
Оламнинг кўзи очиқ,
Чиранма чиркин дунё,
Чиранма чиркин дунё!
Эрка зор кўҳна олам —
Ғариб чайла, олачиқ,
Эй, сен, зулмат ўрдаси,
Сурбет, булғанчиқ, риё...
Жаҳонга титроқ солур
Ҳақ-ҳақиқат товуши,
Тунов кун Ленин билан
Отатурк гурунгида.
Наҳот сенда тирилса
Бақироқ фашист товуши,
Гўдаклар ноласида,
Онажонлар мунгида,
Океан кетида пускан
Жаллод, сенга қарғиш бор,
Жазавангдан жазиллар
Жездек тоқат, тошдек сабр.
Наҳот Вьетнам юртида
Ҳануз кўкка учса зор,
Ем-ёмлардан юз баттар
Жаҳон жонига бу жабр.
Эй муҳит қирғоғида
Қаққайган қоя мисол
Сохта эрк обидаси,
Йиқил, тезроқ йиқил, ҳей!
Номусинг пучак ҳозир,
Сен бир мужассам завол,
Сен бу кун фақат соя,
Тезроқ гўрга тиқил, ҳей!

Кўпиртириб коса тут
Янги йил шаробидан,
Ноҳақлик абжақ охир
Бу дунёда, соқилё.
Дўстларим, сипқарайлик
Ўзбек майи нобидан,
Севгилим, розимасман

Қарамасанг то қиё...
Арчанинг яшиллиги,
Гўдаклар қаҳқаҳаси,
Дахлсиз она тупроқ —
Чегарачилар учун,
Биз бор бўлсак, йўқ бўлур
Ёвузлик дағдағаси,
Ота-ю она, сингил,
Жон эгачилар учун,
Машинасоз, кимёгар,
Довюракли дорбозлар,
Жафокаш шу оламда
Эрк жангчилари учун,
Уша ўктам фазокор,
Уша семурғ парвозлар,
Эрк шайдоси Африқо
Барзангилари учун,
Қани, ҳа, сипқарайлик,
Юртдошлар — замондошлар,
Йўқ бўлсин уввос-чуввос,
Қўшиқ ва соз бор бўлсин,
Йил боши базмига кўрк
Қора қошлар, жондошлар,
Алёр, ҳо, алёр бўлсин!

НАВОИИ КҶЧАСИДА

Қулоқ сол бу кўча саргузаштига:
Хирот қалъасидан бошланур боши,
У ёғи уланур Ироқ даштига,
Беш аср ёши.

Қулоқ сол бу кўча саргузаштига:
Кўприксиз бир ҳатлаб Жайхун белидан,
Қовжироқ қумларнинг боқмай шаштига,
Марви шоҳижаҳон — туркман элидан,
Бир қўниб, илгари қарай чопар тез.
Чўллардан айланиб, сувсоқ ва ҳорғин,
Тепалар, чўнқирлар келур йўлда кез,
Элатлар дуч келур — Барлос ё Орғин,
Тўғри Самарқандга солар кўча йўл.
Кейин ўтиб Темур дарвозасидан,
Яна қум, яна туз, яна ўзан мўл,
Жаҳон ҳайрон бўлиб овозасидан,
Ейилиб ётибди яшил Мирзачўл.
Тўғри кесиб ўтар чўлдан бу кўча,
Боғу роғ, ё денгиз, ё қўлбола кўл.
Ёнлатиб ўтади кўлдан бу кўча...
Тошкент қучоғида ястанур охир,
Бир ёнида ўша ойнаи жаҳон,
Кунма-кун кўркига кўрк қўшиб ҳозир,
Ярқирар, кўчалар ичида жонон...
Бир ёнида янги Санъат Сароёи,
Шу кўчада гўё чўнг фан, илм кучи,
Бир ён қизил майдон — салтанат жойи.
Ленин кўчасига туташар учи...

Кечалар бесаноқ кўкимтир юлдуз,
Чўнг пойтахт кўксига балқиб кўринур,

Бир-бир ўтаверар қутлуғ не кундуз,
Тинчимас кўл янглиғ чалқиб кўринур.
Беш асрдан келди шу замонга,
Беш юз асрларга кетгуси шу тарз.
Жиндек ўхшаб кетар шўх афсонага,
Афсонадан ҳатлаб ўтгуси шу тарз...

Навойнинг ўзи ўйчан ташлар кўз,
Гавҳардай ярқирар эзгу кўчаси.
Не ҳожат кўп сўз,—
Элининг бахтига кўзгу кўчаси.

А Ф Р О С И Е Б

Ясси-ясси дўнглардан
Утаман хаёл чулғаб,
Утаман огир-огир
Боболар замонига.
Ҳар одим эзгу китоб,
Нокас кетмагай булғаб,
Тўтиёдек тупроқ бу,
Жон бўлайин жонига.
Уйғон, алп боболарим,
Бош кўтар вайронадан,
Огир, бадбахт даврда
Кўксингиз бўлиб қалқон,
Бало устига бало
Еғилиб замонадан,
Бардоши тоғ бўлса ҳам,
Не кошона тўс-талқон...
Кошона ҳам, кулба ҳам
Енғинларда жингиртоб,
Санъат ҳам, санъаткор ҳам
Тушар қул бозорига.
Боболарим қўрғони —
Табаррук Афросиёб,
Қандай чидайман у давр,
Шаддод-давр озорига...
Ясси-ясси дўнглардан
Утсам мени ўй чулғар,
Ялпоқ ғишт, синиқ сопол,
Шу қувур, шу нақш, сурат,
Қолдиқ девордан боқсанг,
Олисларни кўз илгар,
Наҳотки Қутайбага

Бадавийлик зарурат?
Наҳотки Чингиз учун
Фақат бузмоқ бермиш завқ.
Мўъжизакор уста ҳам,
Чўлоқ ҳам қўли боғлиқ,
Оқсоқ бобом мўғулга
Таққунча лаънатий тавқ,
Бутун бир юрт, чўнг ўлка
Кун кўрмиш дили доғлиқ.
Йўнилган тош парчаси
Мис баркашнинг нақшида,
Чизмасида афсона,
Афсона ўқир менга
Вайронада барчаси,—
Дилга соламан, тажанг,
Синмасайди сархона...
Оқсоқ арслон ўйида
Уша тож-тахт ғавғоси.
Мўғул — олинмаган ўч,
Оқ ўрда-ю Кўк ўрда,
Самовий бўёқларда
Самарқанд, Бухороси,
Тўхтамиш ва Эдигай,
Кўп ўтмас бўлур бурда.
Улуғбек бобо, уйғон,
Суюк Самарқанд-да шу:
Давронга хос кўрк берур
Кун сайин янги даврон,
Суюк шаҳринг давримга
Юз қатла суюк, эзгу.
Эгаси ўзинг билган
Уша заҳматкаш инсон.
Уша заҳматкаш инсон —
Улуғ, девкор, жувонмард,
Самарқанд — рўйи замин
Кўрки бўлгай, шубҳа йўқ,
Шавкатига юқмайди
Бундан кейин асло гард,
Тинч ухланг, алп боболар,
Кўнглиннгиз ҳам бўлсин тўқ.
Тинч ухла, чўпон-чўлуқ,
Бобо деҳқон, ҳунарманд,
Тинч ухла, наққош, рассом,

Темирчи ва чилангар,
Чинакам ер юзининг
Кўрки бўлур Самарқанд,
Тинч ухла, қадим дунё,
Шаҳид сардор ва аскар.

Тинч ухла, али боболар,
Боболар тупроғида,
Самарқанд — меҳнатчининг
Гавҳардай қароғида...

Самарқанд

ҚУЛТЕПА

Онам кўзларида чексиз мунг, озор,
Қотма ҳайкал гўё сўлғин сиёғи.
Қултепанинг кулранг бир белгиси бор
Сўлғин сиёғида... Бадбахт умр доғи.
Онам кўзларида ҳасрат ва армон,
Қултепага чиқиб боқар узоққа.
О, беаёв ёзмиш, жиндек бер омон,
Талпинар тушгандай каптар тузоққа.
Онам кўзларида зил қайғу, мотам,
Тиззасига бошим қўйиб йиғлайман.
Ота аталмиш зот бўлмади отам,
Онам билан, нетай, тўйиб йиғлайман.
«Боргин, болажоним, ёруғликка чоп,
Менга пана ҳозир Қултепа бағри.
Ёруғликка чопгин ва бахтингни топ,
Сени аясин-да, тақдирнинг қаҳри!»
Мен кетдим, Қултепа қолди ва онам,
Мени аяган йўқ тақдир унчалик.
Ҳар нечук, ёруғлик эмас бегонам,
Бир бахтли бўлур-да бўлса шунчалик...
Онам қабрин топсам агар, дердимки:
«Орзу қилган у бахт авжда-ку, кўз сол!»
(Менга дардлош эмас қинқайса кимки.)
Онам эшитиши аниқ, бўлманг лол,
Онам эшитиши аниқ, йўқ шубҳам.
Онам жилмайгуси зил уйқусида,
Мунглуғ кўзларида шу дам қуриб нам,
Шу дам нур кўрингай сўлғин тусида.
Йиғлайман онамни қачон эсласам.
Қаторда куйчиман, куйда тирик жон.
Менга жилмаяди тушларимда ҳам
Бобои калоним — оқсоч Туркистон...

ЛОЛАЗОР

Наврўз. Лолазор бўз. Чечаклар кўз-кўз.
Олис адрларда, дўнгларда лола,
Ҳар лола — тупроқдан ишқий рисола,
Ҳар лола — қўшиқчи, қувноқ қиз бола,
Ҳар лола кўркида ярқирар наврўз.

Лола очолдингми, Култепам, сен ҳам?
Эй, онам, менга кўз тиккан шўрлик дўнг.
Онамнинг толеи бўлмади ҳеч ўнг,
Лола очилар пайт кўнгли қор ва тўнг,
Тонг чоғи дала ҳам кўз ёшидан нам.

Елкамда фарзандлик қарзим ҳануз бор,
Менга олис — Бағдод, мақтовли Қобил,
Менга писанд эмас қалъаи Бобил,
Мени ўйламагин унча ноқобил,
Бобо юртим Ясси, шавкатли Утрор!

Не-не соз қўшиқда, ёд этгум ҳали,
Эй асов, бепардоз, соғ, она тилим,
Булоқдай тинигим, дурдона тилим,
Бешигим, пок дилим, жонона тилим,
Не-не соз қўшиқда шод этгум ҳали.

ЗАРАНГ КОСА СИНИҒИ

Яшил дўнг этагида
Заранг коса синиғи...
Нортуялар маст бўлмиш
Кўкламмикан, ёзмикан,
Ёки қора сондан қор —
Қишмикан, аёзмикан,
Кўкимтир бўзамикан
Ё қимизнинг тиниғи?
Қимизнинг тиниғидан
Эсдалик заранг коса,
Яшил дўнг этагида
Қирқ жўра давра қуриб,
Дўмбиралик бахши ҳам
Тўрғайга жўр оҳ уриб,
Товус янглиғ товланмиш
Ширакайф, шўх раққоса.
Қўлдан тушдими нохос,
Улоқтирдими ё маст,
Шу коса синиғида
Дўмбиранинг тасвири,
Шу коса синиғида
Боболарим тақдири,
Шу коса не замонлар
Ўтди экан дастма-даст?
Дўмбира тасвирида,
Кўринмай ниҳояси,
Жаранглар қирқ бир қисса —
«Гўр ўғли» ҳикояси...

ПУЛИНГ УЗУН

Кўчадан келур шовқин,
Шўх қаҳқаҳа, шўх говур.
Кўчада ярқироқ тун,
Чанг, туман кам ҳайтовур,
Шўх қаҳқаҳа, шўх говур.

Кўчада қувноқ ялла,
Куйлар йигирма ёшим.
Куйлавергин баралла.
Менинг мангу сирдошим,
Куйла, йигирма ёшим...

Қувнар навқирон наслим
Салқин сой қирғоғида.
Сайр этар менинг аслим —
Майдонида, боғида,
Салқин сой қирғоғида.

Сухбати соз, хушвақт базм,
Ҳар гўшада ёр васли.
Олисдан соламан разм,
Куз ҳам айни ишқ фасли,
Ҳар гўшада ёр васли...

Ёр васлига зору зор.
Номурод кетган ҳам бор.
Ноҳақ, бевақт ва бекор
Армонда ўтган ҳам бор.
Номурод кетган ҳам бор.

Чақимнинг чақмоғи йўқ,
Оғуси, озори шай.

Чақимчининг соғи йўқ,
Илондек шум кори шай,
Оғуси, озори шай.

Қўчадан келур шовқин,
Шўх қаҳқаҳа, шўх ғовур.
Қўчада ярқироқ тун,
Чанг, туман кам ҳайтовур,
Шўх қаҳқаҳа, шўх ғовур.

Мени чорлайди чоғи,
Олис йигирма ёшим.
Нима экан сўроғи,
Не демоқчи сирдошим,
Олис йигирма ёшим?

Қувна, ёш жўрам, дилшод,
Йигитлик қадрига ет.
Ўтди қора гирдибод,
Йўлинг узун, тўғри кет,
Йигитлик қадрига ет.

Қувна, ёш жўрам, яйра,
Она юрт қадрига ет.
Ўзингни тигдай қайра,
Дуч бўлса магар безбет.
Она юрт қадрига ет...

Қўчадан келур шовқин,
Шўх ғовур тонгга довур.
Қўчада ярқироқ тун,
Куз эмас, гўё совур,
Шўх ғовур тонгга довур.

Мени ҳам чорлар чоғи
Ўша йигирма ёшим,
Нима экан сўроғи,
Не демоқчи сирдошим —
Олис йигирма ёшим?..

ПУШКИН УИИДА

Кўримсиз, мунгли уй сув ёқасида...

Неча вақт... Бир даврон ўтди чамамда,
Ҳануз ўша уйда — қишми ёки куз,
Ёрилиб кетгудай хит, ўксик ҳануз,
Бўғзида фарёду, дили аламда.

Қора булут ўтар шаҳар бошидан,
Шўх, бетийиқ базмдан ҳозир қайтгандай,
Тағин оғулироқ бир ҳажв айтгандай,
Ҳорғинлик кўринур чимириқ қошидан.

Неча йил... давр ўтар чигил ва дилхун
Ҳануз ғийбатларга тўлармикан бож,
Оқар сувдай беқадр, дилхун, ноилож,
Кўзларида ғазаб, сиймоси сўлғин.

Шоҳлар эрмагига туғмабди замон,
Шикастанафс, лекин адл соз чолдинг,
Хушомаддан йироқ ва озод қолдинг,
Шай эдинг эрк учун бағишлашга жон.

Эркин улуғлади тенги кам созинг,
Рус халқининг асрий нидоси бўлди,
Рус қалбининг акси садоси бўлди —
Шунинг учун сенинг жаранг овозинг.

Кўримсиз, мунгли уй сув ёқасида.
Сени деб ранждийда, эзгу, ёниқ дил,
Мен жондан кечдим-ку қирқ биринчи йил,
Сен севган шу шаҳар бўсағасида...

Кўримсиз, мунгли уй сув ёқасида...

Ленинград

Эй, сузгун кўзларингдан,
 Кўзларим узолмайман,
 Таҳрир керакмас ғазал —
 Бир сўз ҳам бузолмайман.
 Қандоқ жодугар кўз бу,
 Киприк эмас — қундуз бу,
 Оламга туғилгандай
 Айни саҳар юлдуз бу...
 На парисан, на малак,
 На оҳу, на тўлин ой,
 Сен бўлакча сулувсан,
 Уландай жўн бир чирой.
 Бугун хаёлим сенда,
 Қўлингда ихтиёрим.
 Уйламаки, бу қўшиқ
 Ранж ёки оҳу зорим.
 Йўқ, сенга эгилади
 Ҳануз эгилмаган бош,
 Эй, олис йўлда йўлдош,
 Эй, холис йўлда йўлдош.
 Елғиз ёрлақавчимсан
 Йўқ, йўқ, маъбудам ўзинг,
 Сен ўзинг — икки кўзинг...

ИСТАРДИМКИ...

Олтин бўлсам,
Қулоғингга сирға бўлурмидим,
Тўй кунлари
Тақармидинг, кошки андак тақсанг.
Ҳеч бўлмаса,
Уша оқшом бирга бўлармидим...
Арча бўлсам,
Тарашадай майли эди ёқсанг.

Майли эди,
Ҳеч бўлмаса қумғон қайнатоқсам,
Қиш кунлари
Ловиллатсам гулбарг ёноғингни,
Ёки асил
Инжу бўлиб кўзинг ўйнатоқсам,
Қаратоқсам
Қора чўғдай ял-ял қароғингни...

Истардимки,
Ҳеч бўлмаса, қўшиқ бўлсам содда,
Суюнганда
Тўлиб-тўлиб тилга олармидинг,
Уксинганда,
Мунгғайганда дилга солармидинг,
Балки шундоқ
Талай маҳал қолар эдим ёдда...

Не бўлайин?
Ёқут мисол тоғда ётаймикин,
Қани эди
Топиб келса мени йўловчилар,

Йўловчилар —

Ёниқ дилни дилга уловчилар,
Ё денгизда
Инжу бўлиб қумга ботаймикин?

Қумдан топиб,

Узукка кўз қилармидинг, қайдам,
Истардимки...

Ёниб турсам бармоғингда, дилдор.

Ё балиқдай

Доим қолай қармоғингда, дилдор...

Истардимки...

Лоақал бир силармидинг, қайдам.

Истардимки...

Йўқ, истама... Кўнглим, олтин бўлма,
Ёқут бўлма,

Арча бўлма, тупроқ бўлган дуруст,
Лоақал ёр

Босиб ўтар, шундоқ бўлган дуруст,

Бари ахир

Тупроқдан-ку. Балли кўнглим, ўлма.

М А Й Л И...

Нима етмай қолди икковимизга, ёр,
Дилда не губор?
Наҳот шу кенг дунё бугун бизга тор,
Қандоқ қутқу бор!
Ахир жаҳонга тенг юрт-ку ўртада,
Наҳот бўлишсак?
Нима етмай қолди, дил недан зада,
Наҳот уришсак!
Майли, бўлишайлик — боғларни сен ол,
Чўл менга қолсин.
Дарёларни сен ол, тоғларни сен ол,
Қўл менга қолсин.
Агар кўлларни ҳам оламан десанг,
Сой қолсин менга.
Агар қуёшга қўл соламан десанг,
Ой қолсин менга.
Агар ой ҳам керак дер экансан, ол,
Юлдуздан қўл торт.
Оқ тунлар айшини сургин бемалол,
Қундуздан қўл торт.

Шароб сенга бўлсин, чой менга қолсин,
Ёки айрони.
Сарой сенга, четроқ жой менга қолсин,
Сайғоқ, жайрони...
Самарқандни сен ол, Туркистон менга,
Ё майли, Сайрам.
Ўшанинг ўзи ҳам бир жаҳон менга,
Бир тўй, бир байрам.
Олавер, олавер, барисини ол,
Ошиқ индамас,
Барини олгину, менга-чи, Ойхол,
Ўзинг қолсанг бас.

А Г А Р...

Агар тўйда эмас, байрамда эмас,
Тўкин кузда ёки кўкламда эмас,
Ё қаҳқаҳа жаранг берганда эмас,
Ё чамандан чечак терганда эмас,
Тўсат қора бўрон турганида ҳам,
Бошгинамда ғавғо қурганида ҳам,
Ёки бало тоши отилар чоқда,
Болгинамга қатрон қатилар чоқда —
Бугунгидек қувноқ келсайдинг агар,
Шундоқ келишингни билсайдим, дилбар,
Дер эдим: оламда мендақаси кам!

* * *

Келгин оқ кунда ҳам, қора тунда ҳам...

ШУНДОҒАМ СЕВАМАНКИ...

Шундоғам севаманки
Сени Фарғонагинам!
Не билай, борми ўзи
Бу оламда ўхшашинг?
Асл тупроқ, қутлуғ юрт —
Сўлим, дилрабо, шинам,
Жондай азиз, азалдан
Ардоқли меҳнаткашинг...

Шундоғам севаманки,
Сени Фарғонагинам!
Чўққилар бўса олур
Оқ булутлар тўшидан,
Оқ булутдай юксалур
Оқ момиқ чўққилар ҳам —
Дарёларнинг жўшидан,
Андижону Ушидан...

Шундоғам севаманки
Сени Фарғонагинам!
Баҳор баҳра олгудай
Тансиқ, ўтлуғ нафасинг.
Паридай тиниққинам,
Тенгсиз жононагинам,
Тонгги тушдай фусункор
Сен тўқимиш атласинг...

Шундоғам севаманки
Сени Фарғонагинам!
Сени бир кўрган киши
Ўлгунча шайдо-ю лол,

Жаннатда йўқ гўзаллик
Сенинг жамолинга жам,
Хазинадек тупроқсан,
Бараканг ҳам безавол...

Шундоғам севаманки
Сени Фарғонагинам!
Сен замонлар қалбида
Шўх қўшиқ, жаранг нидо.
Етти иқлим тожида
Эй гавҳар донагинам,
Кўзим қароғидасан,
Не жон — жонлар ҳам фидо...

Шундоғам севаманки...

ҚУШ ТИЛИ

*(Мўмин Бобонинг яхши невараларидан
митти Алишерга атаганларим)*

Қушлар, ҳей, кетманг узоқ,
Қўймайман сизга тузоқ.
Бўзтўрғай,

бўзлашайлик.

Турумтой,

сўзлашайлик.

Қалдирғоч,

қувлашайлик.

Бетилмоч

қувнашайлик.

Саъваой,

сайрашайлик.

Сойма-сой

яйрашайлик.

Қушлар, ҳей, кетманг узоқ,

Қўймайман сизга тузоқ.

Чўчиманг, ҳой чумчуқлар,

Лайлагу чуғурчиқлар,

Қўқарға-ю, зарғалдоқ,

Булдуруқ ҳам тувалоқ,

Суқсур, оққув, тустовуқ,

Сайранглар менга ёвуқ.

Уйламангки, отгум тош,

Уйламангки, мен бебош...

Кетманг йироқ, қушлар ҳей,

Гўё ёруғ тушлар, ҳей.

Қуш юрти — мен севган юрт,

Тўқай, толзор, қалчигай,

Мендан қочма, ҳой бургут,

Дўстлашайлик, қарчигай.

Каклик, тўти, бедана,

Сепай тариқ, седана,
Келинг, ҳа, сирлашайлик,
Келинг, ҳа, тиллашайлик.
Узоқлашманг қушлар, ҳей,
Гўё ёруғ тушлар, ҳей.
Қафасга солмайман, йўқ,
Қўнглингизни тутинг тўқ.
Тотув, иноқ бўлгум бор,
Тилингизни билгум бор.
Бу бола тантиқ, деманг,
Яъни бемантиқ, деманг,
Тантиқлигим эмас бу,
Мундақа ўйламанг хом.
Тилингиз биларкан-ку
Ахир Алишер бобом.

Бобомдай бўлсам дейман.
Қуш тилин билсам, дейман.

ГУЛЧИ

— Нима дерлар бунӣ, ада?

— Гул қайчи.

— Не қияпсиз майдончада...

Кўрай-чи!

— Бутаяпман, бўтагинам,

Кўра қол.

— Бутасам-чи, дада, менам.

— Мана, ол!

Майли, бўтам! Майли, белим

кучи бўл.

Гулни севгин. Бу ҳам ҳунар.

Гулчи бўл!

ҲАТТОКИ...

Ҳаттоки, пучак ҳам тама қилмовдим,
Кунларим-ку ахир гавҳардан ортиқ.
Сира ўйламовдим, чама қилмовдим,
Не кун, ҳар дақиқам қутлуғ бир тортиқ.

Қуёш нурларидан тўқилган янглиғ,
Не дақиқа, ҳатто сониямда қут.
Қуёш нурларидан сўқилган¹ янглиғ,
Ҳамёним жаранглик, тўла, борман... бут...

Сенга дилим қарздор, азизим — онам,
Сенга илҳомим ҳам қарздор умрбод.
Ёғинлик йиллар ҳам ёд, дилларда ёд,
Қарздорман, Ватаним, юртим, жононам.

Ҳаттоки, пучак ҳам тама қилмовдим...

¹ Зарб қилинган.

ЯУЛ ҚУШИҚЛАРИДАН

Урда кўпригидан қарайман сувга,
Сув оқар, сув оқар — жимиллар оқшом.
Гўё кўз ташлайман оқар кўзгуга,
Лавҳа-лавҳа ўтар ўсмирлик айём.
Урда кўпригидан қарайман сувга,
Жилмаяр бесаноқ кўкимтир чироқ,
Шаҳар гўё чўмар ажиб ёғдуга,
Қандоғам жилвагар бежирим қирғоқ.
Урда кўпригидан қарайман сувга,
Мовий мавжлар гўё қалин сирдошим.
Гувоҳ-да ушалмиш не-не орзуга,
Менинг олов умрим-комсомол ёшим.
Урда кўпригидан қарайман сувга,
Шу кўприк ўзи ҳам ёрқин ёдгорлик.
Тўлар алп пойтахтим оқшом кулгуга,
Янграр мақомларда бахт, миннатдорлик.

* * *

...Селкилларди бир кез омонат кўприк,
Замонидай қинғир, чирик тахталар.
Ғарибона, қалтис, ўзи-ўзига юк,
Жон ҳовучлаб ўтмиш бағри лахталар.
Шу кўприкдан ўтмиш юпун йиллар ҳам,
Суроли инқилоб, замон гувоҳи.
Сирот кўпригидан хавфи эмас кам,
Кўҳналиги эди бутун гуноҳи...
Қора чироқлардан ёғиб мунг, озор,
Ваҳм тараларди Тупроққўрғондан.
Тўплар ҳам ўқлоғлиқ, қатоғон, ғаддор,
Босриқ туш ўрмалар ямоқ йўрғондан.

Бўғиқ фарёд эди куйда авж парда,
Кунлар зардоб эди бўйни йўғондан.
Занжирлар шалди роқ, эл тамом зада,
Йўллар кўринмасди тоғдай тўғондан.

* * *

Қулатдик, ушатдик, йўқотдик бугун,
Қинғир кўприклардан қолдирмадик из.
Янги кўприк қурдик асрлар учун,
Янги дунёларга солдик йўл-негиз...

* * *

Бош эгаман сенга, ишчи синфим,
Бош эгаман, халқим — заҳматкаш, девкор.
Бахтинг бўлмас ёрти, бахтинг бўлмас ним,
Инқилоб ҳамиша йўлларингда ёр.
Инқилобдан туғилмиш сеҳрга кўз сол:
Тоғ-тоғ асрий юкни ағдаролдик-ку.
Урда кўприги ҳам гапми, милжинг чол,
Чўлпон юлдузига кўприк солдик-ку.

ҚОРХАТ

Қор ёғар элаб-элаб,
Оламни оққа белаб.
Какликлар тоғдан тушиб,
Донсиз, панасиз ушиб,
Тўп-тўп тўлар оғилга,
Гўё қўноқ торғилга...
Молчилар ҳам телпаклик,
Емлар тузлик, кепаклик.
Тонгдан таралур ғовур,
Қўралар усти ҳовур...
Тутун учар туйнукдан,
Келиб уйлик-уйликдан —
Чор устунлик оқ уйда,
(Еш-яланга қиш тўй-да!)
Базм бошланур тушданоқ
Иўллар муз, йўллар тайғоқ,
Аёв билмайди аёз,
Гашти бор ажиб ва соз.
Қувлар-чи, қорхат битар:
Қимдир олисга кетар,
Қимдир тушар тузоққа,
Ё бўрдоқи бузоққа,
Ё қўчқор, ёки қўйга,
(Боққанди атаб тўйга.)
Ёки жўн бир зиёфат...
Қорхат шундоқ шўх офат.
Лоақал сўяр улоқ,
Бўза оқар нақ булоқ,
Ҳеч бўлмаса кулчатой,
Ё саригмой, аччиқ чой,
Мундоғроқ — чалпак, кулча.

(Илинган-да ўғилча!)
Ё бўғирсоқ, ё манти,
Манти тортади танти.
Ё палов, ё чучвара,
Қуртоба ҳам кўп сара,
Ёки қирғовул кабоб.
(Бари савобу савоб.)
Тўқ зиёфатдан кейин,
Уйда ўтириш қийин.
Отланишар отларга,
Танишга-ю, ётларга,
Қудага, қудагайга,
(Сўзлари ўдагайга)
Боришар қалин қорда,
Сув музлар сой, анҳорда.
Пода қировга ботур,
Қорда шаталоқ отур.
Буғ бурқираб бурнидан,
Туrolмайин ўрнидан,
Пишиллаб не-не ҳўкиз,
Изғириқ эсар гиз-гиз...

Мактабдан қайта туриб,
Йўлни тепага буриб,
Қор отишар ўғлонлар,
Оловдек болажонлар...
Кечқурунлар — аланга.
Ой сочур оппоқ танга.
Алангада айланиб,
Не ўйинга шайланиб,
Туришар йигит-яланг,
Чилдирмалар вада-ванг.
Уйин қизир тонггача,
Хўроз урган бонггача...

Эшик қоқар йўловчи,
Бозорчи ёки овчи.
— Келинчак, дастурхон ёз,
Патиру қатламанг оз,
Олиб кел қази-қарта,
(Айтмайман икки марта)
Ҳалим гўжа ёки ҳасб,
(Ҳасб емоқ яхши касб!)

Қовурдоқ ёки норин,
(Оғриса ҳамки қорин.)
Ё майли, нўхат шўрва!..
Бу ёқда лим-лим тўрва,
Йўловчи отига ем,
Зиёфат гўёки эм.
Терлаб ўқишар олқиш,
Қишлоқда шундоқ-да қиш...

ТУПРОҚ ТУҒРИСИДА

Туробжонга¹

Тупроқда ҳикмат кўп, жигаргинам, ҳей!

* * *

Не-не одам шу тупроқда ётибди беном,
 Навоий ҳам шу тупроқда олмоқда ором.
 Тенгсиз бир мамлакатнинг энг ардоқлиги,
 Тенгсиз бир мамлакатнинг вақти чоғлиги,
 Наинки мамлакат, юз аждод фаҳри,
 На аждод, на авлод, одамзод фаҳри.
 Кўзининг қароғи,
 Қалбининг чароғи —
 Гагариннинг пок хоки қўйилган девор,
 Уша девор — тўртта ғишт ўйилган девор,
 Уша қизғиш ғишлар ҳам асл тупроқдан.
 (Бу ҳикмат бизга қолмиш ҳў алмисоқдан!)

Лашкарбоши Собир ҳам шу тупроқ учун,
 Шу тупроқ, жилдираган шу ирмоқ учун,
 Шу ирмоқ, шу бебаҳо, соз қирғоқ учун,
 Шу қирғоқ, шу ям-яшил бўз яйлоқ учун,
 Шу яйлоқ, шу қумлоғу шу тошлоқ учун,
 Шу Она тупроқ учун
 Бўлди фидойи.
 Шу тупроқ-ку Эрайитнинг энг сўнгги жойи.

Ленин сағанасидаги қора мрамар ҳам,
 Ё айтайлик, забаржад ёқут ҳам, зар ҳам —
 Шу тупроқдан-да.
 Уша кичик тобутнинг тоғдай зиллиги,

¹ Туроб дегани — тупроқ дегани эмиш.

Дилларда қолмиш юз-юз доғдай зиллиги —
Шу тупроқ елкасида.

Ойбек ўланларида дарё теранлик,
Дарё теранлигу мардлик, эранлик,
Ўктам эранлигу расо мерганлик —
Шу тупроқ илҳомидан.

Ҳабибийнинг булбулдек ўша мастлиги,
Мастлиги, машраблиги, ҳақпарастлиги,
Асқаднинг бурролиги ва чаптастлиги —
Шу тупроқ илҳомидан.

Буюк Британиянинг ўн йиллик божига тенг
Ва яна ўн салтанат хирожига тенг —
Бобир шоҳ тожидаги ўша гавҳар ҳам —
(Ўғирланган ўша гавҳар-да!)
Аслида тупроқдан.

У ёғини сўрасанг, Одам Ото ҳам,
Ўзинг ардоқлагучи Момо Ҳаво ҳам,
Қайдадир, шу тупроқда.

Даштлардан ўтгансан-ку саратон пайти,
Бу даштлар асрори жаҳондай тубсиз,
Шу тупроқ деб ўн уч аср Қутайба билан
Узлуксиз жанг қилмоқда ўзбек тупроғи...

* * *

Тупроқда ҳикмат кўп, жигаргинам, ҳей!

* * *

Отим ҳам, атоғим ҳам тупроқ эмасди,
На бобом ва на бувим тупроқ демасди.
Аммо ким эринмаса — янчиб ўтмоқчи бўлди!
Ўкчасининг синиқ михин санчиб ўтмоқчи бўлди.
Бироқ яралишдаги қаттиқлигимдан,
Ҳарқалай зиғирдак тансиқлигимдан —
Зангладиму соғ қолдим
Ва асримдан бахтим улушин олдим.
Аслида темир ҳам тупроқдан-да,
Темирдаги шу жўн сир ҳам тупроқдан-да!

* * *

Тупроқда ҳикмат кўп, жигаргинам, ҳей!

Ю Л Д У З

Дарё тепасида, кўк қуббасида,
Худди арш авжида тўп инжу дона —
Юлдуз жимиллайди тонг жилвасида,
Не юлдуз, фусункор мовий афсона...
Жимиллайди гўё жозибали туш,
Ёки саҳар чоғи жимжима жумбоқ.
Зуваласи ёғду ё ўланчи қуш,
Ё асрий армонки, ёрқин ва уйғоқ.
Юлдуз жимиллайди, жимиллайди, ҳей,
Гўё нур мавжида лимиллайди, ҳей.

* * *

Жиғам йўқ-да, олиб қўндира қолсам,
Жиғам бўлганда ҳам қўндирмас эдим.
Ё учқун эмаски сўндира қолсам,
Учқун бўлганда ҳам сўндирмас эдим.
Ёмбимас, заргарга йўндира қолсам,
Ёмби бўлганда ҳам йўндирмас эдим.
Ё зар соққамаски дўндира қолсам,
Соққа бўлганда ҳам дўндирмас эдим.
Юлдуз жимиллайди, жимиллайди, ҳей.
Имлайди, имласам — имиллайди, ҳей.

* * *

Фусункор ёруғлик тўла фазода,
Наҳот, ўша юлдуз менга қарашлик?
Қимнингдир суюнчи бўлур зиёда,
Қимнингдир кўнглини қовурар гашлик.
Баъзан беш кўринар, баъзида етти...

Ёруғ юлдузгинам, умр ҳангомаси,
Порла, кўзларимга кўринма митти,
Бўлолгин жўшқин дил қибланомаси.
Юлдуз жимиллайди, юлдуз жимиллар,
Имлар мен имласам — нечун имиллар...

КУЛГИЧИ

Кўзи сурмаликкина,
Кўкси бурмаликкина.
Кулгичи бор — кулгичи,
Ёқа тугмаликкина.
Кулгичи, оҳ кулгичи,
Нозик адо нечоғлик.
Бўсанинг шум юлғичи —
Даф бўлсин, бағри доғлик.
Кулгичи бор, ўзи шўх,
Ўзи жуда ҳаёлик.
Кўз қараши гўё ўқ,
Лекин меҳригиёлик.
Ингитлар сўзсиз вола,
Қирқ яшарлар ҳам хумор.
Нақ май тўлиқ пиёла,
Сеҳргар хислати бор.
Оғзининг ўймоқлиги,
Тилининг қаймоқлиги.
Мумкинми ўзи, қайдам,
Ҳеч кўзнинг тўймоқлиги?
Юрак дардига етук,
Бош оғриси ҳам тайёр.
Бирам қақажон, кўҳлик,
Бирам бийрон ва айёр.
Биронтадан қарзи йўқ,
Ундан-чи, ҳамма қарздор.
Ҳазначидай кўнгли тўқ,
Эмлаши мўъжизакор.
Кўп эмлади мени ҳам,
Игнаси кўп шифолик.
Шундоғам содда, ўктам,

Шундоғам кучга молик.
Дарров ўрганасану
Унутолмайсан кейин.
Айниқса бу ошиғу
Шайдо йигитга қийин!
Ҳаммага бирдай эгик,
Ваъда ҳам, вафо ҳам йўқ.
Кўзларни қарайди тик,
Кўзларда пирпирар чўғ.
Гоҳо ўша қараши
Дилга қўшиқ битади.
Гоҳо ўша қараши
Бебошвоқ алжитади...

Мени-ку алжитмади
Ва лекин ялчитмади.

Қ И Р Г О В У Л

Исковучдан ўласи чўчиб,
Учар қирғовул.
Дам йўрғалаб, дам пастроқ учиб.
Қочар қирғовул.
Камалакдай кўз қамаштирар,
Ҳовучлаб нақ жон.
Уясидан из адаштирар...
Овчи беомон.
(Овчи-да!) дал кўзлаб отар ўқ,
Қайрилар қанот,
Исковуч ҳам хушвақт, кўзлар лўқ,
Қон бўлди ҳаёт...
Қуш патиллар, чала жон, беҳол,
Келтирар този.
Тўқайни ҳам титратган мисол
Бўғиқ овози.
Инграгандай бўлди ўша зум,
Ингради узоқ.
Уясида балки тўрт тухум,
Жуфт қолди ё тоқ.
Фақат жуфтмас, йўқ, темир қанот
Жўжалар қолди.
Саёқ, ёвуз, нокас, олчоқ зот
Улжа олди...

ОНА ЮРТ

Тупроғинг зар,
Тошинг гавҳар,
деган ҳам бор.
Яғонасан,
Жононасан,
деган ҳам бор.

* * *

Меҳриғиё,
Қандай зебо,
деган ҳам кўп.
Бебаҳосан,
Тўтиёсан,
деган ҳам кўп.

Биров ундоқ,
Биров бундоқ тўқир мақтов.
Ундоғаммас,
Бундоғаммас, азиз ва дов,

Кўлу тоғлик,
Боғу роғлик ўзбек элим.
Момо юрти,
Бобо юрти, чамбил белим.
Зару гавҳар — ялтироқ тош,
недир олмос,
Сен биз учун ҳам нон, ҳам ош,
мангу мерос.

Авлодларга мерос тупроқ,
олтин бешик.
Келса қардош, келса қўноқ
ланғирт эшик.
Тирикликда диёримсан,
бол ва оқ сут.
Улсам агар мазоримсан,
эй, Она юрт!

ДУНЁ БИР СОЗ ҚУШИҚДАН ЗАВҚ ОЛОЛСАЙДИ

Евузликка жиндак ҳам жой қолмасайди,
Қанийди...

Ҳар ювуқсиз ёқага чанг солмасайди,
Қанийди...

Мағзин ҳаром қилмаса сўздаги чинлик,
Сохта учқун бўлмаса кўздаги чинлик,
На кўздаги, на сўздаги, ўздаги чинлик,
Қанийди...

Кўзга ғубор чекмаса шипринди — қўқим,
Узин тулпор билмаса қирчанғи — сўқим.
Бахмалдан бичишмаса эшакка тўқим,
Қанийди...

Уруғи ушиб кетса тирик боқимлар,
Одамни хор этмаса ғараз, чақимлар,
Лойқаланмай оқса-чи тиниқ оқимлар,
Қанийди...

Дунё бир соз қўшиқдан завқ ололсайди,
Бир чолғу чалолсайди, бир тор чалсайди,
Одамийлик шиормас, жон бўлолсайди,
Қанийди...

У паллада қоларди на бевақт йиғи,
На ранж, на дўқ, на озор, на дил оғриғи,
На сурбет тухматларнинг заҳарли тиги,
Қанийди...

У вақт тансиқ бўлмасди на хап, на долчин,
На жазо ва на сазо, на тепки, олчин,
Қошки тез бўла қолса ёруғ хаёл чин,
Қанийди...

БИРИНЧИ САБОҚ

...Сал ўтди шекилли, ёшинг еттидан.
Сени бошлаб боргум бугун мактабга.
Бугундан дўст бўлгунг илму адабга,
Бобанг садқа сендай зийрак миттидан.
Қўлингда бойлам гул, бўйнингда осма,
Донғил дарвозадан ўтасан илк гал.
Жиндак тортинчоқсан, қизаргайсан сал,
Энгил-бошинг янги, белингда тасма.
Бугун ҳам улкан тўй жумҳуриятда,
Қўшиқдан жаранглар каттакон ҳовли.
Баринг етти яшар — дўндиқ, аёвли,
Боболар туришар қутлуғ ниятда.
Бугун дарс айтгуси бийрон опоқи,
Сочлари қирқ ўрм, жиддий, хушбичим.
Биринчи сабоққа қулоқ солгин жим,
Лениндан бошланур бугун сабоғи:

...Ленин сенинг бахтинг деб
Кечганди ўз бахтидан,
Сенинг келажагинг деб
Аямовди жонни ҳам.
Бағишлаб тўқсон тўққиз
улушини вақтидан...
Одамзод тарихида
Ундай инсон камдан-кам!
Сурати ҳам осифлиқ
Уйларимиз тўрида,
Сенинг ўша ҳеч сўнмас
Бахт байроғинг Лениндан,
Бўй чўзиб, тақар бўлсанг,
Бўйинбоғинг Лениндан,

Ленин ахир не улуг
Боболарнинг зўри-да...
Ленинга зигирдай ўхшай ол, ўғлон!
Эл йўлига гуллар тўшай ол, ўғлон!

* * *

...Ленин сени деб кетди
Суюк дарё бўйидан,
Ленин сени деб тушди
Зах зиндонга, қамоққа.
Ленин сени деб кетди
Она сути — уйдан,
Ҳар қамоқ, ҳар жудолик
Ўхшар эди сиртмоққа...
Ленин сени деб қолди
Шушенда ҳам неча йил,
Олис, қорли ва аёз
Саян этакларида.
Йўқликдан-йўқчиликдан
Дил синар гоҳо чил-чил,
Зиндон катакларида...
Олис ва ёт элларда
У чекмаган қийноқ кам,
Не-не зил зарба лардан
Ўтди қоя бардоши.
Дунёнинг донолиги
Жаҳондай қалбида жам.
Юзга яқинлашмоқда
Ўшандоқ бобо ёши...
Ғалаба байроғидан
Ленин қараб туради,
Унинг ёнига борар
Учар бўлса фазогир,
Не-не мушкулотда ҳам
Олдинда у юради.
У борки, ечилгуси
Жами тилсим, жами сир.
У боболар бобоси,
Барчага маслаҳатгўй,
Лениндан кўп миннатдор
Ўйғоқ заҳматкаш жаҳон!

Инқилоб ўлкаси бу,
 Ҳар йили бир асрий тўй,
Жаҳоннинг умиди ҳам
 Шу чўнд юртда, болажон,
Қутлуғ жумҳурият ҳам
 Лениндан сенга мерос,
Ўс, юксал, чўққилар ош,
 Муносиб эга бўлгин.
Евузлар кўтарса ҳам
 Ҳали юз айюҳаннос,
Ягона, ёруғ йўл шу —
 Бобонг-ла бирга бўлгин.
Иўлингга машғаладай
 Еритгуси бу сабоқ,
То юзга киргунигча
 Сақла, ўғлон, эсингда.
Довонлардан мардона
 Ўтолгайсан, бўталоқ,
Улғайганигда Ленин
 Порлаб турсин кўксингда.
Ленинга зигирдай ўхшай ол, ўғлон!
Эрк йўлига гуллар тўшай ол, ўғлон!

САМАРҚАНД ШЕЪРЛАРИДАН

Сен менинг тарихимда ўразлик номсан,
Сен менинг тарихимда эзгу айёмсан.
Сен менинг тарихимда май тўлиқ жомсан,
Сен менинг қўшиғимсан, мангу мақомсан.
Йўқ, на Нухсан, на Золсан, на Лут, на Сомсан,
Уша бобокентимсан, девзот бобомсан,
Оқ, нечоғлик суюксан, соз, дилоромсан,
Сўлим Самарқанд!

Сен Семизкентимсан-ку, қадим Семизкент,
Аслида ёлғизмассан, ошкор эгиз кент.
Манглай тер дарёсидан бахти денгиз кент,
Эркин Шарқ сийнасида қуёш менгиз кент,
Эй, менинг ёруғ чашмам, нури чексиз кент.
Мерос кентлар тожисан, суюк, тенгсиз кент,
Менга ҳаёт татимас эди сенсиз кент,
Сўлим Самарқанд!

Ажиб ўлкам ҳуснида ажиб, тенгсиз хол,
Ярқироқ камолингга не-не дунё лол,
Эй, кўзим қорачиғи, юксал безавол,
Заҳматкаш, эй мушти тош, покдил ва ҳалол.
Нони, тузи табаррук, суви зилол, бол,
Ялмоғизга, ёвузга ҳамиша қаттол.
Мақтовига поён йўқ, етук баркамол,
Сўлим Самарқанд!

ЙИЛБОШИ УЛАНЛАРИДАН

Ерти аср йил боши...
Наъра торт, ҳей шоввозлар...
Дуч бўлур ҳали талай
Саратонлар, аёзлар.
Дуч бўлур ҳали талай
Чилторлар, таранг созлар.
Дуч бўлур ҳали талай
Шўх ўланлар, шаҳнозлар...
Суюнчи, суюк ўлкам,
Қарвонларинг хатарсиз,
Йўлда тағин довонлар
Ёруғ кўкламлар, ёзлар.
Қутлуғ манглай терингдан
Йил келмади зафарсиз,
Олдингда тағин тўйлар,
Қувноқ базм, дилнавозлар.
Олдингда олис, лекин
Ёруғ ва донғил бир йўл,
Олдингда оғир меҳнат,
Янги-янги парвозлар.
Шавкатли меҳнатингда
Ҳикмат ҳам, омад ҳам мўл,
Алпга хос қадамларга —
Алпга хос поёндозлар...
Девкорим, зафар ёрим,
Байроқдорим, аёвлим,
Ленин бор, ҳамиша ёр!
Тош терсин найрангбозлар.
Ҳали олқиш дер жаҳон,
Мардим — қалби оловлим,

Ҳали мақтовинг бўлур
Девонлару баёзлар.
Жонон юрт, довруғингга
Қойил ҳатто не сурбет,
Ҳайрат бармоғин тишлар
Ҳали не-не устозлар.
Алёр, ўзбек майндан
Сунгил соқий, кетма-кет,
Ерти аср йил боши
Олинг, ҳа, довулбозлар!

ЎЗБЕКИСТОНСАН

Мен бахт борасида сўйламоқчийдим,
 Қувноқ бир қасида куйламоқчийдим,
 Эрта ва бугунни ўйламоқчийдим,
 Эртақ каби бир тўй тўйламоқчийдим.
 Кўзларим ўнгида сен намоёнсан,
 Сен ахир ўшасан, асрий армонсан,
 Ўзбекистонсан.

Меҳнат ўғлисан-да, юрагинг соғдир,
 Кунчилар йил сайин тажанг ва доғдир.
 Ҳар қадамнинг жаннат, боғчадир, боғдир,
 Кечаларинг доим лак-лак чироғдир.
 Сен ёвга шаддоду дўстга дармонсан,
 Сендан хатар йироқ, дориламонсан,
 Ўзбекистонсан.

Не-не мўл хазина ҳукми қўлингда,
 Қутлуғ йил қўшини боғу чўлингда.
 Олтининг, ипагинг ўнгу сўлингда,
 Не-не эллар шайдо сенинг йўлингда.
 Мевасан, шаробсан, сувсан ва нонсан,
 Меҳри қўшадарё, бағри уммонсан,
 Ўзбекистонсан.

Ўзинг машинасоз, ўзинг чарвадор,
 Ўзинг алломасан, ўзинг санъаткор.
 Фидоий аскарсан ва ўктам сардор,
 Давлатинг ва фаҳринг тенгсиз пахтазор.
 Бебаҳо, бемисол момик хирмонсан,
 Ленинга ҳамиша фарзанди жонсан,
 Ўзбекистонсан.

АНДИЖОН АДИРЛАРИДА

Ҳозир ҳамма ишга қодир одамзод,
 Писанд бўлмайд қолди довул ҳам, сел ҳам,
 Писанд бўлмайд қолди самум, гирдибод,
 Йўлбарслар қуввати билагиди жам.

Баҳодирлар азми дилида тошқин,
 Кундан-кун кўрк берар она тупроққа,
 Қайтаролмас шаштин бало-ю босқин,
 Она тупроғиди ужомоқ қурмоққа.

Адир ўмровидан қарайман узоқ,
 Сойнинг у ёни ҳам, бу ёни адир.
 Кўкламда кўк яйлоқ, ёз боши яйдоқ,
 Бузоқ ҳам ўтламас, ташландиқ, беқадр.

Адир ўмровидан қарайман узоқ.
 Баланд-паст, ўр-ўйиқ, ётар тизилиб,
 Ётар— қатлам-қатлам бўз, кулранг тўзгоқ,
 Яралишдан бери бағри эзилиб...

Ҳозир ҳамма ишга қодир пахтакор,
 Писанд бўлмайд қолди ўр ҳам, адир ҳам.
 Не аждод армонда ўтди зор, ночор,
 Тополмай илож ҳам, йўл ҳам, қадр ҳам.

Адир ўмровидан қарайман пастга,
 Қўринур алп қудрат, уринчоқ деҳқон,
 Мен олқиш ўқийман шу бахтпарастга,
 Адирда яратмиш яшил бир жаҳон.

Хў пастда сой оқар, айланур паррак,
Адирга шариллаб оқар ярим сой,
Қуч ва ёруғликдан беради дарак,
Кўклам хаёлидай кўк пахтазор жой.

Думалаб ётибди қовун ва тарвуз,
Гупчакдай-гупчакдай, бир одамга юк.
Адир чўққисида чайқалар ҳовуз,
Деҳқон манглай тери эзгу ва суюк!

Яшил, янги, ёрқин бир жаҳон кўрдим—
Бу ўша— Андижон адирларида.
Ҳамма ишга қодир, чўнг деҳқон кўрдим—
Бу ўша— Андижон адирларида.

ҚОРА ДЕНГИЗ ҚИРҒОҒИДА СЕНИ СОҒИНГАНИМ

Менинг юртим ҳарорати
Қирқ уч эмиш... баҳор бунда.
Тоғ бошидан ўрмон анқир
Сирли тунда, ойдин тунда.
Баҳор бунда, денгиз кулар,
Кулиши ҳам бир афсун-да...
Аёвлигим, нечун сени
Кўргим келур кунда-кунда.

Жонларга жон, атри жаҳон
Тонг чоғи ҳам ёдимдасен,
Не жононга тўлса денгиз
Қирғоғи ҳам, ёдимдасен.
Дилни жиндек жизиллатса
Мунг доғи ҳам, ёдимдасен,
Аёвлигим, нечун сени
Кўргим келур кунда-кунда.

Ёдимдасен оқшом пайти,
Чақчақ пайти, ўйин пайти.
Ёдимдасен кун ўртаси,
Ёки ёмғир, қуюн пайти.
Ёдимдасен ақлим бутун
Ё жазава— жунун пайти...
Аёвлигим, нечун сени
Кўргим келур кунда-кунда.

Кўнглим тўлиб, соғинганда
Сарвзорга сўроғим бор.
Етти ранглик, эртак янглиғ
Зап диёрга сўроғим бор.

Биламану қани дейман,
На чидам, на туоғим бор.
Аёвлигим, нечун сени
Кўргим келур кунда-кунда.

Ёмгир ювган яшил япроқ
Жилосида жилванг бордек,
Бу боғларнинг олчасида,
Гилосида жилванг бордек,
Хаёлотнинг тотли, алдоқ
Дунёсида жилванг бордек...
Аёвлигим, нечун сени
Кўргим келур кунда-кунда.

Сочларингдек ёйилганда
Булутли тун болишимга,
Яшил диёр эригандай
Менинг беун нолишимга,
Қулоқ солур коинотда
Чангдек нафас олишимга...
Аёвлигим, нечун сени
Кўргим келур кунда-кунда.

Гунчаларга кўзим тушса—
Кўз ўнгимда гунчалигинг,
Васл чанқоғи бўлмаганда
Пайқармидим шунчалигинг.
Саҳар-саҳар мужда кутиб,
Кўз нигорон, қулоқлар динг...
Аёвлигим, нечун сени
Кўргим келур кунда-кунда.

Наҳот менинг ҳароратим
Денгизда ҳам қирқ уч бўлса,
Наҳот менинг висол дардим
Ҳам беҳуда, ҳам пуч бўлса.
Қошки менга жилов солур
Бу дунёда бир куч бўлса...
Аёвлигим, нечун сени
Кўргим келур кунда-кунда.

Ш О Д И Е Н А

Косагул, менга бугун
 Шу куз шаробидан сун,
Косанг ҳам тўлиқ бўлсин,
 Ташнаман ва хуморман.
Чамамда жиндак ҳаддим,
 Жиндак ҳаққим бор бугун,
Шафақ ранг шу шаробдай
 Тиниқман, беғуборман.

Пурҳикмат ҳам қутлуғ йил,
 Аломат йил кузи бу,
Қутлуғ йил қудратидан
 Баҳраманд мард диёрим.
Тупроғинг— еринг эзгу,
 Пешона теринг эзгу,
Тўй бошласанг ярашур—
 Соҳибни ихтиёрим.

Заҳматкаш ўзбек тўйи,
 Тенги кам шоднёна,
Азиз қўноқлар келур
 Бугун яқин-йироқдан.
Дўст келур, ёрон келур,
 Кўз илғамас тўйхона,
Ўзбек меҳмондўстлиги—
 Адо бўлмас қазноқдан...

Шу жонга жондош юртда—
 Боболар тупроғида—
Олис олам бурчидан
 Кўринур чўнг оқ хирмон,

Шу тупроқни ардоқлаб,
 Шу осмон равоғида —
Қуёш ҳануз гўёки
 Янги узилган ширмон...

Эй, етмиш мамлакатга
 донғи-довруғи кетмиш,
Юз ҳотамдан сахийроқ
 Қўли қадоқ алп инсон,
Сен яратган мўъжиза—
 Сана-санама— етмиш...
Лекин аслинг пахтакор—
 Ўша валлакат деҳқон.

Ҳар йилги манглай теринг—
 Дарё десам ёлғонмас,
Аёз ҳам, олов ёз ҳам
 Ўтаберар шу, йўсин.
Марду мардоналигинг
 Кенг оламга пинҳонмас,
Азмингга бас келолмас
 Ҳеч тўғаноқ, ҳеч тўсин!

Куз. Терим. Дала оппоқ...
 Ҳар чаноққа чигилиб,
Қўлни ҳар узатганда,
 Қанда эмас бир салом.
Саҳардан— оқшомгача,
 Қайдам, қанча эгилиб,
Ҳар лўппи мўъжизага
 Қўясан ўзга бир ном.

Қўшиқ айтиб терасан,
 Қайтиб-қайтиб терасан,
Бел деганда бел қолмас,
 Қўл деганда қўл қолмас.
Чарчоқ, чанқоқ, барибир,
 Қувноқ кўкрак керасан,
Азмкорсан, шаштингдан
 Адир қолмас, чўл қолмас.

Меҳнат фарзандларисиз,
 Ўзбек сарвинозлари,

Жонлар садаға, балли,
 Бекам-бекажонларим,
Пахтазор сулувлари,
 Юртим дилнавозлари,
Тоғ бардош, толмас, нозик,
 Эркам — эркажонларим.

Яқин сизни ардоқлаб,
 Сочингизни силар пайт,
Қўлингизга таққаймиз
 Юлдуз кўзлик узуклар.
Ҳали сизга тўқилур
 Не тарона, не шўх байт,
Оташин севги раво
 Сизга, кўзи сузуклар!

Қудрат оқсоқол фахри,
 Бел кучи, жигарбанди,
Мардлар шоҳи Шоймардон,
 Дарғасан дарғаларга.
Лочинсан, қойил юртим
 Тошкенту Самарқанди,
Сен учсанг— учиш қайда
 Зоғлару қарғаларга.

Баракалла, элим ҳой,
 Чопиқчилар, сувчилар,
Тўрт рақами— алп рақами,
 Қувон ҳей, боғла қанот.
Балли, ўтоқчилару
 Қирпиб—чилпигувчилар,
Тўрт юз қасидага тенг
 Сизга олқиш, ҳасанот!

Мардона элим, қувон,
 Бежизмас шоҳона базм,
Тўлқинлан, кўкрагинг кер.
 Қуйла бугун баралла,
Мардлик бу, тангилик бу,
 Қаҳрамонлик, тенгсиз азм,
Инсофлик олам билан
 Одам дер: баракалла!

Ҳа, саҳардан янгрaсин
Рaсо тўрт юз ноғорa,
Самоғa садо солсин
Бўйдоқ тўрт юз карнай ҳам.
Шўх қўшиқ, шўх кулгилар
Оқсин гўё шаршарa,
Тўрт юз рубоб, тўрт юз чанг,
Тўрт юз жезу зар най ҳам.

Симобдай титроқ солсин
Дилғa Ҳалимабону,
Тўрт юз қатла тинглайлик
Шўх ўлан ва мақомдан.
Ўзбек шаробин тотсин
Қолиб кетмай у ё бу,
Тўрт юз таъзимкор соқи
Сунсин шифолик жомдан.

Авж пардадан тушмасин
Жарангдор тўрт юз чилтор,
Қўй сўйинг, ҳўкиз сўйинг,
Олмовутдан бўрдоқи.
Уртада Мукаррама—
Ўйнасин тўрт юз дилдор,
Ҳайрат бармоғин тишлаб,
Лол боқсин осмон тоқи.

Олис-яқиндан келсин
Нор савлат тўрт юз бахши,
Сўлиқ чайнаб, кишнасин
Пойғада тўрт юз тулпор.
Олтойлик ва Уроллик,
У биттаси Бадахши,
Тўрт кеча-ю тўрт кундуз
Жаранглаб турсин ёр-ёр.

Бу шундоқ тўй, шундоқ базм...
Қўли очиқ эл оши,
Тўрда тўрт юз аллома,
Афлотундан зўр доно.
Ҳайратда оқсоқ бобом
Кўзидан оқсин ёши,
Навойи ўзи бошлиқ
Келсин тўрт юз мавлоно.

Келсин кўнгли яқинлар,
Келсин меҳри чақинлар,
Жумҳурият бешигин
Тебратганлар бўлсин жам.
Келсин юзи ёриқлар
Кўзларида ёлқинлар.
Саркарда-ю саркорлар,
Ҳамза, устоз Ойбек ҳам.

Келсин ўн тўрт қатордош,
Ўн тўрт байроқдош тугал,
Сеҳрли, алп хирмон бу—
Жаҳондай оғир тоши.
Калинин оқсоқол ҳам,
Фрунзе келсин бу гал,
Юз яшар доҳий келиб,
Ўзи бўлсин тўйбоши.

Келиб кўришсин, майли,
Бизни қул деганлар ҳам,
Қаранг, қул эмишимиз-а!
Ҳо, сен сўқир алвасти.
Истайсанки, беному
Бенаво топсак барҳам,
Бўлсак қул, оёқ ости.

Пуч хаёл, қора бўҳтон,
Ночор сўз, беҳуда сўз!
Қувон, юртим, йўқ бўлур
Ҳамиша қора ният.
Кўркингдан, камолингдан
Мен қандоқ узайин кўз.
Камол топ тағин юз қат,
Ардоқли жумҳурият.

Ардоқлим ва аёвлим,
Ҳамиша камол топгид,
Мен ҳам бир фарзандингман,
Тўйда мен ҳам тўйчингман.
Зафар қанотларида
Ҳамиша олға чопгин,
Мен ҳам бир шайдойингман,
Мен ҳам оддий куйчингман.

1971

Йил боши... Олам оқ, эл хушвақт,
Юрт тағин сулувроқ, ёрқинроқ.
Юрт тағин девкорроқ ва хушбахт,
Йил сайин Коммуна яқинроқ...
Олам оқ, йил ҳали мурғак-да,
Гўё оқ момикдан йўрғакда...

* * *

Эй, пири бадавлат, танги чол,
Азамат Етмиш, ҳой, яхши қол.
Салмоғинг жаҳонча — жаҳон лол,
Парвозинг осмонча — осмон лол.
Тарихда зар хатлик ном қолди,
Зафарёб, илҳомбахш жом қолди.

* * *

Йил кўрки ўша чўнг хирмонда,
Чўнг хирмон юкланмиш карвонда.
Ўтилган йўлда-ю довонда,
Юлдузни кўзлаган жавлонда...
Соқий ҳей, ўзбаки жом узат,
Сочиқ ёз, шўх сурон — базм тузат!

* * *

Оламдан хабар ол, хушвақт дил,
Диллар бор — ранжийда ва чил-чил,
Диллар бор — эрк кутар йилма-йил,
Йилма-йил қисмати зилдан-зил...

Юз лаънат келмишак зўравон,
Наҳотки ўртанса нимжаҳон?

* * *

Анжела — камолот деган сўз,
Тонгдай пок хаёлот деган сўз,
Юракни ўқлаб от деган сўз,
Йўқ бўлсин ём-ём зот деган сўз.
Араб ҳам суворий ғазабга,
Тағин бахт ёр бўлсин арабга.

* * *

Чекил эй шумшуклик, шайтонлик!
Йўқолсин дунёда нодонлик!
Бор бўлсин омонлик — шодонлик
Ёруғлик, эрк ва бахт, инсонлик!
Жаҳонга бергусиз эрк — бу эрк,
Ёвузлик — зўрликка йўллар берк.

* * *

Кўзларингдан ўргулай, қараб қўй қиё,
Кўзларинг чақинига жуда хумормен.
Кўзларим кўзларингдан олади зиё,
Кўзларингга маҳлиё, зиёга зормен.

Кўзларингдан ўргулай, жилмайгин пинҳон,
Ушандоқ шўх боқишга ўлгунча бормен.
Кўзларингда меҳру ишқ ловулла аён,
Жилмайгин, жилмаймасанг чеккум озор мен.

* * *

Бутун олам жамоли қизлар жилмайишида,
Нозик адоларида,
Юртим кўкламларида, ёзларида, қишида,
Янгроқ садоларида.

Мажнунтол эгилиши, ҳаё-ю тортинчоқлик
Қай эл, қайси жаҳондан?
Сойларга сир айтиши ва сирга топинчоқлик
Тимсолми қизларжондан?

Қизларжон, ҳой қизларжон, нозик адонгиз яхши,
Шаддод ҳам бўлсангиз-чи!
Қизларжон, ҳой қизларжон, шарму ҳаёнгиз яхши,
Бедод ҳам бўлсангиз-чи!

Бутун олам жамоли қизлар жилмайишида,
Нозик адоларида.
Юртим кўкламларида, ёзларида, қишида,
Янгроқ садоларида.

* * *

Сойларга тикилсам, кўзим ёшланур,
Жарларга эгилсам — айланур бошим.
Тонг чоғида бунда ҳаёт бошланур,
Далада пахтачи жамий юртдошим.

Уватда чучмўма, чўнқирда қоқи,
Ариқ бўйларида ҳушбўй тўп ялпиз.
Она табиатда ҳар зарра боқий,
Она табиатга қойилман ёлғиз.

Шудрингларда қуёш шўху жилвагар,
Қушлар навосида жаранглар армон.
Сададан нарироқ бир асов дилбар,
Қарашлари ханжар каби беомон.

Ҳаммаси жилмаяр менга йўлларда,
Шеърларимда янграг бахтиёрлигим.
Бахт — яшил чўлларда, қадоқ қўлларда,
Бахт — халқимга фидо, барқарорлигим...

* * *

Истардимки, ҳар сатримда бир қўшиқ янғироғи,
Янграб турса чексиз жаҳон, тубсиз осмон аймоғи,
Қўклам чоғи яшил денгиз — экинзорлар қучоғи,
Саратонда қуримасин қувончларим булоғи.

Бедазорда беданалар садосига жўр оҳанг,
Янгра, шеърим, садо сол.
Далаларда бўзтўрғайлар навосига жўр оҳанг
Янграб, доvon ўта ол!

Қ И Ш Л О Г И М

Қишлоғим, нечоғлик сулувсан бугун,
Яшилга бурканиб, яшнабсан шунча.
Нечоғлик тўкиссан, нечоғлик тўкин,
Мени ўраб олди хаёл, тушунча:

Қай қўрага кирсанг — эшиги очик,
Бир нима татийсан, қўймас асло оч.
Қорақумғон қайнар, ёзилур чочиқ,
Зогорами, сўкми, ёвғон ё умоч.
Борини аямас, барини қўяр,
Юпқами ё гўжа, талқон, қўғирмоч,
Қурутму ё жийда — ўртага уяр,
Жуда бўлмаганда қатиғу кўмоч.
Агар сўйган бўлса кеча бўрдоқи,
Қозонда қовурдоқ, ўртада кўза.
Данак, қовунқоқи, сузгун кўз соқи,
Ё қимиз сузулур, ё аччиқ бўза.
Агар сўйган бўлса улоқ ё қўзи,
Ухў, нўхат шўрва ёки кулчатой.
Жуда қашшоқ бўлса — бор яхши сўзи,
Шундоқ яхши сўзки, гўё саримой.

* * *

...Ерамазон айтар эдик баъзи кез,
Шом пайти, чанг-тутун қишлоқ кўчаси,
Пул ошими, тўқоч — олиб чиқар тез,
Тонггача жаранглар ойдин кечаси.
Келин йўлин тўсиб мачит олдида,
Айланишар эдик ёқиб аланга.
Ҳаммаси қоларкан гўдак ёдида,

Бошдан сочилгувчи туршагу танга.
Қиш куни тўю базм ё яёв улоқ,
Ё нарги қишлоқдан ногихон қорхат.
Эсимда гўдаклик — унутилмас чоқ,
Уша кунларимдан қалбимда бор хат...
Қишлоғим, тағин ҳам сулувсан бугун,
Тағин ҳам суюксан, менинг ардоқлим.
Нечоғлик тўкиссан, нечоғлик тўкин,
Дунё тургунча тур, қўли қадоқлим.

* * *

Юртим, ўзинг қандоқ саз ошиёнсан,
Не ошиён, тенгсиз, суюк жаҳонсан,
Ишончсан, умидсан, ўчмас имонсан,
Бахтимсан, фахримсан, ёруғ давронсан,
Ленин даҳосида—шундоқ замонсан...

Ленин кўз солади Қизил майдондан,
Кўзларин узолмас лак-лак карвондан,
Сенга олқиш ўқир дилдан, виждондан,
Олқиш ёғар тагин чексиз жаҳондан,
Чунки ўзинг эзгу, ажиб жаҳонсан.

Қатордан қолмадинг, кечдинг жондан ҳам,
Утолдинг сел, довул, сур тўфондан ҳам,
Утолдинг учирим, не довондан ҳам,
Чўчимадинг муздан, саратондан ҳам...
Сен шараф тожимсан, зўрсан, полвонсан.

Жўмард жумҳурият, бобо юртим ҳей,
Жўмард жумҳурият, она сутим ҳей.
Жўмард жумҳурият, дилда ўтим ҳей,
Жўмард жумҳурият, бахту қутим ҳей,
Мардсан, валлакатсан, энг алп инсонсан...

ЧАВАНДОЗ

(Парча)

Оддий аскар эди Уроқжон,
Евқур йигит, эсар чавандоз,
Будённийдай қайсар қилмичбоз,
Меҳри олов, қаҳри қаҳратон.
Ардоқларди арғумоғини,
Қанда эмас ем, қашир-силар,
Уроқбой от тилини билар,
От ҳам билар ўз Уроғини.
Манглайда кафтдек қашқаси,
Уша ўзбек қорабайири,
Тулпор зотнинг нағз чайири,
Ута берсин юзлаб бошқаси...
Дўстларидай эпчил, мард, чаптаст,
Уйнар эди от қулоғида,
Не олғир ёв қасос доғида,
Қирағайлар бир-бир бўлди паст.
Қорақашқа, йўқ ҳеч қувлиги,
Танир эди тумонатда ҳам,
Танир эди аросатда ҳам,
Довруғ эди от сулувлиги.

Қонли майдон, юз-юзлаб фарсах,
Борар эди оғир, тенгсиз жанг,
Ойлар ўтар бир-биридан танг,
Ертўла ҳам, хандақлар ҳам зах...
Ел ингларди худди мовмушук,
Ер титратар тўп қалдироғи,
Жангда юртнинг яқин-йироғи.

Қорабўрон. Улат. Қор. Ушук.
Камчил эди замбарагу тўп,

Сафда эди дудама чўқмор,
Не дудама, газлик ҳам мадор.
Жанг бу ахир. Қурол тури кўп.
Ёв ёвузроқ келди Жўжидан,
Улаксага ўч худди ём-ём.
Қайдан топай ёвга мос бир ном?
Қон пишқирар одам қўнжидан.

Ўч оларди чавандозлар ҳам,
Пайдо бўлар ногоҳ ўрмондан,
Пайдо бўлар тонги тумандан,
Барн бирдай довюррак, ўктам.
Пулемётми ё танк — чекинмас,
Қушдай учар тўп-тўп олмовут,
Бургутлардай солншар човут,
Дўзаҳ очса ҳамки бекинмас,
Наъралари қалдироқ мисол,
Қиличлари чақмоқдек кесар,
Танги, жонбоз, беаёв, эсар,
Туллак ёв ҳам баъзан ганг ва лол...

Пистирмада Уроқбой бу кун,
Юз айғоқ ҳам пайқамас жойда,
Ёв сўқмоғин кузатар сойда,
Қашқаси ҳам ўлгудай беун.
Пайқар эди қорақашқа от:
Хозир жуда жавобгар дам, бас,
Ер тепинмас, сўлиқ чайнамас,
Дуч келгуси ўлим ва ҳаёт.

Шундоқ жанг бу. Қийғулиги мўл.
Айёрлик ҳам асқатур пайт бор,
Ғаддорлик ҳам асқатур пайт бор,
Қасос йўли — юз айланма йўл.
Ўйламангки, пистирма бежиз,
Сой ёқалаб келар уч отлиқ,
Отлари ҳам худди қанотлик,
Йўртиши ҳам ел каби физ-ғиз.
Уч отлиққа Уроқ бир ўзи,
От тортмасин тортар у шошқин,
Ич-ичини ўртар ўч-тошқин,
Тикилганди ёв томон кўзи.
Наҳот, омон ўтса учовлон,

Дилда тутаб қолса ўч, наҳот,
«Суянчим бўл, эй сен хоназот!
Кел, бу гал ҳам эта қол жавлон!»
Ора қолди бир арқон бўйи,
Типирчинар шу маҳал қашқа,
Қолганмасди чораси бошқа,
Тирик олмоқ Уроқнинг ўйи.
Лекин қандоқ? Келар уч бало,
Уртасида келар улуғи,
Башанг, дароз, ажал уруғи...

Оғир эди лаҳзалар, оғир,
Қандоқ қилиб тутсайкин тирик,
Савлатидан бу ўлжа йирик,
Расо кўзлаб ўқ узди ахир.
«Бу-ку тушди менинг ҳақимга,
Нетайикин, бошин узайми?
Ё ўзгароқ ранж кўргизайми?
Ё босайми дангал тақимга?»

* * *

Қўлингизга тутдим бир ғужум чилги,
Татиб кўрдингизу дедингиз: «Ғўрроқ».
Бу ўша лоқайдлик, шўхликдан белги,
Бу бобда омад йўқ, пешанам шўрроқ.

Болдай нима тутсам, дейсизки: «Аччиқ»,
Аччиғин келтирсам, дейсиз: «Бу нордон».
Ҳар қочириқ дилда қўзғар бир санчиқ,
Қандоқ ўч оласиз ўртай-ўртай жон.

Бир кез бенжозат бўса олгандим,
Ушанинг ўчими ё бошқароқ важ?
Бир кез бўйнингизга қўлим солгандим,
Наҳот, ўша ваядан фалак шундай каж?

Наҳот?.. Йўқ, эй нодон, ўч эмас ё кек,
Бўсага лоқайдлик касофати бу.
Бўсага чек қўйма, бўсага йўқ чек,
Бўса деб чақнашда кўзлари оху...

БАЙРАМ ҚҰШИҚЛАРИДАН

Тонг байроқлар тикмоқда олис кўк тоқларига,
Чексиз юртим йўллари, яқин-овлоқларига,
Чўққилару чўлларга, чаман-ўтлоқларига,
Экинзору ўрмону сою тошлоқларига.

Янграшда тонг чоғидан тарона, тўлқинли тор,
Куйлар меҳнаткаш дунё баралла ва жарангдор.
Хушбахтлик авжларида куйларнинг зап сеҳри бор,
Завқу файзи тошқин юрт тўйи ҳам мардонавор.

Оламнинг ардоғи бу, инқилоб байрами бу,
Не-не инқилобларнинг шавкат ва ҳашами бу,
Не-не чўнг айёмларнинг кўрки бу — кўрками бу,
Қуёшдек ҳақиқат бу, сармоя қасами бу.

Ильич фаранг юртида топса гар шараф-обрў,
Меҳнаткаш дунё учун бу ҳам тўй устига-тўй.
Инқилоб мамлакати ҳамиша ҳақ ва ростғўй,
Дунё билар энма-эн, дунё билар бўйма-бўй.

Косагул, улуғ айём, тагин тўлуқ коса тут,
Бугун ҳам шодлик дарё, бахтим бут ва бағрим бут.
Юртда кезар тошқин куз — ёруғ файзу тўкис қут,
Суюнчга ҳаққи бор эл — парвози гўё бургут.

Юртим, нечоғлиқ зўрсан, мўлсан, созсан, сулувсан,
Инжу деса дегулик. Йўқ, эзгудан эзгусан.
Гўдаклар дудоғида ҳамишалик кулгусан,
Не кулгу, не қаҳ-қаҳа, янгроқ ва чўнг чолгусан.

Сир эмас, йўлим аниқ, режамда бу намоён,
Сир эмас, қайдан келдим ва бориб етгум қаён.
Уйқунг тинч эмас, жаноб, нимадир ўртайди жон,
Улгудай тажанг, титроқ, жазаванг менга аён.

Кўнглингнинг қоралиги — бағринг тутунлиги-да,
Бағрингнинг бир оловда ёнган ўтинлиги-да.
Менинг бахтимнинг бутун, ноним бутунлиги-да,
Эртамнинг бундан ёруғ, жаннат тўкинлиги-да.

Инқилоб ўлкасиман, ўзинг билган ўзбекман,
Уша исёнкор жонман — ўзим айтган сўздекман,
Инқилоб фарзандиман — ўзга эмас, ўздекман,
Бобом хоки бор тупроқ — ўзим очган бўздекман.

Хирмоним чўққилиги, оқлиги, бўлиқлиги,
Меҳнатим ҳалоллиги, ғайратим тўлиқлиги,
Юртим — ишчи-ю қўшчи, чўпону чўлиқлиги,
Юртимнинг улуғлиги — Лениннинг улуғлиги.

Янрагин ҳаволарда қувноқ байрам тизмаси,
Тизмани тўқиган ҳам тизмачилар эзмаси.
Эзманинг тизмаси-ю лекин замонам саси,
Ўзим ўртардим агар бўлмаса давр нафаси.

АТТАНГ!

*Пиримқулнинг ўн бир яшар қизалоғи бевақт
оламдан ўтганда ёзганим*

Ёмон, ёмон... Не ёмон? Ғунчалай сўлган ёмон,
Улғаймай, норасида, ногихон ўлган ёмон.
Оналарнинг бағри қон, оталар ранги сомон,
Улим шундоқ беомон.

...Сени ювиб-тарашиб тобутга солишдилар,
Сени кўтариб кетдик, ўтдинг елкама-елка.
Йиғлашиб қолишдилар, ҳўнграшиб қолишдилар,
Жигарлар тилка-тилка...

Сенга жой ясашдилар — на даҳлиз бор, на эшик,
На-да бирон дарчаси.
На сайхон, на-да йўлак, на тирқиш бор, на эшик,
На гулзор, на қўғирчоқ, на чироқ, на арчаси.

Қаёнга, қайси йўлга кузатмоқчимиз сени?
Дилда титроқ ва ларза.
Қоронғу бир дунёга узатмоқчимиз сени,
Шу ваддан-да бу аза...

Яралмишдинг икки жуфт қора кўз зиёсидан,
Севги жилмайишидан,
Икки қалб севгисидан ҳам меҳри гиёсидан...
Фарёд, фалак ишидан!

Мана бежон ётибсан, қошларинг қийиқлиги
Уртагулик парилар дилин ҳам Қоф тоғида.
Сочларинг силлиқлиги
Малакларни лол этур тубсиз кўк чортоғида.

Эсиз, пионер ёшинг! Эсиз, пионер ёшинг!
Мурғак дилларда оғир бугун сенинг йўқлигинг,
Қора боғлашиб келди бир талай мактабдошинг,
Кечагина улардан ўтар эди шўхлигинг.

Ноғиҳоний ўлимдан бошлар қуйи ва гаранг,
Асаблар тордай таранг.
Йигитлар букчайибди, чоллар ҳоли анча танг;
Аттанг!

Қаёнга, қайси йўлга кузатиб келдик сени?
Қоронғу бир дунёга узатиб келдик сени.

АЛЕР ТАҒИН

Даврага кел, бобо деҳқон,
Кўкси ёлдор алп пахтакор,
Иил ичида, бир кун каммас,
Ўн икки ой меҳнатинг бор;
Кундуз тўкиб манглайдан тер,
Баъзан ўтар тун ҳам бедор,
Ҳар туп ғўза, ҳар чаноқда,
Кўзда нуру меҳринг ошкор.

Даврага кел, муҳандис, ҳей,
Даврага кел, машинасоз.
Кел, ҳей Чирчиқ кимёгари,
Сенинг ҳиссанг эмас ҳеч оз.
Келинг, азиз алломалар,
Тошкент навъи топмиш устоз,
Кекса сувчи, тупроқшунос,
Шўх даврага келгин, шоввоз.

Шоймардон, бу йил ҳам сен,
Дарғаларга яловбардор.
Яловбардор, мардонавор,
Танти саркор ва соҳибкор.
Тўлқин урган оқ кўпикли
Денгиздаги кеманг зангор.
Кемаларки, ҳикмати бор,
Қудрати бор — мўъжизакор.

Заб муносиб оқ чўққилар,
Йил бошидек соз айёмга.
Иилга пешвоз, қадди чинор,
Ўзбек деган ёрқин номга.

Бели боғлиқ, жомакорлик,
Минг-минг Тўлан, Гуландомга.
Ранжимагин, хушбахт соқи,
Қўл узатсак тагин жомга...

Топилгайми оқ момиқни
Уйламаган бирон киши.
Пахта иши — ишчининг ҳам,
Нонвойнинг ҳам ўрта иши.
Пахтамизда бахтимизнинг
Тонглар янглиг жилмайиши.
Пахтамизда жумҳурият
Қудрати-ю улгайиши...

Алп ва танти жумҳурият,
Барака топ, нонинг ҳалол,
Нонинг ҳалол, айшинг ҳалол,
Ҳалоллигинг сенга камол.
Азаматсан, валлакатсан,
Ҳимматинг ҳам дарё мисол,
Шу чўққилар уюлди-ку,
Зарра-зарра, мисқол-мисқол.

Чўл демангиз, Сирдарё бу —
Ўзи ҳозир бепоён юрт,
Бепоён юрт, яшил диёр,
Бағри тигиз баракат-қут.
Хазиналик, дафиналик,
Эртасидек чўнг, бахти бут,
Шўр тупроғу қўр тупроқ бу —
Кўзингга сурт, кўзингга сурт.

Қашқадарё бўзларида,
Оқ хирмонлар — ипак тола,
Ипак неси, оқ булут-ку,
Булут неси, оқ шалола.
Омон бўлсин Тўлғаною,
Тунуқбиби, Ойкамола,
Жамолига олам ҳайрон,
Олам хумор, олам вола.

Жумҳурият жамолига
Мен ҳам вола, мен ҳам хумор,

Тупроғидан чимдим олиб,
Тақсам бұлур гүё тумор.
Дунёда ўз тупроғида,
Ўзгалардай юрганлар бор,
Ўз тупроғим, ўз тупроғим —
Ўз давлатим — қутлур, пойдор...

Бир-биридан гўзал, тансиқ
Самарқанд бу, Фарғона бу,
Хоразм у Бухоро бу —
Асрий, ўлмас тарона бу.
Сурхондарё, Наманган бу,
Андижондек мардона бу,
Мақтанишмас, қишдай оппоқ
Бахт ўлани — шукрона бу.

Ларза солсин қўш ноғора,
Карнайлар ҳам яқбор тағин,
Жаранг берсин гулёр тағин,
Чилдирма-ю чилтор тағин.
Давраларда қанот ёзсин,
Сарвинозлар қатор тағин.
Байрам ахир, алёр тағин,
Алёр тағин, алёр тағин!

* * *

Қаъбамсан, шеърият, эзгу эҳромим,
Оғу ҳам бол тўлиқ бебаҳо жомим.
Амалим ва ишқим, умиду армон,
Уйқусиз тунларим — жиндак илҳомим...

Керакмас инжу ҳам сенсиз, ҳақиқ ҳам,
Керакмас шаддод ҳам сенсиз, дақиқ ҳам,
Ҳаёт ҳам мен учун сенсиз бемаъни,
Сенсиз ўтмасин-да ҳатто дақиқам.

ЎЗБЕК ИУЛИ

Шарқ томон юрдим бир кез
Донғил ва узун йўлдан,
Қешиб ўтардим тез-тез
Не-не қадимий чўлдан.
Қоларди йўл ёқалаб
Не кентлар, не шаҳарлар,
Қоларди хотиралар,
Тунлар, сулув саҳарлар.
Не-не қақроқ ўзанлар,
Янги сойлар, яшил юрт,
Не-не янги чаманлар,
Оқ мраммрдан асил юрт.
Олис мозий бағридан
Вайроналар, эртақлар,
Оқсоқ тождор давридан
Гумбазлик не кўлмақлар.
Не қўрғонлар кўринур
Ясси қум, капа бўлиб.
Қошоналар сурунур
Дўнг бўлиб, тепа бўлиб.
Бугунгидек ёдимда
Утмишнинг сўкук чоки.
Очилур кўз олдимда
Жилд-жилд китоб гўёки,
Ҳар варағи бир тарих —
Қон билан ёзуғлик хат,
Ҳар варағи бир тарих —
Нолакор қўшиқ фақат.
Эсга тушар замонлар,
Қумда қолмиш карвонлар,
Самумлару бўронлар,

Қақроқ-чанқоқ армонлар,
Йўл излаб саргардонлар,
Адо бўлмиш жавлонлар,
Ташналар, нотавонлар,
Қақроқ-чанқоқ армонлар,
Йўл излаб саргардонлар,
Адо бўлмиш жавлонлар,
Ташналар, нотавонлар,
Умри калта давронлар.
Эсга тушар йўлсизлик,
Гўллик, гунглик, гаранглик,
Жизғанаклик, нодонлик,
Дийдорга зор тажанглик...

* * *

Шарқ томон юрдим бир кез
Донғил ва узун йўлдан,
Кесиб ўтардим тез-тез
Не чўл, не дарё, кўлдан.
Қайдан тўғри, жонон йўл?
Ким экан қурғувчиси?
Қайдан шундоқ равон йўл?
Ким бошлаб юргувчиси?
Катта ўзбек йўли бу,
Қурмиш бутун мамлакат.
Лениннинг ўз қўли бу,
Оқар бахт ва баракат.
Катта ўзбек йўли бу —
Тотувлик, дўстлик йўли.
Катта ўзбек йўли бу —
Бекаму кўстлик йўли.
Нотавон бўлсайдик гар,
Қайдан ҳам қураддик йўл?
Бедармон бўлсайдик гар,
Ямларди-ку ютоқ чўл.
Бу йўл барпо бўлгани,
Дема, манглай шўримдан,
Бу йўл барпо бўлгани —
Давлатимнинг зўридан.
Иноқлигу қўлдошлик,
Юз дўст эл ҳашари бу.
Меҳнатга тоғ бардошлик

Даврим шоҳ асари бу!
Боболар йўл юрибди,
Йўл қуrolмабди бироқ.
Яхши хаёл сурибди —
Ер қаттиқ, осмон йироқ.
Ҳар йўлчилик охири
Ўтмабди надоматсиз,
Ҳар мўлчилик охири
Кетмабди қиёматсиз...

* * *

Тағин ўтдим тунов кун
Замон тутиб қўлимдан,
Кетгунча тўкис-тўкин
Қатта ўзбек йўлимдан.
Кетгунча ғўза, боғ-роғ,
Соялик хиёбонлар.
Чўлдан қолармикин доғ?
Қолурми биёбонлар?
Ўлмасам, кўргай кўзим,
Дил-дилдан ишончим бор:
Кўргайман, ёруғ юзим,
Яхлит яшил бир диёр...
Ўктам, расо ва дуркун
Даврон тутмиш қўлимдан,
Бутун Шарқ ўтар бир кун
Ёруғ ўзбек йўлимдан...

МЕН ТУҒИЛГАН ТУПРОҚ

Бу — мен туғилган тупроқ. Ҳа, мен туғилган тупроқ.
Тоғлар, кўм-кўк адирлар, даралар, чексиз қумлоқ.
Бўронлар қамчилашар, ёмғирлар томчилашар,
Қишда қалин қордан оқ, кузда-чи, пахтадан оқ.
Тақводордай чўк тушиб, пешонамни қўяман.
Онам каби ўпаман, қалб меҳрига тўяман.
Кайхисрав қиличидан кесикбош бобом хоки,
Ким нохос оёқ қўйса, ҳақоратга йўяман.

* * *

Бу — мен туғилган тупроқ. Бу — мен йўғрилган тупроқ.
Кўклам гоҳи сержала, ёз қурумсоқ ва қурғоқ.
Терак бўйи жарлардан сув тортар бобо деҳқон,
Буғдой ҳам, жувари ҳам бўлиқ, кўм-кўк, сербошоқ.
Тақводордай чўк тушиб, пешанамни қўяман,
Суйгулимдай қучаман, жамолига тўяман.
Чингиз ўқиға учмиш олис бобом хоки бу,
Ким кўзга илмай боқса, камчиликка йўяман.

* * *

Бу — мен туғилган тупроқ, бу — мен улғайган тупроқ,
Даралари жаннатий, тоғ сиртлари кўк яйлоқ.
Қумлоқларида ҳатто сурув-сурув қўй-қўзи,
Гулдор, нақшин қоракўл, етти ранглик, ярқироқ.
Бир фарзанддай чўк тушиб, пешанамни қўяман,
Қум ўтмай соғинаман, ўпиб-ўпиб тўяман.
Оқ пошшонинг тўпидан абжақ бобом хоки бу,
Оқ пошшони эслатсанг, ёвузликка йўяман.

Бу — мен умр кўрган тупроқ, мен бобо бўлган тупроқ,
Сув бўйлари тутзорлар чўзилмиш йироқ-йироқ.
Ипак ҳам, бол ҳам бунда, мрамар ҳам, олтин ҳам мўл,
Кўмир ҳам, шароб ҳам бор, гурунч садаф мисол оқ,
Бир аскардай чўк тушиб, пешонамни қўяман,
Фидойиман, шайдоман, ўпиб-ўпиб тўяман.
Коммунистик келажак шуълалик байроғида,
Ким нохос ўқрайса ҳам кўзларини ўяман.

ТАҒИН ТУПРОҚ ТҮҒРИСИДА

Розиман шу юрда туғилганимдан,
Она тупроғимда-да! Ҳа, она тупроқ,
Етти иқлим интиқ, жонона тупроқ,
Розиман шу лойда йўғрилганимдан.

Жами суюклардан суюкроқ ўзи,
Қандоғам ардоқлик, қадри нечоғлиқ!
Ўзим ҳам ўзлим чамбарчас боғлиқ,
Жами буюклардан буюкроқ ўзи.

Ҳали мен кўрмаган гўшаси талай,
Ҳали мен бормаган кўк ўрмон озмас,
Жилғаю сой, дара, биёбон озмас,
Мен хаёл сурмаган жой кўп ҳар қалай.

Ҳали мен қонмаган булоқлари бор,
Ҳали не тоғлар бор — кезолганим йўқ.
Ҳали армонимдек безолганим йўқ,
Ҳали мен ёнмаган ўчоқлари бор.

Ҳали мен юзмаган кўм-кўк кўл ҳам кўп,
Ҳали мен тутмаган каклик бесаноқ.
Онаси ўлмаган не-не тул ёноқ...
Ҳали мен тўзмаган сўқмоқ йўл ҳам кўп.

Ҳали мен минмаган гижинг тулпор мўл,
Ҳали мен қувмаган оҳу ҳам анча,
Ҳали мен чалмаган чолғу ҳам анча,
Ҳали мен инмаган ўнгир мўл, фор мўл.

Ҳали мени кутар не-не дастурхон,
Ҳали мен ичмаган қимиз лиммо-лим,
Ҳали мен кечмаган денгиз лиммо-лим,
Ҳали мени кутар бутун-бутун нон.

Менга суюк бари — тоши, жўяги,
Шу тупроқда ухлар боболарим ҳам,
Шу тупроқда олис момоларим ҳам,
Шу юртда (қайдадир..) онам суяги.

Шу тупроқда ўтди ғариб гўдаклик,
Шу тупроқда ўтди шўҳ ўсмирлигим.
Шу тупроқ-ла мангу қалбдан бирлигим,
Ёруғ бугунлигу соз келажаклик.

Шу тупроқ кўзларда гавҳар қароғим,
Ҳали ўтроқ жонман, кезмадим жаҳон,
Қайларда юрмайин, ягона армон,
Шу тупроқда қолсин тупроғим.

К У Н Г Л И М

Кўнглим на ёқутда, на ферузада,
На ширин шаробу аччиқ бўзада.
Кўнглим — манглай терим, дунёдай далам,
Қуёш арзандаси — яшил ғўзада.

Уша — барқим, мулким, ғазнам, бойлигим,
Шунда расо бўлди қадди ёйлигим.
Дилда тоғдай фахру кўзда ёрқинлик,
Уша саховатда тошқин сойлигим.

Келинг, яшил дунё — даламни кўринг,
Тўқисимни кўринг, чаламни кўринг.
Қувончим, суянчим — жумҳуриятим,
Кошонамни кўринг, чайламни кўринг.

Оламга доврўғ-ку беозорлигим,
Пайтида аёвсиз ҳам ғаддорлигим.
Қадимий ва содда мўъжизакормен,
Оламни кўрки-ку пахтакорлигим...

Кўнглим на олмосда, на ферузада,
На ширин шаробу аччиқ бўзада.
Кўнглим — манглай терим — дунёдай далам,
Кузги оқ чўққилар — яшил ғўзада.

ИЗЛАГАНИМ

Уйламангки, тагин завол излайман,
Йўқ, жаҳон кезаман, висол излайман.
Сув ва ранг излайман, тимсол излайман,
Жарангдор қўшиқда камол излайман.

М Е Н Л И Г И М

Ҳозгонда камалак янглиғ мармарман,
Ҳали сайқали йўқ ғўдир гавҳарман.
Тошчиман, кимёгар, ўзим аллома,
Ҳаёт илдизиман, шифо, жавҳарман.

Ўзим чироқчиман ва машинасоz,
Шаддод чавандозман ҳам тоймас дорбоз.
Чўпонман-чўлуқман, ўтарман яйлов,
Ўзим талабаман ва ўзим устоз.

Мен ўзим Мурунтов— қумман, олтинман.
Бухоро бағрида яшил ёлқинман.
Токзорман Андижон адирларида,
Жайхун ўзанида лойқа оқинман.

Ўзим саратонман, мўл-кўл кузакман,
Яшил гумбазману, ёрқин безакман.
Мен ўзим чўнг наққош, ўзим бинокор.
Ўзанман, оқинман, қўрман, ўзакман.

Мен баҳорий чўлда юз ранг чечакман.
Сой бўйи— тутзорман, яшил эртакман.
Мен чексиз боғу роғ, бол оқар полиз,
Тепа-тепа пилла, той-той ипакман.

Мени тор ҳовлимдан излашлик абас,
Менга йўлдош бўлмас нотанти, нокас.
Мен янги дарёман қадимий чўлда,
Қониб- қониб ҳўпланг, қатрам қолса бас.

Мен кўзлар илғамас кўк экинзорман,
Меҳнат билан борман, бахтимга ёрман,
Қўлимдан келмаган ҳунар, санъат кам,
Алмисоқдан ўша чўнг пахтакорман.

Мен ўзим замонман, тугал давронман,
Дев ё пари эмас, оддий инсонман.
Юздан бирин айтдим, мақтаниш эмас,
Қисқаси, мен ўша Ўзбекистонман.

ОНАГИНАМ

... Она бағрин қўмсаб ўтди гўдаклик,
Тақдир олиб кетмиш эди йироққа.
Гоҳ ўксуклик, гоҳи шўхлик, тентаклик,
Тағин бир ёз қайтиб келдим қишлоққа.

Не кўрайин? Кетмон ётур занг босиб,
Сопи синиқ, қараб бўлмас ўроққа.
Оғил, четан, қудуқ боши чанг босиб,
Онам шўрлик ўхшар жонли қурчоққа.

Кўз ёшини артиб рўмол учида,
Манглайимдан ўлиб, тутар сўроққа.
Синглим кўзи милт-милт, ҳовли бурчида,
Ҳовли ўхшар ҳозир юз бир қуроққа.

«Кўз ойдин!» деб олис-яқин келишар:
«Келдинг чоғи тағин тўрт кун қўноққа?»
Вақт тиғиз-да, булар қайдан билишар,
Бири уйга, бири чорлар овлоққа.

«Тулпор тўғри чортоқ томон чопармиш,
Сен ҳам ахир чопиб келгунг чортоққа.
От айланиб, қозигини топармиш,
Сен ҳам ахир топиб келгунг шу ёққа...»

Бири у дер, бири бу дер, хушвақтлик,
Сакраб кетгум келар ўхшаб тайлоққа.
Яхши тилак, яхши орзу, хушбахтлик,
Майли борсам бориб келай яйлоққа.

Вақт тиғиз-ку, лекин анча тургим бор.
Тагин тушгум, қайдам, қандай сўқмоққа.
Онагинам кўз олдида юргим бор.
Кетмам, тўлқин ирғитгандай қирғоққа.

Тонг отмайин ўроқни ҳам соплагум,
Кетмонни ҳам дуч қилгайман қайроққа.
Лой қиламан, лойга сомон қоплагум,
Эрта билан дўстлар келур шuvoққа.

Қайдан билсин не савдолик ёш бошим,
Она қалби ўхшар ойдин булоққа.
Хаёлларда совиб қолар сўк ошим...

* * *

Онагинам ўтин қалар ўчоққа...

СУЙГУЛИК

Иккала чаккангга тушибди-я оқ,
Менда бепарволик, мен сабабкормен.
Сен ҳам ўтмагин тоқ, мен ҳам ўтмай тоқ,
Кечирим сўрайман, ўта айбдормен.

Сен менинг шўримсан, кўргулигимсан,
Сен менинг пешонам, куйгулигимсан,
Бошимга кўтариб юргулигимсан,
У дунё, бу дунё суйгулигимсан.

ТУШМАСИН

Қўшиқ

Қизил гул баргига ҳеч қор тушмасин,
Аламли бошга ҳам озор тушмасин.

Яшил чўққисидан олқор тушмасин,
Тор йўлда тўсатдан девор тушмасин.

Суйгулик суймасга зинҳор тушмасин,
Ногоҳ ҳакамликка беор тушмасин.

Йўлда йўлдошликка бадкор тушмасин,
Ҳеч киши юртидан канор тушмасин.

Содда, соз суҳбатга айёр тушмасин,
Нима тушса-тушсин, диёр тушмасин!

* * *

Юлдузлардай ёрқин кўзларингиз бор,
Ярқирай берсин, ҳа, то хор тушмасин.

Улфат излаганда, дўст излаганда,
То нокасу нодон, ночор тушмасин.

Ялчийман деганда, кўланган пайтда,
Бир тушган кўргулик такрор тушмасин.

Дунёда ягона тилагим шуки:
Яхши номингизга ғубор тушмасин.

* * *

Қоронғулик тушар,
Бағрим увишар,
Танҳоликда қайта туғиламан мен.
Ёрилиб кетгудай
Тамом йитгудай,
Токи тонг отгунча бўғиламан мен.

Кўзимга ёруғлик,
Сўзимга ёруғлик,
Соғ жонга ёруғлик сўрайман тонгдан.
Армонли йўлчиман,
Армонли куйчиман,
Жаҳонга ёруғлик сўрайман тонгдан.

Москва

ТУН БҮЙИ

Тун бўйи уйқумни олди қалдироқ,
Деразамда чақнар чақмоқ найзаси,
Оппоқ сочларимда ўрмон нафаси,
Емғирга боқаман беун, бечироқ.

Тун бўйи уйқумни олди қалдироқ.
Ёз оғи бу юртда ёғин палласи,
Қулоғимда янграр жала ялласи,
Парча булут ҳатто бунда ёғолоқ.

Саҳарда сўқмоқдан ўтаман танҳо,
Юзимга урилар эгик бутоқлар.
Симоб тўкилгандай порлар япроқлар,
Ҳавога тўймайман — шифокор ҳаво.

Эгик бутоқларни силкиб қўяман,
Шода-шода сачрар асл дур гўё,
Дурмас, қатра-қатра яшил нур гўё,
Яшил гўзалликка қачон тўяман?

Москва

ИЗЗАЛИК

Тонг отар. Ёришар ўрмонда излар.
Шудрингли сўқмоқдан юриб қоламан.
Кўринса ўзимдай саёқ, ёлғизлар,
Уша зум йўлимни буриб қоламан.

Сўқмоқ олиб чиқар яшил сайҳонга,
Кўзларим тўрт бўлиб, кутаман бесабр.
Кўз тикаман гўё бутун жаҳонга,
Уйлаб ҳам кўрмайсан — бу қандақа жабр.

Уйлаб ҳам кўрмайсан — сенинг келишинг,
Бир нафас келишинг — армоним ахир.
Олисдан эпкиндай сарин елишинг,
Тонг каби кулишинг — армоним ахир.

Шудрингларда чақнар шуълалар рақси...
Сурундим, тўнгатка дуч бўлди тизза.
Келмадинг-ку бу гал... аксликнинг акси...
Измаман, иззмаман, иззмаман, изза...

Москва

ЧИРИЛДОҚ

Чирилдоқ чириллар... Ел эсар на хуш!
Юлдузлар чарақлар, ой ўн беш кунлик.
Кеча кўп сеҳргар, кеча тугунлик.
Чирилдоқ чириллар...
Ҳолбуки, кенг олам ҳозир кўрар туш...

* * *

Мени чулғаб олар жимлик, беунлик,
Ёлғизликда юрак ўтлик, тўлқинлик,
Чексиз хаёлот ҳам учар гўё қуш.
Бу оламда борми ўзи турғунлик,
Унда норасолик, бунда тўлғинлик,
Бир ёнда мудроқлик, бир ёнда хуруш,
Бир ёнда қувноқлик, бир тараф хомуш,
Бир ёнда ёрқинлик, бир ён сўлғинлик,
Мағзини чаққанда кетар ақли-хуш.
Истардим оламдан ўтса дилхунлик,
Истардим оламда фақат гулгунлик!
Чирилдоқ чириллар...
Ҳолбуки кенг олам ҳозир кўрар туш.

Москва

С Е Х Р

Оқшом салқини тушар,
Най навоси таралур.
Най авжида сеҳргар
Ўзга олам яралур.
Сеҳрли манзаралар
Кўринур у оламдан.
Даралар, шаршаралар
Кўринур у оламдан.
Қорли тоғ сийнасида
Шарқироқ сой кўринур,
Чинорлар тепасида
Ярқироқ ой кўринур.
Тўлин ой шуъласида
Ойдек ёрқин оқ қоя,
Чинор кўланкасида
Қимни кутар тоқ соя?
Сой бўйида шу асов
Сой сингари беқарор,
Йўлга тикилар биров,
Ениқ кўзлар қимга зор?
Ой оҳиста юзмоқда
Тагсиз мовий самода,
Шундоғам сеҳри бўй бор
Шабадалик ҳавода.
Интиқ юракдай титрар
Кўк чинорда ҳар япроқ,
Ҳамон шарпасиз ва бўш
Сирли тун, сирли сўқмоқ.
Тўлин ой шуъласида
Ойдек ёрқин оқ қоя.
Чинор кўланкасида

Ҳануз ўша тоқ соя.
Тонг яқин. Ҳулкар янглиғ
Ярқираб келур санам,
Висол дамлари мисол
Жаннат бўлмас чинданам...
Най навоси таралур,
Най навоси таралур,
Най авжида хотирот —
Ўзга олам яралур.

ЖУЖУН

Бисотимда жужун уст-бош
бор эди сал эскироқ,
Ез ойлари қайға бормай,
йўлдош эди у бироқ.
Жомадоним бурчагида
борар эди буклоғлик,
Тоза, пишиқ. Лекин ўзи
сал ямоқлик, сал доғлик.
Сийлиқ эди Марғилонда
янги чеклик бир қиздан,
Қиз бўлганда ҳали-ҳануз
юрагимда сир қиздан.
Саратонда кияр эдим,
салқин эди ва энгил,
Жужун янглиғ ҳузурбахшмас
ёз ойлари ҳеч энгил.
Оқшомлари сой бўйида
шудринг қўнмас — мовутдек,
Туш чоғида салқинлиги
ел ялаган совутдек.

* * *

Сен сўрадинг: «Нега тўзмас,
чўзим янглиғ, не сабаб?»
Жавоб излаб, тутилдим мен:
— Нега, дердим,— во ажаб!
Ўйлаб қолдим, эсга тушди,
Мингсулувдай пиллакаш,
Мингсулувдек сулув қайда,
сулув гапми, париваш!

Тўпиғига тушар сочи,
 ўйламангки қилвир соч.
 Қора қўнғир қирқ ўрим соч,
 чамбарак соч, чилвир соч.
 Кўзларига ўхшаш бўлмас,
 бўтакўзлик, толма бел,
 Қамиш бўйли, буғдой рангли,
 шўх ва қувноқ худди ел.
 Қишлоқ қизи, тенгдошлари
 ўртасида содда қиз,
 Соддалиқдан бутун кўрки
 чизилгандек ёдда қиз.
 Эсга тушди шу гўзалнинг
 пилла қурти тутгани
 Қўклам, ҳамма ўйнар чоғда
 унинг зардоб ютгани.
 Сўриларда вишиллашар.
 Тегмасин сал совуқ деб,
 Ё саёқ ел, ё қайноқ ел
 келмасин ҳеч ёвуқ деб,
 Балодану, ёмон кўздан
 сақлар худди чақалоқ.
 Барг кесишар, баргсиз қолиб
 тутзорлар ҳам бақалоқ.
 Бир меҳнатки, заршунослик...
 Тақдирига хаёл банд,
 Соқ ва ҳушёр бўлмаса қиз
 ногаҳоний егай панд.
 Ҳар кун, ҳар кун, ҳар кун шундоқ
 Минсулув барг тўкар, барг,
 Ҳар кун, ҳар кун, ҳар кун шундоқ
 барг тўкишни этмас тарк.
 Ҳар кун, ҳар кун, ҳар кун шундоқ:
 «Бўлмасин,— дер,— жувонмарг».
 Ҳар кун, пилла сўриларин
 қўриқлар қиз гўё арк...
 Кунлар ўтар, жониворлар
 тўқий бошлар пиллалар.
 Дона-дона бутов нуқра,
 кўз олур оқ тиллалар.
 Оқ тиллалар ўралгунча
 ўтар гўё чиллалар,
 Оқ пиллалар ўралгунча

қурийди не силлалар...
Яйраб-яйраб пилла йиғар
сўриларда Мингсулув,
Беш қиз — эш қиз, баъзан нозли,
баъзан тантиқ, баъзан қув.
Мингсулув ҳам гўё сеҳрий
бир салтанат бекаси,
Шундоғам бир салтанатки,
кўринмайди чекаси.
Оқ, ярқироқ толалардан
айлангунча урчуқлар,
Юзга тошар сепкиллару,
лабга тошар учуқлар.
Ипак деб ном олдим, бас,
тўқилади юз мато,
Не мушкулни осон этар,
десам агар бехато.
Қўк юзидан тушгувчига
соябону оқ чодир,
Қамиш бўйлик сулувларга
ипак қандай раводир...

* * *

Ечилмоқда не-не чигил,
не-не жумбоқ, не тугун,
...Мурунговлик тоғ-тоғ қумдан
элаб олур зар бугун,
Қончи йигит ер қаърида
қурч қоялар ўйса гар,
Ёки олов яллуғида
тинмай пўлат қуйса гар,
Тўрт фасл ҳам камарбаста,
хирмон уяр пахтакор.
Бу дунёда бир-биридан
душвор не-не заҳмат бор.
Ғаллакорнинг заҳмати ҳам,
оқ соқоллик боғбон ҳам,
Изғиринда, самумларда
танти оға чўпон ҳам,
Инсонга деб, шу элга деб
яратар қут мўлдан-мўл,
Ўзга бири ер остида

қураp сарой, қураp йўл,
Ажиб кумуш нуқралардан
хирмон уяр сулувлар,
Элга сийлиқ меҳнатим деб,
элни суяр сулувлар.
Ҳа, айтмоқчи, шу ипакдан
тўқилади жужун ҳам,
Ҳар кийганда дилдан дейман:
пиллакаш, ҳеч бўлма кам!

БЕТОБЛИГИМДА

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Қоврилмай ғашлик алангасида,
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Нафасимни ростлай кўланкасида.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Қушлар овозига қулоқ солайин.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Хаёл оғушида ором олайин.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.

А Ч А

Кўзларим ўнгида у яшил ошён
Дала ўртасида кенг, донғил айвон.
Айвон айланаси — қалин қоратол,
Тиниб-тинчимайди сўлғин бир аёл,
Кўзларин олмайди гўдак жонлардан,
Уйқуси нотинчроқ бувак жонлардан:
Тетикроғи ҳам бор, қувноқроғи ҳам.
Ужар ва йиғлоқи, чатоқроғи ҳам.
Уйқу оғушида ҳозир барчаси,
Парвонадек гир-гир ёлғиз ачаси.
Сал ўтмай уйғонур, вақт ҳам бўлур зиқ,
Йўқолур иштаҳа, чойга ҳам беиқ
Улгурмас, бирининг усти расо ҳўл,
Бирини сал қинғирроқ, қийғилиги мўл,
Биттаси эмаклар — ҳовуз томон йўл...
Битта ўзи, ахир, улгурмас қўш қўл.
Бирига сут тутар, у бирига сув,
Ўзгаси қўлига ширин кулчалар.
Буниси ёпирай, гўдакликдан қув,
Арзанда қизалоқ ва ўғилчалар.
Ўйинчоқ талашар ҳам уймалашар,
Юлишар, йиғлашар ва ўрмалашар.
Ҳорғинлик чанг солур — битта ўзида,
Дув-дув ёш мўлтирар икки кўзида.
Баъзан олиб қочар чувалгур хаёл,
Лекин тутиб олар ўзини аёл.
Оналар бу маҳал тўкишади тер,
Манглай терларидан ҳўл гўёки ер.
Оналар таралиб дала юзига,
Далани ром этур меҳнат сўзига...
Оналар измига агрегат юрар,

Кетмони шаштидан сув жавлон урар,
Оналар қўлидан келмас ҳунар кам,
Не-не мушкулот ҳам шуларга қарам.
Сулув, уддабурро, лобар жувонлар,
Кўзлар қамашгулик офати жонлар.
Сал ўтмай келишур бир-бир тушликка,
Гўдак дийдорига — кўнгил ҳушликка.
Шошқин чой ҳўплашар, эмизишар, бас,
Оғир чарчоқликдан асар ҳам қолмас...

Булар еган нони юз қатла ҳалол,
Ҳалол нон ҳамиша ширинликда бол.
Тагин тарқалишар, жа тигиз палла,
Тагин аёл ёлғиз — қўшиқ ё алла...

То оқшом тушгунча тинчлиги йўқ ҳеч,
Далачилар доим қайтишади кеч.
Аёл кўз узмайди мурғак жонлардан,
Жонон гўдаклардан, бувак жонлардан:
«Бошларинг тошлардан бўлсин» дер ача,
Ача учун бари бир қуёш парча!

Булар она юртнинг эркалари-да,
Булар эртаги кун эгалари-да!

ТҮЙ

....Тўй бор эди Сирдарёнинг қирғоғида,
Жарангдор куз, кеч олтин куз қучоғида.
Тўй бор эди — қувнар юз эл, диллар ҳам сел
Янғироғи олис саҳро пучмоғида.

Келишарди яқин-йироқ ясов-ясов,
Машиналар елдай учқур, отлар асов.
Келишарди тўп-тўп дўст-ёр, оға-ини,
Гурилларди ўчоқларда жонон олов.

Туркман шунда, шўх ва ҳуркак оҳулар ҳам,
Арман шунда, Қоф тоғидан жодулар ҳам,
Озар шунда, белорус бор, гуржи, латиш,
Қоратегин, Олтойдан не бонулар ҳам.

Созу суҳбат, шўх қаҳқаҳа гўё каклик,
Оқ қалпоқлик, бахмал дўппи, сур телпаклик.
Чаканамас — бемисол базм, шоҳона базм,
Дош қозонлик, қатламалик ва чалпаклик.

Чўл бағрида пойга, улоқ чопиш авжда,
Бири-бирин излаб, йўқлаб топиш авжда.
Дастурхонлар тўкис-тўкин, олма-анор,
Соврунга от ё бахмал тўн ёпиш авжда.

Тинмас эди шўх мақому қувноқ сурон,
Ноғоралар навосида эсар бўрон.
Ёрти аср — зафарёб йил, шон сероб йил,
Бундақа тўй кўрганмас ҳеч қадим Турон.

Ҳазил эмас — тўрт миллиону етти юз минг...
Энг ашаддий кунчи ҳатто деёлмас гинг.
Қўш довондан баландроқда ўзбек бу йил,
Юз ҳасанот!— десам агар, деманг: милжинг,

Тизма тоғдек чўққи-чўққи хирмон шу-да.
Дон шу. Нон шу. Олтин юкли карвон шу-да.
Афсона шу, ёруғ туш шу ва ҳақиқат,
Юз бир элга мансуб, девкор инсон шу-да.

Ўртоқлик шу, минг булоқ меҳр денгизи шу,
Иноқлик шу, бахту омад эгизи шу.
Юзга татир ёрти асрда ўтилган йўл,
Янги йилу янги аср негизи шу.

Азиз дўстлик, чўнг суянчим ўзинг ахир,
Ўқрайса ким — куни қора, нони тахир.
Алп Ватаним, ватандошлик туйғум тошқин,
Сен ғурурим, сен шарафим, тенгсиз фахр.

Қор ёғмоқда, олам оққа чулғанмоқчи,
Олам баҳор тўлғоғида тўлғанмоқчи.
Етмиш уч ҳам чўнг йил бўлар, сарбаланд йил,
Алёр юртим, тўй-тўйларга уланмоқчи...

КУКЛАМ

Эй, бахтига мангу-мангу ёр халқим,
 Қутлуғ бўлсин яшил кўклам, жонон фасл!
 Эй, Лениндай етакчиси бор халқим,
 Қутлуғ бўлсин ёрқин дийдор, бахту-васл...

* * *

Қуртакларнинг қийғоч-қийғоч қараши,
 Чечакларнинг товланиши, нозида,
 Баргакларнинг эпкинда соч тараши,
 Тўрғайларнинг навосида, розида;
 Самоларнинг қалдироғи — наъраси,
 Лолазорнинг ял-ял сеҳрий кўркида,
 Яйлов-яйлов қўзичоқлар мағраши,
 Чинорларнинг ёрқин бахмал бўркида;
 Табиатнинг навқиронлик палласи,
 Вафога шай сузгун-сузгун кўзларда,
 Бахт алласи, ҳаётбахш ишқ ялласи,
 Шудгор-шудгор далаларда, бўзларда;
 Барчасида бир ундов бор, чақириқ бор,
 Шундоқ, юртим, сени кутар тағин йўл,
 Меҳнаткаш ёз, сўлим куз бор — жарангдор,
 Енгил эмас, ҳа, бу йил ҳам меҳнат мўл.
 Ҳа, бу йил ҳам не-не қўриқ очилур,
 Бахт яратгунг қадоқ қўлда бу йил ҳам.
 Тоғ-тоғ уруғ ва барака сочилаур,
 Беш миллионлик хирмон бўлаур бу йил жам.
 Кел, Сирдарё қирғоғида сайил бор,
 Қадим Жайхун аймағида сайил бор,
 Кел, Зарафшон чорбоғида сайил бор,
 Кел, Фарғона чортоғида сайил бор.

Олис-олис бурчакларда сайил бор,
Кел, қулоқ сол қувноқ байрам назмига,
Шундоқ сайилга юракларда майл бор,
Кел, алп юртим, эрта кўклам базмига.
Шундоқ базмки, тўғри келмас таққослар,
Авж пардада не созларнинг таранги.
Чарх уришур раққосалар, раққослар,
Кўк тоқига тегиб қайтур жаранги.
Кел, алп юртим, алпларга хос базминг ҳам,
Давлатинг ҳам, бойлигинг ҳам алпга хос.
Алпларга хос ниятинг ҳам, азминг ҳам,
Саховатда сойлигинг ҳам алпга хос.

Журъатинг ҳам, қудратинг ҳам алпга хос,
Алп юртдошим, жавлонингга қойилман.
Меҳнатинг ҳам, шавкатинг ҳам алпга хос,
Бу йил ошар довонингга қойилман.

Бекобод, «Ғалаба» колхози

ЧАҚМОҚ

Кўзим кўзингга тушди, чақмоқ чаққандек бўлди,
Учқуни дилга қўниб, олов ёққандек бўлди.
Кўзим кўзингга тушди, ярқираб кетди кўзим,
Наинки фақат кўзим, ярқираб кетдим ўзим.

Бир олов тушди ногоҳ ўзлим — ўзагимга,
Бир олов тушди ногоҳ ёзимга, кузагимга.
Бир зумда ўртамоқчи, бир зумда қовурмоқчи,
Тутундай учирмоқчи, кул каби совурмоқчи.
Оҳ, у кўзлар чақмоғи.

Шунчалар омонсизми бир лаҳзалик боқмоғи?
Йўқ, мени куйдирмагил. Йўқ, мени ёндирмагил,
Севгидан тондирмагил, ғазалдан тондирмагил,
Кўзимга ёғду бахш эт, дилимга ёғду бахш эт,
Токи бахт бўлмасин чет.

* * *

Кўзим кўзингга тушди, мен ёнаман шекиллик,
Девонаман шекиллик, тўлғонаман шекиллик.
Ёнамасдан иложим йўқ, ўт тушди ширин жонга,
Ўт тушмасайди фақат ногоҳ чексиз жаҳонга...

* * *

Нечундир бугун шошиб,
Тонг келмоқда тоғ ошиб.
Кўк четини ювмоқда,
Булутларни қувмоқда,
Таралмоқда тушлар ҳам,
Уйғонмоқда қушлар ҳам,
Боғлар яшил ва тоза,
Жаҳон бунчалар соз-а!
Сувларнинг ўйноқлиги,
Елларнинг қувноқлиги,
Қувноқлиги, қувлиги,
Даланинг сулувлиги.
Шудрингда ҳамма ёқ нам.
Жиндак мудрамабмиз ҳам,
Салқин расо аяпти,
(Ё оловлик қалб тафти?)
Ойнинг қалам қошлиги,
Тун бўйи сирдошлиги,
Кўк чинор ғичирлаши,
Япроқлар пичирлаши,
Юлдузларнинг ўйини,
Армонларнинг қуюни,
Бўсалар оловлиги,
Еноқлар лов-ловлиги...

Тун ўтибди бир зумда,
Сой бўйи — яланг қумда
Фақат қолибди шу из.
Қани, турдик, вақт тигиз...

* * *

Оқшом тагин кел, жонон!

Ч И М И Л Д И Қ

Питпилдиқ... питпилдиқ...

* * *

Тўрғайларнинг навосидан яйрар дашт,
Майналарнинг ўланида ўзга гашт,
Юракларни зир титратар булбул ҳам,
Ошиқона, шўх бирам...
Бедазорлар қўшиқчиси бедана,
То саҳардан сайрашлиги недан-а?
Бедазорда бир дамлик васл излашур,
Ўз тилида сенлашур ё сизлашур.
Табиатнинг ўз эртаги, жумбоғи,
Ҳар жондорнинг ўз ишқи, ўз дўмбоғи,
Бир-бирини излар шайдо икки жон,
Зиғирдак жон, шайдолиги бир жаҳон.
Сайраб-сайраб топишар сув бўйида,
Қўкламнинг ҳам кўкаламзор тўйида.
Мана ҳозир қувалашур, чўқишур.
Юмалашур, яна ўлан тўқишур.
Табиатнинг ўз шеваси, ҳикмати,
Ўз удуми, топқирлиги, дастхати,
Оқ ҳовурдан тутар ҳарир чимилдиқ...

* * *

Питпилдиқ... питпилдиқ...

БИР ҚЕЗ...

Бир кез қўшиқ янграр эди
Эшигимда шўх ва шодон,
Қувнар эди, яйрар эди
Талай эслик, талай нодон.

Товланарди гулзоримда
Гул деганинг турлик-турлик,
Қўшиқлардан ва гуллардан
Ҳовлим эди ғоят нурлик.
Мен юрардим гул бутабми,
Ё бир нима йўниб-кертиб,
Келишарди олис-яқин,
Дўсту ёрон эшик чертиб.
Сен кетдинг у янгроқ саҳним
Бефайз, бенур, бўшаб қолди.
Келгин... ҳовлим Афросиёб
Ё Утрорга ўхшаб қолди.

КҮЛ ЕҚАЛАБ

«Туркман дафтари»дан

Сенинг тақдиринг — нақ менинг тақдирим,
Сенинг тасвиринг — нақ менинг тасвирим,
Туркман дўғоним, ҳей туркман дўғоним,
Сенинг тадбиринг — нақ менинг тадбирим...

Фақат чигирткалар чириллашимас,
Еки сур сиртлонлар ириллашимас,
Еки қузғунларнинг пириллашимас,
Илон, калтакесак зириллашимас,
Гала-гала келур сайроқ қушлар ҳам,
Қувлашур, ўйнашур, сайрашур чаҳ-чаҳ,
Ҳали янграгуси шўх, шодон қаҳ-қаҳ,
Бўрон ҳам одамга бўлгуси қарам.
Кенг осмон акси бор мовий мавжларда,
Елқин ел қочмоқда қаноти синиб,
Балиқлар рақси бор мовий мавжларда,
Кўп ўтмай, кўл тиниб, мовий сув тиниб,
Яшиллик қўйнида сайр этар инсон,
Асрий муродга ҳам тез этар инсон.

* * *

Туркман дўғоним, ҳей, туркман дўғоним!

БУҚАБУЛОҚ

Саратонда ташна бўлдим,
Ерилгудай ғашга тўлдим,
Қўнуқ топмай бесаранжом,
Излар эдим жиндак ором.
Қани,— дердим,— яшил ғўша,
Тоғ қучоғи, асил ғўша?
Қани ўша Буқабулоқ,
Тоғ ҳуснига уқа булоқ,
Уша дара, ўша ёзлоқ,
Сўқмоғи мўл ўша созлоқ,
Минг хил кўкат, юз ранг чечак,
Оқиш, кўкиш бўз, ранг печак,
Уша чўпон ва йилқичи,
Уша салқин дара ичи,
Уша заранг, ўша қимиз,
Хуштаъм, қўша-қўша қимиз?

Чинор таги — кўк кошона,
Давра хушвақт ва шўхона.
Содда гурунг, содда кулгу,
Элтар ғўё бода кулгу...
Харсанг курси, харсанг болиш,
Шайдо булбул қилур нолиш,
Саҳардан то оқшом сайрар.
Наҳотки беором сайрар.
Эпкин эсар, тоза ҳаво,
Тўрғай бошлар сўнгсиз наво,
Бургут учар олис-олис,
Олқор айғоқ, тик ва холис,
Буқабулоқ, Буқабулоқ,
Қўшиқчисан шўх ва қувноқ.

Қўш тегирмон кўк сувинг бор,
Ҳам шифоли, ҳам беғубор.
Саринлиги гўёки қор,
Ҳам нозлидир, ҳам жилвакор...
Балиқлари шўх ва қочоқ,
Уйнашурлар бекинмачоқ...
Тоғ устига мингашган тоғ,
Тоғ устига энгашган тоғ,
Қуёш кулур, айна тушлик,
Қораяди бир зум бўшлиқ,
Кўкни булут олалайди,
Эмиш бўри болалайди.

* * *

Қани, дангал учсам ҳозир,
Ҳаволарни қучсам ҳозир,
Бирга учса дўст ва ёрон,
Узоқмас у салқин сайхон.
Жиндак ором олсак, қани,
Сув бўйида қолсак, қани...
Буқабулоқ, Буқабулоқ,
Қўрмагандим сендай сувлоқ...
Қани ўша яшил гўша,
Ўша, ўша, ўша, ўша!

Сирдарё, Баландчақир қишлоғи.

БУ УША...

Бу — ўша меҳнаткаш деҳқон қайлиғи,
Теримчи, пазанда, бешик: кўзмунчоқ,
Жами барноларнинг энг чиройлиғи,
Қўли гул, уқувлик, дилбар, уринчоқ.
Ортмоқда¹ косалар, ўчоғида нон,
Бир нима жизғирар, недир қўғурар.
Жизғириқ. Изғириқ. Чилла. Саратон...
Трактордан тушиб хамир йўғирар.
Қалов-қалов кўрпа, намат ва кигиз,
Қазноқлик, чартоқлик, қўли қадоқлик.
Ҳовли тўла гўдак — ҳар йили эғиз,
Умри шундай гаштлик, ўзи ардоқлик.
Қўноқсиз куни кам. Тўшалмиш шолча,
Дастурхон ёзуғлик, бор-йўғин тўкар.
Бари уҳдасидан чиқар аёлча,
Хулкар туққанида оҳиста чўкар.

Бу ўша меҳнаткаш деҳқон қайлиғи.

¹ Ортмоқ — сут, қаймоқ осиладиган чамбарак.

* * *

Тун сукути чўкмиш зилол ҳавога,
Сомон йўли кўприк солмиш дарёга,

Ёруғ юлдузлардан ёғилади сир,
Ғўзалар бетиним, узилмас пичир...

Садалар тагида соялар узун,
Тўсат шўх қўшиқдан янграб кетар тун.

Бизнинг жонона ҳам таратмоқда сув,
Ажиб бир манзара яратмоқда сув,

Жўякларда ўйин тушар юлдузлар,
Ёғдудан яралмиш гўё кундузлар...

Сув таратиб, қўшиқ айтар жононам,
Қулоқ солур унга бутун Фарғонам.

КУЗ ҚУШИГИ

Хумор-хумор тонг уфқиға ташланг кўз,
Тонг қолгулик тенгсиз карвон келяпти.
Қарвон боши ўша қайсар — битта сўз,
Алп Андижон келяпти.

Ўн бир девкор, ўн бир сафдош, ўн бир саф.
Ортишгани дунё-дунё соф садаф.
Не-не офат, не балони этиб даф,
Балогардон келяпти.

Юки оғир, юки тоғдан ҳам оғир,
Оғир деманг, той-той момик бу ахир.
Тайсал билмас чўлми, дўлми, тош, чағир...
Бут ва омон келяпти.

Бардошлигу баракалик, барорлик,
Бахтлик, шахтлик, саботлигу қарорлик,
Тўрт фасл бирдай жомакорлик, залворлик...
Хў, зўравон келяпти.

Пахтакор-да... Тиним билмас, толе ёр.
Беллар боғлиқ, тўшлар яланг ва ёлдор.
Ражаб бобо, Умрзоқ дов, Эш, Холдор,
Зап қаҳрамон келяпти.

Бобо тарих билмас бундоқ афсона...
Қадру қиймат аяган йўқ замона.
Ўша сахий, тошқин дарё, фарзона,
Бобо деҳқон келяпти.

Чексиз қумлоқ қучоғида бир дарё,
Сеҳрғар юрт, яшил диёр — Сирдарё,
Етмиш тилда жаранг қўшиқ — жир дарё,
Янги жаҳон келяпти.

Пахтакор ҳам саҳар-саҳар шундоқ дер:
«Аямай бер, жон тикканман, она ер,
Қўш қўллаб бер, тер тўкканман, дарё тер,
Дема: осон келяпти...»

Фикру хаёл ғўза,— ўзга арзи йўқ,
Пўлат этак... юз гал... Вақтдан қарзи йўқ.
Оладию олдиргучи тарзи йўқ,
Чаптаст тарлон келяпти.

Машинасоз, қанча қуллуқ оз. Оз. Оз.
Агрегатлар уддабурро то аёз.
Жиловида не-не сулув, сарвиноз,
Довон-довон келяпти.

Пўлат ўмров саф-саф йўрға азми бу,
Не чавандоз, саф-саф дарға азми бу,
Эгачию жиян, тоға азми бу,
Қутлуғ хирмон келяпти.

Меҳнатда ҳал талай жумбоқ ва савол.
Баркамоллик... Чўпчак деманг ё хаёл.
Илмү ҳикмат... Ошкор, барҳақ, безавол,
Асрий армон келяпти.

Саноғи йўқ ғуж-ғуж юлдуз урар барқ.
Гўё жаҳон шу фусункор нурга ғарқ.
Паға-паға нурда кезар гўё Шарқ,
Ё қаққашон келяпти.

Оппоқ-оппоқ... Ойдин сийна, оқ сийна.
Чўққиларга гўё парқу, оқ зина.
Адир-адир пурмавж, порлоқ ганжина,
Еруғ уммон келяпти.

Қўллар... қўллар. Барчин қўлу лочин қўл,
Чайир, қайроқ, заранг қўлу олчин қўл.

Ильич деди: «Олтин қўл-ку, олтин қўл...»
Олтин даврон келяпти.

Райҳонлигу, ялпизлигу атирлик,
Бир китобки, тўкис, олтин сатрлик,
Мағзи тигиз, замонларга татирлик,
Янгроқ дoston келяпти.

Эй, дол олам, менга ишон. Кел, ишон:
Байроғида ял-ял нишон, уч нишон,
Марра томон миқти, жўмард, дов инсон,
Ўзбекистон келяпти!

ҚАҲРАМОННИНГ ДАЛАСИ

Далада куз кезар — фусункор, сўлим,
Далаки, дарёнинг шундоқ ёқаси.
Бир ёни яйдоқ чўл, кўз илғамас қум,
Бир ёни тизма тоғ, бўз қир ҳалқаси.
Қалин тўқай эмиш бир кез — олис, чет,
Қўнғир тупроқ ҳозир — унумдор, бекам.
Инсон ва табиат бунда бетма-бет,
Таслим бўлмоқда чўл қадамба-қадам.
Аҳён дуч келади кўл ё сарҳовуз,
Чайла, полиз бу чек, юмалар тарвуз...

Кўклам канда эмас дўл ё лайлак қор,
Канда эмас ҳар кун юз гов, юз бир дов.
Тиш қайрар ёз бўйи не-не зиёнкор,
Қовурар саратон гўёки олов.
Ҳаволар дим-бўғиқ, қуёш ловуллар,
Ҳансирар кенг дала, ҳансирар тупроқ.
Ҳансирар жон-жонвор, ёвшан, ковуллар,
Ҳансирар одамзод ҳаммадан кўпроқ.
Чилпиш ҳам, ўтоқ ҳам, ўғит, сув тўрт йўл,
Пахта меҳнати бу — қийғилиги мўл...

Пахтазор оралаб трактор гувлар,
Эш ва иноқ тўп қиз — пешона боғлиқ.
Жалаю шамолда чиниққан булар,
Уддалик, чидамлик, гўзал нечоғлик!
Юзлари тонгга ҳам бергудай чирой,
Сув бўйига тушар чарчоқ, айни туш.
Анов сада таги четроқ, соя жой,
Дарё дам кўкимтир, дам ўтмай кумуш.

Бири биридан шўх, кийикдай асов,
Билагон ва чечан — етолмас яёв...

Чўмилишар қизлар, кейин тушлик шай,
Қовурдоқ, қатлама, шўрваю чалпак.
Қисқа тушликда ҳам кўнгил хушлик шай,
Дарё шовуллайди чалгандай чапак.
Ҳаволар жарангдор, куй ёзур қанот,
Ялпизлик нон ҳиди урар димоққа.
Шундоғам рангга бой, гаштли бу ҳаёт,
Мен ўндан бирини кўчирдим оққа...
— Қизлар, ҳой, қайдасиз?.. Янграйди дала,
Қизлар тушлиги ҳам қолади чала.

Этакдан келади узун бўйлик алп,
Кўм-кўк шу даланинг нағз эгаси.
Донгдор бригадир — соддаю дов қалб,
Пахтакор қишлоқнинг олмос чеғаси...
Қозикда осиглиқ нимҳарбий камзул,
Камзул кўкрагида Ленин ярқирар.
Ильич кенгашлари жуда келур қўл,
Доимо чўққига ундар, чақирар.
Медаллар, орденлар, бир «Олтин Юлдуз»,
Ўзи шу қишлоқда энг ёрқин юлдуз.
Меҳнатдан гул бўлди қумлоқ, чағир тош.

Ҳовлида моторлик гижинг бўз тулпор.
Қайлиқ ҳам кўмакдош, етти қизга бош,
Тиқинчоқ, тадбирлик, суюк, вафодор.
Кўприк бут, йўл текис — тутлик, чинорлик,
Мурватига қадар миҳдек саранжом.
Шийпонлари шинам — сувлик, токзорлик,
Субҳидамдан меҳнат тинмас токи шом.
Қаҳрамон даласи жилвагар, бўлиқ.
Кеча-кундуз бирдек ҳаракат тўлиқ.

Агрегатлар тинмас, кўп ғанимат кез,
Олтин-да томчи тер, ҳаттоки зарра.
Куз ҳам расо сахий, расо гавҳаррез,
Кун сайин яқинроқ армонлик марра.
Бўйдор ва сербутоқ, кўз илғамас ер,
Лаҳзаси барака, изланмас ором.
Бригада иноқ, жонбоз, азми шер,
Ватан ардоғида бари номба-ном...

Тошқол, Ойгурсунлар, Гуландомлар бу,
Сурмабу, Унсинлар, Дилоромлар бу!

Кўз олур чаноқлар — қуёш парчаси,
Машинада мудрар бригадир ҳам.
Далада гўдакми, чолми — барчаси,
Қатралардан кўлдек — хирмон бўлур жам...
Табиатнинг ажиб сеҳри шу чаноқ,
Етти хазинанинг энг зўри ҳам шу!
Етти мўъжизанинг бири шу чаноқ,
Пахтакор ўзбекнинг қалб қўри ҳам шу!
Қаҳрамон даласи деса арзийди,
Ҳавас қилса, келиб кўрса арзийди.

Қиёт қишлоғи,

РУС ТИЛИ

Эй, халқидек қоябардош, баҳодир,
Эй, бошидан не дўзах кун кечган тил,
Эй, дарёдек пурмавж ҳикмат, чўнг, қодир,
Юз булоқдан қониб-қониб ичган тил!

Алпсан, эрксан, ёруғликсан, билимсан,
Эй, инқилоб яллуғини сочган тил.
Азизликда худди она тилимсан,
Кўз ўнгимда не дунёлар очган тил...

ЮЛДУЗКЕНТ

Бу кентнинг ғалати бир чўлчаги бор:
Кечаси фалакка учишар эмиш,
Фалакдан-фалакка кўчишар эмиш,
Не чоғлиқ ярқироқ, мовий, фусункор.
Чароғон оламда беармон кезиб,
Еруғ юлдузлардан узишар эмиш,
Саралаб, бир ипга тизишар эмиш,
Ўзларин шу олам эгаси сезиб.
Ҳар қайси қўйнида бир ҳовуч юлдуз,
Еруғлик бергудай гавҳар чироққа,
Еруғлик бергудай йироқ-йироққа,
Ҳар юлдуз кечани этгудай кундуз.
Советлар юртида меҳнат қадрлик,
Чўпон ҳам шарафда, деҳқон шарафда,
Жонбоз ва фидойи инсон шарафда,
Майли, бўзлик бўлсин, майли, адирлик.
Советлар юртининг чўнг оқсоқоли
Ўша юлдузлардан тақиб қўяркан,
Қўксига нақ чироқ ёқиб қўяркан,
Юлдуз бўлганда ҳам олийдан-олий.

Юлдузкентнинг ажиб бир фазилати:
Фазогир, фидокор, қўш юлдузли кўп,
Яъни юрт олдида мард, оқ юзлик кўп,
Инсон фаҳри булар — Ватан зийнати.

* * *

Юлдузкентда тунлар зап чароғон-да,
Донғил салонларда суҳбату соз бор,
Лочин бор, шунқор бор, тарлон бор, боз бор.

Ұзлари бунда-ю, хаёл осмонда...
Улуғбекни кўрдим — ўйчан, савлатлик,
Ўтирар чарақлаб давра тўрида,
Унинг олови бор гурунг қўрида,
Илму нужумда ҳам тожлик, давлатлик.
Гагаринни кўрдим — қувноқ ва хушқол,
Мардлик парвозида илк тарлон ўзи,
Барҳаёт, ёруғ давр, чўнг замон ўзи,
Тарлондек Ватанга у кўрк ва жамол.
...Тепада ярқироқ бу мовий гумбаз,
Қандилдек осиглик юлдузлар тўп-тўп,
Тўп-тўп юлдузлардан оққани ҳам кўп,
Олис оламлар ҳам хаёлда бир газ.
Бу мовий гумбазнинг тоқида не бор?
Не бор олис, қат-қат кўк осмонларда,
Юз умр йўлида, қаҳкашонларда?
Боши йўқ, сўнгги йўқ бу чарҳи даввор...
Қоинот хаёлдай жумбоқ-да яхлит.
Юмалоқ олам ҳам сирли бир чўпчак,
Дўнгалак айланур наҳот бегупчак,
Одамга сирини сўйлар не тахлит?
Алломалар кўрдим тонггача уйғоқ,
Юлдуздан юлдузга қўнар вақт келур,
Шу жонон юртимга ўша бахт келур,
Янгроқ бу гурунгда мағз ҳам шу жумбоқ.
Бу кентнинг ғалати чўпчаги ҳам шу.
Кечаси фалакка учишар дадил,
Фалакдан-фалакка кўчишар дадил,
Нечоғлик учағон хаёлот, ёҳу!

*Москва.
Звездный городок.*

ЕТМИШ ТҮРТ

Қишлоқ десам, кўз ўнгимдан
олис гўдак айём ўтар,
Утдан тоймас, сувдан тоймас,
миқти ва дов кўп ном ўтар.
Арслон ўмров не йигитлар
омоч судраб кечди умри,
Кўз ўнгимдан ёвқур чўпон,
юпун деҳқон бобом ўтар.

* * *

Қишлоқ десам, жаёлимдан
онам ўтар мунглуғ, ночор,
Умри оғу, толеи шум,
куни қора, куни ғаддор.
Дилни ўртар фалак тоқин
куйдиргудай нола ҳануз,
Зўравонлар касофати —
Чексиз дунё одамга тор.

* * *

Қисмат бўлди қора чироқ,
қисмат бўлди чарх ва омоч,
Кўппакка ем бўлган эди
ҳандалакдек не қора соч.
Ўн икки ой манглайда тер,
ўн икки ой мункиллашар,
Ўзи селган буғдойзорда
пойи машшоқ ва қўғирмоч.
Ариқ қазиб, егилигин

кўрмай ўтди бобожонлар.
Йилқи боқиб, туёқ кўрмас,
данак чақмас не боғбонлар.
Эсга тушса ҳануз-ҳануз
юрагимга тушар титроқ,
Ҳам ёндираб, ҳам музлатар
дўзах янглиғ у замонлар.

* * *

Қани бугун қора чироқ,
қора тундек қора занжир?
Она қишлоқ, бугунингни
қилсам экан қандоқ тасвир?
Нўноқман-да, сўз тополмай,
тўрт кун бўлди, саргардонман,
Олам ҳавас қилгудексан,
ўз қўлингда эрк ва тақдир.

* * *

Она қишлоқ, ёруғлигинг
кечаси ҳам кундуз ўзи,
Ҳар гўшада Ильич ёққан
чироқлар ғуж юлдуз ўзи.
Бахтинг булоқ — бу дунёда
қатрасига зор инсон кўп,
Сен қонасан, сен чўмасан
истасанг нақ кундуз ўзи.

* * *

Она қишлоқ, тўкинчилик
денгизисан, санъат сенда,
Неъмат сенда, зийнат сенда,
давлат сенда, қувват сенда.
Касбу коринг, пахтазоринг
бир бойликки, оламда йўқ,
Қудрат сенда, не боболар
армон қилмиш жаннат сенда.

* * *

Қатор-қатор оқ уйлардан
кўз узишим ҳозир маҳол,
Неварасин етакламиш
тенгдошлар ҳам ўзимдек чол.
Йигитлар тоғ қулатгудек
билаклари кучга тўлиқ,
Дарға қизлар қирқ кокиллик,
бир-биридан соҳибжамол.

* * *

Қор, оппоқ қор... Кенг ва чексиз
тупроқ оқ қор тўшагида.
Она тупроқ ухламоқда
гўёки ёр тўшагида.
Қор мағзида қарвон-қарвон
пахта кўрдим, қордай оппоқ,
Сой-сой сувдек, чалқор кўлдек
пўртана бор тўшагида.

* * *

Гупчак-гупчак қовун ётар
қор тагида, болдай тотлик,
Қор тагида она қишлоқ —
сут булоқлик, чўнг бисотлик.
Қучоқ-қучоқ тарвуз ётар
қор тагида, тоқзорлар ҳам,
Улкан тўй бор етмиш тўртда
туманотлик, арасотлик.

* * *

Етмиш тўрт, ҳей, қутлуғ сана,
манглай терим — тўй ёшимсан,
Олис эллар, ёндош юртлар
келганида тўй ошимсан.
Она қишлоқ ўз кўркини
кенг оламга кўз-кўз қилгай,
Улмас Ленин — йўлбошчимсан,
улуғ бобом — тўйбошимсан.

* * *

Йигит ёшим — бадбахтликка
на божим бор, на хирожим.
Ҳалпирайвер, ол байроғим,
сен суянчим, сен ривожим.
Довонлар ош, чўққига ет,
юлдуз кўзла, парвоз этгин,
Тенгларга тенг жумҳурият,
аёвлигим, шараф тожим!

ОНА ТИЛИМ

Она тилим — онажоним тили бу,
 Бешикданоқ сингган жону қулоққа.
 Элу юртим, хонумоним тили бу,
 Қадимликда ўхшар она тупроққа.
 Боболардан бизга мерос эзгу тил,
 Авлодларга хазинайи бебаҳо.
 Қалбимизга, руҳимизга кўзгу тил,
 Бу дунёга бағишламиш не даҳо...

* * *

Ёбонларнинг чексизлиги,
 Ҳам самуми, ҳам ҳовури,
 Онажонлар алласидан,
 Кўз ёшидан, оқ сутидан;
 Тўқайларнинг тенгсизлиги,
 Жилғаларнинг шўх говури,
 Йигитларнинг ялласидан,
 Сулувларнинг сукутидан —
 Йўғрилган тил —

Она тилим.

Дарёларнинг тошқин пайти
 Арслон янглиғ ариллаши,
 Довонларнинг кўк қиёси,
 Қорли тоғлар жилосидан,
 Чўпонларнинг қамиш байти,
 Чилдирманинг дариллаши,
 Гўрўғлининг алп сиймоси,

Алломишнинг даъвосидан —
Туғилган тил —
Она тилим.

Тулпорларнинг асовлиги,
Тош чақиши, оловлиги,
Боболарнинг олтин сўзи,
Бўёқчининг ўланидан:
Тўқувчининг алғовлиги,
Чилангарнинг далғовлиги,
Бу тупроқнинг қўш ҳўкизи,
Қўшчиси ҳам қўланидан —
Яралган тил —
Она тилим.

Шу тупроқнинг жон аямас
Тарлонлари, бургутлари,
Келинларнинг дилдошлиги,
Ёр-ёрларнинг жарангидан:
Босқинларнинг бедодлиги,
Бувиларнинг ўгитлари,
Дўмбиранинг мунгдошлиги,
Дуторнинг ҳам тарангидан —
Таралган тил —
Она тилим.

Талонларда таланмиш, ёнғинларда қоврилмиш,
Эртаклигу чўпчаклик, одими тил бу,
Бўронларда сомондек талай-талай соврилмиш,
Бу дунёнинг ўзидай қадимий тил бу.
Шу тилда қўшиқ айтмиш Тўмарис хотун.
Бу тилга таъзимкормиш мавлоно Жомий,
Шу тилда ўз жарангин топмиш Афлотун,
Бу тилдан хабардормиш буюк Низомий.
Бу тилга олис эмас Манасдай шоввоз,
Тошларга нақш бўлиб ўйилмиш тил бу.
Бу тилда қуйлаб ўлди ҳиротлик устоз,
Қора қўрғошиндан қуйилмиш тил бу.
Бу тил бегонамас Муса Жалилга,
Инқилоб ёллўғида ярқироқ тил бу.
Наҳот ҳожат бўлса ортиқ далилга?
Тоғдан оққан сойдек шарқироқ тил бу.

Офелия тақдирига куйдик
Шу тил туфайли,
Шу тилда жарангдорроқ таранг Пушкин тори ҳам.
Шотани ҳам нечоғлиқ суйдик
Шу тил туфайли,
Ҳайём қўшиқлари ҳам, Рабиндранат зори ҳам.

Ленин фалсафасин ҳам шу тилда мағзин чақдик,
Юракка жойлай олдик
Шу она тилимизда.
Замон оқинларида шу тилда равон оқдик,
Чўққиларга йўл олдик
Шу Она тилимизда.

Боболардан бизга мерос, эзгу тил,
Авлодларга хазинайи бебаҳо.
Қалбимизга, жонимизга кўзгу тил,
Бу дунёга бергай ҳали кўп даҳо...

ҚИШЛОҚДА ҚИШ

Қор қалин, қора сондан,
Музламиш ариқ, зовур.
Ҳаво хира тумандан
Ё бурқирар оқ ҳовур.
Тутун ўрлар кўкка тик,
Буғ таралур тарғилдан.
Чумчуқлар сакрар дик-дик,
Пана излар оғилдан...
Жар таги, пастқам жойда
Қарғалар базми баравж.
Кечаси, тўлин ойда
Жимирлайди нуқра мавж.
Кечалар шундоқ аёз,
Йўл қатқалоқ, сирғанчиқ.
Сой оқар жуда саёз,
Сур булут ковлар янчиқ.
Оппоқ, кўз етмас дала,
Оқ чўпчак оқар боғдан.
Каклик ҳам гала-гала
Кечаси тушар тоғдан.
Қишлоқ йўли қий-чув ов,
Каклик тутишар ўқсиз.
Каклик тутишар яёв,
(Эсиз, фақат сиз йўқсиз)
Бўри-бўрсиқ бу кез оч,
Овлоқда юрма ёлғиз.
Мўлжал олур — кўз қийғоч.
Қимда бўлса қўш оғиз.
Мол деганинг силжимас,
Ёпирилишар ғарамга.
Молчи шўрлик тинчимас,

Кўз тикади кўкламга.
Қозонларда сумалак,
Иягин арта-арта,
Момолар элар элак,
Кулчатой, қази-қарта...
Умочлик уйларда ҳам
Эртақдан бошланур кеч.
Қишлоғим — онагинам
Кўз олдимдан кетмас ҳеч.

* * *

Кўкламда, ёмғир мўл ёғса, дер эдик,
Ёмғирдан сўнг яшнар дала ҳам, дўнг ҳам,
Қўзиқорин терар гўдак ҳам, чўнг ҳам,
Қизғалдоқ пиёзин қазиб ер эдик.

Подачи тўрсиғи—қўйнинг қатиғи,
Қора қўй қатиғи—ўғиздек қуюқ,
Йигитлар ялласи сартопо туюқ—
Кўзлар сузуклиги, қошлар чатиғи...

Писандмас, чўмардик бўтана сойда,
Ё чинор тагида ўйнардик тўптош.
Топиларди бизга эрмак ҳар жойда,
Уйга таралардик қорайганда қош.

Гап ҳам эшитардик онаизордан.
Онам... Кўз ўнгимда она қишлоғим.
Менга суюк, қиммат не-не диёрдан,
Олисларда қолдинг, гўдаклик чоғим.

БУЗТУРҒАЙ

Чирқирар, чарх урар қанотлик рўё,
Тиниқ кўк юзида жимиллаб, уйиб,
Мавжудот дилига ишқ ва гашт қуйиб,
Қўринмас бир ипга осиглиқ гўё.
Ёпирай, мунчалар шайдо миттижон,
Мунчалар сайроқи ва хушовоз бу,
Мунчалар афсунгар, муаллақбоз бу,
Ҳам ошар, ҳам тушар, боқаман ҳайрон.
Саратон оғуши—қирқ даражада,
Олисда жимирлар сароб—кўл-ҳовуз,
Тўрт томон таралур жаранг чанқовуз,
Дала ҳам бу маҳал чўнг оташкада.
Ҳарсиллайди жаҳон—вақт ҳам айни туш,
Юмалоқ дунёнинг оқ тепаси ҳам,
Қуёшда ловуллаб авж нуқтаси ҳам,
Ёпирай, тинса-чи бу ғазалхон қуш.
Бир-биридан созроқ тўқур тарона,
Чирқирар, чарх урар осмон аркида,
Уяси ҳам анов ёвшан тагида,
Қўшалогои учун бу ошиқона.
Қўшалогои пастда, палапонлар ҳам,
Хушвақт ўшаларнинг жононлигидан.
Хушвақт ўшаларнинг омонлигидан,
Тариқдек қалбида жаҳондек ишқ жам.
Чириллар, чарх урар—тақдирдан рози.
Қирғай чангалига дуч бўлмаса бас,
Орзу-армонлари пуч бўлмаса бас,
Тонгда ҳам, тушда ҳам янграр овози.

УЗИМ БИЛАМАН...

Тагорга эргашиб...

Қулоғимда янграр доим бир нидо,
Хўрсинаман, кўз ёшимни силаман.
Шу нидога не сабабдан жон фидо—
Битта ўзим биламан.

Юрагимда ёнар бир ўт бетутун.
Гўёки дер: қовураман, тиламан.
Дош бераман нечун ҳануз мен беун—
Битта ўзим биламан.

Ойлар ботар, тонглар отар, умр ўтар,
Олисларни кўзлаб-кўзлаб жиламан.
Менинг қалбим кимни кутар, қон ютар—
Битта ўзим биламан.

Келурмикан кўклам янглиғ кутганим,
Умидворман, ишонмай не қиламан?
Қачон келур, қандоқ у кўз тутганим —
Битта ўзим биламан.

ИЗЛАГАНИМ

Қутишдан ғоят толдим,
Умр ўтди, чарчаб қолдим.
Йўл юрсам-да мўл юриб,
Хаёл суриб, оқ уриб,
Излашга тушдим тағин,
Тезлашга тушдим тағин.
Чертдим дотор, чалдим тор,
Ахтардим диёр-диёр...
Чўлдан, сойлардан ўтиб,
Овлоқ жойлардан ўтиб,
Қир ошиб, тоғлар ошиб,
Неча-неча адашиб,
Етдим излаганимга,
Йиллар кўзлаганимга.
Бу висол, тенгсиз висол,
Жилмаяди бахт мисол,
Излаганим бариси—
Уша илҳом париси.

АБДУЛҲАҚҚА АЙТГАНИМ

Тағин суратимни чизаётибсиз¹,
Ким кўзидан учди, айтинг, бу сурат?
Бўёқ аямайин беаётибсиз,
Қайдан бу мавж сизда, қандоқ зарурат?
Мен-ку кўримсиздан-кўримсиз жонман,
Сочлар тўкилмоқда, қолмаяпти тиш.
Нўноқман, тўпори, яхлит нуқсонман,
Овутолмас ҳозир на ёз, на-да қиш...
Хитман ўз-ўзимни юлиб егудек,
Дафтарларим ярим, машқларим ярим.
Нима тўқий олдим элга дегулик,
Тил учимда ҳануз элга айтарим,
Лекин ёшлигидан норози деманг,
Сойдек шовуллади шўх йигитлик ҳам.
Ёки созларнинг ҳам носози деманг,
Ўтди шеърӣ ишқ ҳам, расо итлик ҳам.
Юмшоқ ўриндиқда ўтирибман жим,
Сукут оғушида мен хаёл суриб.
Билмайсизки, ҳозир кўз ўнгимда ким,
Кўнгил кўзгусида турар барқ уриб?
Менинг суратимни чизарсиз бешак,
Лекин қалб тўрида ўша бир сурат.
Дарди йўқ кесакмиш, ишқи йўқ эшак,
У суратни чизиш мен-чун зарурат.
Оҳ, унинг сурати... тенги кам сулув.
Унинг суратини чизолсайдим гар,
Кўчага тушарди эҳтимол фулув
Балки тонг қолурди каттакон шаҳар.

¹ Атоқли ва суюкли rassom А. Абдулло кўзда тутуляпти.

Шаҳар не, қўзғалур эди вилоят,
Балки жумҳурият тонг қолур эди.
Бу — нўноқлигимдан сизга шикоят,
Балки жаҳон ундан завқ олур эди.
Ҳали кўрганмасман ундоқ юлдуз кўз,
Қулгичидан баланд ёлғиз йирик менг,¹
Тўла тасвирига тополмайман сўз,
Унинг ҳам сочлари бўйи билан тенг.
Баъзан ўйчанлиги, баъзан шўхлиги,
Тенгсиз назокати, алифдек қомат,
Жиндек ясамалик, ёт ранг йўқлиги,
Жилмайиб қўйиши бирам қиёмат.
Оҳ, дилдаги сурат яқинлиги-ей,
Врман, тўпориман—қандоқ тизгайман,
Ҳатто хаёлдан ҳам ёрқинлиги-ей,
Ўлмасам ахири тўлиқ чизгайман.

¹ Менг — хол маъносида.

ЕРУҒЛИК

...Еруғлик юрти бу, тонг ўлкаси бу,
Қуёш боласиман, десам ҳаққим бор.
Порлоқ ўй, жаранг шеър, онг ўлкаси бу,
Йўлим ҳам, уфқим ҳам ёрқин, шуъладор.

Еруғлик лиммо-лим эрк маконимда,
Ховучлаб ичаман шаршарасидан.
Қуёш учқунлари қайноқ қонимда,
Мен қудрат оламан ҳар заррасидан.

Уроқ-машоқ пайти олтин хирмоним,
Саратон кўкида ширмойи ноним,
Ёз бўйи ярқироқ, эзгу осмоним,
Қоинот онаси—алп онажоним.

Кўклам яшиллиги — юздан бир ранги,
Анор шарбатыда акси жилвагар.
Қушлар қўшиғи ҳам қуёш оҳанги,
Булоқ мавжларида рақси жилвагар.

Ғўза тўлқинида мудрар ёруғи,
Кўклар ёруғ олар оқ чаноғидан.
Тупроқда яширин олам яллиғи,
Чаноқлар оқлиги нур қайноғидан.

Еруғ кун ярашиқ ёруғ диёрман,
Менинг шу қуёшлик давлатим-да бу.

Тенгдошлар сафида мен ҳам девкорман,
Қуёшлик давлатим—меҳнатим-да бу.
Ёруғлик ва нурнинг оқ сийнасида —
Уша суюк жаҳон, деганлари рост.
Ёруғ чўққиларнинг шоҳ зинасида
Ёруғ Ўзбекистон деганлари рост!

СОЙДАН УТИБ ОЛСАК...

Сойдан ўтиб олсак, бас,
Боғ бошланур шу нафас.
Бир боғки, ўхшаши йўқ,
Ғубори йўқ, ғаши йўқ,
Яшиллик ақлинг олур,
Кўзлар ҳайрон, лол қолур.
Кўринмас у бети ҳам,
Кўринмас бу чети ҳам,
Шундоғам гўзал, шинам,
Етти жаннат гўё жам.
Қандоқ салқин, соядор,
Нима десанг—бари бор:
Тоғ томони олмазор,
Сой томон нуқул анор,
Бир томони заранг нок,
Бир томони хил-хил ток,
Олуҳирот, шафтоли,
Ўнг юзида қўш холи.
Балхтут, жийда ҳам шотут,
Гилос пишса—нақ ёқут.
Бири қизил, бири оқ,
Бир-биридан ширинроқ.
Кўз илғамас боғ четин,
Пишади бирин-кетин.
Айланаси бедазор,
Лиммо-лим ўқариқ бор.
Тўрида кўк кўл — ҳовуз,
Этаги қовун-тарвуз.
Бол томади тирсиллаб,
Тўрт бўлинур қирсиллаб.
Эсади эпкин ғир-ғир,

Эринмасдан келгин бир.
Хайрон бўлишинг аниқ,
Бунисига дил қониқ.
Не-не миқти тождор ҳам,
На оқсоқ шаҳриёр ҳам —
Эртакдай тўкис, бедоғ,
Кўрган эмас бундоқ боғ.
Бунда ҳордиқ олурсан,
Хаёлларга толурсан,
Хушвақт бўлурсан, шаксиз,
Кунинг ўтмас эрмаксиз,
Олқиш айтиб замонга,
«Қуллуқ!» дерсан боғбонга...

* * *

Босириқ тушдай босиб келур саратон,
Томирлар ҳам увишар,
Туш бошланмай, еллар саёқ, саргардон,
Олов тўкиб қувишар.
Сал ўтмайин соя излар қушлар ҳам,
Ҳаво қизир тандирдек.
Сув сепсанг ҳам сал ўтмайин қолмас нам,
Ер қоврилган чандирдек.
Қум тепалар сал эпкинда қимирлар,
Ҳарсиллайди кенг жаҳон,
Олисларда не-не сароб жимирлар,
Дам хатарли ва ёмон.
Қуёш бу пайт кўк тоқида ловуллар,
Дала лим-лим экинзор,
Оловли ел панжасида шовуллар...
Ғўза чилпир пахтакор...

У.СМИРЛИК

Усмирлик пайт эди, эс бутун эди,
Туш-тушга чопардим хаёл отида.
Хаёл отим асов ва дуркун эди,
Олиб учар эди қўш қанотида.

Бир зумда ўтардим анов сайхондан,
Оқ қоя учида пайдо бўлардим.
Бир зумда кечардим қайқи довондан,
Олисларга боқиб, шайдо бўлардим.

Жилва қилур эди ўзга бир жаҳон,
Менга бегонайди чўчиш ва ҳадик.
Яшил дараларда кезардим ҳайрон,
Олисроқ чўққида алқор турар тик.

Каклик сайрар эди, кўринмас (қув-да),
Шарқирашдан тинмас шўх шаршара ҳам.
Оқ булут оқарди кўликли сувда,
Кўзни қамаштирар яшил дара ҳам.

Кўзилар силжийди ёнбағирлардан,
Чанг солур ғафлатда бургут ё орлон...
Етти кўл тарафдан, қизғиш қирлардан
Усмирлик изларим кўринур ҳамон.

Урнида булоқ ҳам, қиё ҳам, қир ҳам,
Тоғам қўраси ҳам, сой бўйи—созлоқ.

Урнида сўқмоқ ҳам, йўл ҳам, тақир ҳам,
Қор тушгунча кўм-кўк ўланлик ёзлоқ.
Овлоқ диёр дема, олис демагин,
Дема: ҳануз қолоқ гўша қишлоғим.
Тағин жилвалироқ, сулувроқ тағин,
Усмирлигим ўтган ўша қишлоғим.

ШАРОБ

Лоладай қирмизи, гул янглиғ хушбўй,
Тонглар тиниқлиги, ёз ҳарорати.
Боғбон манглай тери, эл маҳорати,
Ўзбек шаробисиз тўй эмас-ку, тўй.
Етти иқлимда йўқ, жонбахш эзгулик,
Ёлғиз пиёладан элитгандай рўё.
Қуёш оташидан маъжун бу гўё,
Қултумида шифо — жонлар сезгулик...

Овчи ё ўрмончи олис Шимолда,
Қора совуқларда татиб кўрсин деб,
Татигандан кейин отиб кўрсин деб,
Мўъжиза яратган Ризамат чол-да...
Шаробни ҳўпланг, узумини енг,
Токдан она тупроқ ширасин олмиш,
Жаҳонга боғбонлик донғи таралмиш—
Юзлаб Ризаматга қалбдан: «Балли!» денг.

Лоладай қирмизи, гул янглиғ хушбўй,
Ўзбек шаробисиз тўй эмас-да, тўй!

А Р М О Н

Қўшиқ

Оқшом кипригинга уйқу қўндирсам,
Саҳар кўзларинга кулгу қўндирсам,
Бошингга шафақдан ўрасам лачак,
Жиғасига нурдан инжу қўндирсам.

Қўркингни ўзинг ҳам кўрардинг балки,
Улмас ўланлардан кўзгу қўндирсам.
Кошки эритолсам кўнглингни тошдек,
Кейин ишқ деган бир туйғу қўндирсам.

* * *

Улан авжларида гул очади дашт,
Улан авжларида замон уйғонур.
Улан авжларида дунё-дунё гашт,
Улан авжларида олам тўлғонур.

Улан авжларида туғилур суйгу,
Улан авжларида туғилур жужуқ.
Улансиз на ранг бор, на ёруғ туйгу,
Ҳаёт лабларига тошади учуқ...

* * *

Саратонда соябонинг бўлайин,
Тоққа ошсанг, кўк довонинг бўлайин,
Кетма, жоним, айрилиқдан жон безор,
Ярим кеча қаққашонинг бўлайин.

Кетар бўлсанг, хазон ёғар боғимга,
Санчиқ ботар дилимдаги доғимга.
Кетма, жоним, айрилиқдан жон безор,
Оғу сочма менинг хушвақт чоғимга.

Керак эмас сенсиз гул ҳам, чаман ҳам,
Керак эмас Қандаҳор ҳам, Яман ҳам.
Кетма, жоним, айрилиқдан жон безор,
Керак эмас бўз тарлон ҳам, саман ҳам.

Пок оламим булғанмасдан жилмайгин,
Олам ғамга чулғанмасдан жилмайгин.
Кетма, жоним, айрилиқдан жон безор,
Юрак дир-дир тўлғанмасдан жилмайгин.

То тирикман, ўша қайсар боламан,
На тиним бор, на излашдан толаман.
Кетма, жоним, айрилиқдан жон безор,
Барибир мен сени топиб оламан.

* * *

Кўз кўзга тушганди ой қучоғида,
Кўзларда қолганди кўз учқунлари.
Уша сеҳрли тун, сой қирғоғида
Дилга ўт солганди сўз учқунлари.

Йўллар ўтиб кетмиш ҳижрон доғида,
Шарқираб оқмоқда Тентаксой ҳануз.
Юзма-юз келдик-ку кўклам боғида,
Ярқираб боқмоқда тўлин ой ҳануз.

ТУН

Тун беун жилмакда гўё сизот сув,
На чумчуқ чириллар, на кўкда қий-чув.
Оҳиста-оҳиста улашур ором,
Оҳиста-оҳиста улашур уйқу.

Тун чексиз оламга очади оғуш,
Жимиб қуйлагандай қўшиғи на хуш.
Гўёки фусункор алла айтгандай:
«Яхши туш кўринг,—дер,—яхши, ёруғ туш.

Тушда кўкка учинг, қуш бўлиб учинг,
Ҳижронсиз, армонсиз дамларга кўчинг.
Саҳар кўз очганда туш ҳам рост бўлиб,
Излаганнинг рўйи-рост белидан қучинг».

Оҳиста-оҳиста улашиб уйқу,
Тун беун келяпти гўё сизот сув.

КУК ЧОЙ

Сой бўйида салқин чойхона,
Соя солар юз йиллик чинор.
Ажиб гашти, ажиб файзи бор,
Шинам, тоза, кенг-мўл, шоҳона.
Не-не гилам ёнар гўё чўғ,
Хонтахта мўл, кўрпача ҳам мўл,
Таранг дутор ўтар қўлма-қўл,
Аския ҳам илмоқлик ва шўх.
Беданалар бирам сайроқи,
Тўрқовоқлар баланд сўрида,
Чой қайнайди тинмай тўрида,
Нон узилар гижда, қайроқи.
Саватларда анвойи узум.
Ойна жавон — қанду қандолат,
Не тусасанг — бордек беғалат,
Ҳозир бўлур сўрасанг шу зум.
Маставами, лағмон ё кабоб,
Қарсиллама қовун ё анор,
Заррасига зор оламлар бор,
Бир тилимдан соғаяр нотоб.
Янграб кетар сўлим тарона:
Аршдек авжда Ҳалима бону,
Селдек мавжда Ҳалима бону,
Навоийдан зор ошиқона.
Ошалади арғувон палов,
Қўлларини чайишар чоллар,
Чўтмас, гўё Рустамлар, Золлар,
Қўзларида чақин ва олов.
Айланади давраларда чой,
Кумуш жаранг жонон пиёла,
Тўлин ойда фусунқор ҳол-а,

Чиннисоздан — тиниқ бу чирой.
Сой шовуллар, суҳбат бошланур,
Димоқларда қандайдир хуш ис,
Чархлангандай бурро ҳозир ҳис,
Гул мўл ахир юрт чаманида...
Сой шовуллар, суҳбат бошланур,
Суҳбатларнинг жаҳон қуюғи,
Ҳикматларнинг чандон қуюғи,
Қаҳқаҳадан кўзлар ёшланур.

— «Бир пиёла чой бор, йўловчи!—
Дер оқсоқол,— кун тафтин олур,
Кел, бир ҳўпла, чарчоқлик қолур.
Қўйчимисан ё саёқ овчи,
Ол, чой асли савоб ичимлик,
Қуриган-ку ахир томоғинг,
Зирқирашдан чалиш оёғинг...»
Йўлчи ҳўплар. Бир нафас жимлик.
Чой узатар чол ҳам устма-уст,
Чой узатар қайтариб-қуйиб,
Тавозекор, сут каби уйиб,
Йўловчи ҳам эмас унча суст:
— Қўйчимасман, овчи ҳам эмас,
Тилсимотга йўл изловчиман.
Қум тагидан кўл изловчиман.
— Ҳо, ҳунаринг қилгулик ҳавас!
Бир гал қайта қуйсанг—сой эмиш,
Иккинчи гал ҳали лой эмиш,
Учинчи гал қуйсанг—мой эмиш,
Тўртинчи гал асл чой эмиш.
Мен-чи, меҳмон, шопирдим ўн гал,
Ол буни ҳам! Жилмаяр кундек.
Чарчоқлик ҳам тарқаб тутундек,
Мизғиб олар бежо сувчи сал...
Сувчи ҳозир сергак солур разм:
Тарқалади ёш-яланг зумда,
Кун ловуллар бўз тараф, қумда,
Тугар гурунг, бир соатлик базм.
Чойхоначи ёнбошлар беҳол,
Қўли бўш-да оқшом тушгунча.
Боягидай чалғимас унча,
Мункиллаган қолур уч-тўрт чол.

Шовуллайди ўзанда шўх сой.
Ташналикки бор—қонур бир-бир,
Мудроқ ҳислар уйғонур бир-бир,
Не-не дардга даво-да кўк чой...

ПАХТАҚОР ТИЛИДАН

Тагин хушвақт тўй тўйласам жўялик,
Тўлиб-тошиб, куй куйласам жўялик.
Жўяликдан кенг жаҳонга жар солсам,
Тик минбардан сўз сўйласам жўялик.

Йўл танобин жадал тортиб келдим-да,
Дунё-дунё давлат ортиб келдим-да,
Чангга ботиб, терга ботиб келдим-да,
Ўтда ёниб, музда қотиб келдим-да...

Ўтган йўлим довон-довон, мўл ёғду,
Диёримдан кўкка нарвон мўл ёғду.
Хира бўлур оқ тонгларнинг оқлиги,
Ортиб келдим жаҳон-жаҳон мўл ёғду.

Яллиғидан дашту-ёбон ёғдулик,
Она замин, югрук замон ёғдулик.
Хаёлимда ёришгандай ер юзи,
Хаёлимда ҳатто осмон ёғдулик.

* * *

Тагин шараф, тагин омад—зафар эш,
Ўғил бола, довон бу ҳам — қутлур беш...
Ўйламангки, ўнғай бўлди. Ундоқмас,
Не-не офат панжа солди пешма-пеш.

Бало келди сур булутдан сим қоқиб,
Жафо келди бевафодек им қоқиб,
Таянчликман, қодирман-да, даф бўлди,
Кепчигини чала қоқиб — ним қоқиб.

Сойлар... Сойлар ғирт қурумсоқ—йил носоз,
Босириқ тушдек ўтди қақроқ бутун ёз,
Ўзим сувсоқ, сув ташидим челақлаб,
Ер қаъридан очган сойим эмас оз...

На чўчиш бор ва на тайсал, тасалло,
На шикоят ва на ором, тавалло.
Манглай терим шарофати ҳаммаси—
Чексиз довруқ, жаранг шавкат, тўй, ялло.

Суқ киргудай, сахий кузда гўзаллик,
Барқ таратур дала- тузда гўзаллик.
Ғазал тўқур тўқсон яшар Ҳабибий,
Бири каммас, айни юзда гўзаллик.

Далам юзи гўёки оқ бир дунё,
Оқ пўртана, тенгсиз ва тоқ бир дунё.
Кўзни олур жумбоқ янглиғ, сеҳр янглиғ.
Кўз қамашур, ял-ял, порлоқ бир дунё.

Жавлон урар тўпичоқлар зангори,
Қизларжону бўз ўғлонлар суворий.
Ҳар суворий кўзлагани чўнг хирмон,
Ҳар хирмонда минг теримчи барори.

* * *

Қуллуқ сенга, ишчи синфи, юз карра,
Сен борсанки, писанд эмас ҳеч марра.
Техникага етукликдан миқтиман,
Сендан рози қалб қўримда ҳар зарра.

Ахир тўрт ой терардим-да, бел тахта.
Кўсак чувиб, тонглар отур—дил лахта.
Битта-битта олардим қор тагидан,
Эсда ҳануз ҳар миқсоли зил пахта.

Йўлда қолди талай гўллик—ғўралик.
Йўлдошликман, дўсту ёрлик, жўралик.
Дўстга тортиқ гавҳар тоғдек алп хирмон,
Давлатликман, қазноқликман, қўралик.

* * *

Агар ҳурмат излар бўлсанг кел йўлчи,
Агар ҳиммат излар бўлсанг, кел йўлчи.
Тўйим тўкин, меҳрим пешкаш, юрт пешкаш,
Агар жаннат излар бўлсанг, кел йўлчи.

Ол байроғим тўрт нишонлик ўзбекман,
Тўрт фасл бирдек бўз йнгитман, бўз бекман.
Жўмардлигим қўшиқ бўлса не ажаб,
Ўз меҳнатим чаман этмиш бўздекман.

Юрт кўркида бу дунёнинг ёшлиги,
Тугал бисот—олтини ҳам ошлиғи.
Беш ҳам шай деб рапорт берсин Ватанга
Жумҳурият бошлиғи.

ЕРТИ АСР ҚҰШИҚЛАРИДАН

Сен сўрайсан:
Утмишимдан, бугунимдан.
Сен сўрайсан:
Чигилимдан, тугунимдан.
Шоир қўноқ,
Кел, қулоқ сол, бўзлай андак.
Излай бўёқ,
Топай тимсол, сўзлай андак...

Дарё эдим,
Замонларнинг зайли билан сой бўлганман.
Расо эдим,
Нодонларнинг майли билан ёй бўлганман.
Олтин эдим,
Қора тақдир—қора ботқоқ, лой бўлганман,
Оқин эдим,
Чопқинларда вайрон, қурғоқ жой бўлганман.
Сойлигимдан
Замон-замон айландим мен зор ирмоққа.
Лойлигимдан
Лолу ҳайрон айландим мен хор тупроққа.
Ёйлигимдан
Донғил йўлда тушиб қолдим тор сўқмоққа,
Жойлигимдан
Унгу сўлда дучор бўлдим чор қумлоққа.
Ёғду эдим,
Сўна-сўна қўрқинч, қора тун бўлдим мен.
Чолғу эдим,
Ёна-ёна жигар-бағри хун бўлдим мен.
Бутун эдим,
Ночор бўлдим парча-парча, бўлак-бўлак.

Дуркун эдим,
Юрай десам на йўл қолди, на-да йўлак.
Сал қолдики,
Унут бўлса мўл-кўллимим, ўз чеклимим,
Сал қолдики,
Унут бўлса ўз йўллимим, ўз беклимим.
Сал қолдики,
Қул сингари шамолларга учирилсам.
Сал қолдики,
Тарихларнинг ёдидан ҳам ўчирилсам.

Сарсон юрдим
Талай замон қарахтларнинг ёбонида.
Оҳлар урдим
Мен беомон бадбахтликнинг зиндонида.

* * *

...Ирмоқликдан,
Бахтим кулиб, сой бўлдим мен, қайта тошдим.
Қурғоқликдан,
Бағрим тўлиб, лой бўлдим мен, қирғоқ ошдим.
Сойликдан-чи,
Дарё не гап, денгиз бўлдим—ардоқ бўлдим.
Лойликдан-чи,
Тошида ҳам гул унгувчи тупроқ бўлдим.
Кўз очгандан
Ёруғликнинг шайдосимен, узмадим кўз.
Нур сочгандан
Ўзим ёруғ дунё бўлдим—мухтасар сўз.
Ночорликдан,
Ўзинг кўргин, қайта бошдан бутун бўлдим.
Хор-зорликдан
Қайта қувноқ, қайта миқти, тўлғун бўлдим.
Инсон бўлдим,
Эркин инсон, алп инқилоб далдасида.
Қарвон бўлдим,
Йўлга тушдим улуғ Ленин шуъласида.

* * *

Унут эмас,
Олам танир, ўйламаки, ҳануз ғашман,

Бахтим бут, бас.
Ўз кунимдан юз қат рози меҳнаткашман.
Бахтим бут, бас,
Ёруғ юртман, ўзлигим бут, давлатим бут.
Бахтим бут, бас,
Учмас ўтман, шарафим бут, шавкатим бут.
Йўлим порлоқ,
Мен бахтимни оламларга алишмайман.
Йўлим йироқ,
Энг учағон замондан ҳеч қолишмайман.
Мен шундоқман —
Замонларнинг ёрти асрлик палласида.
Мен шундоқман,
Бари фақат қизил байроқ далдасида.

Х У Р С И Н И Қ

Қўлимдан ҳар нима келади, юртдош,
Ғариблик, юпунлик — барин кўрганман.
Қўш ҳам ҳайдаганман, ўроқ ўрганман,
Айрилиқда кўздан тўкканман не ёш...
Ғўза ҳам экканман, жувари, кунжут,
Қўлимда рақс этур тешаю ранда,
Йўл ҳам, қўналға ҳам мўл бу Ватанда,
Қамчил ҳам бўлганман, тўқ, қувноқ ва бут...
Чувак ҳам тикканман, мол ҳам боққанман,
Қудуқ ҳам қазганман нақ ўн бир қулоч.
Зилол сувларида ювишарди соч,
Не-не қиз сочига лола таққанман.
Тақдиримга ҳеч ҳам ўпка қилмайман,
Қўлимдан келмайди деган пеша кам.
Баъзан кўзларимда томчи-томчи нам...

Ҳануз шеър ёзишни билмайман.

ОВУНЧОҚ

Ёрдан армуғонди шу жўн тақинчоқ,
Тақиб қўйган эди тўй кечаси ёр.
Қандайдир қудрати, қадр-қиммати бор,
Дастгоҳ ёнида ҳам, уйда ҳам иноқ.

У кез ёрга пешвоз очганда эшик,
Ял-ял ёнгандайди, кўрки ҳам ортиб,
Дудоқлар сеҳри ҳам кўзларни тортиб,
Кейин қолиб кетди қучоқлаб бешик.

Шунча замон ўтди, қайда юрар ёр?
Жон бермиш қай шаҳар остонасида,
Ётаркан қай қўра вайронасида,
Наҳот бундан оғир кўргулик ҳам бор?!

Шунча йўл ҳажрида бўлмади йироқ,
Ҳамон кўз ўнгида елкадор йигит.
Ҳамон ўз кўнглида ёлғиз ёр йигит,
Ҳамон шу тақинчоқ унга овунчоқ.

НОРБУВИ

...Бу ҳам ўша тақдир шумлиги, дерсиз,
У маҳал келинчак билсин қайдан ҳам —
Бу дунё ҳамиша бир мириси кам,
Сочга оқ тушгунча ўтишин эрсиз.
Жангга кетди тўсат жондан' суйгани,
Йигит қучоғига тўёлмай қолди,
Тўйиб, кўксига бош қўёлмай қолди,
Дунёга келганмиш ёлғиз куйгани...
Кечалар уйқусиз, кўз ёши булоқ.
Лекин даласидан қолмади бир кун,
Биров эшитганмас на шиква, на ун,
На эгнида қуроқ, на сочда улоқ...
Якка фарзанд қолди — ҳаёт илинжи,
Топгани-тутгани шу фарзанд учун,
Зардоблар ютгани шу фарзанд учун,
Таянчи, умиди, бағри, севинчи...

Епирай, Қўчқорнинг нақ ўзи ўғил...
Мўйлови ҳам ўша, чой тутиши ҳам,
Дала йўлларига кўз тутиши ҳам,
Туғилмоқчи бўлсанг — ўшандоқ туғил...
Бир кез Норжон дердик, ҳозир Норбуви,
Эрмаги невара, эрмаги ҳовли,
Шу-да қадимлардан эрсизлар қавли,
Учоқ боши, урчуқ, сумалак, куви.
Лекин кўзлар йўлда, довонда ҳали,
Ҳали ҳам хос коса, ош сузса — улуш,
Ҳали ҳам уйғонар саҳар кўриб туш,
Чопону белбоғи жовонда ҳали...

Олти ой кўз тутмиш Барчиной ёрга.
Йигирма олти йил тўлмоқда тугал,
Булоқдек дилида гумон йўқ сал-пал,
Норбуви кўз тутар ҳамон Қўчқорга...

Т О Ш Б У

Чайирсан, чечансан, чучуксан сўзсиз,
 Эртакдай эзгусан, булоқ янглиғ пок.
 Кўз ололмас ҳатто илғаса кўзсиз,
 Ҳолбуки, мунглуғсан. Ғамдан кўксинг чок.
 Ёр жангга жўнаркан: «Бўшашма» девди,
 Бўшашган пайтда ҳам бўлолдинг тетик.
 Билардинг — у сени жонидек севди.
 Эгнингда калта тўн, оёқда этик,
 Кўнгил қўйдинг суюк пахтазорингда.
 Жўякларда қолдинг қош қорайгунча.
 Тер тўкиб, кўз тикдинг ўз девкорингда,
 Вафо бўлса агар, бўлур-да шунча!
 Бурмалик кўйлак ҳам, нимчаю ғижим,
 Сирғалар сандиққа тушди. Бардош бу...
 Хилватда ёш тўкдинг ёмғирдай сим-сим,
 Кейин йиғи ҳам тарк. Бош бўлдинг, Тошбу...

Ун жувонга бошлиқ — кўп ҳам осонмас,
 Тун оғир ва узун, бўлар эдинг хун.
 Бу тўй кундаги қувноқ жавлонмас,
 Тер тўкдинг ҳам ўзинг, ҳам эринг учун.
 Қиров кетмасидан ташидинг ўғит,
 Тўқилтоқ арава — уловинг эшак.
 Ун жувон измингда — маслаҳат, ўғит,
 Дарддошлик ҳам оғир, кўп оғир бешак.
 Уз бўйнингга эди сув, ўтоқ, чопиқ,
 Эсда турмас эди соч тараш ҳатто.
 Шўх ҳисларга қалбинг дарчаси ёпиқ.
 Кулиб қараганга жўн қараш ҳатто...
 Далага эргашар икков боланг ҳам,
 Бири чой қайнатар, бири ташир сув.

Эркак меҳнатига кўникдинг кам-кам,
Бу ҳам жанг эди-да, қаттол жанг, Тошбу!

Ҳар қалай қайнашдан қолган йўқ қозон,
Уртада қуюқми, суюқми — ёвгон
Бувак ҳам, гўдак ҳам бўлмади хазон,
Бадном этолмади бирон қинғир жон.
Косанг тоза, ҳалол, бутун ва беюқ,
Қорахат, ним қаҳат сололмади чанг.
Жамолингга ҳар гал суқулолмай суқ:
Бунча тошбағир!— деб бадар кетди ганг.
Толеинг бор эмиш, толе ёр эмиш,
Келди ахир жангчи: бас, деб, шум фироқ.
Упкасида мошдек ўқ ҳам бор эмиш,
Тирсақдан бир қўл йўқ... Сендан ғаш йироқ.
Сени сал хўрлаган сира инсонмас,
Кўзларингда ғурур ва бахтдан ёш бу.
Сенсиз Ўзбекистон — Ўзбекистонмас,
Сенсиз кенг жаҳон ҳам сира жаҳонмас,
Тошбу!

МҮНДИ

Қишлоққа боргандим ёз ойи бир вақт,
Соғиниш ва дийдор — ўзи тенгсиз бахт.
Келишади дарров қавму қариндош,
Сабза мўйлов жиян ё ундан ҳам ёш.
Саватида нони — аммаю, холам.
Қўшним мақтаниб дер: «Бу — кенжа болам!»
Амаким келади — етакда қўзи:
«Зап келдинг!» Қўзини сўймоқчи ўзи.
Бир-бир йиғилишар қурдош — тенгдошлар,
Бир кез жон олгучи не қалам қошлар,
Бобомдек чоллар ҳам бўлмади ҳеч кам,
Шундоқ. Бир нафасда олис-яқин жам.
Қучоқлари очиқ, ўрашиб олар,
Нима бор, нима йўқ — сўрашиб қолар.
Дастурхон ясоғлиқ, чой сузилади,
Сухбат чўзилади, сўз чўзилади,
Кўп ўтмай тортилар ажиб кулчатой,
Қўзининг эти ҳам барра, жиққа мой,
Чирманда вадаванг, чалинар дутор,
Авжида қўшиқ ҳам, лапар ҳам, ёр-ёр
Аста таралишур тун оққан маҳал,
Тонгдан меҳмондўстлик учун келур гал.

Бир мўнди узатди қайтишда аммам,
Қўзлар қамашгудек фусункор бирам.
— Ола кетгин, — деди, — мендан эсдалик,
Буни ардоқлолмас ҳеч ким санчалик.
Асли ўзи улуғ бобонгдан ёдгор,
Селимда келгани ҳануз эсда бор.
Бир оёғим тўрда, ўзгаси гўрда.
Тайсалмай, бунга бир разм солиб кўр-да...

Лол бўлмагин амманг таманносидан,
Бобонгга ҳам энчи ўз бобосидан.
— Хўп,— деб олдим дарҳол, не ҳам қилардим,
Мўнди эзгулигин яхши билардим.
Эшитгандим олис ўтмишдан оз-моз,
Қишлоқ жаннатдан ҳам яхшироқ ва соз,
Яшиллик қўйнида оларкан нафас,
Бир кўрган ўлгунча қиларкан ҳавас.
Айлана гуногун чексиз мевазор,
Мева пишар экан то тушгунча қор.
Бозорга элтишар — кутади бозор,
Аравалар тўла мўндилар қатор.
Мўндиларки нақшлик, газаллик, хатлик,
Авайласанг, умри узун ҳикматлик.
Мўндилар лиммо-лим қўлбола шароб,
Шароб бўлганда ҳам тансиқ ва ноёб.
Мўндилар лиммо-лим шинни, шира, бол,
Бол тўлсин деб ахир ясамиш кулол.
Шаробдан бўшаса, сув тўлар муздек,
Ёвғон гўжаси ҳам нондек ва туздек.
Шу вайдан қишлоғим лақаби мўнди,
Наинки лақаби, насаби мўнди.
Қаҳатчилик йили — мўндиларки бор,
Нон бўлди: дон бўлди — элга хўп мадор.
Туркистонда узун мўнди растаси,
Оз эмас шайдоси ва шикастаси.
Мўндига қимиз ҳам қуйиб ичишар.
Булоқдан тўлдириб, тўйиб ичишар.
Шу вайдан бош эгиб мўндини олдим,
Ураб-нетиб шу чарм халтага солдим.
Бир номдор кулолнинг меҳнати бу ҳам,
Шоиртаб халқимнинг санъати бу ҳам...

Ҳа, шундоқ, қишлоғим лақаби мўнди,
Фақат лақабимас, насаби мўнди.

ОЛАҚАРҒА

Бувим чўпчакларидан

Олақарға яшар эмиш уч юз йил,
Қарғачалик яшолмасмиш ҳатто фил.
Боболар дер: чўқда эмиш бир кўзи,
Қув ва сергак. Уқда эмиш бир кўзи.
Ошиёни ҳам тик чўққида — тоғдамиш,
Не олғир қуш ололмайин доғдамиш.
Олақарға ташламасмиш қўшоғин,
Ардоқлармиш ошёнида ушоғин.
Қўшоғига ҳеч олалик билмасмиш,
Ушоғига ҳеч дағаллик қилмасмиш.
Агар нохос қўшоғига тегса ўқ,
Бу ҳам дарҳол қилар эмиш ўзин йўқ.
Вафодормиш, кўнгилчакмиш, куйинчоқ.
Шу вайдан ҳам қанотида йўл-йўл оқ.
Арзир эмиш оқ қанотли бўлса ҳам,
Тўкис-тугал яхши отлик бўлса ҳам...

Қорақарға оласидан кам эмас,
«Мен сал камроқ яшайман» деб ғам емас.
Тик тоғларда қоранинг ҳам уяси,
Элга аён қанотининг куяси.
У ҳам қишда тушиб келар довондан,
Қолиб кетмас қарға зотлик карвондан.
У ҳам сергак, чўқда доим бир кўзи,
Олазарақ, ўқда доим бир кўзи...
У ҳам ғоят сабрлик қуш, чапдаст қуш,
Ургатолсанг — эл бўлғулик бор эс-қуш.
Қадрламас эмиш бироқ қўшоғин,

Ташлаб кетар эмиш ҳатто ушогин.
Агар ноҳос қўшоғига тегса ўқ,
Ўзгасини излар эмиш — кўнгли тўқ.
Шу сабабдан қора эмиш юзи ҳам,
Юз ҳам гапми — қора эмиш ўзи ҳам...

ЖАЙРОН

Бувим чўпчакларидан

...Дара сўлим, жозибали гўё туш,
Жимир-жимир булоғи.
Жар тагида тўсат мунглуғ бир товуш,
Мағрар жайрон улоғи.
Улоқ мағрар кўк дарани балқитиб,
Икки кунлик мурғак жон.
Она жайрон оч бўрини чалғитиб,
Қочар бу пайт тоғ томон.
Онаизор лекин бўлди нохос дуч
Қалтис йўлда арслонга.
Чопағонлик, қувлик бу гал бари пуч,
Чанг солди у жайронга.
Армон билан кетга боқар, не чора,
Уйлар, топмас ўзга эм.
Боласидан чалғитди-ю, бечора,
Оч арслонга бўлди ем.
Жимир-жимир оқар дара булоғи,
Еруғ тушдек ҳар ҳовуч.
Лекин бу гал шўрлик жайрон улоғи,
Одамзодга бўлди дуч.
Мурғак жону лекин тутқич бермас ҳеч,
Дик-дик сакрар тик жойдан.
Овчи тирик тутганича бўлди кеч,
Қувлаб ўтди ўн сойдан.
Қўрасига етакларми шодумон,
Ё элтарми бозорга.
Шум ёмғирдан қутулганда ўксиз жон.
Тутиларми ё қорга?..

МЕН КЕЛГУМ

Мен келгум, қайтиб келгум,
Тўкин куз етилган пайт.
Васлингга елдай елгум,
Дафтарда битилган байт.
Кўзларимда соғинчу
Юрагимда орзулар,
Ишон, тишлари инжу,
Асил сўз, рост сўз булар...

Мен келгум, қайтиб келгум,
Кўз суртиб изларингга:
«Соғиндим ғоят!» дегум,
Бош қўйгум тизларингга.
Явшану ялпиз тўшаб,
Полиздан узиб тарвуз,
Не-не ташвишдан бўшаб,
Ёнбошлайлик юзма-юз...

Ёнингдан жилмам сира,
На оқшом, на кечаси.
Десинлар: мунча хира,
Ғийбатчининг нечаси.
Сойларингда сузгайман,
Гулларингдан узгайман,
На тинчингни бузгайман,
На ғашингни қўзгайман!
Гулзорингда гунчадек,
Упгайман дудоғингдан.
Илтижо: қўймагин чек,
Қувламагин боғингдан.
Қувнармиз сой бўйида,

Излаганлар тополмас.
Биз-ку висол тўйида,
Ҳеч қандоқ ит қополмас.

Меҳмон бўлсак холангга,
Боғида нок, нашвати.
Мендай тентак волангга,
Эй, жонларнинг офати,
Бўлмагин сира бефарқ,
Уша лаҳзаёқ билгум.
Пишганида қовун ғарқ
Мен келгум, қайтиб келгум.

Е Д Г О Р Л И К

Бунда ором олар номаълум аскар,
Қолиб кетгани йўқ охир овлоқда.
Ором олар қутлуғ она тупроқда,
Ҳар тонг қабр пойида тонгдек гулчамбар.

Шу тупроқ бехатар нафас олсин деб,
Кечмиш онажону хонумонидан,
Кечмиш жононидан, азиз жонидан,
Шу тупроқ заҳардан омон қолсин деб.

Уқчимикан асли ё танк дарғаси,
Балки радист, тўпчи ё бургутпарвоз,
Комиссар ё ўша ўктам чавандоз,
Балки юз аскарнинг чўнг ўтағаси.

Қим бўлса ҳам жангчи, ўша фидойи,
Шу тупроқ кўркига қўнмасин деб доғ,
Шу тупроқ эркига тушмасин деб доғ,
Қурбон бўлмиш ўша қирчин, шайдойи.

Бу ўзи оламдек мангу бир нақл...
Олам жигаридан қўпмиш ўтли оҳ,
Эзгудан эзгуроқ бир зиёратгоҳ,
Зиғирдек тупроғин кўзга сурма қил!

Бувижонлар келур — сочлар оқ булут:
— Балки отасидир... Дилдан пичирлар.
Аламдан келинлар тиши гичирлар,
Бир зум ёш тўкилар тўкилгандек тут.

Бири: оғамдир дер, ўзгаси: иним,
Бири: эрим деса, бири: ўғлим дер.
Бири: суйганим дер — сезар кўнглим дер.
Келур қатор-қатор, тўп-тўп, бетиним.

— Во, болам!— деб келур андижонлик чол,
— Во, жигарим,— дейди қашқадарёлик.
— Во, дариго, тоғам,— дер бухоролик.
— Во, дадам,— деб йиғлар жиззахлик Ойхол.

Кўз ёшин тиёлмас самарқандлик ҳам.
Хоразмлик келур эгиб тик бошин,
Сурхонлик таниб дер гўё юртдошин:
— Сенсан ёвузликка беролган барҳам!

Келур Намангандан, Фарғона ёқдан,
Барчаси бош эгур ўз сарваридек,
Барчаси тиз букур кўз гавҳаридек,
Келур Сирдарёдан, Қорақалпоқдан...

Майдон балқиб ётар куй навосида,
Майдон бўлиб оқар, оғир-оғир мунг.
Қалб янграр. Йўқ, қалблар эмас ортиқ гунг,
Қалб янграр зафарёб эл садосида.

Ҳа, номаълум. Лекин номаълум эмас.
Бутун жумҳурият дер: ифтихорим.
Буюк Ватан дейди: эй, халоскорим,
Фурурим, ардоқлим, шавкатим сен — бас!

Ярим дунё кезиб келмиш алп ўзи,
Ярим дунё халос шарофатидан —
Хўрлик ва зўрликнинг шум офатидан
Олқиш ўқир ҳануз бутун ер юзи.

Уйнаб-кулар чоғда ўққа учган — шу.
Танк тагида абжақ бўлди неча гал,
Ярадору мажақ бўлди неча гал,
Неча гал саноқдан йўққа кўчган — шу.

Сўқмоқ қолдимикин бу юрмаган ҳеч?
Ўз ери ўзига тор бўлган ҳам — шу,
Бир тишлам қоқ нонга зор бўлган ҳам — шу.
Қийноқ қолдимикин бу кўрмаган ҳеч?

Дарё қолдимикин бу кечмаган ҳеч?
Итларга таланиб, қул бўлган ҳам — шу,
Дўзахларда куйиб, қул бўлган ҳам — шу,
Оғу қолдимикин бу ичмаган ҳеч?

Ёвузни найзага илиб, олиб жон,
Жужуғин қутқармиш ваҳший ёнғиндан.
Юзларида куюк нақши ёнғиндан —
Одамнинг одами — табаррук инсон...

Қирқ йил қирғин мисол ўтди шум тўрт йил.
Эй заҳматкаш дунё, ўй ўйла сен ҳам.
Эй меҳнаткаш дунё, тўй тўйла сен ҳам,
Ватан осмонидек чарақла, эй дил.

Бу юртга ўқраймоқ осонмас кўп ҳам,
Жаҳон яхши билар, жаҳонга аён.
Тинчимизни бузган — топмайди омон.
Кор этмас ҳийла ҳам. Заҳар ҳам. Тўп ҳам.

Асрларга қўшиқ — мардонаворлик.
Бу олов сўнмас ҳеч. Бу замон сўзи.
Қўз солиб турибди Лениннинг ўзи:
Олис авлодларга мангу ёдгорлик.

ТОШКЕНТИМ ОСМОНИДАН...

Тошкентим осмонидан қуш учар гала-гала,
Карвон кетидан карвон.
Олис Шарқ йўлчилари — шунчалар меҳр, ҳафсала,
Гўё кўк пастак нарвон.
Чўлларда ҳордиқ олиб, кўлларда ҳордиқ 'олиб,
Йўллардан ўтиб омон,
Тағин балки ойлик йўл, силласи қуриб-толиб,
Учишар Шимол томон.
Кўклам-да, бир-бир келур булбул ҳам, қалдирғоч ҳам,
Кўлларимда тунашур,
Оққулар қандоқ кўркам, сўналар қандоқ там-там,
Саҳар тағин жўнашур.
Эсга тушар бир кўклам, кўкламдек сумбул соч ҳам,
Учаман хаёлларда.
Кўз ўнгимда ажиб дам, кўзлари қийғоч санам,
Қучаман хаёлларда.

КУКАЛДОШ

Ёйилиб ётипти бу қадимий Шош,
Ҳали мўл жин кўча, лойшувоқ томлар,
Бошларидан кечмиш не шум айёмлар,
Ўртада парпирар кўҳна Кўкалдош.

Бу — қадим шаҳарнинг сир тўла савлат,
Кўз олгувчи сир бу, кўз олгувчи аср,
Ўзи жаранг ғазал, ўзи жаранг наср,
Бинокор закоси, сўнмас бир шавкат.

Ўраб келур не-не миқти кошона.
Демагин: ушоққа ўхшаб қоляпти,
Жўн бир ўйинчоққа ўхшаб қоляпти,
Зукко боболардан зебо нишона.

Лой, чанг, бўғиқ олам чекинур кам-кам,
Сўлим, яшил дунё суриб келмоқда.
Ёруғлик барқ уриб, қуриб келмоқда.
Қинғир кўчалардан қолмагай из ҳам.

Яшаркан дўстликнинг порлоқ дунёси,
Яшаркан пойтахтим — бу оқсоқол Шош,
Яшагай ярқираб ажиб Кўкалдош,
Асрий саройларнинг улуг бобоси...

Қ А Й Д А ?

Қўшиғим қайда, ўша,
Қўшиғим қайда қолди?
Наҳотки ҳолий гўша,
Биз кезмиш жойда қолди?

Қўшиғим қайда, ўша,
Қўшиғим қайда қолди?
Сой мисол жўша-жўша,
Наҳотки сойда қолди?

Қўшиғим қайда, ўша,
Қўшиғим қайда қолди?
Сада таги ҳам бўш-а?
Ё қалчиғайда қолди?

Қўшиғим қайда, ўша,
Қўшиғим қайда қолди?
Чаманзор, ҳолий гўша,
Гулдек чиройда қолди.

У Қ

Вокенй

У ёқдан ҳам ёғар ўқ,
Бу ёқдан ҳам ёғар ўқ,
Эмаклашга дармон йўқ,
Кўмаклашга дармон йўқ.
Кўзлар хира, эс хира,
Не бўлди — билмас сира.
Қон оқар ярасидан...

Бу сурон орасидан —
Қутилишга етмас кўз,
Шинелидай ранги бўз,
Жилади жуда секин,
Судралиб отар лекин.
Расо олади мўлжал,
Ўқи бехато — дангал,
У бир ҳадис ишлатар,
Ёвга тупроқ тишлатар...

У ёғидан ёғар ўқ,
Бу ёғидан ёғар ўқ,
Туришга ҳам имкон йўқ,
Юришга ҳам имкон йўқ.
Қурийди кам-кам мадор,
Кўзига кенг олам тор.
Наҳот ҳеч ким қолмаса,
Тез қутқариб олмаса!

Ҳа, сурон бўлган ўхшар,
Ёв ўраб келган ўхшар.
Қайраб қаҳру ғзабин,
Бермоққа ёв адабин,

Дўстлар чекинган ўхшар,
Ночор бекинган ўхшар.
Хў, кимлардир келмоқда,
Энгашмайин елмоқда:
Балки ўз дўстларидир,
Ўз ками-кўстларидир,
Жангчи сал жилиб қарар,
Жангчи тикилиб қарар.
Епирай, кимлар ўзи,
Танишми турқи, сўзи?
Кўринади на бир кўз,
Эшитилар на бир сўз!
Жуда ҳам яқин қолди,
Сергакроқ назар солди,
Аниқ кўрдик — ёв бу,
Уша қаттол гўрков бу,
Гала-гала. Кўзлар лўқ,
Қолган эди ёлғиз ўқ.
Қирағай мерган эди,
Талайни терган эди,
Агар тушса қўлига,
Унамаса йўлига,
Кўксидан юлдуз ўяр,
Ахири молдек сўяр,
Ёв ём-ёмдан ваҳшийроқ.
Билар мерган яхшироқ:
— Уроқбой, дадил! — деди,
Шу чоранг — адл! — деди.
Ўтирмай ортиқ сўзлаб,
Отди ўз кўксин кўзлаб...

Қ У Ш

Тонг чоғи турган эдим — одатим шунақароқ,
Оқ булут паға-паға, оқ булут бароқ-бароқ,
Ёғолоқмас шекилли. Ёғадиган ўхшамас,
Совур салқинида ҳам осмон нечун бўшамас.

Ҳовлимда кезар эдим, енгиллик сезар эдим,
Хаёлни кўкламга хос бўёқда безар эдим.
Бирдан яшил чўғ кўрдим, хў гилос бутоғида,
Яшил чўғ ёнар эди яшиллик қучоғида.
Яқинроқ келдим секин, ишонмайман кўзимга,
Ҳайрон боқардим, лекин, келолмайин ўзимга,
Қалин барг далдасида ўтирарди митти қуш,
Қуш эмас, жозибалик ва алдоқчи яшил туш.
Қанотлари чиройлик, силлиқ, кўзлар — кўзмунчоқ.
Тирик қўғирчоқ гўё, кўз кўрмаган овунчоқ.
Тағин яқинроқ келдим, чўчимади-учмади,
Ҳаттоки анов шохдан манов шохга қўчмади.
Тўтимикин ё қумри, наҳотки беном бўлса,
Наҳотки хаёлларим, мўлжалларим хом бўлса,
Қафасдан қочдимикин, олисдан меҳмонмикин?
Ювошлигимдан хушқол бирон беошиёнмикин?
Кўзлар қамашгудек кўрк, кетолмай айланаман,
Ҳуштак чалсам елкамга қўнгудек шайланаман.
Момом айтмиш бир чўпчак эсимда эди ҳамон:
Қуш суратида пари кўринар аҳён-аҳён,
Қушдек ўтирар, лекин сўзингга тушунармиш,
Ёвузмисан ё акси — ўзингга тушунармиш.
Во ажаб, нетсамикин, ҳуштак чалсам — келса-я,
Тушларда излаганим паризод шу бўлса-я...

АБРОР ҲИДОЯТ

У саҳнага чиққанда залга титроқ тушарди,
Етти қат кўк авжидин нақ қалдироқ тушарди.
Эл юм-юм йиғлар эди Ҳамлетнинг ёзмишига,
Анов-манов одамнинг сочига оқ тушарди.

У чиқса саҳна гўё тўлиб-тошиб кетгандай,
Туйғулар қирғоқлардан зумда ошиб ўтгандай,
Кўчада пайдо бўлса — ёришгандай бу жаҳон,
Тавозекор сиймога олам гуллар тутгандай.

Қорамағиз, ўйчан кўз, алпдай миқти, яғриндор,
Навий тимсолида ғазал ёру ҳикмат ёр.
Салла ҳам хўб ярашур, жангчининг шинели ҳам,
Севгида Отеллодай, вафода мажнуншиор.

Қўшчи ҳам, сардорлик ҳам руҳига иноқ ғоят.
Ҳақиқатга айланур у сўзласа ривоят.
Даҳо туғилар эмиш, рост бўлса, юз йилда бир,
Уша — Аброр Ҳидоят.

БАХТ ҚУШИҒИ

Шу ўзгариш бўлмасайди,
Қайдан билай, ким бўлардик.
Ким бўлардик, не бўлардик —
яхлит қайда — ним бўлардик.
Ана миршаб, деса биров
бешиқда ҳам жим бўлардик,
Алиф эмас, бе бўлардик,
Лом бўлардик, мим бўлардик.

Шу инқилоб бўлмасайди
ўша-ўша шўрпешона,
Не билайин, қайси даштда
қолур эди суяклар ҳам.
Майли эди дастгоҳ сабаб —
кун ўтса ҳам ғарибона,
Титрашмаса изғириқда
юпун, арвоқ гўдаклар ҳам.

Бахт жуда ҳам кулса мен ҳам
бўлардим-да, тўқроқ деҳқон,
Қўш ҳўкизинг бўлса агар
қўшчилик ҳам чакки эмас.
Ё темирчи бўлурмидим,
болға уриб топардим нон,
Болғаликлар, болталиқлар
ҳар қалай кўп дакки емае.

Ё подачи бўлурмидим
қишлоғимда ёки чўлиқ,
Ё қароқчи, от ўғриси,
ё қиморбоз, ё тусмолчи.

Е тиланчи, бободарвиш,
кўзлар хира, ранг ҳам сўлиқ,
Еки соқол оқаргунча
сўққа бўйдоқ, кўксов фолчи.

Е мингбоши эшигида
ўтармиди умрим қулдек,
Эҳтимол бек чорбоғида
жиккак боғбон, унсиз қарол.
Ўз-ўзимни юлиб ердим,
ич-ичимни кемириб кек,
Е елкамда ҳўкиз юки,
чорбозорда абжақ ҳаммол.

Е ўроқчи, ё бўёқчи,
ё улоқчи, ё шувоқчи,
Е тўрт кўча муюлишда
аттор, баққол, гўл ё овсар.
Карнайчими, қизиқчими,
ё қалпоқчи, жўн ямоқчи,
Тегирмончи, чала табиб,
нўкар ёки каллакесар.

Йигирма йил мадрасада
бадбўй тупроқ ялаб, балки,
Тўрт эллик хат битолмасдан,
юрт кўзига боқолмасдан,
Салла ўраб, (муллалигим
шунчалар ҳам мукамалки...)
Ҳатто бир сўз (араб ё форс)
маъносини чақолмасдан...

Е туякаш, букри кулол,
ё капсанчи, ё ясовул,
Еки саёқ чархчи, дастёр,
кўкнори ё беданабоз,
Сўтак мерган ё йилқичи,
ё балиқчи, ё чаповул,
Еки даллол, ёки дорбоз,
қийғир дегрез, ё ёғочсоз.

Қозончининг эрки бормиш
қайдан қулоқ чиқарса ҳам,

Чўнг чилангир бўлурмидим,
тунукасоз ё бинокор.
Кетмончининг эрки бормиш
қайда булоқ чиқарса ҳам,
Ё киракаш, айронфуруш
ёки йўлсиз ғўр тақводор.

Ким бўлмайин, не қилмайин,
қай бурчакда кун кўрмайин,
Кўзи очиқ — кўкраги кўр
бир бечора бўлурдим-да.
Косиб, қўшчи ё мардикор —
майли қандоқ умр сурмайин,
Қоронғилик гирдобида
зор, оввора бўлурдим-да.

Ким бўлсам-да, не қилсам-да
бебахт эдим, барҳам эдим,
Чайладами ё кошона —
кишандайдим, қўли боғлиқ.
Юзбоши ё бек бўлсам-да —
оқпошшога қарам эдим,
Пароканда, тарқоқ, чала,
эрки поймол, бағри доғлиқ.

Боринг, бўлай қўрғонлик ҳам,
қўй-қўзилик, бузоқлик мен,
Барибир-да, тилсиз бир қул,
ҳар қадамда сиртмоқ тайёр.
Бўйнимда-чи, бўйинтуруқ,
занжирбанддим, тузоқлик мен.
Тош-бўронлар, зах зиндонлар,
шум замонлар... бўғиқ, ғаддор.

Агар бўлсам Машраб янглиғ
ёвқур даҳрий ё исёнкор,
Сўз йўқ бир кун (шубҳа қилманг!)
Товонимдан тилинардим.
Айланамда жоҳил дунё,
ғофил дунё, сургун ва дор,
Ҳа, нечоғлиқ зукко бўлмай —
қопқонига илинардим.

Оғир кунда мунгдош ҳам йўқ,
юпатувчи, қўлловчи йўқ,
Қўлламоқдан ожиз бари —
ирим-сирим, қурбонлик, ҳаж.
Диққинафас, абжақ ҳаёт,
ундовчи йўқ, йўлловчи йўқ,
Қўзғолонлар оқибати —
қон дарёси... ёвуз ва каж.

О, инқилоб! О, инқилоб!
ўзинг очдинг кўзгинамни,
О, ёруғ тонг! Тонг янглиғ онг!
олис учди асрий уйқу.
Қурол олдим, сурон солдим.
танидим-да ўзгинамни,
Қалдироқдек бонг эди бу,
эрк эди бу, бахт эди бу.

Ҳануз-ҳануз тухмат тинмас:
Гўё ҳануз сўлғин баргман,
Ўз юртимга эгаман-ку,
ўз йўлимга эга ўзим,
Ҳануз-ҳануз тухмат тинмас:
Эмиш гўё жувонмаргман.
Йўқ-йўқ, қирчин жувонмардман,
олисларни кўзлар кўзим.

Не қақроқ чўл — кўм-кўк дунё,
тарқоқлик бас, тупроқ яхлит.
Меҳнаткашман — ёлчиганман,
умрим гўё жарангдор соз.
Шу инқилоб шарофати —
умрим ўтар инсон тахлит,
Довруғим бор, пахтакорман,
тўқувчиман, машинасоз.

Ҳамма ҳунар ўз эркимда —
Чароғбонман, тупроқшунос,
Қимёгарман, чўнг аллома,
Юзи ёруғ ва ёрқинман.
Ипакчиман, чўпон, кончи —
Тўй-томошам ўзимга хос,

Хазинаман, дафинаман,
чош қазноқман, мўл олтинман.
Не деса ҳам десин, майли,
бағри куюк — кўзи куюк.
Ўзлигим бор, ўз ўзаним,
шаҳарлигим, бўзлигим бор.
Ўз давроним, ўз маконим —
жаҳон қадар қиммат, суюк,
Алифбодан — қомусгача
жувон тарих — сўзлигим бор.

Эртак мисол оқ саройлар —
баланд, мрамор бўсағалик,
Мақтанишга тил айланмас,
ўндан бирин чиздим, холос.
Соҳибкорман, ардоқликман,
мўл улушлик, шибағалик,
Яшил боғлар, тошқин сойлар...
эсда не бор — тиздим, холос.

Муҳандисман ва шифокор,
алп дарғаман, чўлда сувчи,
Меҳнаткашман, — ёруғ кунлик,
ипак тўнлик, этак-енглик.
Шарафлиман, шавкатлиман,
ўз даврида давр сурувчи,
Ўз эркимда ўз жиловим —
ўз қўлимда ҳақ ва тенглик!

Шу инқилоб бўлмаса гар,
Ленин ўзи қўймаса қўл,
Шу яхлитлик, шу ёрқин бахт
дарёлиги қайда эди!
Ёруғликка, парвозларга
қайда эди шу донғил йўл,

Мирзачўлнинг кўкаламзор
дунёлиги қайда эди!

Шу инқилоб бўлмаса гар
қайда эди бу ёруғлик,
Номларимиз ўчганидай
ўзлик ўчиб кетмасмиди?!

Шукроналар ўқий юз қат —
жумҳурият тонгдек туғлик,
Инқилобсиз, туғсиз не эл,
Йўққа кўчиб кетмасмиди?!

Чексиз дунё нотинч ҳануз,
нолалардан қулоғим кар,
Бахтим бутун — заррасига
зор, нигорон оламлар кўп.
Шундоқ бир бахт эгасиман —
арзигулик солсам-да жар,
Ҳатто унинг шуъласига
зор ва нолон одамлар кўп.

О, инқилоб! Ёвузликка, ҳақсизликка
Тоғ тўсиқсан.
Шу дунёнинг армонисан, ёруғ бахтсан,
Зўр қўшиқсан.

ТҮРТОВЛОН

Қўлни узат, азамат, дов йигит, лочин йигит¹,
Тер тўккан тупроғингда камол топ, ургин жавлон.
Шу тупроқ дардларига малҳаму долчин йигит,
Қирқ азамат меҳнатин дўндирибсиз тўртовлон.

Ҳа, техника дегани пучак мўъжиза эмас,
Зухрога етолган ҳам қудрат мўъжизаси.
Кимки менсимас — нодон, донғил йўлда хору хас,
Кимки терс — охир бўлур жаҳоннинг иззаси.

Навқирон деҳқон ўзинг, билағонлик сенга хос,
Машиналар тилига етук, бурро, донгдорсан.
Юракда ўти борлар қадрлашур беқиёс,
Сувчисан ҳам дарғасан, етакчисан, саркорсан.

Тўртовлон доим дадил, жонбозлик хўб келур қўл,
Тўртовлон ўтолдингиз ўтолмас марралардан.
Қатралардан кўл пайдо, ушоқлардан бўлур мўл,
Дунёнинг бутунлиги, аслида, зарралардан...

Экасан ва тикасан, аср шўрин ювасан,
Севгидай ардоқлайсан, ҳамма балога ҳозир.
Агрегат сенга қанот, тинмай зафар қувасан,
Азмингга қойил тупроқ сақлай олмас сендан сир...

Бинойи экинзордек бугун ўша шўр тупроқ,
Минг аср кўз тутган-да, эмас ахир кечаги...

¹ Гулистон районидаги «Коммунизм» колхозида 88 гектар ер очиб, тўла механизацияга ўтиб, режасини ҳаммадан олдин икки ҳисса бажарган Лочин Миразим ўгли бошлиқ тўрт кишилиқ бригада даласини айланганда ёзгандим.

Сен билан апоқ-чапоқ сахий, қутлуғ кўр тупроқ,
«Коммунизм»... Бу ахир дунёнинг келажаги...

Бу оқшом тепамиздан қарғалар учиб ўтди,
Ҳавонинг турқи совуқ, айланмоқда сур булут.
Турналар кўчиб ўтди. Чумчуқлар чўчиб ўтди,
Қайдам не кўргуликка шайланмоқда сур булут.

Мирзачўллик заҳматкаш, бели белбоғлик девкор,
Бўз ўғлон, десалар гар сен кўнглимдан ўтасан.
Тўртовлон уймиш хирмон мағзи шундоқ маънодор,
Қаҳрамон, десалар гар кўз ўнгимдан ўтасан.

Куз кўрки кўзни олур, япроқлар оловланур,
Олтин япроқлар гўё тўртовлонга пойандоз.
Кўзларингда йигитлик ғайрати чўғдек ёнур,
Бўз лочинга муносиб ҳамиша юксак парвоз.

Бўз ўғлон ҳей, бўз ўғлон! Лочин деса — лочинсан.
Шўр тупроққа жон бермиш йигитлардан олчинсан.

Сирдар

БАХШИЕНА ТҮРТЛИКЛАР

Бирга эдик

Бирга эдик чоғи пода боққанда,
Тоғу тош гулдираб, чақмоқ чаққанда.
Бирга эдик чоғи дўл ҳам ёққанда,
Четда қолдик нечун дўлана қоққанда.

Кунинг келипти-да...

Шопириб-шопириб Шодмонжонга суз,
Упириб-ўпириб Урмонжонга суз.
Қарама ҳеч кимнинг қош-қовоғига,
Санамай саккиз де, ўйламай тўққиз.

Сен

Сен булоқ кўзини очганларданмас,
Дуч келган булоқдан ҳўплагувчисан.
Жиндек миннатдорлик ўрнига, нокас,
Қонган булоғингга туфлагувчисан.

Мен

Ҳа, мен туркистонлик. Туркистонданман.
Олис боболарнинг олтин тупроғи.
Мунглик ва жафокаш бир жаҳонданман,
Жафокаш жаҳоннинг қадим аймоғи.

Ҳеч қуримас...

Эшик олди кўл-ҳовуз, лойинг ўзим,
Отланиб чиқсанг, таранг ёйинг ўзим.
Ҳамалнинг кўпи кетиб, ози қолди,
Чиллада ҳам қуримас сойинг ўзим.

Яхши

Чилдирманинг сози яхши,
Ҳар ниманинг ози яхши —
Хўракнинг ҳам, сўзнинг ҳам,
Бахмалнинг ҳам, бўзнинг ҳам.

Гўдаклигим

Тоғ бағрида чайлам бўш қолганди, ҳа,
Экин-тикин, шудгор, қўш қолганди, ҳа.
Кетгандим, чалароқ қолганди бари,
Дилимда сой янглиғ жўш қолганди, ҳа.

Тонг

Тонг мовий жаҳонга ёруғ сочар мўл,
Тўқур инжулардан шабнамлик шолча.
Кўрку жамолидан кўзим бўлса ҳўл,
Шафақлардан тутар ипак рўмолча.

Бўз

Бўз бу, ҳа-да, бўз тупроқ,
Қумлоқ, тўзон-тўз тупроқ.
Қуюнлик, қорбўронлик,
Не бўлса ҳам ўз тупроқ!

У гўё...

У гўё сахий эрмиш,
Кўлик¹ бераман, дермиш.
Олмагин кўлигини,
Ортади ўлигини...

Туркистон

¹ Кўлик — улэв.

БЕВАҚТ

Эй бевақт, бенаво! Эй, саёқ булут,
Қайсиям гўрдайдинг, қай терс жойларда?
Эй, бебахт, бедаво, шумоёқ булут,
Қайси музоқдайдинг, жарлик, сойларда?

Босқиндек ёқимсиз, шиддаткор ва гўл...
Ёголоқ ва ўсал — жала кети дўл.
Энгил-бош майли-я, ич-ичимиз ҳўл.
Эл кўз тутган ойда, кездинг қайларда?

Кўкда ҳодиса! Наҳот оғиш бу!
Қатрага зор дашт мўл, не терс ёғиш бу!
Важ! Сабаб! Самовий наҳот қарғиш бу!
Агрегат ҳам ночор ботқоқ, лойларда.

Лой кечиб, сув кечиб, ҳеч тинчимиз йўқ,
Дам ёгин, дам аёз — севинчимиз йўқ,
Бу ой-ку сенга ҳеч илинжимиз йўқ,
Қўналғанг-ку қоя, қапчиғойларда.

Деҳқонлар кўкка боқар, кўнгли гаш, доғлиқ,
Эгатга тушолмас, алам нечоғлиқ.
Ноилож, ночор, нақ бўйнидан боғлиқ,
Утирар эл шийпон ё саройларда.

Кўкламда келсанг-чи, топмай баҳона,
Қалдироқли ўлан тўқиб, шўхона,

Шаробдек шимирар ер қона-қона,
Чақнардинг кўк юзи — ҳафтранг ёйларда.

Ёки қирчиллама тансиқ қишда кел,
Майли, қалин қор бўл ё изғириқ ел.
Ранжитмагай у кез ҳаттоки муз бел,
Лек биздан даф бўлгин кузги ойларда.

Андижон.

ЙИЛ БОШИ ОРЗУЛАРИ

Даврага кел алп пахтакор,
Қўли қадоқ машинасоз.
Қутлуғ кун бу, йил боши бу —
Гурурлансак ҳаққимиз бор,
Утган марра бўлмади оз,
Ендошмасин бу оқшом ҳам
Қиттак қайғу, жиндек ҳам мунг.

Кел, даврага кел, чорвадор —
Оға чўпон, сут соғувчи,
Сут булоғи тиним билмай,
Қаймоқ боғлаб оққани рост.
Кел, даврага кел, шоликор,
Норғул дарға, оддий сувчи,
Сўз ва амал эл қалбида
Доим чақмоқ чаққани рост.

Кел, даврага кел, бинокор,
Соқчи йигит, чароғбон, ҳей,
Йўллар ошдик мўлжал-мўлжал,
Диёр-диёр, давон-давон.
Четда қолма, йўл қургувчи,
Қончи, уста, чол боғбон, ҳей,
Ҳа, йўл оғир, лекин донғил;
У тағин ҳам бўлур равон...

Даврага кел, эй санъаткор,
Уқитувчи, гишт қуювчи,
Четда қолма, бўёқчи, ҳей,
Чавандоз, ҳей — учқур тарлон.
Даврага кел, сувоқчи, ҳей,

Зараңларга нақш ўйғувчи,
Созни созла, эй созанда,
Раққосаю раққос ўғлон.

Даврага кел, пиллакаш қиз,
Кўриқ очмиш бўзлик йигит.
Даврага кел, жон шифокор,
Кимёгар ҳам, фазогир ҳам,
Даврага кел, париваш қиз,
Ҳой, сен битта сўзлик йигит,
Бу даврада, шодмон базмда,
Ҳеч ким бу кеч бўлмагай кам.

Даврага кел, бобомерос
Манғишлоғу қадим Манкент,
Даврага кел, Андижоним,
Самарқандим — буюк бахтим.
Янги шаҳар, янги қишлоқ —
Мингчинору соз Чаманкент,
Қани бошла, ишчи бобо,
Қани бошла, чўнг пойтахтим.

Даврага кел, тили бийрон,
Кўнгли осмон дўсту ёрон,
Болажонлар омон-омон —
Кўзларимиз қорачўғи.
Қондош эллар, қардош эллар,
Йўлингизга мен нигорон;
Илинжим сен, тошқин ҳаёт,
Сени дейман бору йўғи!

Жилмайиб кел, бизга насиб
Бўлмаган, эй насибалар,
Жилмайиб кел, гунчанамо
Очилиб кел, жонлар садқа.
Бу йил ҳам мўл тўй-томоша,
Нашъалару нашидалар,
Янги ўлан тилашайлик
Ҳам Зулфия, ҳам Асқадга.

Даврага кел, жондош халқим,
Республикам — аёвлигим,
Қадаҳларга тўлдилинг, ҳей,
Кўлбола май — хушбўй шароб.

Бухоро, эй олтин тоғим,
Эй, тилсимот оловлигим,
Сипқарайлик, орзуларга
Ушбу қадаҳ жуда ҳам боп.

Бу йил тағин оқ хирмонлар
Мағзи бўлур тигиз ва тўқ.
Дараларда олмазорлар,
Ёнбағрида ёнғоқзорлар.
Ғаллақору лалми тупроқ
Йилдан рози, чатоғи йўқ,
Яхшилиқдан даракчидай
Уюм-уюм тоғда қорлар.

Қор мўл бу йил, орзулар ҳам
Оқ қор янглиғ бегубор, ҳа.
Қор тагида мевазорлар
Солланмоқда йироқ-йироқ.
Қор мўл бу йил, довон кети
Тағин ҳам тик довон бор, ҳа.
Армонларнинг қанотида,
Ёруғ хаёл — уч баландроқ!

Қор мўл бу йил, тизза бўйи
Майса мавжи қор тагида.
Қувна, яйра, меҳнаткаш эл —
Республикам соҳиблари.
Қор мўл бу йил, хазинаю
Дафиналар бор тагида,
Қани бошланг, раис бобо,
Жами райком котиблари.
Умид борки, бу йил бўлмас
Ғўр қўшиқлар, ғўр ашъорлар.
Қадаҳ олинг, олтин қўллар,
Элексирдай май бу, ахир,
Бу йил тағин қадр топгуси
Қаҳрамонлик, саботу азм,
Кўкаргуси тағин чўллар,
Талай қумлоқ, талай тақир.

Ширин бўлур сахий тупроқ
Неъматлари — ер емиши,
Босволдидан, тўрламадан

Келмас бу йил зовур таъми,
Андижоннинг оқ новвоти,
Самарқанднинг кўк кишмиши.
Шарафлардан йўғрилгуси
Янги йилнинг ҳар қадами.
Даврага кел боларига
Сўз уқтирмиш болчи доно.
Балиқчи ҳам, пазанда ҳам
Куйлайдиган кун-ку бугун,
Шоҳлардан ҳам давлатлироқ
Табаррук чол, дилдор момо,
Мўл бўлади бу йил, сўзсиз,
Шойи, атлас, мовут, жужун.
Хандалаклар шафақ ранглик,
Қуйма сеҳр, тарам-тарам,
Йўловчининг димоғига
Атир пурккай полиз бу ёз.
Дону дун ҳам орзумиздай
Тепа-тепа, гарам-гарам.
Тўкинчилик эртакдаги
Беҳишлардан тўкисроқ, соз.

Чўққиларда ёруғликдай
Оқ товланур баланд мўлжал,
Ортда қолмиш алп рақамда
Алпроқ рақам, қутлуғ рақам.
Албатта бу келмас осон.
Деманг: ўнғай бўлгуси ҳал.
Йўқ! Юз меҳнат, минг ҳикматдан
Дунё шараф бўлади жам.

Қаламкашлар, сипқарайлик,
Тўрга ўтинг, алломалар.
Ер остида оқ саройлар,
Кўк саройлар қурғувчи эл,
Олис-олис оламларга
Учирайлик тўйномалар,
Ҳаёт алвон — бахтимиз сел,
Йиқимиз сел, кўнглимиз сел.

Сипқарайлик, азиз юртдош,
Барқарор бахт борлигига.
Етмиш ёшлик ёвқур, суюк,

Дов етакчи соғлиғига.
Коммунистик партия бош,
Йўлбошчи ва ёрлиғига,
Ўзбекистон — шу толе ёр,
Чўнг эмгакчи соғлиғига!

Орзуларнинг тамали ҳам
Қоялардек қурч, устивор
Унутмайлик, ушоққа ҳам
Ҳали зор-зор оламлар бор.
Қардош эллар, даврага кел,
Қўшоқ-қўшоқ, қатор-қатор.
Ендош туриб, жондош туриб,
Янгратайлик: алёр! Алёр!

Г О Ҳ И

Гоҳи кимдир қўққис чертади эшик,
Чертмайди, дарғазаб тақиллатади,
Кўзимга кўринур тобут ва бешик,
Ажал шундоқ лақиллатади...

Эсимга тушади оқсоч Туркистон,
Нодонлик, сарсонлик, гўллик, сўқурлик.
Бўюнтуруқ, жувоз, ташналик, ёвғон,
Култепа, ютоқ жар, қора чуқурлик.

Қинғир кўчалару, қора йўл, бекат,
Бўзагар, маст сурон, ёқалашганлар.
Ёмғирсиз йил келиб, кўкармай кўкат,
Маҳалла-маҳалла сув талашганлар...

Эсимга тушади гўдаклик замон,
Ўт ўриб, даладан ҳориб келганим.
Ҳали оловнафас ва сўлқилдоқ нон,
Совуқ сувга ташлаб еганим.

Онам жилмайганча ўчоқ бошида
Ҳалим гўжа сузар заранг товоққа.
Гўжа гарибларнинг тансиқ оши-да,
Ошаб туриб, қарайман боққа.

Қўшни чол боғига сув ўтар биздан,
Ундан сўнг таралур улкан қишлоққа.
Хаёлим айрилмас шу боғбон қиздан,
Қайдан илашибман шу қўғирчоққа.

Тегажоқ, сочлари ҳали жамалак,
Қалами кўйлаги қандоқ ярашар.
Гўёки эғнида парча камалак,
Ўзи ҳам ё саккиз ёки ўн яшар.

Тенгдошларим бари шу қизга хуштор,
Эшикдан чиқса бас, уймалашарди.
Мен девордан кўриб, тарқарди хумор,
Жонимда билмайман нима яшарди.

Ё рамазон айтиб, қайтардик санқиб
Биров хуш кўради, ўзгаси нохуш.
Пода қайтар оқшом сут исси анқиб,
Ҳозир бари гўё ёруғ туш.

Тунов кун қишлоққа борганда кўрдим,
Жилмаярди жуфт кўз жимиб-жовдираб.
Ўша, ўша эди — ҳайратда турдим,
Не дейишим билмай довдираб.

Ўша жажжи сулув — ўша боғбон қиз,
Сизга айтайинми — не сир бўлибди:
Ўша жайрондай шўх, ўша жонон қиз
Талай неваралик кампир бўлибди.

Неварам саккиз деб мақтандим мен ҳам,
Худо умр берсин, деди у бийрон.
Анча кулишдик, ҳа, кўзимизда нам,
Умр ўтаркан гўё қўнимсиз карвон.

...Сой бўйига бошлар гўдаклик такрор,
Сой бўйи боғу роғ, гўё поёнсиз.
Боғбони ўша-да, ўша шўх дилдор,
Меҳнатидан рози, ҳаёт армонсиз.

Кўм-кўк боғ қўйнида яшнаб, ярқираб,
Кўчалари ўқдек қишлоқ кўринур.
Тентак сойда сув мўл, оқар шарқираб,
Кул тепадан (тавба!) кўз очмиш булоқ.

Қатта йўлда тинмас машина ғиз-ғиз,
Мақтаб ҳовлисида жарангдор қўшиқ.

Кўнгли тоғ, вақти чоғ ўша боғбон қиз,
Югурик замон бу — доим ёр қўшиқ.

Қоврилиб ётманг, дер тор ҳовлингизда,
Ёз ойлари қолинг, боғ ҳам пешкаш..
Ҳикмат мўл мевада, шу оқ қимизда,
Кўнглимда ўчгандай талай оғриқ, гаш.

...Гоҳи қўққис кимдир чертади эшик,
Чертмайди, дарғазаб тақиллатади.
Кўз ўнгимдан ўтар тобут ва бешик,
Ажал шундоқ, лақиллатади.

Эсамга тушади азиз қишлоқ ҳам...

ЯЕВ УЛОҚ

Амаким — беш яшар бўлганда ўғли,
 Беш хум бўза солиб, берганди улоқ.
 Улоқ деган билан улоқмас, тўқли,
 Бундай тўй кўрганмас ҳатто Мингбулоқ.

Қариброқ қолганда туғилганди-да,
 Ёлғиз бўлганидан аёвли эди.
 Хаёли, умиди шу фарзандида,
 Танлаб қўйган оти Тиловли эди.

Шундоқ... Ташқарида тизза бўйи қор,
 Ёз кунидек ёрқин эди тўйхона.
 Қарнай бор, ноғора, қизиқчи ҳам бор,
 Қишлоқни тутганди қий-қу, шодиёна.

Ясатилган эди туйнуклик оқ уй,
 Уртада ловуллар жинғил аланга.
 Исириқ ташланар — таралар хуш бўй,
 Аланга сочарди қирмизи танга.

Уйнинг ўртасида турарди беш хум,
 Хумларки, бўйлари одам бўйидек,
 Ҳовлида ҳам, олов, тинмас така-тум,
 Суронроқ тўй бўлмас ўғил тўйидек.

Қўй сўйилар эди қўчқор кетидан,
 Тортилар бир-кетин қуюқ ва суюқ.
 Қуйлар ё ўйинга тушар четидан,
 Қўшиқлар жарангдор, бошдан-бош туюқ.

Туш бўлди, одамнинг кети узилмас,
Дўст-ёрон келишар узоқ-яқиндан.
Тўйчилик удуми қитдай бузилмас,
Ўт сачрар кўзларда қувноқ чақиндан.

Етаклаб келишар сўқим, бўрдоқи,
Қуриди деганда тойлоқ ё кўзи.
Дастурхонда туршак, бол, қовунқоқи,
Дастурхон дегани эртақнинг ўзи.

Новвоту қандолат, қатлама, чалпак,
Лаганда қовурға, қази ва илик.
Уйда қарсак баравж, ҳовлида чапак,
Кайфсиз одам йўқдек. Ҳа, бу тўйчилик.

Тўй тоза авжига чиққан бир маҳал
Улоқ ташлаворди томдан тўйбоши.
Бир зумда на пайсал, на жиндак тайсал,
Қолиб кетди бўза, товоқда оши.

Барча ўзин урган эди улоққа,
Улоқ тортишарди одамлар яёв.
Қийқириқ таралур узоқ-узоққа,
Тор кўча, боғ кўча тиқин, авжи дов.

Тортишар, юлишар, қулаб туришар,
Ўн қадам ўтмайин энг чапдастроғи
Юла чопқиллайди, тагин суришар,
Мовут чакмонларда қора қон доғи.

Тўдадан чиқолмас энг зўравон ҳам
Елкасида улоқ, қолур қуршовда.
Томлар ғуж, тепа ғуж ҳозир, майдон ҳам
Эс оғиб кетгудек алғов-далғовда.

Бир-бирин танаймай қолишар ҳатто,
Енглар узилади, йиртилар ёқа.
Чол билан невара солишар ҳатто,
Яёв чавандозлик шунақа.

Пахсага дуч келиб, ўмбалоқ ошиб,
Тиззасининг кўзи ёрилган қайда.
Урилиб-сурилиб, эсдан адашиб,
Нохос ўз қонига қорилган қайда.

Манглайда ғурра ё чиқиб қўли,
Тўйхонага тагин қайтгани қайда.
Айрилмас дўстларнинг айрилиб йўли,
Аччиқ сўз ва ўпка айтгани қайда.

Ғоят қизишгандан ўзин тутолмас,
Тўдага ташланар не-не чайир чол.
Асов йигит пайтин ҳеч унутолмас,
Айқирришар томда қиз, келин, аёл.

Лекин не чораки, чол тушар чўкка,
Тўлқинда чўп-мисол четроқ суришар.
Кўксидан хўрсиниқ учади кўкка,
Томда ҳам, ерда ҳам қаҳ-қаҳ уришар.

Мўрилардан учар устундек тутун,
Охири кўринмас — текин томоша.
«Тисланма! Торт! Ҳа, де!» тинмайди шовқин,
Оқшом сирғилмоқда адирлар оша.

Тўдага тушади норғул чавандоз,
Ўша зум елкага ошар улоқ ҳам,
Юзларин чимчилар ёқимсиз аёз,
Улоқни норғулроқ илар ўша дам.

Ёндашиб келолмас чортоққа сал-пал,
Соврун ҳам интизор ўзиб келганга.
Тўдага тушмаган қолмас галма-гал,
Тўн тегар тўдани бузиб келганга.

Сурон авжларида қораяди қош,
Тинмас ола-ғовур, тинмас тўпалон.
Тўйхонада қайнар бу кез кечки ош,
Улоқ-чи...

Ўртада бўлади талон...

* * *

Амаким шунақа тўй бериб элга,
Эртанги овоза завқини сурар:
Топган-тутганини совуриб элга,
Эшик панасида бўзрайиб турар.

Туркистон

ҚУҚОН НИҲОЛЛАРИ

Ўйламангки, мавсумий кўкатлар экишибди,
Йўқ, шу эзгу тупроққа кўчатлар тикишибди.
Тупроғи ипакдай-а, талай тер тўкишибди,
Ниҳоллар кўкарсин деб талай бел букишибди.

Сиздақа ниҳолларга кўз тутарди бу замин,
Суяклар сирқирарди ўйлаб ташналик ғамин.
Самум йўлларига ҳам чекмиш эл ўқдай чизиқ,
Ташналик қайтиб келмас, ишонинг — бўлинг амин!

Анчайин кўчатлармас, ардоқли ниҳолларсиз,
Бу диёр жамолида заб ярашиқ ҳолларсиз.
Яшил оғушингизда янграб қушлар қўшиғи,
Кўклам — кўзлар қувончи, куз — баркашда болларсиз.

Суюк диёр бошига қўнган янглиғ камалак,
Кўкламда гуллагайсиз чақнаб кетар теварак,
Одамзоддан боғ қолур деган гапда маъни кўп,
Кўркингизга суқланур ҳатто етти қат фалак.

Не дейди: дориламон давронингизга балли!
Яхши ният, чўнг орзу — армонингизга балли!
Мевангизни татиган қуллуқ айтур юз такрор:
Ўсинг, яшнанг, юксалинг — боғбонингизга балли!

АҲЕНДА БИР КЕЛСАМ...

Аҳенда бир келсам соғиниб-тўлиб,
Аввало ўтаман бош кўчасидан,
Не-не лой кўчаю тош кўчасидан,
Бурунгидан баттар маҳлиё бўлиб.

Кезаман енгил, шўх — мингандай Фирот,
Қирқ йил олдин ўтган сўқмоқлар қолмас,
Янги гулзор қолмас, қумлоқлар қолмас,
Кўз ўнгимдан ўтар не-не хотирот.

Қадим кўчаларда хаёл сураман.
Мени чалғитолмас у қора рўё,
Излаганим изин топаман гўё,
Хўрсиниб наридан-бери юраман.

Бу шаҳар шунчалар қутлуғ ва дилдош,
Фарзанддай бош эгиб, ҳурматин тутиб,
Устозлар изини кўзимга суртиб,
Тик туриб қоламан йўлда ялангбош.

Замона шунчалар югурик ва зўрки,
Сойдан оқмас ҳозир мунг ва хўрсиниқ,
Қувурлардан тошар чашмалар тиниқ,
Тўлишар йил сайин кўчалар кўрки.

...Бу кўчадан ўтмиш Ҳамза у палла,
Инқилоб илҳоми тошиб булоқдай,
Кўзлари ловуллаб, чақнаб чақмоқдай,
Шарқийлари янграр эди баралла.

Бу кўчага гўё боғлиқ эди дил,
Юрт кезиб, эл кезиб, қишлоқлар кезиб,
Элнинг дардларини беҳато сезиб,
Гоҳи хушвақт эди, гоҳи дил чил-чил.

Далалар эпкини, тоғларнинг атри,
Чечаклар ҳидини олиб келарди,
Дилига орзулар тўлиб келарди,
Шу важдан янграрди ҳар янги сатри.

Туғма шаҳри ахир ўлан, эртаклик,
Уша бўз яктаклик, пойма-пой чориқ,
Уша бўқоқ шўри бўтана ариқ,
Уша ярим очлик, ғариб гўдаклик.

Шаҳарга ростанам дил эди боғлиқ,
Чинорларга сирдош, ҳатто ҳар баргга,
Ҳатто йўли тушар гоҳо бир аркка,
Кўнглида тошарди ғурур не чоғлиқ!

Ҳа, бу обидалар — бу нақш, бу девор,
Тимлару кўприклар, не-не кошона,
Шу халқ меҳнати-ку, эмас бегона,
Аждод закосига барчаси ёдгор.

Бу диёрда не-не устозлар хоки,
Мангулик уйқуда не-не ғазалхон.
Нодирабегимдай бонуйи даврон,
Не даврон армони, зеҳни, идроки...

Шаҳри азим ўзи, қолмиш қадимдан,
Ўз довруғи билан ҳар корхонаси,
Ўз жаранг яллasi, ўз афсонаси,
Ошкор ва танти инграмас зимдан...

Тўп-тўп темирйўлчи ўтади барвақт,
Улан айта олур ўз ҳаётидан.
Манови жувонлар чевар зотидан,
Кўзларида олов — парпирайди бахт.

Уғлонлар ўтишар гўё сор бургут,
Не пари, не гулрў, лайло, ойбарчин,
Гўё тоғ каптари — кўҳлик кўтарчин,
Ҳунару касбидан бахти пойдор, бут.

Дўстлар даврасида ушатдим нон ҳам,
Устозлар изини суртганда кўзга,
Пайқадим (ўрин йўқ ўзга бир сўзга)
Бедорлик — бурч ўташ ҳали ғоят кам.

Нечоғлиқ пурҳикмат бу ҳаёт тарзи,
Ҳамон бўйнимдадир элу юрт қарзи!

Қўқон.

МАВЛОНО ЧАРХИЙГА БАҒИШЛАГАНИМ

«...Эй кўнгил, ихтиёр қилсанг-чи!»
(Чархий)

Гарчи сочлар оқарди қор янглиғ,
Қиссан гулузор қияпти.
Кўнгли лов-лов ҳануз нор янглиғ,
Ҳимматин садҳазор қияпти.

Бағрига боғламабди ҳеч вақт тош,
Нолакорликдан ор қияпти.
Даври давронга хўп оҳангдош,
Тантилик барқарор қияпти.

Кўнгли ашъоридек биллурун,
Ҳар на қилса — ошкор қияпти.
Ҳар ғазалга тўкиб кўз нурун,
Неки йўқ бўлса, бор қияпти.

Қимки майдонда сохта соз чалса,
Сохталикка дучор қияпти.
Майлига Чархий созу оз чалса,
Бир жаҳон завққа ёр қияпти.

Эл дилини шуъладор қияпти.

АРК

Дейдилар: бир осийни аввал дорга осдилар.
Нурсиз кўзларин ўйиб, кейин буқадай сўйиб,
Бекафан, бежаноза девор тагига қўйиб,
Устидан тош босдилар.

Кўрганлар ҳануз бормиш, эл-юрт аниқ билармиш,
Эмиш бир номаҳрамга ҳукмдор жазоси бу,
Фақат номаҳрамгамас, эл-юртга сазоси бу,
Девор тагидан ҳануз бўғиқ фарёд келармиш.

Бинокор йигит эмиш ўша девтарз исёнкор,
Қаранг, гишт тера туриб, қалъанинг деворидан,
Бир дарак олурман деб аркка асир ёридан,
Боққа термулган эмиш дилхун, телба, беқарор.

Йигитнинг йигит умри қалъа тагида қолди.
Беном не-не бинокор аркни хўб бежадилар,
На меҳнат, на усталик ва на меҳр тежадилар,
Фақат бемисол санъат эл эртагида қолди.

Нақшлармас, шудринглардек ёнар наққош тўккан ёш,
Бебош тождор айш қурмиш манов хос хоналарда.
Бетийиқ базм қурбони не олмос доналар-да!
Шундоғам бағри тошки... Ҳа, у замон бағри тош!

Ҳа, ўшандоқ эди арк:
Адолат деган сўзнинг маъниси пуч эди, пуч.
Диёнат деган сўзда қолмаганди қиттак куч,
Аркни қурганлар ўзи титрашарди гўё барг.

Жаҳолат қоронғулик... Эл бутун қуршовдайди,
Темирчига тенглик йўқ, ўроқчига қайда ҳақ.
Бўғзидан олинарди ҳақ излаган, тапа-тақ,
Заҳматкаш йиғлагулик бедаво тушовдайди.

Кимки бош кўтарса, бас, сал ўтмайин жувонмарг.
Таланар, мажақланар, уйи ҳам куяр эди.
Дўзах ваҳимасидан қандоқ мард суяр эди,
Ҳа, ўшандоқ эди арк.

Заҳматкаш одамларди — ҳалол ёвғон, ҳалол нон...
Йўқ, ём-ём эмасдилар. Йўқ, бар-бар эмасдилар.
Қайрағочдек қаттиғу лек ар-ар эмасдилар.
Ким билур, қолурди юрт тоқай шундоқ нотавон...

Инқилоб бўлмасайди ўша-ўша шум қисмат,
Суягимиз ғажирди сиртлондек тўп зўравон...
Арк бугун боболардан бизга ёдгор, дўст-ёрон!
Мангу эрк ва бахт учун Ленинга қуллуқ юз қат.

Қўқон.

СУМАЛАК

...Эрта кўклам дастурхон беаги-да сумалак,
Иссиқ нонни ушату ардоқлаб оша, меҳмон!
Ардоқлаб оша, меҳмон! Расо юз яша, меҳмон!
То сумалак бўлгунча у ҳалагу бу ҳалак...
Ранги ҳам, мазаси ҳам кўзга яқин, қаҳвойи.
Тонг отгунча тинимсиз қалак урар тўрт йигит,
Йигитларнинг йигити — ўйламангки, мўрт йигит.
Сумалаксиз беағни кўкламнинг шу илк ойи,
Егин деб ундар гўё кўкламда ҳаво ўзи.
Момолардан мерос-да, тансиқ ва эзгу хўрак,
Силланг қуриганида дардга дармон шу хўрак,
Дармон гапми маъжун бу, ноёб бир даво ўзи.
Сумалак татиб мен ҳам эсладим ёш чоғимни,
Қозон теварагида тун уйқусиз ўтарди.
Чилдирма, ўйин-кулги, ҳамма тонгни кутарди,
Қандоқ унутай ахир ўз она қишлоғимни.
Тонгдан бошланур эди тўйдаи сумалакхўрлик,
Иштаҳабоп, тўқ тутар, тўқ буғдойнинг мағзи-да,
Болдек эриб кетади, егуликнинг нағзи-да,
Товоқчада ўртага қўярди онам шўрлик.
Қайга борсанг бунда ҳам сумалаксиз ўтмас чой,
Сумалаги ёнида ҳовурлик кўк сёмса ҳам.
Шоҳона зиёфатдан, айтинг-чи, нимаси кам,
Бобо деҳқон кўп сахий, давлати нақ оқар сой.
Қайга борсанг — сумалак, қайга борсанг — сумалак,
Танглайда лекин ўша сумалак мазаси бор.
Кўнглимда ҳануз-ҳануз онамнинг азаси бор,
Мозорини тополмай ҳануз-ҳануз мен ҳалак.

Балиқчи.

СУТДЕК ОЙДИН

Сутдек ойдин эди, боғ нимхуш салқин,
Суянгандим бодом бутоқларига.
Расо гуллаяпти боғ — кўзларда чақин,
Эгилдим гўё қиз дудоқларига.

Оқарди аввало, қизарди кейин,
Қийнар эди гўё қизлик ҳаёси.
Тўсат бўса олдим, сўз йўқки, қийин,
Оҳ, ойдин тунларнинг телба савдоси...

Бодом ниманидир ҳадеб пичирлар
Новдалари гўё қучар бўйнимдан.
Қайдам не ҳодиса — не сеҳр, не сирлар,
Таслим бўлди магар, жилмас қўйнимдан.

Оҳ, ойдин тунларнинг телба савдоси.

ҲАНДАЛАК

Полиздан ҳандалак ҳиди анқийди,
Уқариқ бўйида саҳар уйғонсам.
Атир оғушида олам балқийди,
Ҳаво элексирдай, қанийди қонсам.
Кўзлар илғагунча полиз, бедазор,
Бедана вавағлар тўрғай кетидан.
Яшиллик салтанат қурмиш беғубор,
Ўпич олгинг келур ҳаёт бетидан.
Кўкракка уради ёқимтой салқин,
Чечаклар товланур — чечакларда ноз,
Ҳаммаси, ҳаммаси кўнгилга яқин,
Ҳаммаси дилрабо, суюк, сўлим, соз...
Ҳандалак узаман муздек ва ёрқин,
Беқасам ҳандалак — чипор ҳандалак,
Қўлимда ловуллар гўёки ёлқин,
Қуймадек бежирим, ипор ҳандалак,
Ҳа, аслида қуёш зарраси бу ҳам,
Она тупроқ тотти, тупроқ шираси.
Емишларнинг тенгсиз барраси бу ҳам,
Жаннатда йўқ ўзи, гапнинг сираси!
Бу ўзбек бобонинг асрий санъати,
Сув бўйида сўйсанг, тилим-тилим бол.
Она табиатнинг тансиқ неъматини,
Дала файзлик, хушбахт, фусункор, ҳалол.
О, ҳандалак бўйлик, сув бўйига кел.
Сени кўргим келиб, ҳозир кўнглим сел.

Анджон.

СИЗ ШУНДОҚ...

*(Андижон бадиий буюмлар фабрикаси
чеварларига бағишлаганим)*

Қўли гул, ақли бутун
деганлари сизларсиз,
Жомакорлик ва дуркун,
ажаб лобар қизларсиз.
Бахтимиз жиғасида
бебаҳо гавҳарларсиз,
Чинакам чеварларсиз,
чинакам чеварларсиз.

Тонглардан нусха олиб,
тикасиз сўлим палак,
Фусункор ва дилрабо,
гўё парча камалак.
Сиз шундоқ париларсиз,
сиз шундоқ малакларсиз,
Тўйлар безаксиз қолур
сиз тиккан палакларсиз.

Зап гиламлар тўқийсиз
нур тўкиб кўзингиздан,
Ҳар қатим, ҳар бўёқда
нишон бор ўзингиздан.
Кўкламдек барқи ял-ял,
сиз шундоқ санамларсиз,
Уйлар безаксиз қолур
шу попук гиламларсиз.

Ерқин мўъжиза мисол
чимкаштаю зар дўппи,
Олам бурчакларида
кўз ўйнатур ҳар дўппи.

Ушандоқ дўппиларсиз
 ноғўқисдек бу ҳаёт,
Қуллуқ айтар кенг дунё —
 одам деган улўф зот.

Белга дармон сиз тиккан
 не-не шойи белбоқ ҳам,
Хаёлингиздай гулгун,
 орзунгиз янглиғ кўркам.
Шу тамтам белбоғларсиз
 бемаънидек бу ҳаёт,
Санъатингизга қойил
 одам деган улўф зот.

Кўнглингиздек беғубор
 сиз тиккан ипак дурра,
Чечаклар нусхаси бу —
 маҳлиё бутун курра.
Сиз ўзингиз чаманда
 чиройли чечакларсиз,
Ҳар қайсингиз бир ошиқ
 умрига безакларсиз.

Қўли гул, ақли бутун
 деганлари сизларсиз,
Жомакорлик ва дуркун,
 ажаб лобар қизларсиз,
Бахтимиз жилғасида
 бебаҳо гавҳарларсиз,
Чинакам чеварларсиз,
 чинакам чеварларсиз.

Андижон

А С О

Йўлбарсдай йигит эдим,
 Ҳа, бир оз чўккандайман.
Бемаҳал аёзларда
 Бевақт барг тўккандайман.
Мен ўтган йўл чағирлик,
 Тошлоқлик бўлган эди,
Азиятлик, чигиллик,
 Жумбоқлик бўлган эди.
Мен ўтган йўл шиддатлик,
 Беаёв бўлган эди,
Ҳар фарсаҳда миннатлик
 Сўқур дов бўлган эди,
Созингни жаранглатма!
 Тиндир!— дедилар бир кез,
Тиндирсам: нодон гўдак!
 Синдир!— дедилар бир кез,
Олчоқлик ва чақимнинг
 Дажжол дағдағасида,
Неча гал аранг қолдим
 Тубсиз жар ёқасида.
Неча гал ноҳақ сазо,
 Бадномлик қутқу солди.
Дилимда ранжи қолди...

Йўқ, замондан ўпкам йўқ,
 Халқда не гуноҳ ахир!
Халқданмас, бадкорлардан
 Насибам бўлди тахир,
Қорун ҳам ўзимизда,
 Шаддод ҳам ўзимизда,
Нокас ҳам, нотанти ҳам,

Бедод ҳам ўзимизда,
Тангрига тухмат қилманг,
Шайтонга тухмат қилманг,
Барн ўзимиздайди,
Замонга тухмат қилманг.
Азозил дегани ҳам
Нақ ўз ичимиздайди,
Азроил дегани ҳам
Кундуз-кечимиздайди.

Талай умбалоқ ошдим,
Чўчимай турдим тағин,
Олисни кўзлаб-кўзлаб,
Елдим-югурдим тағин.
Негаки мен ҳамиша
Замонга ишонгандим,
Замонга ишонгандим,
Инсонга ишонгандим.
Негаки мен ҳамиша
Халқимга ишонгандим.
Халқимга ва инсоний
Ҳаққимга ишонгандим.
Нокаслардан жиркандим,
Жирканурмаи ўлгунча.
Улганим тузук эди
Ёвузга ем бўлгунча.
Ҳа, шундоқ. Мен ўтган йўл
Узунроқ бўлгани рост,
Оқибатда кенг, донғил,
Сутдай оқ бўлгани рост,
Яхшики, бу оламда
Ильич бор ва барҳаёт,
Шарманда бўлмай қолмас
На малъун, на ёвуз зот...

Менга тортиқ қилдингиз
Бир асо — соябонлик,
Бу тотувлик. Англадим,
Бу эзгу қадрдонлик.
Дилимга олов тушди,
Қоплаб олди ҳаяжон,
Анчайин гап эмас, ҳа,
Бу чўнг рамзий армуғон.

Чўпон ўз таёғини
 Қандоқ қадрлар бўлса,
 Боғбон яшил боғини
 Қандоқ қадрлар бўлса,
 Мерган ўз қўндоғини
 Қандоқ қадрлар бўлса,
 Бургут асқар тоғини
 Қандоқ қадрлар бўлса
 Тилсимлик асонғизни
 Қадрлагум ўшандоқ,
 Заҳматкаш сиймоғизни
 Қадрлагум ўшандоқ,
 Ленинчи законғизни
 Қадрлагум ўшандоқ,
 Менга чўнг парвонғизни
 Қадрлагум ўшандоқ.
 Сиз — олам жамолисиз,
 Ақлда ҳам расосиз.
 Сиз ўзингиз одамзод
 Суянгувчи асосиз.
 Кенг жаҳоннинг тутқаси,
 Ёруғ умиди ҳам сиз,
 Ярашади жаҳонлар
 Соянғизга букса тиз...

Хушвақтман асонғизга
 Суяниб умр кечирсам,
 Зора у йиллар доғин
 Дилдан тамом ўчирсам...
 Агар бошимда тағин
 Пайдо бўлса сур булут,
 Жала хавфи, дўл хавфи
 Ўчирмоқчи бўлса қут,
 Барини даф этгуси
 Шу асо, шу соябон,
 Умр йўлларин ўтгум
 Бехатар давон-давон.

Заҳматкаш халқим, қуллуқ!
 Қуллуғим бор юз қатла,
 Бурчим тоғча, ўғлингман,
 Ўтагум риёзат-ла...
 Мен сенга суянгандим,

Мен сенга суюнгайман,
Сендан сал пари бўлсам,
Енгайман-ўртангайман,
Шеъримда, жўмард халқим!
Юз қатла ардоқлагум,
Менга ишончингни ҳам
Биратўла оқлагум.

Яхшики, бу оламда
Ильич бор ва барҳаёт...

Н Ш Ъ О Ш Н

...Мавж урар кўм-кўк дунё —
кўз илғамас пахтазор,
Бунда оқшом тушгунча
тушмас сира коржома,
Боболардан мерос касб,
асқатгулик сеҳри бор,
Тупроқ жўнида гўё
ҳар қайси бир аллома.
Бунда йигит-яланг ҳам
гўёки бободехқон.
Миқти, билагон, етук,
кичигидан-каттаси.
Бободехқонлар эса,
Сўз йўқки, доно-кордон.
Қўлларида гўёки
Юз бир аср паттаси.
Бардоши тоғлардек қурч.
Шамоллар совуролмас.
Олис, улуг боболар
нечоғлик ҳақ сўз демиш:
Йўлдошлик — йўлда қолмас,
оташ ҳам қовуролмас,
Қари билганин ҳатто
пари ҳам билмас эмиш.
Қуёш кўк пештоқида,
айни туш, олам чанқоқ,
Айвон бўйлаб ёзиғлиқ
дастурхон тўкин-чочин,
Туш-тушдан келишади
бригада ҳорғин, чарчоқ,

Неча-неча алпкелбат
 алпомиш ҳам ойбарчин..
 Нечоғлик сўлим жой бу!
 Қандоқ салқин, сояли!
 Донғил айвон ёнбоши
 данғиллама хоналар.
 Шунча шинам, баҳаво,
 қўшиқлик, ҳикояли,
 Бўй қизлар, жононалар,
 келинчаклар, оналар...
 Баланд сўрилик тоқзор,
 Гуллардан таралур ранг.
 Иўлай олмас сал-пал ҳам
 саратон, сурбет олов.
 Саёқ ел қутурса-да,
 бу айвонга қўнмас чанг,
 Қиялаб ўтар-кетар
 ҳар нечук алғов-далғов.
 Тупроқ бағирлаб ётур
 Яшил тўлқин — кўкпалак,
 Димоғларни ёргудек
 жамбил ва райҳон ҳиди.
 Юмалар палак-палак
 тўрламаю ҳандалак,
 Шундайроқ андижонлик
 жўмард пахтакор диди...
 Узум ҳам, луччак ҳам шай,
 шафақдай жиззалик нон,
 Тўй ошидек тортилуру
 шўрвами ё кулчатой.
 Хушвақт ҳордиқ барчага
 бирдек бағишлар дармон,
 Ҳандалаклар сўйилур,
 аччиқ-аччиқ тағин чой.
 Сал ўтмай қизалоқлар
 чилдирмаю тор олур,
 Сув оқар юз айланиб,
 гўё кумуш қўнғироқ.
 Уғлонлар ҳам мудрамас,
 шўх ялла бошлаб қолур,
 Уйинчилар — оқар сув —
 чарх уришар бетуроқ...
 Қатор сим каравотча —

Уйинчоқдай бежирим,
 Дўндиқ болажонлар бу —
 оқ чойшаб, ясан-тусан.
 Бу даргоҳдан нарироқ
 кўчириқ, ирим-сирим,
 Эшқора ё Тошқора,
 Ойгул ё Ҳасан-Ҳусан...
 Бригадир жилмаюр —
 қорамағиз, жўн, чайир,
 Кўзларида то ҳануз
 чақнар тим-қора учқун.
 Йигитлари шўх, шаштлик,
 сесканур қорабайир,
 Азмига бас келолгай
 на бўрон ва на кўчкин.
 Гул бўлди, гулзор бўлди,
 кенг-мўл боғу роғ бўлди
 Умр бўйи манглайдан
 ариқ-ариқ оққан тер.
 Хирмон шарофати-ла
 йил сайин дил чоғ бўлди;
 Қозон ҳам, чўмич ҳам мой.
 Давлатим пахтазор, дер...
 Шу ёшга кирибдики,
 меҳнатсиз ўтмабди кун.
 Ҳамиша қўли баланд,
 ҳамиша нони ҳалол.
 Шериклик — улкан рўзғор,
 баъзан бўлса ҳам дилхун,
 Умри ҳам, меҳнати ҳам
 баракалик, безавол.
 Салкам қирқ йил бригадир —
 айтарлик осон эмас,
 Қирқ аъзода қирқ мижоз,
 қирқ қирралик дард бор-да.
 Қирқ кўчага кирмаса
 ҳар кун, тинчидим демас,
 Шундоқ юк елкасида,
 ҳазитмиди, саркор-да.
 Қирқ заҳматканш олқиши,
 ҳурмати эксиз-чексиз,
 Қирқ уйга боғлиқ-да дил,
 ўртада нону оши.

То тун ярмига қадар
ҳисоб-китоб, вақт тигиз,
Саҳар кўз очиб тағин
қачон ухлар ишбоши.
Терга фарқ ўйга ботар,
қурар не-не режалар,
Икир-чикирдан тортиб,
Куздаги тўйларгача
Юз етмиш гектар тупроқ —
сув ҳам ўғит тежалар,
Уйлайди паррандадан —
яйловда қўйларгача.
Лекин ҳаммадан кўпроқ
хаёл кўк экинзорда,
Учагон ўйларин ҳам
оқ хирмонда ҳамиша.
Ҳосилга қўр тўкса ҳам
қайта-қайта шудгорда
Ҳали сув, ҳали чопиқ,
О, тугамас ташвиш-а!
Бегона ўт балоси
ёки ялмоғиз кана,
Ноғиҳоний офат-чи,
бўронми ё жаласи.
Оҳ чекмас дилида гар
қутурса ҳам пўртана,
Қўлдоши қирқ заҳматкаш,
қучоғи кенг даласи.
Қўлдоши тракторчи,
чилпигувчи ва сувчи,
Ёлғиз аравакаш ҳам,
агрегат дарғаси ҳам,
Қўлдоши тупроқшунос,
пазанда, нон ёпғувчи,
Унсуннинг аммаси ҳам,
Қўчқорнинг тоғаси ҳам.
Соқолин қиртишлашга
баъзан жиндак вақт топмас,
Ҳамиша баланд чўққи
марраси-ю, мўлжали.
Югурган етар, дерлар.
Ишбоши бежиз чопмас,

Чўққи кўзлаганларнинг
иши ўнг ва ўлжалик.
Елкасида ҳар қалай
ташвиш мўл, енгилмас, ҳа,
Қирқ кўнгил ҳамияти,
қирқ уй азияти бор.
Юрт кўнглини топмаган
кўнгил ҳам кўнгилмас, ҳа,
Фидокор, танги, жонбоз,
доим оқ нияти бор.
Не чора, ишбоши-да
ҳаммасига жавобгар,
Бирига оға бўлса,
ўзгасининг дадаси.
Қирқ пахтакор номидан
баралла солган-ку жар:
Гектаридан эллик беш
бу йил элга ваъдаси.

Андижон.

ҲИНДУ РАҚҚОСАСИГА БАҒИШЛАГАНИМ

Сен ўйинга тушдинг ёруғ саҳнада:
Хаёлимдан ўтди ўша лаҳзада,
Қадимдан қадимроқ бир тарих узун.
Рақсингга саҳнайди не қора ўрмон,
Рақсингга саҳнайди не яшил сайҳон,
Рақсингга саҳнайди буюк табиат,
Қушлар ва оҳулар, кўллар, қоялар...
Рақсингга саҳнайди сирли эҳромлар,
Рақсингга ташнайди фаслу айёмлар,
Рақсингга ташнайди тангрининг ўзи,
Тикиларди эҳром меҳробидан зор...

Сен ўйинга тушдинг ёруғ саҳнада:
Хаёлимдан ўтди бир тарих узун,
Салтанати чексиз, давлати фузун,
Ўйнар эдинг Бобир саройида ҳам,
Пешонангда йирик ва ясама хол,
Оёғингда қувноқ қўнғироқчалар,
Суягинг бормиди, қайдам, ёки йўқ.
Ўйинга тушардинг кийикдек асов,
Ўйинга тушардинг тойчоқдек ҳуркак...
Сен ўйнадинг узоқ ва соҳирона:
Сузилиб боқарди шоҳ шоирона,
Рақс тугаб, бошингни эгдинг боадаб,
Сенинг шоҳ рақсингдан, сенинг сеҳрингдан
Шоҳижаҳон сархуш, зал сархуш эди,
Сенга отилганди ипак нақш ҳамён.
Маҳлиё кўзлардан олқиш ёғарди,
Бахтнома сўзлардан олқиш ёғарди...
Сен ўйинга тушдинг ёруғ саҳнада:
Созлар таранг эди, қўшиқ жарангдор,

Сен ўйнардиг гўё бир ғишт устида.
Ўтмиш садосидай узун бир оҳанг,
Нолакор, шиквалик, маҳзун бир оҳанг,
Юракни эзгудек аламли, толғин,
Куйдиргудек чанқоқ, куйгулик ёлқин...
Кўз ўнгимдан ўтди келгинди қулдор,
Кўз ўнгимдан ўтди не-не исёнкор.
Замбарак оғзига боғлаб отишлар,
Сендай жононларни қулдек сотишлар,
Тоғмаҳал кўркига ғубор қотишлар.
Олис, чўнг оролдан келмиш у маккор..

Эриб оққан янглиғ донғил зал жим-жит,
Сел бўлиб, кўз тикар барча шайдо, дол.
Ўйинга тушардиг содда, фусункор,
Дилдош ва дилрабо, ҳижронзада, зор.
Қанот елпиб учар саҳнадан пуравж,
Қанот қоқар оҳанг бетоқат, бесабр,
Томоша залнинг кўк гумбазида
Чарх урар гиргиттон янғироқлари,
Ўтиб дарчалардан ва тирқишлардан
Тошкент осмонида қоқади қанот.
Сенинг ўйининг ҳам ўшандоқ мунглуғ,
Ушанча ғуссали, бўғиқ, диққинафас,
Фақат ўзингтамас, бизга ҳам қийин...
Қиссадай етаклар алмисоқларга,
Қиссадай ўтади бир-бир сиёҳ тун,
Узуқ-юлуқ эмас, қиссадек бутун,
Қиссадай етаклар кўп узоқларга,
Қиссадай кўринар аён шу бугун...
Шўх ўйин уланур анчадан кейин,
Гўё чўққилардан тиниқ булоқлар,
Ёки дараларда югурик ирмоқлар,
Талпиниб-талпиниб оқар ноғиҳон.
Ғуссаларни барбод этгувчи оҳанг,
Бу ғовларни узиб отмоққа қодир,
Юракларга ёғду сочмоққа қодир,
Дилларни дарров шод этгувчи оҳанг
Талпиниб-талпиниб оқади равон.
Сен ҳам рақс тушасан бу мавжлардан маст,
Оҳанг ва рақс гўё жондошу пайваст.
Сен ҳам чўққиларда асов ирмоқдек,
Сен ҳам дараларда тиниқ булоқдек,

Ёки арчазорда шахло кўз жайрон.
 Шунчалар ғамзақор, шунча сеҳрли,
 Нафақат сеҳрли, бир жаҳон сирли.
 Ўхшаши топилмас шўхона жавлон,
 Ёки эрта саҳар қоронғусида
 Эзгу Гаг дарёси тўлғонур гўё,
 Ё қирғовул қўниб кўл қирғоғига
 Ўзбек хонатласи товланур гўё;
 Кўзларда (ё раббий, бу қандоқ кўзлар!);
 Кўзларда тонгларнинг жамоли ёнур;
 Ё қирғовул қўниб кўл қирғоғига
 Булбул навосидан маст сувга қонур;
 Зал нафас олмайди, кенг зал маҳлиё,
 Кўнгилларга ёғар, мовий бир зиё...
 Ҳа, кўнгиллар сел-сел, кўзларда ҳам барқ,
 Барча рақс завқига ғарқ бўлганди, ғарқ,
 О, сен шу оламдай қадим она Шарқ,
 Мудом порлагайсан тонглардай ярқ-ярқ...
 Наҳот мен қололсам санъатга бефарқ?
 Йўқ, эсимга тушди бўлак бир жонон,
 Кўзларида чақнаб қора чақмоқлар,
 Худди шу саҳнада урарди жавлон,
 Худди сен сингари бир офатижон,
 Оҳ, унинг ишвакор қарашлари-ей,
 Ҳай, ҳай, у санъатни унутиш оғир...
 Хаёлимдан ўтди бебошвоқ даврон,
 Дардли бир дoston...
 Биров хуштор бўлур назокатига,
 Биров хумор бўлур назокатига,
 Биров хумор бўлур фаросатига,
 Биров ошиқ бўлур жон офатига,
 Биров санъатгамас, малоҳатига...
 Одам ҳам бу бобда анойи эмас,
 Буғу буқасидан қолишмас қиттак,
 Майдондан чиқмагай шоҳлар сингунча,
 Не шоҳлар, юраги тамом тингунча.
 Айиқдай олишар, итдай солишар,
 Бўғишар, ғажишар. Оёқ чалишар...
 Сулувлар ҳам, сўзсиз, бўлади хил-хил,
 Юз миждоз, юз дил...
 Мана рақсинг тамом, худди ўша он
 Гумбаз қалтирайди қўш қарсақлардан,
 Янғироғи ўтар не фарсаҳлардан,

Саҳна товланади гулчечаклардан,
Зал сархуш, эл сархуш бу эртақлардан...
Бошингдан гул сочур қизлар, ўғлонлар,
Санъатингга ошиқ оддий инсонлар —
Сенга бош эгади меҳнаткаш Тошкент!
Сени ҳеч кўрмайлик жигархун, нохуш,
Қанот ёзма гўё яралик бир қуш,
Жилмайишни қўймай қувноқ рақсга туш,
Ўз уйингдай яйра, пешкаш Тошкент!

* * *

О, сен олам янглиғ қадим она Шарқ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМЛАРИ

Андижондан учиб келаётгандик,
Сўнги рейс эди-да, кечқурун эди,
Дарчадан қарасам қуёш чўкмоқда,
Ҳориб-толганидан нишона янглиғ.
Қизариб, бўзариб, сарғайиб, сўлғун,
Шарқ томондан босиб келар эди тун,
Бу томонда оқшом ғира-шираси,
Сал ўтмай кўринур суюк пойтахт.
Мана, ёндошдик ҳам, ҳо, азиз Тошкент,
Бунчалар ёйиқсан, бағри кенг ва мўл,
Бунчалар улугсан ва ҳашаматлик,
Бунчалар ёруғсан, бунча савлатлик,
Бунчалар азамат, чиройли ва соз,
Кун сайин қадрлик, суюк, дилнавоз,
Ер ости саройлар, музахоналар,
Музахона эмас, шоҳ афсоналар,
Кун сайин юксакроқ учар доврўғинг,
Кун сайин олисроқ кўчар ёруғинг.
Кун сайин машҳурсан, зўрсан нечоғлик,
Кўллик ва дарёлик, гулзорлик, боғлик.
Не олис қитъалар тилашур соғлик,
Сени тарк этганлар мангу дил доғлик...
Андижондан учиб келаётгандик,
Самолёт сал ўтмай Тошкент устида,
Соғиниб, суқ билан пастга қарайман:
Анави Серкали, манав Чилозор,
Гўдаклик кезларда, тик жар тагида
Чўзилиб кетганди интернат боғи,
Бунда ёз ойлари тер тўқишарди,
Ёзда экиб-тикиб, қиш ўқишарди,
Бу юртнинг бемаҳал етимчалари.

Серкали деганим — дарёнинг бўйи —
Қадим Мингўрикнинг шарқий чеккаси,
Бир кезлар мевазор, чакалак эмиш,
Булутга бўй чўзмиш қайрағоч, чинор.
Битта-битта кесмиш рус тўралари,
Салтанатнинг тантиқ не жўралари.
Чакалак не, улар Наманганда ҳам
Асрий ёнғоқзорни қирқишган бутун,
Асрий ёнғоқлардан дўндириб жиҳоз,
Элтишганлар жаҳон бозорларига,
Сотишганлар жаҳон тождорларига...
Қолган-қутганини қуритмиш бир-бир
Тубжой тўралар ҳам ўнғай баломас...

Самолёт айланур Тошкент устида,
Соғиниб, суқ билан пастга қарайман:
Ленин хиёбони, мрамар кошона,
Нурдан ҳам оқ, ёрқин Ленин музейи:
Ўнг қўлин кўтариб тўғри Шарқ томон,
Тик ва бедор бунда доҳийнинг ўзи.
Ана тоғ ўмровлик санъат саройи,
Ойнайи жаҳон ёнгинасида.
Ажиб даҳоларнинг давраси ану,
Ҳазрати Навоий ғазал ўқишда
Ана шу шеърят хиёбонида,
Бу ёнда, пойтахт дарвозасида
Кўкрак кериб турар комиссарлар тик,
У ёнда ярқирар академия,
Анави Текстил, анави Сельмаш.
Санаганинг билан бўлмайди адоқ.
Ҳазилмиди, ахир пойтахт-да бу:
Чироқ, чироқ, чироқ ял-ял бесаноқ,
Чироқлари, лўппи ва чўнг оқ чаноқ,
Ёруғлик шунчалар устма-уст, пурмавж,
Кўз узиб бўлмайди, сеҳрий манзара,
Жозибадор, ярқ-ярқ, оқин, шаршара,
Нима бу, эртақми ё Эрам боғи,
Ёки хаёлотми ё нур аймағи?
Йўқ, самолёт секин қўнмоқда эди
Сўнгсиз бир қаҳқашон устига гўё...

О, сен ёрқин оқшом! Тошкент оқшоми!

ОЛТИН ҚҰЛЛАР

Қўшиқ

Тонг чоғидан — оқшомгача пешонада тер,
Амрингизга фармонбардор не дарё, кўллар,
Сувга қонар, гул-гул ёнар қанча заранг ер,
Дард кўрманг ҳеч, эй олтин қўллар!

Бободехқон, энг улуғ ном, энг шарафли ном,
Дев азмингдан яшнамоқда не чанқоқ чўллар.
Кези келса айём-айём бедор, беором,
Дард кўрманг ҳеч, эй олтин қўллар!

Сувчи ҳам сен, дарға ҳам сен, чўнг кимёгар ҳам,
Ғов бўлолмас ҳозир бало, жалаю дўллар,
Азаматсиз, валломатсиз, не ҳикматлар жам,
Дард кўрманг ҳеч, эй олтин қўллар.

Кўкламдан то қишга қадар мардоналарсиз,
Оқ тоғларга то тўлгунча кузда ўнг-сўллар.
Ҳар ғўзага шайдоларсиз, парвоналарсиз,
Дард кўрманг ҳеч, эй олтин қўллар!

Ватан тенгсиз, Ватан қутлуғ, Ватан улуғвор,
Не-не аждод армон қилмиш бу эзгу йўллар,
Қутлуғ замон ардоғида азиз пахтакор,
Дард кўрманг ҳеч, эй олтин қўллар!

ТОШКЕНТ ТАРОНАЛАРИДАН

Эй, пешона боғлиқ, қўли қадоқлик,
Эй, суюкли пойтахт — оқсоқол шаҳар.
Заҳматкаш юртимга ўта ардоқлик,
Шавкатлик, давлатлик, безавол шаҳар;
Қайтиб келмас асло ғўрлик, тарқоқлик,
Инқилоб фарзанди, мард, ҳалол шаҳар;
Энг суйган қўшиғи дўстлик-инноқлик,
Денгиздек нур тошқин, баркамол шаҳар;
Пахтакор ўзбекнинг ўзак қалъаси,
Эрк юрти, бахт юрти — Шарқ машъаласи.

Бир кез санашмасди сени ҳатто енг,
Нечоғлик қадринг зўр, нақадар суюк,
Ўн тўрт пойтахтга бугун бўйинг тенг,
Менсимаса майли кўзларки куюк.
Қардошларга очиқ қучоқларинг кенг,
Дўст бахти — бахтингдан бебаҳо, буюк.
Улка сиймосида гўё ёрқин менг,
Ўзбек кўтаролган юк ўзи бу — юк...
Тарих тўлқинида оқсак, бўйласак,
Фурур чулғаб олур сени ўйласак...

Эсда-ку ер қаъри қалдираган кун,
Ҳам ошдинг, ҳам тушдинг симоб сингари.
Оний бир офатдан қалтираган кун,
Нажот олинсдайди сароб сингари...
Етиб келган эди Ильичнинг ўзи,
Етиб келди кейин ўн тўрт оғайни.
Далда бўлган эди жўмард дўст сўзи,
На фақат дўст! Йўқ, йўқ, жигар-ку айни...
Хатардан илон ҳам ташлаганда пўст,
Жон аямас шундоқ жигар, қалин дўст...

Қайда ботқоқ йўллар, қинғир кўчалар,
Пастак том, бостирма — шўр, зах, лойтувоқ,
Омонат тимлару бадбўй мўрчалар
Чекинмоқда бир-бир кўлмак, лой шувоқ.
Мовий кўкка ўрлар не-не қошона,
Оқ мәрмар, кўк мәрмар — ярашиқ сарпо.
Донғил ва хаёлий томошахона,
Барчаси қардошлик азмидан барпо...
Сир эмас, хароба сурилаётгани,
Соат сайин созроқ қурилаётгани...

Бобо кенг — кун сайин ёшдан-ёш кентсан,
Довруғинг жаҳонда порлоқ зиёдек.
Ҳамиша тўлғунсан, чошдан-чош кентсан,
Элларга азизсан меҳригиёдек.
Оламга таниғлиқ ажиб тош кентсан.
Ғуборинг кўзларга нақ тўтиёдек.
Не-не янги кентга ўзинг бош кентсан,
Урнаксан, сахийсан, мўлсан дарёдек...
Қутлуғ замонда эй қутлуғ даргоҳ,
Ўзи қулар кимки сенга қазса чоҳ...
Етмиш элга тансиқ не-не корхона,
Ёт суқи кирмасин — кўз ҳам қизғанчиқ...
Меҳнатни қадрлар одил замона,
Ишчи бу оламга (ҳақ сўз!) суянчиқ...
Ҳар қадами шараф, азмкор, мардона,
Ортада қолди ботқоқ, тойғоқ, сирғанчиқ.
Дунёда пойтахт бор алп ва ягона,
Шаштидан шум қалбга санчилур санчиқ...
Ягона пойтахтга ўғиллик қарзинг,
Яғриндор, тоғ ўмров, норғулдек тарзинг...

Сенда илму ҳунар фан саройлари,
Не сир, не тилсимот сендан эмас чет.
Асрлар йўлини ўтар ойлари,
Майли деганини десин ҳар безбет.
Тиниқ оқар бахтнинг жўшқин сойлари,
Меҳнат ўлжалари ошар кетма-кет,
Артилмиш ўтмишнинг қора лойлари,
Сенда бош қароргоҳ — ўзак комитет...
Инсоний дўстликка қоядек шаҳар,
Ярқирайбер гўё тенги йўқ гавҳар...

СЕН БОРСАН!

Эй, зулмат бағрини тешолган зиё,
Қора булутларни таратган бўрон,
Эл бахтини нурдан эшолган зиё,
Қудратингдан пайдо янги бир жаҳон...

Инқилоб! Инқилоб! Буюк инқилоб!
Йигирманчи аср мўъжизасисан.
Кимдир хоҳлагандек эмассан сароб,
Қўзғалган чўнг халқнинг ўт нафасисан.

Келди олислардан янгроқ, жарангдор,
Сен — Октябрь тонги урган бонг эди.
Ҳаёт-мамот жанги қонли, шиддаткор,
Минг йиллик тундан сўнг отган тонг эди.

Оқиб ўтди чиркин, жирканч бир олам
Одил, беаёв давр пўртанасида.
Нодонлик, қашшоқлик, асрий ранж, алам
Чекинди-ку меҳнат тантанасида.

Чекинди-ку ришта, безгагу мараз,
Чекинди азмингдан ўлат галма-гал.
Йўлинг донғил, ёруғ. Кўнглинг беғараз,
Азмингдан нечоғлик асрий жумбоқ ҳал.

Тупроқ қатра сувга зор бўлса агар,
Инсон ёруғликка, эрка ташнайди.
Эл оҳи осмонга ўрлаб ҳар саҳар,
Ким ўйлаяпти дунё бундоқ яшайди.

¹ Ўзбек шоирларининг улуғ инқилобнинг олтимиш йиллигига бағишланган мадҳиясига мен қўшган улуш бу.

Номимиз ўчишга оз қолган эди,
Эвоҳ, асрий тушдан эдик кўп карахт.
Инқилоб: «Тур, қўзғал, олға юр!»— деди,
Қирилиб кетишга сал қолганда вақт.

Бегонадай эдик ўз юртимизда,
Қўлга қурол олиб тушдик йўлингга.
Ботирлик уйғотдинг сен ўзинг бизда,
Қўл чўздинг биздақа олис ўғлингга.

Қўлга қилич олди не зодагонлар,
Лекин эркимизга бўлдик фидойи.
Кулса ҳам, юлса ҳам бўйни йўғонлар,
Жанг қилдик, жанг бўлса шундоқ киройи.

Сен бўлмасанг агар бу қутлуғ ҳаёт,
Бу ёруғлик, кенглик қайдайди бизга!
Сен бўлмасанг агар бу давлат, бисот,
Бу бахтнома, тенглик қайдайди бизга!

Эй, Ленин даҳоси — Ленин партияси,
Тенгсиз замон учун ўзбек миннатдор.
Бу ўтилган йўлнинг қисқа мадҳияси,
Сен борсан, ҳамиша зафар бизга ёр.

Сен борсан, эрта кун тагин улуғвор...

* * *

Ором оғушида мудрар эди тун,
Сукут бузар ёлғиз сув шовуллаши.
Ўлгунча эсимда сақланар беун,
Кўзлар ловуллаши, қалб ловуллаши...

Сочларинг толаси қўлимда ҳануз,
Атри эса ғариб жонимда бутун.
Қўрку латофатинг кўнглимда ҳануз,
Бебошвоқ жўш урар қонимда у тун...

* * *

Розиман, ризоман, ўла-ўлгунча
Халқим деб ўлдим.
Халқим нима бўлса, мен ўша бўлдим,
Юрагим, бўғилма, ўртанма бунча!

Ўзимга хиёнат қилдим аксар,
Халқимга хиёнат ўйлаганим йўқ.
Менинг юрагимни тешиб ўтдилар
Халқимга отилган талай-талай ўқ.

Қанча йўллар босдим, гоҳида толдим,
Лекин халқ номига юқтирмадим гард.
Фарёд солар чоқда жим бўла олдим,
Халқим дарди эди дил ўртаган дард.

Халқим етагида етдим вояга,
Халқ билан кулдим.
Бардошим сўз бермас, дейман, қояга...
Розиман, ўлгунча халқим деб ўлдим.

* * *

Бу йўлдан ҳар замон ўтганинг маҳал,
Бир жилмайиб қўйгин, савоб бўлади.
Қия қараб ўтсанг нетар лоқал,
Ноинсоф, токай дил кабоб бўлади.

Сўнгсиз хаёллару, не-не ёруғ туш,
У орзулар токай сароб бўлади!
Ўтмагин бепарво, ўтмагин хомуш,
Шу ўзи таппа-тақ менбоп бўлади...

МУНДАРИЖА

«Юрагимни севги чертган илк оқном...»	6
---	---

1961

Қор қўмсаш	7
Обой-бобой	10
Мухтор оға мотамида	12
Собит оға олтмиш ёшга тўлганида ва Тошкентга қўноқ бўлиб келганида айтганим	13
Ўтпараст сингари	15
Оқсоқол	16
Балиқлик бўйида	18
Балиқ ови	19
Тўрғай	20
Олтин қўнғиз	22

1962

Гул кўчат	23
Қимиз	27
Қончи чироғи	29
Қарқаралик	31
Келгин	32
Рашк	33
Тортиқ	34
Саккизинчи	35
Куз	36
Қиш эди	38
Соч оқлиги—кўнгил оқлиги	39
Биби Марям	40
Жавоб ўрнида	42
Пардалик	45

1963

Устозга атаганим	47
Сирдарё	48
Опоқи	51
Тарсаки	54
Боқиши	57
Барно	58

Сен баргида	59
Денгиз тинчимади—биз тинчимадик	60
Чўл кечаси	61
Олҳўри	63
Беҳишт	65
Уқимишли	68
Дорилфунун хиёбонида	72

1964

«Фасли баҳор, қир лолазор...»	75
Аразлик	76
Най	77
Чоллар	79
Чўл чечаклари	81
Мангу олов	82
Чанқоқлик	84
Ез ёмғири	86
Сув ва сулув	87
Ушандоқ	89
Кўнглим («Селдан кейин...»)	91

1965

Қалдирғоч	92
Кўклам элчиси	93
Мен кетганда	95
Ангиз	96
Ҳали ҳам	97
Ов	98
Сой	99
Шудринг	100
Кўғирмоч	102
Булоқ	103
Гўдаклигим	105
Епиғлик нон	108
Чўпон	109
Шумғия	110
Гултож	112
Кучоқ	114
Келмагин	116
Чигит	117
Илҳом парисига	118

1966

Оқиш	119
Салқин саҳар, дарё бўйи	120
Соз	122
Тарона	124

1967

Алёр	126
Навой кўчасида	129
Афросиёб	131

Култепа	184
Лолазор	135
Заранг коса синиғи	136
Йўлинг узун	137
Пушкин уйида	139
Кўз	140
Истардимки	141
Майли	143
Агар	144
Шундоғам севамакки	145
Куш тили	147
Гулчи	149
Хаттоқи...	150
Йўл қўшиқларидан	151
Қорхат	153

1968

Тупроқ тўғрисида	156
Юлдуз	158
Кулгичи	160
Қирғовул	162
Она юрт	163
Дунё бир сөз қўшиқдан завқ ололсайди	165
Биринчи сабоқ	166
Самарқанд шеърларидан	169
Йилбоши ўланларидан	170

1969

Ўзбекистонсан	172
-------------------------	-----

1970

Андижон адрларида	173
Қора денгиз қирғоғида сени соғинганим	175
Шодиёна	177
1971	182

1971

«Кўзларингдан ўргулай, қараб қўй қиё...»	184
«Бутун олам жамоли қизлар жилмайишида...»	185
«Сойларга тикилсам, кўзим ёшланур...»	186
«Истардимки, ҳар сатримда бир қўшиқ янғирсоғи...»	187
Қишлоғим	188
«Юртим, ўзинг қандоқ сөз ошинсан...»	190
Чавандоз	191
«Қўлингизга тутдим бир гужум чилин...»	194
Байрам қўшиқларидан	195
Аттанг!	197
Алёр тағин	199

«Қабамсан, шеърят, эзгу эҳромим...»	202
Ҷабек йўли	203
Мен туғилган тупроқ	206
Тағия тупроқ тўғрисида	208
Кўнглим («Кўнглим на ёқутда...»)	210
Излаганим («Ўйламангки...»)	211
Менлигим	212
Онагиним («Она бағрин...»)	214
Суйгулик	216
Тушмасин	217
«Қоронгулик тушар...»	218
Тун бўйи	219
Иззалик	220
Чирилдоқ	221
Сеҳр	222
Жужун	224
Бетоблигимда	228
Ача	229
Тўй	231

Қўклам	233
Чақмоқ	235
«Нечундир бугун шошиб...»	236
Чимилдиқ	237
Бир кез	238
Қўл ёқалаб	239
Буқабулоқ	240
Бу ўша	242
«Тун сукути чўкмиш зиллол ҳавога...»	243
Қуз қўшиғи	244
Қаҳрамоннинг даласи	247
Рус тили	250
Юлдузкент	251
Етмиш тўрт	253

Она тилим	257
Қишлоқда қиш	260
«Қўкламда, ёмғир мўл ёғса, дер эдик...»	262
Бўзтўрғай	263
Ўзим биламан	264
Излаганим («Қутишдан ғоят толдим...»)	265
Абдулҳаққа айтганим	266
Ёруғлик	268
Сойдан ўтиб олсак	270
«Босириқ тушдай босиб келур саратон...»	272
Ўсмирлик	273
Шароб	275
Армон	276
«Ўлан авжларида гул очади дашт...»	277

«Саратонда соябонинг бўлағин...»	278
«Кўз кўзга тушганди ой қучоғида...»	279
Тун	280
Кўк чой	281
Пахтакор тилидан	284
Ёрти аср қўшиқларидан	287
Хўрсиниқ	290
Овунчоқ	291
Норбуви	292

1975

Тошбу	294
Мўнди	296
Ола қарға	298
Жайрон	300
Мен келгум	301
Ёдгорлик	303
Тошкентим осмонидан	306
Кўкалдош	307
Қайда?	308
Ўқ	309
Қуш	311
Абюр Уидоят	312
Бахт қўшиғи	313
Тўртовлон	319

1976

Бахшиёна тўртликлар	321
Бевақт	323
Йил боши орзулари	325
Гоҳи	330

1977

Яёв улоқ	333
Қўқон ниҳоллари	336
Аҳёнда бир келсам	337
Мавлоно Чархийга бағишлаганим	340
Арк	341
Сумалак	343
Сутдек ойдин	344
Ҳандалак	345
Сиз шундоқ	346
Асо	348
Ишбоши	352
Ҳинду раққосасига бағишлаганим	357
Тошкент оқшомлари	361
Олтин қўллар	363
Тошкент тароналаридан	364
Сен борсан	366
«Ором оғушида мудрар эди тун...»	368
«Розиман, ризоман ўла-ўлгунча...»	369
«Бу йўлдан ҳар замон ўтганинг маҳал...»	370

На ўзбекском языке

МИРТЕМИР

Собрание сочинений в 4-х томах

ТОМ II

Редактор *Р. Абдурашидов*

Рассмлар: *Н. Циганов, Ю. Габзаллилов*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *Ш. Собирова*

ИБ № 1471

Босмахонага берилди 04. 01. 81. Босишга рухсат эғилди. 23. 3. 81. Формати 84×108¹/₃₂. Босмахона қоғози №1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 19,74+0,73 вкл. Нашр л. 13,31+0,23 вкл. Тиражи 10000. Заказ № 1360. Баҳоси 2 с.

Гафур Ғулوم номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.